

Ш. Наралиева, Н.Досметова

Қозоғистон Республикаси  
Таълим ва фан вазирлиги тасдиқлаган

# ЎЗБЕК ТИЛИ

Умумтаълим мактабларининг  
9-синфи учун дарслик



Almaty  
«Жазушы»  
2019

**ЭОЖ 373.167.1  
КБЖ 81.2 Узб-922  
Н 23**

### **Шартли белгилар**

	савол ва топшириқлар		тақдимот
	якка тартибда ишлаш		тинглаш
	жуфтликда ишлаш		сўзлаш
	гурухда ишлаш		ўқиш
	«Сиздан – савол, биздан – жавоб»		ёзиш
	муҳокама қиласиз		

**Наралиева Ш., Досметова Н.  
Н 23 Ўзбек тили. Үмумтаълим мактабларининг 9-синфи учун дарслик  
/ Ш. Наралиева, Н.Досметова. – Алматы: Жазушы, 2019. – 248 бет,  
расмли.**

ISBN 978-601-200-674-2

**ЭОЖ 373.167.1  
КБЖ 81.2 Узб-922**

ISBN 978-601-200-674-2

© Наралиева Ш., Досметова Н., 2019  
© «Жазушы» баспасы, 2019  
Барча ҳуқуқлар ҳимоя қилинган.  
Нашрнинг мулкий ҳуқуқлари  
«Жазушы» нашриётига тегишли.

## АЗИЗ ЎҚУВЧИ!

Қўлингиздаги ушбу дарслик мазмуни янгиланган таълим дастури асосида тузилган бўлиб, умумий ўрта таълим босқичининг 9-синфи учун мўлжалланган.

Бундан ташқари, дарсликдаги маълумотлар ўзбек тилини она тили сифатида алоқа тили ва билим олиш воситаси сифатида ўқитишни, сўз, сўз бирикмалари, гапларнинг матн ҳосил қилишдаги хизматини танитиш, тил бирликларининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда матнлар ҳосил қилишга ўргатишни, тил фаолияти давомида оғзаки ва ёзма нутқ меъёрларини ўзлаштиришни, таъсирчан нутқий фаолиятнинг грамматик меъёрларини ўзлаштиришни мақсад қилиб қўяди.

Дарслик саккиз бўлимдан иборат бўлиб, қуйидаги мавзуларни қамраб олган: «Мангу боқий эл – муроду мақсадим», «Жаҳоншумул масалалар», «Мустақиллик йилларидағи Қозоғистон: ЭКСПО-2017», «Инсон хуқуқи ва эркинлиги», «Оила ва демографик ўзгаришлар», «Биотехнология ва генетик инженерия келажаги», «Оммавий ахборот воситалари», «Табиий ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш».

Ҳар бир бўлимда берилган топшириқларни бажаришда оғзаки ва ёзма нутқ қоидаларига амал қилиш; ахборот излаш, топиш, ажратиб олиш ва уни қайта ишлаш; мулоҳазали фикрлаш, умумлаштириш, баҳолаш, олинган ахборотни талқин этиш/шарҳлаш; коммуникатив вазифаларга боғлиқ турли ўқиши турларидан фойдаланиш кўникмаларини такомиллаштирасиз. Шунингдек, оммавий чиқишлиарнинг

турли жанрларида монологлар яратса олиш, мулоқот вазиятига мувоғиқ танқидий баҳолаш; турли коммуникатив вазиятларда баҳс-мұнозаралар олиб бориш малакаларингиз ривожланади. Бундан ташқары сиз турли жанрдаги матнлар устида ишлайсиз, матнни тузатасиз ва таҳрир қиласиз.

Грамматик материал эса нутқий мавзуларга боғлиқ ҳолда ўрганилади. Ўтилган грамматик қоидаларни эсга солиши учун зарур ўринларда қоидалар ҳам берилді.


Тилни ўрганиш бошқа фанлар билан алоқадорликда, умумий мавзулар (нафақат ўзбек мәданияти, балки замонавий Қозоғистон воқеиликлари, унинг тарихи, мәданияти ва санъати ҳақидағи матнлар) орқали, турли фан соҳалариға тегишли матнлардан фойдаланиш, ақадемик тилни ривожлантириш орқали юзага оширилади.

Она тилини соғлигини сақлаб, уни пухта ўрганишда барчангизга омад ёр бўлишини тилаб қоламиз!

*Муаллиф*

I БҮЛІМ

## МАНГУ БОҚИЙ ЭЛ – МУРОДУ МАҚСАДИМ




Рұхан юқсақ, меңнати шарафли, бирлиги ярашған Мангұ Эл бүлмок үчүн бизда ҳамма нарса мұхәйё. Мустақиллик байроғини ҳилпиратиб, илдизини мустақамлаган бизнинг тарихимиз олдида юзимиз ёруғ! Бизнинг таянчимиз – мустақиллик, тилагимиз – барқарорлық, билагимиз – бирлик!

Мен халқымга ишонаман. Күк байроғимиздаги олтин бургуттай әлимиз қанотини көнг ёйиб, юқсақ чүққилардан күрінсін! Борини қадрлаб, йүқни яратылған бунёдкор юртимизнинг күк байроғи ҳамиша юксактарда ҳилпираіверсін”.

*Н.Назарбаев*

# 1

## МАНГУ ЭЛНИНГ САРКОРИ



### Қозоғистон – 2050. Мангу Эл



**1-машқ. Матнни дикқат билан ўқинг ва муроҳаза юритинг.**

Ўтган давр ичиди мустақил Қозоғистонимизни жаҳон ҳамжамияти тан олди. Глобаллашув, жаҳон иқтисодий бўхрони даврида ҳам республикамиизда ижтимоий-сиёсий аҳвол барқарор бўлиб турибди. Бу – барча қозоғистонликларнинг баҳти, ютуғидир!

Республикада тинчлик ва осойишталикни қарор топтиришда фуқаролар тотувлиги давлат мустақиллигининг асосий гарови эканини яхши англаған «Нур Отан» партияси ва унга раҳбар бўлиб келаётган Элбоши

Нурсултан Назарбаевнинг ҳиссаси бекиёс. Қозоғистонликларни «Нурли йўл» сари бошлаган Мангур Элнинг саркори – Элбошимиз билан ҳар қанча фахрлансан арзиди.

Мустақиллигимизнинг ҳар бир йили юртимида эркин демократик жамиятни барпо этиш солномасини алоҳида, сермазмун саҳифа билан безаб бормоқда. Истиқлол маънавиятимиз, умримиз, тафаккуримиз, турмуш тарзимизда ўзига хос из қолдирмоқда.

Бугун биз ўтган аср тўқсон биринчи йилининг декабридан бошланган янги, эркин ҳаётимиз тарихига назар ташлаб, амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қиласар эканмиз, қисқа вақт ичида буюқ ва асрга татигулик шонли йўлни босиб ўтганимизни ҳис қиласиз. Фақат биз эмас, жаҳон ҳамжамияти Қозоғистон ўзи танлаган, ҳалқига, миллий манфаатларига хос ва мос йўлдан дадил одимлаётганига, ҳар бир йилни барча соҳалар бўйича муваффақиятли якунлаб, янада фаровон ва баҳтли ҳаёт (маҳсулини) тадоригини кўраётганига гувоҳ бўлиб турибди.

Элбошимиз Нурсултан Назарбаев «Хотирани асрараш – тотувликни мустаҳкамлаш» номли китобида Мустақилликнинг илк йилини «асрга татигулик йил» деб атаган. «Хотира – ҳаётимизнинг асоси. У – инсон зоти то бу ҳаётда яшар экан, мангур йўлбошчи. Хотира – дарс, хотира – сабоқ. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Хотира – истиқболимиз пойдевори», – деб ёзади юртимида раҳнамоси.

2014 йилда мамлакатимиз инфратузилмасини янгилайдиган “Нурли йўл” мажмуий дастурини амалга оширишни бошладик. Бундан 3 йил муқаддам “100 аниқ қадам” – Миллат режасини эълон қилдик. Шундан сўнг, мамлакатимизнинг Учинчи янгиланишига киришдик. Унинг бош вазифаси – Қозоғистоннинг дунёвий рақобатга қобилиятлилигини таъминлай оладиган иқтисодий ўсишнинг янги моделини қуриш. Мамлакатимизнинг барқарор ривожланиши турмуш даражасининг янада ўсишига комил ишонч уйғотади.

Биринчи Президентимиз Мактубида таъкидланганидек, “жаҳонда рақобатнинг ўсиши ва барқарорликнинг йўқлиги туфайли мен 2012 йили



халқимизга таклиф этган “Қозогистон – 2050” стратегиясининг долзарбалиги ошмоқда. Биз олдимиздаги қийинчилекларни ўз вақтида кўра олдик. «Нурли Йўл» иқтисодий сиёсати ва «100 аниқ қадам» Миллат режаси туфайли биз мураккаб дунёвий ўзгаришларнинг дастлабки босқичидан муносиб ўтмоқдамиз. Фақат 2014-2016 йилларнинг ўзида иқтисодиётни қувватлаш учун қўшимишча 1,7 триллион тенге ажратдик. Бунинг ҳаммаси иқтисодий ўсиш ва бизнесни қувватлаш, 200 000дан ортиқ янги иш ўринлари яратиш имконини берди. Натижада, 2016 йил якунига кўра ички ялпи маҳсулотнинг 1 фоизга ўсиши таъминланди. Бугунти мураккаб шароитларда бу жуда муҳим”.

**Юртбоши Нурсултан Абишевич Назарбаев «Нур Отан» партиясининг съездидаги келажаги ягона миллат ғоясини илгари сурган олти мақсадни қўйган эди: этнослар тенглиги, учтиллилик сиёсати, ўрта синф – Қозогистон миллатининг асоси, «Мангу Эл» концепцияси асосида ҳужжат ишлаб чиқиши, мактаб дастурига – «Мангу Эл» умумқозогистон ғоясининг қадриятлари» номли янги фанни киритиш ва диннинг муҳимлиги.**

Жорий йилда Элбошининг “Қозогистонликлар фаровонлигининг ўсиши: даромад ва турмуш сифатини ошириш” Мактуби эълон қилиниб, унда белгиланган вазифалар жадал амалга оширилмоқда. Натижада, ҳар бир инсон, ҳар бир оила, айниқса, ёш оиласарга ғамхўрлик кўрсатиш юксак даражага кўтарилиди. Кексалар – иззатда. Ҳар бир оиласага бошпана олишнинг янги имкониятлари берилди. Ҳукуматга маоши кам ишчиларнинг меҳнат ҳақини ошириш учун солик миқдорини камайтириш, олий таълим олиш имконияти ва сифатини ошириб, талаба ёшларнинг ётоқхонадаги аҳволини яхшилаш, кичик насиялар беришни кўпайтириш, мамлакатни табиий газ билан таъминлашни давом эттириш ва бошқа қатор муҳим вазифалар топширилди.

“Нур Отан” партиясининг сайловолди шиори – “Бизни олдинда эзгу, буюк ишлар кутмоқда”. Элбошимиз таъкидлаганидай: “Қозогистон – Мангу Элга айланади. Шуни ишонч билан, фаҳр билан айтамизки, истиқлол бизни буюкликка элтади”.

*(Н.Назарбаев Мактуби.  
“Жанубий Қозогистон” газетасидан)*



- Матнда қандай долзарб масалалар күтарилиган, элбошимиз Қозоғистон халқи олдига қандай вазифалар қўймоқда?
- Нурсултан Назарбаев «Хотирани асрар – тотувликни мустаҳкамлаш» номли китобида қандай ғояни илгари сурган?
- Мустақиллик йиллари давомида нималарга эришдик?



- Матннинг асосий ва майда тафсилотли ахборотини аниқланг, матннинг ҳар бир абзацига эътибор қаратинг, асосий фикрни ажратинг. Тадқиқот учун саволлар тузинг ва ғояларни аниқ ифодаланг.



- Элбошининг “Қозоғистонликлар фаровонлигининг ўсиши: даромад ва турмуш сифатини ошириш” Мактуби юзасидан гуруҳларда фикр-мулоҳаза юритиб, тақдимот тайёрланг.
- Матн таркибидан 4та содда гапларни қўчириб ёзинг. Гапларнинг грамматик асосини топинг. Содда гаплар таркибидаги сўзларнинг боғланиш усусларига изоҳ беринг.

Грамматик жиҳатдан шаклланган, оҳанг ва мазмун жиҳатидан нисбий тугалланган сўз ва сўзлар йиғиндиси гап дейилади. Гапнинг асосий белгилари қўйидагилар:

- Фикрий жиҳатдан нисбий тугалланганлик.
- Грамматик шаклланганлик.
- Эга ва кесим мұносабатларига әғалик
- Оҳанг жиҳатдан тугалланганлик.

Битта грамматик асосдан иборат бўлган гап содда гапдир. Ўзига алоқадор бўлган бўлакнинг маъносини изоҳлаб, таъкидлаб келадиган бўлак ажратилган бўлаклардир. Ажратилган бўлаклар иштирок этган гап эса, кенгайган бирикмали содда гаплар **деб аталади, бундай гапларда ҳам битта грамматик асос иштирок этади.** **M: Мусобақа илғорларининг, футбол командаси аъзоларининг келишини ҳамма кутарди.**



## 2-машқ. Матнни ўқинг, саволларга жавоб беринг.

### ДУНЁ ТИЛЛАРИ

Дунёдаги халқлар 3000 дан ортиқ тилларда гаплашади. Тиллар, аввало, тирик ва ўлик тилларга бўлинади. Ҳозирги кунда халқлар гаплашадиган тиллар тирик тиллар. Бугунги кунда халқлар гаплашмайдиган тиллар ўлик тиллар ҳисобланади. Масалан, лотин, қадимги славян, санскрит (қадимги ҳинд), қадимги хоразмий, сўғд тиллари ўлик тиллар ҳисобланади.

Дунё тилларида халқларнинг гаплашуви ва мамлакатларда тилларнинг тарқалиши ҳар хил. Чунончи, Хитой тилида миллиардга яқин киши сўзлашса, чукот тилида бир неча минг киши гаплашади. Янги Гвинеяда эса деярли ҳар бир қишлоқ аҳолисининг ўз тили бор.

Айрим мамлакатларда эса кўплаб тилларда гаплашилади. Жумладан, Конго аҳолиси 500 тилда, Индонезия аҳолиси 250 тилда, Суданда эса 117 тилда гаплашилади. Бугунги кунда жаҳондаги 6 та тил халқаро тил сифатида тан олинган. Улар инглиз, испан, рус, хитой, араб ва француз тилларидир.

Бугунги кунда жаҳонда 20 дан ортиқ тил оиласлари мавжуд бўлиб, улар бир бобо тилдан вужудга келган.

Тиллар сўзлари, шу тилдаги қўшимчалар, гап қурилишининг бир-бирига ўхшашлигига кўра маълум оиласларга ажратилади.

Тилларни оиласларга ажратиш, ҳар бир оиласи гуруҳлар ва гурухчаларга ажратилиши тилларнинг келиб чиқиши таснифи дейилади.

Ҳозирги кунда жаҳонда кенг тарқалган тил оиласлари асосан 6 та: Ҳинд-европа тиллар оиласи. Бу тил оиласининг славян, герман, роман, болтиқ, эрон, ҳинд гуруҳлари мавжуд бўлиб, рус, украин тиллари – славян гуруҳига, инглиз, немис тиллари – герман гуруҳига: француз, испан тиллари роман-гуруҳига; тоҷик тили эса эрон гуруҳига мансубдир.

2. Олтой тиллар оиласи. Бу тил оиласининг туркий ва мўғул тиллари гуруҳлари мавжуд бўлиб, ўзбек тили туркий тиллар гуруҳига мансуб. Бу гуруҳга, ўзбек тилидан ташқари уйғур (қарлуқ тармоғи), туркман, гагауз, озарбайжон, турк, қрим-татар тиллари (булар ўғиз тармоғи), қўмик, татар, бошқирд, нўғай, қорақалпок, қозоқ (булар қипчоқ тармоғи), тува, ёқут, хакас, қирғиз ва олтой тиллари киради.

Мўғул тиллари гуруҳига эса мўғул, япон, корейс каби тиллар киради. Бу тиллардан ўзбек тилига энг яқини уйғур тили ҳисобланади.

3. Фин-угор тиллар оиласи
4. Хом-сом тиллар оиласи
5. Кавказ тиллар оиласи
6. Хитой-тибет тиллар оиласи

Булардан ташқари, дравид, индонезия, африка, папуа каби тил оиласалири ҳам мавжуд. Ўзбек тили туркий тиллар гурухига мансуб бўлиб, улар орасида “о”ловчи тил саналади. Туркий халқлар, Марказий Осиё, Қозогистон, Шарқий Сибирда, Туркия ва Болқонда яшаб келган. Туркий халқлар ўзининг кўп асрлик тарихида бир неча ёзувлардан фойдаланган. Ёзув жуда қадим замонларда кишиларнинг ўз фикрини бошқаларга етказиш эҳтиёжи туфайли пайдо бўлган. Шу боисдан ёзув инсоният томонидан яратилган энг қимматли маънавий бойлиқдир. Энг қадимий ёзувлардан бири оромий ёзувидир. Бу ёзув асосида сўғд ва хоразмий ёзуви пайдо бўлган.

Хоразмий ёзувининг энг қадимги намунаси эрамиздан олдинги III асрга мансуб бўлиб, Қўй қирилган қалъадан топилган. Сўғд ёзуви ёдгорликлари эрамиздан олдинги I асрда Тали Барзу (Сўғд) дан топилган.

Энг қадимги ёзувлардан бири пиктографик ёзувдир. Бу ёзув расм ёзуви дейилган. Ҳозирги кунда йўл қоидаларини кўрсатишида ушбу ёзувдан фойдаланилади.

Кейинчалик бу ёзув ўрнини идеографик ёзув эгаллади. Идеография грекча – “идея” ва “ёзув” сўзларидан олинган бўлиб, “тушунчани ёзаман” демакдир. Бу ёзувнинг асосида бирор турдаги тушунчаларни ифодалашда рамзий шакллар танланиши ётади. Бундай белгилар логограммалардир.

Идеографик ёзувнинг мукаммаллашган шакли иероглифик ёзувдир. Иероглифик ёзув муқаддас ёзув маъносини англатади.

Ёзувнинг мукаммаллашган кўриниши фонографик ёзувда акс этади. Бу ёзув товуш ёзуви бўлиб, товушлар ҳарфлар орқали ифодаланади. Ҳозирги кунда қўлланилаётган 4 ёзув: лотин ёзуви, араб, ҳинд ва кирилл ёзувлари фонографик ёзувлардир.

Туркий тиллар ҳам узоқ тарихга эга бўлган тиллардан бири бўлиб, бу тилга оид энг қадимги ёзма ёдгорлик эрамизнинг V асирида яратилган «Хуастуанифт» ёзув ёдгорлигидир. Туркий халқларнинг дастлабки ёзма манбаларидан бири Ўрхун-Энасой (тукий рун) ёзуви бўлиб, I-V асрда юзага келган.

Ўрхун-Энасой ёзув ёдгорликлари Мўғилистоннинг Ўрхун ва Сибирнинг Энасой дарёлари қирғоқларидан топилган бўлиб, V-VII асрларга мансубдир. Бу ёзувлар 1893 йил даниялик олим Вилгельм Томсон ва рус олими академик В.Радловлар томонидан ўқилган. Фанда «туркий рун» (сирли) ва «тош битиклар», «дулбаржин» ҳам деб юритилган.

Туркий халқлар орасида кенг тарқалган ёзувлардан яна бири уйғур ёзуви директор. Бу ёзувдан VI-VIII асрлардан бошлаб, XV асргача фойдаланилган. Уйғур ёзуви сўғд ёзуви асосида шаклланган: унда 18 ҳарф бўлиб, ўнгдан чапга қараб ёзилган. М.Қошғарий «Девону лугатит турк» асарида бу ёзувни «турк ёзуви» деб атаган.

Уйғур ёзувида ёзилган энг қадими асар Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асаридир. Бу асарнинг Вена нусхаси шу ёзувда ёзилган. Бундан ташқари, Аҳмад Юғнакийнинг «Хибат ул-ҳақойик», Хоразмийнинг «Мұхаббатнома», Хўжандийнинг «Латофатнома», «Ўғузнома» каби асарлар. Лутфийнинг бир қатор ғазалларининг ҳам уйғур ёзувидаги нусхалари мавжуд.

VIII асрнинг (720 йиллар) бошларидан бошлаб араб ёзуви кенг тарқалган. Араб ёзувида ёзилган энг қадимги ёзма ёдгорликлар Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону лугатит турк» асари ҳамда Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарининг Қохира ва Наманган нусхалари.

Ўзбеклар араб ёзувидан 1200 йил давомида фойдаланганлар. 1929 йилдан бошлаб лотин ёзувидаги янги алифбога ўтилган. 1940 йил 7 майдан бошлаб рус графикасидаги ўзбек алифбосига ўтилган. 1989 йил 21 октябрда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. 1990 йил 19 февралда «Давлат тили тўғрисида» ги Қонун қабул қилинди. Бу Қонун 30 моддадан иборат бўлиб, унинг 1-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир» деб эътироф этилган.

1997 йили 11 июндаги “Қозогистон Республикасининг Тил тўғрисида” Қонунига асосан «Қозогистон Республикасининг давлат тили қозоқ тилидир» деб тан олинди.

1993 йил 2-3 сентябрда Ўзбекистонда «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш» тўғрисида қонун қабул қилинди.

1995 йил 6-7 майда «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилинди» ва 26 ҳарф 3 ҳарф бирикмаси ва кўчиш белгисидан иборат бўлган алфавит қабул қилинди. Лотин ёзувига асосланган ўзбек тилининг имло қоидалари 1995 йил 24 августда 339-сонли қарор билан тасдиқланган бўлиб, 82 банддан иборат.

2017 йил 26 октябрида эса Қозогистон Республикаси Президенти Н.Назарбоев лотин ёзувига асосланган қозоқ алифбосини жорий этиш» тўғрисида фармонга қўл қўйди. Фармонда 2025 йилга қадар босқичма-босқич латин графикасига ўтиш амалга оширилсин, дейилган. Шундай экан, лотин ёзуви туркий халқларни бирлаштирувчи муштарақ мақсаддир.

Лотин ёзуви тахминан эрамиздан олдинги 753 йилда Римда пайдо бўлган. Қадимги лотин ёзувида 23 ҳарф бўлган. Ҳозирги кунда 70 дан ортиқ

мамлакатлар алфавити лотин ёзуви асосида пайдо бўлган. Жумладан, Европада 30, Осиё ва Африкада 20дан ортиқ халқлар лотин алфавитидан фойдаланишади.



1. Дунё тиллари ҳақида қандай маълумотлар олдингиз? Фикрингиз билан ўртоқлашинг.



2. “Тиллар оиласи” ва “тиллар гуруҳи” атамаларини шарҳланг.
3. Ўзбек тили қайси тил оиласининг қайси гуруҳига киради?



4. Қозоқ ва ўзбек алифбосининг лотин ёзувига кўчиши нима учун зарур деб ўйлайсиз? Синфда муҳокама қилиб, тақдимот тайёрланг.



5. Олган маълумотларингизга асосланган ҳолда “Туркий тиллар” шажарасини тузинг.
6. Гуруҳларда матн таркибидан уюшиқ бўлакли гаплар, киритма сўзли гапларга мисол топиб кўчиринг, изоҳланг.



## МАНГУ ЭЛ – АСЛ ОРЗУИМ МЕНИНГ...

3-машқ.

Мангулик эл – асл орзуим менинг,  
Мангулик эл – бахтимнинг ибтидоси.  
Мангулик эл – тарихимнинг достони,  
Мангулик эл – нурли йўлга бошлади.

Мангулик эл – менинг пок муродимдир,  
Келажакка нурин сочиб тургувчи.  
Мангулик эл – нурли йўли элимнинг,  
Бутун олам тан олажак куч-қудратин.

Мангулик эл – шажараси даламнинг,  
Мангулик эл – онамнинг соф тилаги.  
Мангулик эл – мангаликка омонат,  
Мангулик эл – нурли йўли бобомнинг.

Мангулик эл – аҳиллик ва бирликда,  
Мангулик эл – ҳамжиҳатли турмушда.  
Мангулик эл – келажакни улуғлаш,  
Мангулик эл – тарихинг ёдда сақлаш.

Мангулик эл – ҳалол меҳнати элимнинг,  
Мангулик эл – нурли умид, ёруғ кун.  
Мангулик эл – из қолдириш мангуга,  
Мангулик эл – хотимасиз ҳикоя.

Мангулик эл – тинч ҳаёт қўшиғидир,  
Мангулик эл – она халқдай чиройли.  
Мангулик эл – мустақиллик тираги,  
Мангулик эл – миллат ва элат тилаги.

*(M. Райимбек ўғли. Муаллиф таржимаси)*



- Берилган матнни синчикалаб ўқинг, таянч сўз ва фикрларни аниқланг.
- Таянч сўзлар иштироқида матннинг тезисини тайёрланг.



- Матн мазмуни бўйича саволлар тайёрланг. Тайёрланган саволларга жавоб бера бориб, асл нусхаси билан қиёсланг.
- Нутқингизда содда гаплар қатори боғланган қўшма гаплардан унумли фойдаланинг. Гапларни грамматик таҳлил қилинг, боғланишини тушунтиринг.



### **ЁДДА САҚЛАНГ !**

Икки ёки ундан ортиқ содда гапларнинг мазмун ва грамматик жиҳатдан бирикишидан ташкил топган гаплар қўшма гапдир. Қўшма гап қисмларининг миқдорига кўра икки хил: **оддий қўшма гап ва мураккаб қўшма гап бўлади**. Бирдан ортиқ содда гапнинг ўзаро мазмун ва грамматик жиҳатдан бирикишидан оддий қўшма гаплар ҳосил бўлади. Масалан, *Икромжон бошини кўтариб уни кўрди-ю, мashaққат билан ўрнидан турди. (С.А.)* Оддий қўшма гаплар таркибидағи содда гапларнинг боғланишига кўра 3 хил: **Боғланган қўшма гаплар. Тобе гапли қўшма гаплар. Боғловчисиз қўшма гаплар.**



#### **4-машқ.**

“Мангу эл аждодларимизнинг минг йиллар давомидаги орзу-ҳавасидир. Бу дунёдаги давлатлар билан teng қийматли муносабатлар қурадиган, жаҳон харитасида ўз муносаби ўрнини оладиган Мустақил Давлат бўлиш эди. Ушбу орзу – турмуши фаровон, адолатли, авлоди келажакка ишонч билан қарайдиган баҳтли Эл бўлиш эди. Биз орзуларни рўёбга чиқардик. Биз мангу Элнинг пойдеворини қаладик “, – деди Назарбаев.

Мен жамиятда “Қозоқ халқининг миллий ғояси қандай бўлиши керак?” деган саволни тез-тез муҳокама қилинаётганини кўраман. Биз учун келажагимизга йўлланма бўладиган, халқимизни бирлаштирадиган ва биз-

ни катта мақсадлар сари етаклайдиган ғоя мавжуд. Бу – Мангу Эл ғояси. Мустақиллик билан биргаликда халқимиз Мангу мурод-мақсадларига эришиди. Биз мамлакатимиз юраги, мустақиллигимиз таянчи – Мангу пойтахтимизни барпо этдик. Қозоқ халқининг абадий ҳәёти авлоднинг абадий келажагини мазмунли этишга бағишинади. Кейинги авлод мангу қозоқ халқининг фарзандидир. Шундай қилиб, Қозогистоннинг миллий ғояси – Мангу Эл!”

Давлатимиз әлбошиси Мангу Эл концепциясини халқимизнинг асосий йўналиши – “Қозогистон-2050” стратегияси эканини таъкидлади. “Мустақилликка эришишдан кўра уни сақлаш жуда қийин. Бу – дунёда яшовчи кўплаб одамлар яшаб ўтган тарихий ҳақиқатдир. Ўзаро ғалаён-исёнлар ва ноҳияллик неча-неча халқнинг тақдирини тушкунликка солди. Ҳаётнинг мураккаб чигалликлари, қийинчиликларига дош бера олмай, ер юзидан миллат сифатида омон қилолмаган мамлакатлар қанчадан-қанча! Биз бошқаларнинг хатоларидан ва ўтмиш сабоқларидан хулоса ясай олишимиз керак. Ушбу сабоқлардан бири – Мангу Эл бизнинг қўлимиизда. Бунинг учун биз доимий равишда ўзимизни қамчилаб, олға интилишимиз лозим. Биз бойлигимиз ва бахтимиз бўлган Мангу мустақиллигимизни кўзимиз қорачигидек сақлашимиз керак”.

“Қозогистон 2050 – Мангу Элга етаклайдиган энг қадрли ва энг обрўли йўлдир. Қелинг, бу йўлдан адашмайлик, азизларим! Ҳар кунимиз байрамона, ҳар бир ишимиш баракали бўлсин! Тараққиётимиз жадал, келажагимиз мукаммал бўлсин! Ёрқин ишлар билан бутун дунёни ҳайратга солиб, Элимиз мангу яшайверсин!”, – деди Элбошимиз.



1. Матнни шарҳланг ва қайта ҳикоя қилинг.
2. Асосий мавзу, ғоясини аниқланг.
3. “Кластер” усули орқали қуйидаги фикрни тўлдиринг. Мангу Эл соҳиби ким ва қандай бўлиши керак?



# 3

## МАНГУ ЭЛНИНГ 7 АСОСИЙ ҚАДРИЯТЛАРИ



5-машқ. Берилган тасвирни күзатынг ва сўзлатынг, яъни нояхлит матндан яхлит матн ҳосил қилинг.

ҚОЗОҒИСТОНӢЙӮЛИ – 2050: БИР МАҶСАД, БИР МАНФААТ, БИР КЕЛАЖАК»

Қозогистон Республикаси Президенти Н.А.Назарбаевининг 2014 йили 17 январда Қозогистон халкига ийллаган Мактуби

Мангү эл – умумий тақдир

Мангү эл – умумқозогистонлик мухит доирасидаги миллий ғоя

Мангү эл – эл келажагининг пойдөөрөнүн қалаган асосий қадриятлар

### МАНГУ ЭЛНИНГ 7 АСОСИЙ ҚАДРИЯТЛАРИ:

- Қозогистоннинг мустақиллiği ва Нур-Султони
- Жамиятимиздаги миллий бирлик, тәнчилек ва тотувлик, ҳаммиҳатлык
- Дунёвий жамиятта олй маънавият
- Индустрялаштириш ва инновацияларга асосланган иңтисадий юксалыш
- Умумий Мехнат Жамияти
- Тарих, маданиятта тилдүйгүлүгү
- Элминизнинг миллий хавфсизлігиги ва умумикахон, ҳудудий масалаларни ҳал этишга жаһоншумулуктан назаридан иштирок этиш



“Қозогистон халкы Ассамблеясыга “Қозогистон - 2050” умуммиллий ҳаракаты билан бирлашиб, “Мангү эл” ватаншарварлык актини тайёрлаб, қабул қилишини ташкиллаштиришини топширамаң”.



1. Тасвир бўйича аввал саволлар тузиб, гуруҳларда муҳокама қилинг.
2. Саволларга берилган жавобларни ёзинг.
3. Берилган жавоблар асосида матн яратинг. Матн таркибида қўшма гаплардан унумли фойдаланинг.



4. “Тушунчалар таҳлили”усули орқали мавзуга оид таянч тушунчаларга изоҳ беринг. Ўқитувчининг берган қўшимча маълумотларни З устунга қайд этинг.

1	2	3
Тушунчалар	Изоҳи	Қўшимча маълумотлар
Содда гап		
Содда ёйик гап		
Қўшма гап		
Боғланган қўшма гап		
Эргашган қўшма гап		
Боғловчисиз қўшма гап		



**6-машқ.** Берилган матнни дикқат билан ўқинг ва матн бўйича тезис саволлар тузинг.

Бизнинг ота-боболаримиз атроф-муҳитни уйғунликда ҳаёт кечириб, ўзларини табиатнинг ажралмас қисми деб ҳисоблашган. Бу асосий ҳаётий қоида Буюк Даشتни макон қиласан халқларнинг дунёқараси ва қадриятларини шакллантирди. Ўз ёзуви ва мифологиясига эга Қозогистон қадимий аҳолисининг илғор маданияти бўлди. Улар меросининг ёрқин намунаси, бадиий ўзига хослик ва маънавий бойлигининг алоҳида белгиси – “ов услуги” санъати. Ҳайвонлар тимсолидан турмушда фойдаланиш одам ва табиат ўзаро муносабатларининг рамзига айланиб, кўчманчиларнинг

маънавий йўналишини белгилаб берган. Улар йиртқичлар, асосан, мушуксимонлар оиласига мансуб ҳайвонларнинг суратларини кўпроқ қўлланишган. Мустақил Қозогистоннинг рамзларидан бири – маъжаллий жониворлар оламида сийрак учрайдиган қор қоплони экани ҳам бежиз эмас. Бу борада, ов услуби аждодларимизнинг алоҳида юксак иш тажрибаси бўлганини кўрсатади. Улар бадиий ўймакорликни, металл билан ишлаш технологиясини, шу жумладан, мис ва бронзадан қўймалар ясаш ҳамда қўйиш, ёйма олтин тайёрлашнинг мураккаб усулларини яхши ўзлаштирган. Умуман, “ов услуби” феномени дунё санъатидаги буюк довонлардан бири саналади.



1. Матнни ўқинг ва матндаги ахборотнинг асосий мазмунини тушунтириңг. Асосий ва майда тафсилотларини ажратиб кўрсатинг.
2. Қозоғистон қадимий дашт ахолисининг илғор маданияти нимадан иборат бўлган ?



3. Овчилик деган санъатни қандай тушунасиз? Тақдимот тайёрланг.
4. Тенг боғловчили қўшма гапга изоҳ беринг ва матндан мисол келтириш билан фикрингизни далилланг.





## БИЛИБ ОЛИНГ!

Оддий қүшма гаплар таркибидаги содда гаплар құйидаги воситалар ёрдамида боғланади.

**1. Тенг боғловчилар ёрдамида:** Болалар келди *ва* дарс бошланди.

**2. Боғловчи юкламалар ёрдамида:** Шу онда қаттық қарсак **чалинди-ю**, ҳамма ўрнидан турди. (А.Қ.)

Бу икки восита билан бириккан қүшма гаплар боғланған қүшма гапни ҳосил қиласы.

**3. Эргаштирувчи боғловчилар ёрдамида.** Қаландар бошини **күтариб**, жа-вонларга узоқ тикилди. (О.Ё.)

**4. Нисбий сұзлар ёрдамида.** *Нима* эксанг, *шуни* ўрасан (Мақол)

Қүшма гап таркибини ўзаро боғлашда бириңи гапда иштирок этадиган сұроқ олмошлари: **ким, қаер, қаерда, қанча, қачон, қайси** иккінчи қисмда иштирок этадиган күрсатиш олмошлари: **у, шу ер, шу ерда, шунча, ўша вақтда, ўша** сұзлары нисбий сұзлардир.

Бу воситалар ёрдамида тобе гапли қүшма гаплар боғланади.

**5. Оханг ёрдамида.** Юрт тинч – сен тинч. Оханг ёрдамида боғловчисиз қүшма гаплар боғланади.



# 4

## БУЮК ДАШТНИНГ ЕТТИ ҚИРРАСИ



7-машқ. Қүйидаги тасвирни синчиклаб ўрганинг. Тасвир мазмун-моҳиятими очиб берувчи саволлар тузинг.





Буюк даштнинг етти қирраси деганда нимани тушунасиз? Изоҳланг. Ушбу мавзунинг Мангу Эл ғоясига қандай алоқаси бор деб ўйлайсиз?



**8-машқ.** Матнни “Жигсо” усули орқали ўқинг ва хулосаларингиз билан ўртоқлашинг.

“Макон – барча нарсаларнинг, замон – бутун воқеликнинг ўлчови. Замон ва макон уфқлари туташган чогда миллат тарихи бошланади”.

*Нурсултан Назарбаев*

### МИЛЛАТ ТАРИХИДАГИ МАКОН ВА ЗАМОН

Бизнинг еrimиз моддий маданиятнинг кўплаб бойликлари пайдо бўлган жой, булоқ боши десак, муболага бўлмайди. Ҳозирги жамият ҳаётининг ажралмас қисмига айланган кўплаб буюмлар бир пайлар бизнинг ўлкамизда ўйлаб топилган. Буюк Даштни макон этган қадимги одамлар талай техникавий янгиликлар ўйлаб топиб, мисли кўрилмаган янги қуроллар ясаган. Улардан одамзод боласи ер юзининг турли чеккаларида бугунги кунда ҳам фойдаланиб келади. Қадимги солномалар бугунги қозоқларнинг аждодлари Евроосиё қитъасидаги сиёсий ҳамда иқтисодий тарихнинг силсиласи от миниш маданиятидан бошланади. От миниш маданияти ва йилқиличик ер юзига Буюк Даштдан тарқалгани тарихдан маълум. Элимизнинг шимолий минтақасидаги энеолит даврига тегишли “Ботай”

манзилида олиб борилган қазилма ишлари йилқининг ilk бор Қозоғистон худудида қўлга ўргатилганини исботлади. Йилқини қўлга ўргатиш орқали бизнинг ота-боболаримиз ўз даврида мислсиз ҳукмронликка эга бўлдилар. Дунёвий миқёсда олиб кўрсак, хўжалик юритиш ва ҳарбий соҳада тенги йўқ имкониятга йўл очдилар. Йилқининг қўлга ўргатилиши от миниш маданиятига асос солди. Қилич ёки камон ва ёйни елкасига осган чавандоз қўчманчилар империялари тарих саҳнасига чиққан даврнинг рамзига айланди. Байроқ тутган отлик аскар тимсоли – ботирлар замонининг энг машҳур тамғаси, шунингдек, отлик аскарнинг пайдо бўлиши муносабати билан шаклланган қўчманчилар олами “маданий коди”нинг алоҳида элементидир. Автотранспорт двигателининг қуввати бугунги кунда ҳам отнинг кучи билан ўлчанади. Бу анъана – ер юзида отлик ҳукмронлик қилган буюк даврга бўлган ҳурмат белгиси. Биз бутун дунёга қадимий қозоқ еридан тарқаган шундай улуғ технологик инқилобнинг мевасидан одамзод боласи XIX асргача фойдаланиб келганини унутмаслигимиз лозим. Ҳозирги кийим турларининг базавий компонентлари Даشت тамаддунининг дастлабки даври илдизига бориб тақалади. От миниш маданияти отлик аскарнинг ихчам либоси намунасини дунёга олиб келди. От устида юрганда қулай бўлиши учун ота-боболаримиз биринчи марта кийимни устки ва остки деб иккига ажратди. Шу тариқа, қадимги шимнинг дастлабки нусхаси пайдо бўлди. Бу чавандозларнинг от қулоғида ўйнашига, уруш пайтида эркин ҳаракатланишига имкон берди. Даشتликлар чармдан, кигиздан, жундан, канопдан чолворлар тикиди. Қазилма ишлари вақтида топилган қадим шимларнинг ҳозирги шимлардан ҳеч фарқи йўқ. Шунингдек, бугунги этикларнинг ҳамма тури қўчманчилар отга минганда кийган пошнали этикнинг “меросхўрлари” экани маълум. От устида юрган кўч-



лиздан, жундан, канопдан чолворлар тикиди. Қазилма ишлари вақтида топилган қадим шимларнинг ҳозирги шимлардан ҳеч фарқи йўқ. Шунингдек, бугунги этикларнинг ҳамма тури қўчманчилар отга минганда кийган пошнали этикнинг “меросхўрлари” экани маълум. От устида юрган кўч-



қулай ҳамда қудратли бўла борди. Ўқига қуш пати тақилиб, унинг униллар билан қопланди, у ҳар қандай совутни тешиб ўтадиган бўлди. Қозогистон ҳудудида ҳаёт кечираётган туркий қабилалар ўйлаб топган яна бир технологик янгилик – қилич. Унинг ўқдек тўғрилиги ёки эгилган юзи – ўзгача белгиси. Бу қурол энг муҳим ҳамда кенг тарқалган уруш қуролига айланди. Сарбоз ва унинг отини ҳимоялашга мўлжалланган совутни ҳам биринчи марта бизнинг боболаримиз ясашган. Евроосиё кўчманчиларининг муҳим ҳарбий янгилигига менгзалган муздай темир билан қуршалган отлик аскар шундай пайдо бўлди. Ўқ отиш қуроли пайдо бўлиб, оммавий қўлланишга жорий этилгунга қадар отлик аскарнинг ривожланишини бизнинг эрамизгача I минг йиллик ва бизнинг эрамизнинг I асли оралиғида кўчманчиларнинг узоқ вақт мобайнида мисли қўрилмаган жанговар ҳукмронлик ўрнатишини таъминлаган отряднинг алоҳида тури – ҳайбатли отлик аскарнинг шаклланишига таъсир қўрсатди”.

(“Жанубий Қозогистон” газетасидан)



1. Матнда қандай долзарб масалалар кўтарилган, миллат тарихидаги макон ва замон тушунчасини қандай идрок этдингиз? Ўз шахсий фикрингизни баён этинг.



2. Матнинг асосий ва майда тафсилотли ахборотини аниқланг, матнинг ҳар бир абзацига эътибор қаратинг, асосий фикрни ажратинг. Тадқиқот учун саволлар тузинг ва ғояларни аниқ ифодаланг.
3. Элбоши Нурсултан Назарбаев от миниш маданиятини қандай томонларини кўрсатиб берган?
4. Кўчманчилар олами “маданий коди”нинг алоҳида элементи нимадан иборат экан?



5. *“Бу меники”* грамматик ўйини асосида “Содда гаплар” ва “Қўшма гаплар” гурухлари ташкил қилиб, юқоридаги матндан ўзингизга тегишли гапларни ажратиб ёзиб олинг.



### **ЁДДА САҚЛАНГ!**

Содда гапларнинг ўзаро teng муносабатлар асосида боғланишидан ташкил топган гаплар teng боғловчилар воситасида **боғланган қўшма** гаплардир. Масалан, *Қўнғироқ чалинди ва дарс бошланди*. Улар гоҳ дам олишади, гоҳ китоб ўқишиади.

Таркибидаги содда гапларни қайси боғловчилар билан боғланишига кўра боғланган қўшма гаплар қўйидагича:

1. Бириктирув боғловчили боғланган қўшма гап.
2. Зидлов боғловчили боғланган қўшма гап.
3. Айируг боғловчили боғланган қўшма гап.
4. Инкор боғловчили боғланган қўшма гап.

## 5

## БҮЮК ДАШТ – ТУРКИЙ ОЛАМНИНГ БЕШИГИ



**9-машқ.** Берилган матнларни дикқат билан ўқинг, топшириқларни бажаринг.

### ОЛТИН ОДАМ

Бизнинг туб томиримизга янгича назар ташлашга йўл очиб, дунё фани учун шов-шувли бўлган янгилик – 1969 йили Қозоғистоннинг Есик қўрғонидан тошлигандан, санъатшунос олимлар орасида “Қозоғистонлик Тутанхамон” номига эга бўлган “Олтин одам”дир. Бу аскар талай тилсим сирларидан воқиф қилди. Бизнинг аждодларимиз ҳозирги кунгача ўзининг бениҳоя гўзаллиги билан лол қолдирадиган ўта юқори даражадаги бадиий асарлар яратишган. Аскарларнинг олтин билан қопланган кийимлари қадимги усталарнинг олтинни қайта ишлаш технологиясини яхши ўзлаштирганини билдиради. Бу янгилик Даشت тамаддунининг зўр қудрати ва эстетикасини намоён қиласидиган бой мифологияни кўрсатди. Даشت аҳолиси ўз доҳийларини ана шундай улуғлаган ҳамда уларнинг мартабасини қуёш каби юксаклик даражасига кўтарган. Қабристондан тошлигандан ҳашаматли асбоб-анжомлар боболаримизнинг заковатли анъаналаридан ҳам дарак беради. Жангчининг ёнидан тошлигандан кумуш косаларнинг бирида ўйиб ёзилган битиклар бор. Бу – Марказий Осиё ҳудудидан тошлигандан ёзувлар ичидаги энг қадимгиси.



1. «Олтин одам» ҳақида қандай маълумотга эгасиз? Интернет материаларидан фойдаланиб, тўлароқ фактлар тўпланг. Реферат тайёрланг.

2. Даشت тамаддунининг зўр қудрати ва эстетикасини намоён қиласиган бой мифологияси нимада кўринди?



3. Қўшма гаплар тузилишига кўра неча турга бўлинади?


4. Боғловчили ва боғловчисиз қўшма гаплар нимасига кўра шундай тасниф қилинган?



**10-машқ.** Берилган матнларни диққат билан ўқинг, топшириқларни баражаринг.

### ТУРКИЙ ОЛАМНИНГ БЕШИГИ

Қозоқлар ҳамда Евроосиёning бошқа халқлари тарихида Олтойнинг ўрни ўзгача. Шундай маҳобатли буюк тоғлар асрлар давомида Қозогистон ерининг тожигина эмас, балки, бутун туркий оламнинг бешиги саналиб келганди. Айнан шу ҳудудда бизнинг эрамизнинг I минг йиллиги ўртасида Туркий дунё пайдо бўлиб, Буюк Даشت саҳнида янги давр бошланди. Тарих ва география туркий давлатлар билан буюк кўчманчилар империялари изчилигининг ўзгача моделини шакллантириди. Бу давлатлар узоқ йиллар давомида бир-бирини алмаштириб, ўрта асрдаги Қозогистоннинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётida ўзининг ўчмас изини қолдирди. Бепоён ҳудудни бошқара билган туркийлар чексиз даштда кўчманчилар ва ўтроқ халқларга хос тараққиётни шакллантириб, санъат ва фаннинг, дунёвий савдо марказига айланган ўрта аср шаҳарларининг гуллаб-яшнашига йўл очди. Масалан, ўрта асрдаги Ўтрор шаҳри жаҳон тамаддунининг буюк алломаларидан бири – Абу Наср Ал-Форобийни дунёга келтирса, туркий халқларнинг маънавий етакчиларидан бири Хожа Аҳмад Яссавий Туркистонда яшаб, илм-маърифат таратди.





1. Туркий оламнинг бешиги деганда нималарни тасаввур қиласиз? Марказий Осиё ҳудудидан топилган ёзувлар ичida энг қадимгиси қайси ёзув? Матн мазмуни бўйича тезисли режа тузинг.



2. Мактабдошларингиз учун публицистик услугга таянган ҳолда ҳикоялаш асосида устозларингиздан интервью олиш учун интервью-матн яратинг.

3. “*Буюк Дашт саҳнида янги давр бошлианди*”. Бу қандай давр эди?



4. Буюк аллома Абу Наср Ал-Форобий ва туркий халқларнинг маънавий етакчиларидан бири Хожа Аҳмад Яссавий ҳақида тақдимот тайёрланг ва синф олдида ҳимоя қилинг.
5. Қўшма гап қисмлари ўзаро қандай воситалар ёрдамида боғланишини айтиб беринг.
6. Боғловчи воситаларнинг турларини изоҳланг ва боғловчи воситаларни топиб айтинг.



### ЁДДА САҚЛАНГ!

**Биринчирув боғловчили** боғланган қўшма гаплар **ва, ҳамда** боғловчилари ёрдамида боғланади. Ёз келди ва мевалар ғарқ пишди. Бу боғловчилар ўрнида **-у, -ю, -да** юкламалари ҳам қўлланилади. Ёз **келди-ю**, мевалар ғарқ пишди.

**Зидлов боғловчили** боғланган қўшма гаплар **аммо, лекин, бироқ** боғловчилари, **-у, -ю** юкламалари орқали боғланади.. Ёзувда **қўшма гап** таркибидағи зидлов боғловчиларидан олдин вергул қўйилади. **Осмонни қора булут қоплади, аммо ёмғир ёғмади.** Биз китобни севамиз, чунки у билим манбаидир.

## 6

## БҮЮК ДАШТ ТАРИХИГА НАЗАР, ТАРИХИЙ ОНГНИ ЯНГИЛАШ




**11-машқ.** Берилган матнларни диққат билан ўқинг, топшириқларни бажа-  
ринг.



Тарихий онгни янгилаш кўтарилиган масалалар ҳар томонлама ўйланган, чуқур таҳлилни талаб қиласди. Шунингдек, бизнинг дунёқарашимиз – халқимизнинг тарихи, бугуни ва келажагининг чуқур илдизларига бевосита боғлиқ. Бу ишни бир неча йирик лойиҳалар орқали бошлашга мумкин, деб ўйлайман, – дейди Элбошимиз Н.Назарбаев. Мустақиллик йилларида халқимизнинг тарихини таҳлил қилишга доир салмоқли ишлар бажа-

рилди. Элимизнинг тарихий солномасини асл ҳолига келтиришга йўл очиб берган “Маданий мерос” дастури самарали ишламоқда. Бироқ боболаримизнинг ҳаёти ва уларнинг юксак тараққиётига оид кўплаган ҳужжатлар ҳамон илмий қўлланмаларда қайд этилмаяпти. Улар дунёнинг турли бурчакларида архивларда ўз тадқиқотчисини кутмоқда. Шу сабабли, қадимги даврдан ҳозирги кунгача бўлган даврни ўз ичига олган ўзимизнинг ва чет эл архивларини таҳлил қилиш учун “Архив – 2025” етти йиллик дастурини ишлаб чиқишимиз зарур, деб ҳисоблайман. Бу лойиҳани амалга ошириш давомида тарихчилар, архившунослар ва маданиятшунослардан ташкил топган маҳсус гуруҳларнинг Ватанимиздаги ва чет эллардаги йирик архивлар билан ўзаро изчил ва узоқ муддатли ҳамкорлигига, тадқиқот ишларини юритишига катта эътибор қаратиш керак. Нима бўлган тақдирда ҳам, бу аҳамиятли иш давлат ҳисобидан амал-



га ошириладиган “академик туризм”га айланиб кетмаслиги лозим. Архив ҳужжатларини факат тўплаб қолмай, барча манфаатдор тадқиқотчилар ва оммага имконбоп бўлиши учун, уларни жадаллик билан рақамли шаклга кўчириш зарур. Ўз тарихига нисбатан ифтихор ҳиссини уйғотиб, ватанпарварлик тарбиясини мактабданоқ бошлиш керак. Шу сабабли, мактаблар ва барча ҳудудлардаги ўлкашунослик музейларининг қосида тарихий-археологик ҳаракатларни ташкил қилиш муҳимдир. Миллат тарихини онгга сингдириш барча қозогистонликларнинг вужудида ўз ибтидоларига бўлган муштарак туйтуни шакллантиради.



1. Матнни синфда ўқинг ва тингланг ҳамда гурухда мухокама қилинг.
2. Нима учун Элбошимиз Н.Назарбоев “АРХИВ – 2025” етти йиллик дастурини ишлаб чиқиш зарур, деб ҳисоблади?
3. Элбоши яна қандай мухим масалалар ҳақида мулоҳаза юритди?



4. Тенг боғловчили қўшма гапларга изоҳ беринг, фикрингизни матндан мисоллар келтириш билан исботланг.
5. Матнда қўлланилган ва қўлланилмаган қўшма гап қисмларини боғловчи воситаларни топиб жадвални тўлдиринг. Фикрингизни жамлаб хулоса чиқаринг.

Қўшма гап қисмларини боғловчи воситалар	
Тенг боғловчилар	...
Эргаштирувчи боғловчилар	...
На инкор юкламабоғловчили боғланган қўшма гап	...
Нисбий сўзлар	...
Оҳанг	...



## БИЛИБ ОЛИНГ!

**Айирув боғловчили** боғланган қүшма гаплар ё, ёки, ёхуд, гоҳ, баъзан, дам боғловчилари ёрдамида боғланади. Гоҳ осмонни қуюқ булат қоплайди, гоҳ қуёш чарақлаб кетади. Бу боғловчилар тақорланган ҳолда қўлланилади ва тақороп қўлланган боғловчидан олдин вергул қўйилади. Содда гап таркибидаги уюшиқ бўлаклар орасидаги ё, ёки боғловчиларидан олдин вергул қўйилмайди, (*Лола ёки Манзура эртага келади*) Агар бу боғловчилар тақороп қўлланса, уюшиқ бўлаклар вергул билан ажратилади. (*Мансур ишдан бўшаган пайтларда ҳам тинч ўтирумасди: ёўқир, ё ёзар, ё янги бир масала ҳақида бош қотирап эди*).



## 12-машқ. Берилган гапларни ўқинг. Топшириқларни бажаринг.

Акамдан хат келди – На акамдан хат келди, на сендан хабар. На кўча бор, на мустаҳкам уй-жой кўринади. На бир уйнинг мўрисидан тутун чиқади, на бирор дараҳт кўринади.

Одамнинг кимлигини либоси ва салласидан эмас, тилидан билинг! (Ат-Термизий). Юракнинг кучидан қўл куч олади, кимдаки юрак кучли, қўл ҳам кучлидир. (Абулбарокот Қодирий). Луқмони Ҳаким ўз ўғлига деди: – Эй ўғлим, ялқовлик кўчасига кирма, кўнглинг тор бўлмасин, чунки кимда ялқовлик ва бесабрлик бўлса, у ҳеч қачон баҳтга эриша олмайди! («Жовидони Ҳирад»). Ер юзида шундай яшашга уринки, топган пулинг фақат тўғрилик орқали келган бўлсин! (Абдикең Шерозий). Ҳалол меҳнат билан топилган ва хайрли ишларга сарфланган бойликтан кўра яхшироқ бойлик йўқ! (Оталар сўзи). Мана менман у исённинг ўлмас авлоди... Ўша жонман, ўша қонман ва ўша шонман!!! (У.Носир).

Ойим саҳар пайти бомдод номозини ўқишига туради. Мени уйғотиб юбор-маслиги учун паст товушда қуръон тиловат қиласиди. Тиловатдан сўнг мени узоқ дуо қиласиди. Ёстиқдан бош кўтариб қулоқ соламан. «Э худойим, шу мусоғиргинани ўзинг қўлла! Шу фариштагинага тикилганларнинг юзини тескари қил!..



1. Берилган матндағи құшма гапларни топиб, алоҳида ёзинг.
2. Топилған құшма гапларни ҳосил қылған содда гапларни аникланг.



3. Құшма гаплар компонентлари үзаро қандай боғланганини аниклаб, ёнига ёзіб қўйинг.



4. Топилған боғловчи воситаларни турларга ажратинг.
5. Биринчи абзацда берилған гаплар қандай боғловчи воситалари орқали боғланған, изоҳ беринг.



### БИЛИБ ОЛИНГ!

**Инкор боғловчили** боғланған құшма гаплар на... на боғловчилари ёрдамда боғланади. Бу боғловчилар тақрорланған ҳолда құлланилади ва тақрор құлланған боғловчидан олдин вергүл қўйилади. На қизлар қўлидаги китобларини қўйиб, болаларга қараашмади, на болалар улардан ёрдам сўрамадилар.

## 7

## БҮЮК ДАШТДА БҮЮК ИПАҚ ЙҮЛИ



**13-машқ.** Ўқинг ва хулоса чиқаринг. “Якуний сўз – сизга” услуби орқали жавоб беринг.

Юртимизнинг географик жиҳатдан қулай жойлашиши, яъни Евроосиё материгининг марказида жойлашиши азалдан турли мамлакатлар ва тараққиётлар ўртасида транзит “даҳлиз”ларнинг пайдо бўлишига кўмаклашди. Бизнинг давримиздан бу қуруқлик йўллари Катта Евроосиёнинг Шарқи ва Фарби, Шимоли ва Жануби ўртасида савдо ва маданият соҳасидаги алоқаларнинг трансконтинентал тармоғи – Буюк Ипак йўли тизимиға айланди. Бу йўл ҳалқлар орасидаги ўзаро товар айирбошлиш, илм-фан ҳамкорлигини шакллантириб, ривожланиш учун мустаҳкам пойдевор бўлди. Карvon йўлларини нуқсонсиз ташкил қилиб, хавфсизлигини таъминлай олган Буюк дашт аҳолиси қадимги ва ўрта асрлардаги савдо алоқаларининг билимдони ҳисобланди. Дашт белбоғи Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Ўрта ер денгизи, Яқин Шарқ ва славян тамаддунларини туташтира олди. Биринчи бор тузилгандан бошлаб Буюк Ипак йўли харитаси асосан Турк империялари ҳудудини қамраб олди. Марказий Осиёда туркийлар ҳукмронлик қилган даврда Буюк ипак йўли жуда ҳам гуркираб, ҳалқаро миқёсда иқтисодиётни ва маданиятни юксалтиришга таъсир кўрсатди.





1. Буюк Ипак йўли қайси давлатларни боғлади ва бу йўллар халқقا қандай хизмат қилди? Фикрингизни тақдимот орқали тўлиқ баён этинг.



2. Буюк дашт аҳолиси Буюк Ипак йўли карвони учун қандай шароит яратган эканлар? Матндан асосий ва майда тафсилотларни ажратиб ёзинг.



3. Матнда берилган содда гаплардан тенг боғловчили қўшма гаплар ҳосил қилинг. Изоҳланг.

№	Содда гап	Боғловчи восита	Қўшма гапнинг 2-қисми
1.	Юртимиз географик жиҳатдан қулай жойлашган...	...ва...	...
2.	Бу йўл халқлар орасидаги ўзаро товар айирбошлиш, илм-фан ҳамкорлигини шакллантирган	Гоҳ..., гоҳ...	...
3.			
4.			



- Боғланган қўшма гаплар қандай гаплардан ташкил топади?
- Боғланган қўшма гап типлари ўзаро қандай воситалар орқали боғланади?
- Ажратилган гапни тўлиқ грамматик таҳлил қилинг.

## 8

## БҮЮК ДАШТ – ТУРКИЙ ОЛАМНИНГ ГЕНЕЗИСИ




**14-машқ.** Матнолди топшириқ. Матнни дикқат билан ўқиб чиқинг ва ҳар бир абзазига сарлавҳа қўйинг.

Қозогистон – бутун туркий халқларнинг қадрли ота макони. Бугунги қозоқнинг бепоён даласидан дунёнинг турли бурчакларига тарқаган элат ва халқлар бошқа мамлакат ҳамда минтақаларнинг ривожига муносиб ҳисса қўшишди. Шу муносадат билан, “Туркийлар тараққиёти: туб илдизидан ҳозирги замонгача” лойиҳасини йўлга қўйиш зарур. Бу лойиҳа доирасида 2019 йили Астанада туркшуносларнинг бутунжаҳон конгрессини ва турли давлатларнинг музейларига қадимги туркий ёдгорликлар қўйиладиган туркий халқлар маданият кунларини уюштириш керак. Шунингдек, Википедия шаклида Қозогистон модераторлигига туркий халқларга тегишли ижодий асарларнинг онлайн кутубхонасини очиш ҳам муҳим. Шу билан бирга янги вилоят маркази сифатида Туркистонни ривожлантириш давомида унинг халқаро саҳнадаги нуфузини изчил равишда ошириб бориш керак. Қозогистоннинг қадимий пойтахти халқимизнинг маънавий марказигина эмас, балки бутун туркий олам учун муқаддас макон ҳисобланади.

Буюк даштнинг қадимги санъат ва технологиялар музейи “Буюк дашт” қадимги санъат ва технологиялар музейини очишга тўлиқ имкониятимиз бор. Унда илгор санъат ва технология намуналарини – ҳайвонлар кўришида ясалган буюмлар, “Олтин одам”нинг аслаҳалари, йилқини қўлга





ўргатиш, металургияни ривожлантириш, қуроляроф, совутларнинг тайёрланиш жараёнларини акс эттирувчи нарсаларни ва бошқа ёдгорликларни тўплаш мумкин. Унда Қозогистондан топилган ноёб археологик ёдгорликлар ва археологик мажмуаларнинг экспозициялари қўйилади. Бу нарсалар тарихий даврларнинг босқич-

ма-босқич ривожланиш жараёнини акс эттиради. Шунингдек, “Буюк даштнинг буюк тамаддулари” умуммиллий тарихий реконструкциялар клубини ташкил қилиб, унинг негизида Астана ва Қозогистоннинг бошқа ҳудудларида саклар, хунлар, турк ҳоқонликлари даври ва бошқа мавзуларда фестиваллар ўтказиш мумкин. Бунга қизиқиши билдирганларни тадбирларга жалб қилса бўлади. Қадимги Ўтрор шаҳрининг қатор иншоотлари – уйлари ва кўчалари, жамоат жойлари, сув қувурлари, қалъа деворлари ва бошқа жойларини асл ҳолига келтирадиган сайёхлик лойиҳаси ҳам қизиқарли бўлиши аниқ. Ана шулар асосида илм эгаллашни кучайтиришга ва сайёхликни ривожлантиришга эътибор берилиши зарур.



1. Буюк дашт – туркий оламнинг генезиси деган гап мазмунини қандай идрок этдингиз, қандай маълумотга эга бўлдингиз?



2. Буюк даштнинг қадимги санъат ва технологиялар музейини очиш борасидаги Элбошимиз фикрини ўрганиб чиқинг ва ўз фикр-мулоҳазаларингизни баён этинг.



3. Ҳоким ва тобе гапларни қандай боғловчилар боғлайди? Мисоллар орқали ўз фикрингизни далилланг.

4. Қўшма гап қисмларининг боғланишини изоҳланг.
5. Содда гап ва қўшма гапларнинг грамматик асосига кўра қандай ўхшашлик борлигини тавсифланг.



6. Матн мазмуни бўйича тайёрланган саволларга жавоб бера бориб асл нусхаси билан қиёсланг.



**15-машқ.** Матни ўқинг, гуруҳда муҳокама юритиб, тақдимот тайёрланг.

### ТАРИХНИНГ КИНО САНОАТИ ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕДАГИ КЎРИНИШИ

Ҳозирги замонда халқларнинг тарихини англатиша кино саноати алоҳида ўрин тутади. Яъни, халқ онгида фильмлардаги ёрқин кинообразлар илмий монографиялардаги ҳужжатли портретлардан кўра каттароқ роль ўйнайди. Шу сабабли, қисқа муддат ичида Қозогистон юксалиш тарихининг изчил ривожланишини кўрсатадиган ҳужжатли фильмлар, телевизион сериаллар ва тўла метражли бадиий



картиналарнинг маҳсус туркумларини ишлаб чиқаришга татбиқ қилиш керак. Мазкур лойиҳалар кенг халқаро ҳамжамият доирасида Ватанимиз ва чет эллик сценарийчилар, режиссёrlар, актёрлар, продюсерлар ва замонавий кино саноатининг бошқа мутахассисларини жалб қилиш орқали амалга оширилиши зарур. Қизиқарли ва мелодрама жанридаги фильмлар билан бирга, томошабинлар учун таниқли фэнтези ва саргузаштларга бой блокбастер элементларини қўшган ҳолда янги тарихий телекино асарла-

рининг жанрларини иложи борича кенгайтириш зарур. Шу ишлар орқали Буюк Даштнинг бой мифологик ва фольклор материалларидан фойдаланиш мумкин. Миллий қаҳрамонларни ибрат қилиб кўрсатишни шакллантиришга йўл очадиган сифатли болалар фильмлари ва мультиликацион сериалларни талаб қиласдиган ёш авлоднинг дунёқарашига ҳам алоҳида эътибор қаратиш керак. Бизнинг машҳур баҳодирларимиз, донишмандларимиз билан элни бошқарган шахсларимиз факат Қозогистонга эмас, балки бутун дунёга ибрат қилиб кўрсатишга лойиқdir.

Хулоса қилиб айтганда, бундан бир ярим йил аввал менинг “Келажакка йўлланма: маънавий юксалиш” дастурий мақолам эълон қилинди. Юқорида қайд этилган лойиҳаларни “Маънавий юксалиш” дастурининг давоми деб биламан. “Маънавий юксалиш” умуммиллий дастурининг янги компонентлари ота-боболаримиз кўп асрлик меросининг рақамли тамаддун шароитларида тушунарли ва талабга эга бўлишини таъминлаган ҳолда уни



янгилашга имкон беради. Асл тарихини биладиган, қадрлайдиган ва ундан фахрланадиган халқнинг келажаги ёрқин бўлишига ишончим комил. Ўтмишидан фахрланиб, бугунуни аниқ баҳолай билиш ва келажакка ижобий назар ташлаш – элимиз муваффақиятининг гарови, деганимиз шу.



1. Матннинг асосий ва майда тафсилотли ахборотини аниқланг, далил ва фикрни ажратинг.
2. Матннинг белгилари ва нутқий хусусиятларига кўра услубини аниқланг.



3. “Келажакда Қозогистонда...” матн асосида ўз фикр-мулоҳазаларинизни ишга солиб, мавзуни давом эттириинг ва матн яратинг.
4. Яратган матннингизда эргаштирувчи боғловчили қўшма гаплар ўрин олсин. Уларга изоҳ беришни унутманг.

5. Ҳоким гапнинг грамматик белги-хусусиятларини кўрсатинг.
6. Тобе гапнинг вазифаси нималардан иборат у қандай грамматик белги-хусусиятларга эга? Фикр-мулоҳазаларингизни баён этинг.

**16-машқ.** Матнолди топшириқ. Матндан қалит сўзларни топиб ёзинг. Шу сўзлар ёрдамида матннинг ўзига хос жанрини инобатга олган ҳолда оддий ва тезисли режа тузинг.

### БУЮК ДАШТНИНГ БУЮК НОМЛАРИ

Кўпчиликнинг онгига тарихий жараёнлар, асосан, шахслаштириш сифатига эга бўлиши маълум. Кўплаб ҳалқлар ўз юртларининг алоҳида элчиси сингари буюк аждодларининг исмлари билан фахрланади. Масалан, ўтган даврлардаги Тутанхамон, Конфуций, Искандар Зулқарнайн, Шекспир, Гёте, Пушкин ва Жорж Вашингтон каби бутун дунёга машҳур шахслар бугунги кунда ўз мамлакатларининг бебаҳо рамзий капитали ҳисобланади ва шу давлатларнинг ҳалқаро саҳнада самарали олға силжишига кўмаклашмоқда. Буюк дашт Ал-Форобий ва Яссавий, Күлтегин ва Бейбарс, Аз Тауке ва Абильай, Қенесари ва Абай ҳамда бошқа қўплаб буюк шахсларни дунёга келтирди. Шунинг учун биз, биринчидан, машҳур тарихий шахсларимиз ва уларнинг муваффақиятлари хурматига очиқ осмон остида ёдгорлик-ҳайкаллар қўйиладиган “Буюк даштнинг буюк номлари” ўқув-маърифий энциклопедия боғини очишимиш керак. Иккинчидан, мақсадли давлат буюртмасини уюштириш орқали ҳозирги адабиёт, мусиқа ва театр соҳасидаги, тасвирий санъатдаги буюк алломалар, шоирлар ва элни бошқарган шахслар тимсолининг муҳим галереясини барпо этишни йўлга қўйишимиз зарур. Шунингдек, бу ерда классик оқимга тегишли бўлмаган, муқобил ёшлар санъатининг креатив салоҳиятидан фойдаланишнинг ҳам аҳамияти зўр. Шундай экан, бу ишга чет эллардан ижодий жамоаларни ҳам жалб этган маъқул. Учинчидан, юртимизнинг тарихий давларини қамраб олган ҳолда “Буюк дашт шахслари” мавзусидаги илмий-оммабоп серияларни чиқариб, тарқатиш ишларини тизимлаштириб, жонлантириш керак.




Бу йўналишда қозоғистонлик олимлар билан бирга хорижий мутахасисларни ҳам жалб қилиб, халқаро жамоа ташкил қилиш мумкин. Натижада, қаҳрамонларимизнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида фақат юртимиздагилар эмас, балки чет элдагилар ҳам биладилар.



1. Ўзбек ва қозоқ халқларининг фахри бўлган буюк аждодларимиздан кимларни биласиз?
2. Буюк аждодлар номини келажак авлодга етказиш борасида Элбошимиз халқимиз олдига қандай вазифалар қўйяпти?
3. Ўз мамлакатларининг бебаҳо рамзий капитали ҳисобланган дунёга машҳур шахслардан кимларни биласиз?



4. Матндан қўшма гап турларига мисоллар топиб, боғловчи воситалари га изоҳ беринг ва грамматик таҳлил қилинг.
5. Матндаги ажратиб келтирилган гапларни эргаштирувчи воситалар орқали ўзгартириб қўчиринг. Гап маъносида ўзгариш содир бўлдими?
6. Қуидаги жадвалларни тўлдиринг.



## **Бўлим юзасидан назорат саволлари ва тест топшириқлари**

1. Боғланган қўшма гап берилган жавобни топинг.

А) Шу пайт тўсатдан кўча эшиги очилди-ю, Ҳусанхўжа ҳаллослага-  
нича кириб келди.

Б) Ким бўлар эди: сув ёқалаб юрган сувчилардан бирида.

С) Қушлар баланд учганда, ҳаво очик бўлади.

Д) Музлаган сув қисирласа, у бир чўчиб тушарди.

2. Сен бундан қутуласан, мен эса ўз мақсадимга етаман. Бу қўшма  
гапнинг қайси тури?

3. Одамга андиша керак, лекин ундан ҳам олдин инсоф керак қўшма  
гапини изоҳланг.

4. Боғланган қўшма гап атамаси тўғрисида нима дейсиз? У ходиса хусу-  
сиятини тўлиқ акс эттира олганми?

5.Боғланган қўшма гап ўз ичida қандай типларга бўлинади?

6.Боғланган қўшма гапнинг боғловчили турини айтинг.

7.Бириктирув боғловчили қўшма гаплар қандай воқеа-ҳодисаларни  
ифодалайди?

8.Бириктирув боғловчиларга қайси боғловчи воситалар киради?

9.Бириктирув боғловчили қўшма гаплар ўз ичida неча гурухга бўлина-  
ди?

10.Ҳам куласиз, ҳам куясиз гапи тўғрисидаги қайси ҳукм тўғри?

А) бириктирув боғловчили қўшма гап.

В) юкламали боғланган қўшма гап

С) шахси аниқ содда гап.

Д) эгасиз бош бўлакли (кесимли) содда гап

Е) эгаси топиладиган гап

11.Бириктирув боғловчили қўшма гапларнинг қисмлари ўзаро қандай  
мазмун муносабатларини ифодалайди?

12.Қуйидаги қўшма гапда қандай мазмун муносабати ифодаланган?

**Ҳамон чопиб боради ва лекин кўкраги қон.**

13. Зидлов боғловчили қўшма гапнинг таърифини айтинг.

14. Зидлов боғловчили қўшма гап асосан қандай воқеаларни ифодалай-  
ди?

15.Зидлов боғловчили қўшма гап қисмлари ўзаро қандай воситалар  
орқали боғланади?

16.Зидлов боғловчили қўшма гап қисмлари қандай мазмун муносабат-  
ларини ифодалайди?

17.Зидлов боғловчили қўшма гапни топинг.

- А) *У әртә ётди, аммо ярим тунгача ухлай олмади.*  
Б) *Бироқ бу ҳолатлар фикримизга монелік қила олмайды*  
С) *Аммо лекин жуда зүр чизибсиз-да.*  
Д) *Бу ерда зидлов боғловчили қўшма гап йўқ.*
18. *Сиз пулга эга бўласиз, мен эса мансабга* гапида қандай мазмун муносабати ифодаланганини изоҳланг.
19. Изоҳлаш муносабати ифодаланган зидлов боғловчили гап топиб уни изоҳланг.
20. Айирув боғловчили қўшма гапни таърифланг.
21. Айирув боғловчили қўшма гаплар қандай характердаги воқеа-ҳодисаларни ифодалайди? Мисоллар келтириинг.
22. Айирув боғловчили қўшма гап қисмлари ўзаро қандай воситалар орқали боғланади?
23. *Гоҳ, дам, бир* боғловчилари билан боғланган қўшма гапларда қандай воқеалар ифодаланади?
24. *Ё, хоҳ* боғловчилари орқали боғланган қўшма гапларда қандай воқеалар ифодаланади?
25. *Дам кулади, дам ииглайди.* Ушбу гап ҳақидаги қайси ҳукм тўғри?  
А) қўшма гап. В) ёйик содда гап С) йифиқ содда гап.  
Д) айирув боғловчили қўшма гап Е) уюшиқ бўлакли содда гап Ж) С, Е жавоблар тўғри.
26. Айирув боғловчили қўшма гап қисмлари қандай мазмун муносабатларини ифодалайди?
27. Дам кулгим келади, дам жаҳлим чиқади гапи тўғрисида ўз фикрингизни айтинг.
28. *На-*инкор боғловчи юкламаси қандай маънодаги қўшма гапларни ҳосил қиласди?
29. *На* инкор боғловчи – юкламаси қўшма гапларда қандай қўлланади?
30. *На* инкор боғловчи – юкламасининг содда ва қўшма гапларда қўлланисида қандай фарқлар бор?
32. Осмондан, ердан сўзлари ёрдамида на инкор боғловчи – юкламали қўшма гап тузинг.

## II БҮЛИМ

## ЖАҲОНШУМУЛ МАСАЛАЛАР



Аҳолининг саломатлиги учун қулай шароитлар яратиш, биосферавий мувозанатни сақлаш, мамлакатимизнинг ижтимоий-иктисодий соҳадаги ривожланиш самарадорлиги ва барқарорлигини кўзлаган ҳолда табиий ресурслардан фойдаланиш,



қайта тикланадиган табиий ресурслар ишлаб чиқариш ва истеъмол жараёнларининг мувозанатини сақлаш, тикланмайдиган ресурсларни ишлаб чиқариш, чиқиндилардан оқилона фойдаланиш, табиатнинг дастлабки турлари ва үларнинг генофондини, ландшафтларнинг хилма-хиллигини сақлаш барчамиз учун муҳим вазифадир.





## ЭКОЛОГИК МУАММО – ИНСОНИЯТНИНГ ГЛОБАЛ МУАММОСИ



**16-машқ.** Матнни ўқинг. Гурухда мухокама юритиб, тақдимот тайёрланг.



Одамзод яралибдики, соф ҳаводан нафас олишга, соғлом турмуш тарзда умргузаронлик қилишга интилади. Башариятнинг саломатлиги атроф-муҳит билан узвий боғлиқлиги барчамизга аён. Шу боис ён-атрофимиизда содир бўлаётган жамики ҳодисалар, экологиямизда вужудга келаётган жиҳдий муаммолар ҳаётилизга ўз салбий таъсирини ўтказмай қолмайди. Экологик муаммолар инсониятнинг табиатга кўрсатаётган нотўғри таъсиrlари натижасида юзага келади.

Табиатдаги тошқинлар, ўрмон ёнғинлари, чанг бўронлари ва бошқа табиий жараёнлар юз бериши одамзод томонидан экологияяга етказилаётган зарар билан бирга катта муаммоларни келтириб чиқарди. Ер юзасидаги кўпгина ўрмонлар қирқилиши, катта ҳудудларнинг дехқончилик ишлари учун ўзлаштирилиши, заарли газ ва тутунлар тарқаси, чиқиндилар билан кўчалар ифлосланиши ва бу каби кўпгина сабаблар табиатнинг табиий жараёнига птур етказмоқда.

Юртимизда минтақавий ва глобал экологик муаммоларнинг олдини олиш ҳамда ишлаб чиқариш тизими-



га экологик соф технологияларни жорий этишга давлатимиз томонидан юксак эътибор қаратилмоқда.

Хозирда жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солаётган ва барқарор ривожланишга таҳдид туғдираётган глобал иқлим ўзгариши таъсирини камайтириш, атроф табиий муҳитга муносабатни яхшилаш бора-сида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаизда табиатни муҳофаза қилишга оид ва дол зарб экологик муаммолар етарлича мавжуд. Йирик саноат мажмуалари жойлашган ҳудудлар, яъни Ангрен, Олмалиқ, Чирчиқ ва бошқа жойларда табиатни муҳофаза қилиш, ижтимоий-экотизим ҳолатини яхшилаш лозим. Чунки бу туманлардаги саноат марказларидан чиқаётган турли хил заарали газлар ва чиқиндилар экологик барқарор муҳитнинг бузилишига олиб келмоқда.

Шунингдек, агросаноат мажмуидаги экологик муаммоларни бартараф этиш, табиатдаги сувларнинг саноат чиқиндилари пестисетлар ва минерал ўғитлар билан ифлосланишини камайтириш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини қайта тиклаш, қўриқхоналар ва миллий боғлар тармоғини кенгайтириш юртимизда экологик вазиятни яхшилашнинг мақбул йўлидир.

Аҳолининг саломатлиги учун қулай шароитлар яратиш, биосферавий мувозанатни сақлаш, мамлакатимизнинг ижтимоий-иктисодий соҳадаги ривожланиш самарадорлиги ва барқарорлигини кўзлаган ҳолда табиий ресурслардан фойдаланиш, қайта тикланадиган табиий ресурслар ишлаб чиқариш ва истеъмол жараёнларининг мувозанатини сақлаш, тикланмайдиган ресурсларни ишлаб чиқариш, чиқиндилардан оқилона фойдаланиш, табиатнинг дастлабки турлари ва уларнинг генофондини, ландшафтларнинг хилма-хиллигини сақлаш айни вазифадир.

Шу жумладан, шаҳар ва аҳоли яшайдиган пунктларда атмосфера ҳавосининг сифатини яхшилаш, санитар-гигиеник қоидаларга риоя қилиш, кам чиқиндили технологияларни яратиш, чанг тўпловчи ва тозаловчи янги қурилмаларни яратиш ва уларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, эскирган қурилмаларни яхшилаш ҳамда алмаштириш зарурдир. Агар зудлик билан табиатда вужудга келаётган муаммолар ҳал этил-





маса инсоният ва бутун мавжудотнинг ҳаёти хавф остида қолади.

Инсон саломатлигига, унинг яхши яшашида, узок ўмр кечиришида мусаффо ҳаво, тоза сув ва унумли тупроқ, табиий ва фойдали микро-элементларга бой истеъмол маҳсулотларининг ўрни бекиёс. Аммо Орол дengизининг қуриган тубидан кўтарилаётган чанг-тўзон ва тузлар узок-узок ҳудудларгача етиб бораётгани, Тожикистон Республикасининг Тур-

сунзода шаҳрида жойлашган Алюминий заводидан чиқаётган заҳарли моддалар ва тутунлар жанубий вилоятларимиздаги экологик мувозанатни бузайтгани соғлом турмуш тарзимизга жиддий зарар етказмоқда. Бу каби экологик муаммолар, аввало, инсониятнинг, яъни бизнинг катта муаммолиздир.

Биз табиатга қараммиз, табиатсиз яшай олмаймиз. Шундай экан, барчамиз табиатни асраб-авайлашимиз, ҳар бир қарич еримизни кўз қорачифимиздек асрashимиз, табиат бойликларидан оқилона фойдаланишимиз, ҳар бир томчи сувни тежаб ишлатишимиз, табиатга доимо ғамхўрлик хиссида яшамоғимиз лозимдир.

*Эшдавлат Сувонов.*



1. Орол фожиаси ҳақида эшитганмисиз? Экологик муаммоларга боғлиқ мавзу танлаб, синфда 4 кичик гуруҳга бирикиб, баҳс-мунозара ўтказинг. Мавзу бўйича ўз фикр-мулоҳазаларингизни жамлаб, ҳар бир гуруҳда тақдимот тайёрлаб, синфга тақдим этинг.



2. Матндан тобе гапли қўшма гапларни топиб, изоҳланг.



## БИЛИБ ОЛИНГ!

Содда гапларнинг мазмун жиҳатидан бирини иккинчисига **эрғаштирувчи боғловчилар ёрдамида** тобеланиш асосида боғланишидан тузилган гаплар тобе гапли қўшма гап дейилади.

Тобе гапли қўшма гаплар тобе гап ва ҳоким гаплардан тузилади.

Ўзича мустақил бўлиб, бошқа гапга тобеланмаган гап – **ҳоким** гап, ҳоким гапга тобеланиб, уни изоҳлаб келадиган гап **тобе гап** дейилади.

Тобе гапнинг кесими мазмунан тугалланмаган, ҳоким гапнинг кесими мазмунан тугалланган бўлади. Масалан, Тонг ёришгач, йўловчилар йўлга тушдилар. Бу гапдаги **тонг ёришгач** – мазмунан тугалланмаган-тобе гап, **йўловчилар йўлга тушдилар** – мазмунан тугалланган – ҳоким гапдир.



## ЁДДА САҚЛАНГ!

-ки боғловчиси кўп маъноли боғловчидир. Бунинг сабаби, -ки ва унинг қадимги кўриниши -ким эски ўзбек тилида кўп турдаги гапларни бир-бира га боғлаб, қўшма гап ҳосил қила олган. Бу боғловчининг -ким шакли асосан, тарихий-бадиий асарларда ёки ҳозирги нутқда кўтаринкилик, шунингдек, эскирганлик бўёғини бериш ҳолларида қўлланилади. **Дедиким, севганимни айла маълум.(Н)** Сўз кўп демагилким, бу нодонлик нишонасидир («Қобусномадан»).



## ҲАВО ҲАРОРАТИНИНГ ОШИШИ – ЖИДДИЙ МУАММО



**17-машқ.** Матнни ўқинг, гурухда муҳокама юритиб, сарлавҳа қўйинг ва топшириқларни бажаринг.



Маълумки, ҳаво ҳароратининг ошиши инсониятга бевосита эмас, балки билвосита хавф туғдиради. Бу жараёнда ҳарорат, намлик ва қуёш тафтининг ўзгариши, қишлоқ хўжалиги соҳаларига жиддий зиён етказади. Иқлим моделларига кўра, ўртача глобал ҳароратнинг ошиши денгиз сатҳининг кўтарилишига (яъни, қишлоқ хўжалиги ерларини сув босиши ва қирғоқ бўйи сизот сувларининг шўрланиши), бўронлар ва жазирама каби экстремал табиий ҳодисалар қайтарилишининг ортишига ҳамда иқлим минтақаларининг қутбларга қараб кўчиши ва қуруқлик юзасининг каттагина қисмида тупроқ намлигининг камайишига олиб келади.

Бундан ташқари, мавсумда ёғинлар миқдори қўпаяди. Натижада буғланиш даражаси ортиб, ўсимликларнинг ўсиш жараёнида тупроқ қуриб қолади. Мўътадил кенгликлар ( $45^{\circ}$ дан  $60^{\circ}$ гача) ҳудудларида кутилаётган силжиш ҳароратнинг ҳар бир даража ортишига 200-300 километрни ташкил қилиши мумкин. Бундай силжишлар қишлоқ хўжалиги экинларини етиширишга ҳамда қорамол бошларини парваришлаш шароитларига салбий таъсир кўрсатади.

*(Интернет материалларидан)*



1. Матнда қандай муаммо күтарилилган? Унга тезис тайёрланг.
2. Сизнингча, бундай муаммоларни юзага келишига нима сабаб?
3. Матнда кўрсатилган муаммолар ҳал этиладими? Қандай қилиб?
4. Юқоридаги саволларга жавоб тайёрлаш жараёнида *-ки*, *-ким* боғловчишидан фойдаланиб, қўшма гаплар тузинг.



**18-машқ.** Матнни ўқинг, гурухда мухокама юритиб, топшириқларни баражаринг.

### ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ВА СУВ РЕСУРСЛАРИ

Ҳозирги кунда жаҳоннинг кўплаб ҳудудларида тоза ичимлик суви танқис бўлиб бормоқда. Албатта, буларнинг бари сув ҳавзаларининг ифлосланиши, экологик меъёrlарнинг бузилиши туфайли сув захираларнинг сифат ёмонлашуви оқибатида юз берадигани бугун ҳеч биримизга сир эмас. Айтиш жоизки, саноат чиқиндилари ва ўғитлардан интенсив фойдаланиш кўпгина ҳолларда сувда заарли кимёвий моддаларнинг ортишига сабаб бўлиб, нотўри сугоришлар тупроқ шўрланиши ва сувнинг буғланиш даражасини кучайишига олиб келади. Кам шўрланган тупроқларда ҳосилнинг 40 фоиз, ўртача шўрланган ерларда 60 фоиз, шўрланган ерларда 80-100 фоизгacha қисми нобуд бўлади. Бунда ёғинларнинг баъзи ҳудудларда кўпайиб, бошқа жойларда камайиши эҳтимолдан холи эмас. Иқлим ўзгариши ёғингарчилик кам кузатиладиган ҳудудларда чучук сув захираларини камайишига, ёғингарчилик кўп бўлган шароитда эса тошқинлар содир бўлиб, дарё ва кўллардаги сув сатҳи кескин кўтарилиб кетади. Биргина ёғинларнинг 10 фоизга камайиб, ҳароратнинг  $1-2^{\circ}$  С га ортиши қуруқроқ ҳавзаларда оқимнинг 70 фоизга камайишига олиб келиши мумкин. Натижада ер ости сув сатҳи пасайиб, денгиздаги шўр сувларнинг чучук сизот сувлари билан аралашуви оқибатида шўрланиш ҳосил бўлади. Қисқа қишлиб айтганда, ёғинларнинг камайиши ва буғланишнинг ортиши қишлоқ хўжалик ерлари, ўрмон, ботқоқлик ва бошқа экотизимларга жиддий зарар келтиради.



1. Ичимлик суви танқислиги деганда нимани тушунасиз? Интернет материаллардан фойдаланган ҳолда шу саволга жавоб топинг. Сабаб ва оқибатларини ўрганиб чиқинг.



2. Табиатни бундай оғатдан сақлаб қолиши кимга ва нима боғлиқ деб ўйлайсиз ҳамда бунинг учун сиз нима қилган бўлардингиз? Ишончли далил ва далолатномаларга таянган ҳолда маълумотларни тақдимот тарзида баён этинг.
3. Матндан қўшма гап турларига мисоллар топиб, кўчириб ёзинг ва шарҳланг. Боғловчи воситаларини аниқланг, изоҳланг.



### **ЁДДА САҚЛАНГ!**

*Шунинг учун, шу сабабли, шу боис, натижада, оқибатда, -ки, -ким боғловчилари ҳоким гап таркибида келиб, бу гапга тобе гапнинг боғланиб келаётганига ишора қилиб туради. Агар, агарда, чунки, гўё, бамисоли, зеро, деб, токи, зотан боғлочилари тобе гап таркибида келиб, уни ҳоким гапга боғлади.*

*Шунинг учун, шу сабабли, шу боис каби боғловчилар ҳоким гапнинг бошида келганда матнда сабаб тобе гап ҳоким гапдан нуқта билан ажратилади. М: Бу йил ёмғир кўп бўлди. Шунинг учун дарё ва сойларда тошқин ҳавфи бор.*

*Агар, агарда, чунки, гўё, бамисоли, зеро, деб, токи, зотан боғлочилари тобе гап бошида, шунинг учун, шу сабабли, шу боис, натижада, оқибатда, боғловчилари ҳоким гап бошида, деб тобе гап охирида, -ки, -ким боғловчилари эса ҳоким гап охирида келади.*



### **ЁДДА САҚЛАНГ!**

*Агар (гар) боғловчилари жуда кўп ҳолларда номустақил кесим шакли ясовчи шарт майли билан бирга келади. Шарт майли бошқа бир кесимга тобеланиб келаётганигини ўз-ўзидан ифодаланиб турганлиги учун бу боғловчилар бемалол туширилиб қолдирилиши мумкин.*

*Тобе гап кесими шарт майлидаги бошқа шаклларда бўлса, шарт маъноси агар (гар) боғловчиси ёрдамида юзага келади.*

# 3

## ЧҮЛЛАНИШ ДУНЁ МИҚЁСИДАГИ ЭКОЛОГИК МУАММО...

**19-машқ.** Матнни ўқинг, гурухда мұхокама юритиб, топшириқларни ба- жаринг.

### ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ВА ЧҮЛЛАНИШ



Чүлланиш дунё миқёсидаги экологик мұаммо бўлиб, бугунги қунда юздан ортиқ мамлакатларнинг қишлоқ хўжалиги мазкур мұаммо туфайли азият чекмоқда. Чўлланишнинг бош сабаби қурғоқчил, яrim қурғоқчил ёки намгарчилик кам бўлган ҳудудларда кузатиладиган узоқ ва қисқа муддатли иқлим тебранишларидир. Бугунги қунда қуруқликнинг деярли учдан бир қисмини қурғоқчиликка

учраган ерлар ташкил этади ва бу ерларда ер юзи аҳолисининг олтидан бир қисми истиқомат қилмоқда. Қурғоқчил ерлардан ва ўсимлик дунёсидан нотўғри фойдаланиш, тупроқ ва шамол эрозияларининг олдини олмаслик аста-секин чўлланиш жараёнини тезлаштириб, қурғоқчиликнинг тез-тез содир бўлиши, тупроқ емирилиши ва қурғоқчил иқлимли ҳудудлар чўлланишига кучли таъсир кўрсатади.

Шунингдек, чўлланиш иқлим ўзгариши, биологик турлар хилма-хиллигининг камайиши ва халқаро сувларнинг ифлосланиши каби бошқа экологик мұаммолар билан ҳам ўзаро боғлиқdir. Ҳароратнинг кўтарилиши, буғланиш даражасининг ортиши ёки ёғинларнинг камайиши чўлланиш жараёнини жадаллаштиради. Чўлланиш иқлим ўзгаришларига ҳам регионал,



ҳам глобал миқёсда таъсир кўрсатади. Бунда ўсимлик қопламининг сийраклашиши ва тупроқ сифатининг ёмонлашуви натижасида ҳарорат ошиб, намлик даражаси пасайиб кетади. Бундан ташқари, ўсимлик қопламининг сийракланиши, тупроқ сифатининг пасайиши углерод кўпроқ ҳосил қилиди, натижада ўсимликлар кўпайган углеродларни қайта қабул қилиб, унинг биомасса таркибида кўпайишига олиб келади. Иқлимнинг глобал ўзгариши оқибатида эса ҳарорат, буғланиш ва ёғинларнинг ўзгариши туфайли чўллашиш бальзи ҳудудларда кучайиб, айримларида пасайиш ҳолатлари кузатилади.

*Бахтиёр Абдуллаев*



1. Экология ўзи нима, инсон ҳаётидаги роли нимада?
2. Чўлланиш сўзини қандай тасаввур этяпсиз?
3. Иқлимнинг ўзгариши қандай ҳалокатга олиб келишини ўйлаб кўринг ва хулоса чиқариб, бундай муаммоларни ҳал этиш йўлларини топинг.
4. Ўзбек тилида тобе гапларнинг қўйидаги турлари аниқланган: эга, кесим, аниқловчи, тўлдирувчи, шарт, тўсиқсизлик, мақсад, сабаб, натижа, ўрин, пайт, равиш, ўлчов-даражা, чоғиштирма-ўхшатиш тобе гапли қўшма гаплар. Булар гап бўлакларини эслатяпти. Шундай эмасми? Демак, фикрингизни жамлаб, ўз хуносангиз билан ўртоқлашинг.
5. Матндан юқоридаги тобе гапларга мисоллар топиб, кўчиринг ва изоҳланг.



## 20-машқ. Матнни ўқинг гурухда муҳокама юритиб, топшириқларни бажа- ринг.

Ер ва унинг атмосфераси умумий – ҳамма учун ягонадир. Шу боис дунёning қўйгина мамлакатлари томонидан имзоланган БМТнинг иқлим ўзгариши тўғрисидаги конвенцияси муҳим халқаро шартномалардан бироридир. Мазкур шартноманинг мақсади иссиқхона газлари миқдори, иқлим тизимиға ҳавфли антропоген аралашувни барқарорлаштиришдан иборат. Иссиқхона газлари эмиссиясини қисқартириш борасида дастлаб 1997 йилнинг декабрида Япониянинг Киото шаҳрида бўлиб ўтган БМТнинг иқлим ўзгариши тўғрисидаги Тегровий конвенцияси чоғида катта қадам ташланди. Музокаралар натижасида 2008-2012 йиллар мобайнида иссиқхона газларини 1990 йилги кўрсаткичга нисбатан Европа иттифоқи мамлакатлари 8 фоизга, АҚШ 7 фоиз ва Япония 6 фоизга қисқартириш мажбуриятини олди. Шунингдек, саноат соҳасида ривожланиш юқори бўлган мамлакатлар учун ҳам энг юқори «чегаралар» белгилаб қўйилди.

Бир сўз билан айтганда, жамиятнинг барқарор тараққиёти ва хавфсизлиги кўп жиҳатдан атроф-муҳит соғломлигига, қолаверса, ундан ҳар бир фуқаронинг тўғри ва унумли фойдаланишига боғлиқ. Шундай экан, она табиат неъматлардан оқилона фойдаланишиб, атроф-муҳитни самарали муҳофаза қилиш ҳар биримизнинг зиммамиздаги улкан масъулиятдир.



*Бахтиёр Абдуллаев*



1. Матн типи, услуби, жанрини аниқланг.
2. БМТ конвенциясининг инсон ҳаётидаги роли нимада?
3. Матн мазмунини ёритувчи саволлар тузинг.
4. Боғловчи юкламаларнинг гапдаги вазифасини мисоллар орқали туширинг.



### ЁДДА САҚЛАНГ!

-ми,-да,-у,-ю, юкламалари алоҳида сўзларга боғлиқ ҳолда шу сўзнинг қўшимча маъно қирраларини билдиришидан ташқари, бутун бир гапга тегишли бўлиб, унинг маъносини таъкидлаб, кучайтириб, чегаралаб, шунингдек, сўроқ маъносини ҳам билдириб келиши мумкин. Бу юкламалар қўшма гаплар таркибидаги содда гапларни бир-бирига боғлашга хизмат қилади. Шунинг учун улар боғловчи-юкламалар деб аталади.

[Гўё] ёрдамчиси қўшма гапда содда гап қисмларини бириктирувчи грамматик воситанинг бири сифатида хизмат қилади, яъни қўшма гапда содда гапдаги вазифасидан фарқли ўлароқ, фақат юкламагина эмас, балки боғловчи-юклама саналади: *Шундай бақардики, гўё бутун хона ларзага келгандек бўлди.*



**21-машқ.** Матнни ўқинг, гуруҳда муҳокама юритиб, топшириқларни баражинг.

– Орол ўлаётир,  
Сир ўлаётир,  
Ўлаётир заҳардан тупроқ.  
Шоир бунга қарши не қилаётир?  
– Шоир дафтарида каттакон сўроқ.  
У фақат қичқирав:  
Бундоқ бўлмайди.

Алам билан ёш тўкар, бироқ  
Унинг кўз ёшидан Орол тўлмайди,  
Фақатгина ер бўлар шўрроқ...

Эркин Воҳидов



1. Тингланган матннинг мазмунини тушуниб, ахборотнинг долзарблиги, ҳаққонийлигини тўлиқ анлаган ҳолда асосланг. Шоир шу кичкина шеърда катта муаммони қандай етказа олган? Шу ҳақда фикрлашинг.




2. Шеърий матнни насрий матнга айлантиринг, бу жараёнда матн мазмунини сақланиши шарт, аммо ўз қарашларингизни асослаган ҳолда матн яратинг.
3. Экологик муаммоларни келтириб чиқараётган асосий омиллар нималардан иборат? Тезис сифатида уларни кўрсатинг.
4. Яратган матнда боғловчи воситасидаги боғловчи-юкламалардан фойдаланинг ва изоҳланг.



# 5

## ЕР ВА АТМОСФЕРАМИЗ БИЗДАН МАДАД КУТМОҚДА



**22-машқ.** Матнни ўқинг, берилган расмларга дикқат қилинг, гурухда муҳокама қилинг, топшириқларни бажаринг.

Бизга шуниси аёнки, ҳамма бугунги биздаги мавжуд экологик муаммолар, инсон иштироки, бевосита унинг хўжалик юритиш фаолияти натижасида юзага келди. Шундай қилиб, инсон ўзига муаммо туғдириб, оқибатда азобини тортади, заар кўради, йўқотишларни бошидан кечиради. Омилик жавобгарлик ҳиссидан озод этмайди.

Атмосферага тарқаётган буғхона газлари каби кимёвий моддалар, хлорфторуглеродлар (ХФУ) ҳам туфайли музликлардаги музлар хавф остида қолмоқда. Уларнинг бари биргаликда бизнинг атмосфера ва стратосферага жиддий муаммолар келтириб чиқармоқда.  $\text{CO}_2$  ва метан каби буғхона газларнинг юқори концентрацияси туфайли курраи заминда ҳаво ҳарорати кўтарилимоқда. Бу газларни саноат корхоналари, бизга электр қуввати етказиб берадиган энергетик ускуналар, автомашина, самолёт ва сув тортадиган насослар тарқатмоқда. Қутб ҳудудларида глобал илиқлиқ таъсирида музликларнинг эриши туфайли яққолроқ намоён бўлмоқда.  $\text{CO}_2$  карбонат ангидридга оид газ сифатида маълумдир. У табиий кўринишда атмосферамизда топилган, шунингдек, ҳамма тирик жонзотлар томонидан чиқарилади. Барча муаммолар бу газ замонавий жамият томонидан катта миқдорда чиқарилган пайтда юзага келади. ХФУ шундай моддаки, қуёшдан келаётган хавфли ультрабинафша нурларига фильтр бўлиб хизмат қилаётган озон қатламини емиради ва ҳатто унда тешиклар ҳосил қиласди. Арктика ва Антарктида осмонида озон тешиклари катта ҳажмни ташкил этади.



- Биринчи гурух: матнни диққат билан ўқиб, жадвалдаги омилларга асосланиб, “Она табиат ёрдамга муҳтож...” мавзусида бадиий матн яратинг.
- Иккинчи гурух: “Ер юзини ларзага солаётган муаммолар, ўз ечимини топишига ишонаман, фақат...” мавзусида илмий матн яратинг.
- Учинчи гурух: “Она табиатни асрар учун биз, ёшлар, нима қилдик?..” мавзусида публицистик матн яратинг.
- Гуруҳларнинг тақдимоти ва синфда муҳокама юритинг. Гуруҳларнинг бир-бирларига савол-жавобларини ташкил этинг.
- Матн яратишида ўтилган мавзулар ўз ифодасини топиши лозим, яъни боғловчи юкламалар ва уларнинг хизмати изоҳланади.

Тобе гапли қўшма гаплар тебе гап ва ҳоким гаплардан тузилган.

Ўзича мустақил бўлиб, бошқа гапга тобеланмаган гап – **ҳоким** гап, ҳоким гап-га тобеланиб, уни изоҳлаб келадиган гап **тобе гап** дейилади.

Тобе гапнинг кесими мазмунан тугалланмаган, ҳоким гапнинг кесими мазмунан тугалланган бўлади. Масалан, **Тонг ёришгач, йўловчилар йўлга тушдилар**. Бу гапдаги **тонг ёришгач**–мазмунан тугалланмаган – тебе гап, **йўловчилар йўлга тушдилар**– мазмунан тугалланган – ҳоким гапдир.

Тобе гап ҳоким гапга **чунки, шунинг учун, шу сабабли, деб, гўё, худи, гарчи, мабодо, агар, натижада, оқибатда, -ки(ким),** боғловчилари, ҳамда **-б, -иб, -гач, -гунча, -ган(да), -са** боғловчи воситалари ёрдамида боғланади.

Тобе гап гапнинг барча ўринларида кела олади. Тобе гапнинг қўйидаги турлари мавжуд: **эга тебе гап, кесим тебе гап, тўлдирувчи тебе гап, аниқловчи тебе гап, ҳол тебе гап (пайт тебе гап, ўрин тебе гап, сабаб тебе гап, мақсад тебе гап, шарт тебе гап, тўсиқсиз тебе гап, натижада тебе гап, ўхшатиш тебе гап, равиш тебе гап, даражада-миқдор тебе гап).**

# 6

## ЕЧИМ ТОПИЛДИ: 1 ТРИЛЛИОН ДОНА ДАРАХТ ЭКИШ ВА ГЛОБАЛ ИСИШНИ ТҮХТАТИШ



**23-машқ.** Матнни ўқинг, берилган расмларга дикқат қилинг, гурухда муҳокама юритиб, топшириқларни бажаринг.

Саноати ривожланган мамлакатларга уларнинг атмосферага чиқараётган карбонат ангирид гази миқдорини камайтириш мақсадида таъсир кўрсатиш кўп ҳолларда самарасиз бўлгани сабабли экологлар муаммога бошқа томондан ёндашишга қарор қилишиди. Яқиндан бошлаб ўрмон кенгликлари нафақат атмосферага кислород етказиб бериш манбаи, балки антропоген  $\text{CO}_2$  нинг ортиқча ажратилишига қарши қурашувчи кучли кураш воситаси ҳисоблана бошланди. Табиийки, тарози палласини керакли томонга оғдириш ва иссиқлик гази тўпланишининг олдини олиш учун дараҳтлар жуда кўп бўлиши керак. Швейцариялик олимлар яқинда ўтказилган конференцияда бунинг учун 4 триллион туп дараҳт зарурлигини маълум қилишиди.

Мавжуд маълумотларга кўра, сайёрамизда 3 триллионга яқин дараҳт ўсади. Карбонат ангирид газининг саноатда чиқарилиши эса йилига 10 гига тоннани ташкил қиласиди. Швейцариялик экологларнинг ҳисоб-китобларига кўра, 1-1,2 триллион туп дараҳт газ утилизацияси муаммосини ҳал қила олади. Бунда қўшимча ўрмон массивларини ташландиқ ва фойдаланилмаётган ерларга жойлаштириш мумкинлиги, шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалиги ерларини қисқартираслик қайд этилган. Албатта ушбу ҳудудларнинг бари дараҳтларнинг кўплаб турлари учун тўғри келмайди. Шу туфайли чўл зоналари ва саноатга ажратилган ерларга дараҳтларнинг мос келувчи турларини синчковлик билан танлаш лозим.





Экологларнинг чақириғига Австралия биринчилардан бўлиб жавоб берди. Бу мамлакат ҳукумати 30 йилга мўлжалланган давлат дастури доирасида ўз ҳудудида 1 миллиард туп дараҳт ўтқазиш истагини билдириди. Бироқ бу зарурый миқдорнинг 1/1000 қисми холос. Австралияда кам фойдаланиладиган ерлар борлиги ҳисобга олинса, у ўз ҳудудида бундан ҳам

кўпроқ дараҳтни жойлаштириши мумкин эди.

Бироқ эзгу мақсадларнинг бари молиялаштиришга бориб тақалади. Шу боис ташаббусни амалга ошириш учун етарли моддий маблағ ва илмий-техник базага эга бўлган ривожланган мамлакатлар биринчи навбатда жавоб беришлари лозим. Ҳозирда мавжуд бўлган З триллион туп дараҳт ҳақида ҳам унутмаслик жоиз. Экологлар диққатини мавжуд дараҳтларни сақлаш ва рационал фойдаланишга қаратиш керак. Чунки эндигина экилган дараҳтлар ўн йиллар ўтгачгина ўсиб, сайёра атмосферасига катта таъсир кўрсатиш салоҳиятига эга бўлади.



1. Матнда қандай долзарб масалалар кўтарилилган? Унга ўз муносабатларингизни билдиринг.
2. 1 триллион дона дараҳт экиш, ҳал қилиш мумкин бўлган ишми? Атроф-муҳитни кўкаlamзорлаштириш масаласи сизни ўйлантиридими?

Two small square icons. The left one shows an open book with a pencil resting on it. The right one shows a red stick figure pointing towards the book.

3. Нега бугунги қунда жаҳон экологлари шундай масалани кўтариб чиқмоқдалар? Ўз фикрингизни жамлаб, тақдимот тайёрланг.
4. Матнни ўқиши жараённида боғловчи воситаларни ва қўшма гапларни топиб, уларга изоҳ беринг.
5. Матн таркибидағи содда ва қўшма гаплардан эга тобе гапли қўшма гап ҳосил қилинг. Қиёсланг. Фарқини аниқланг. Боғловчи воситаларга изоҳ беринг.

**Эга тобе гап** ҳоким гапдаги олмош билан ифодаланган эгани изоҳлайди. Эга тобе гап ҳоким гапга қўйидагича боғланади:

Тобе гапнинг кесими феълнинг шарт майли қўшимчаси –**са** шаклини олади. Бундай ҳолда тобе гап таркибида **ким, кимки** олмошлари, ҳоким гап таркибида **у, ўша, ўзи** олмошлари қатнашади. **Ким** кўп ўқиса, **у ўз** ниятига етади.

Баъзан шарт майли қўшимчаси –**са** ўрнида –**р, -ар**, экан шакли қўлланилади: Ким ёлғон **гапирар экан**, у бошқалар назаридан қолади.

Эга тобе гап ҳоким гапдан кейин келиб, **-ки** боғловчиси ёрдамида боғланади. Ҳоким гапнинг кесими **сифат туркумидаги сўздан ёки бор сўзи** билан ифодаланади. Ҳоким гап таркибида **шу** олмоши қатнашади: **Шу нарса аёнки, ўқимасдан ўзлаштириб бўлмайди.**



**24-машқ.** Матнни ўқинг, топшириқларни бажаринг.

### ҲАВОНИ ТАБИИЙ ЙЎЛ БИЛАН ТОЗАЛОВЧИ ЭНГ ЯХШИ ЎСИМЛИК ХЛОРОФИТУМ

Ҳаво газ ва корхоналарнинг заарали чиқиндилардан табиатнинг шамол, ёмғир, қор каби табиий жараёнлари ҳисобига тозаланади. Ёпиқ иншоотларда бундай “тозалаш тизими” кўзда тутилмаган, шу боис бино ичидаги ҳаво ташқаридаидан ифлосроқ бўлиши мумкин. Ёпиқ иншоотларда чангдан ташқари, мебель, қурилиш материаллари ва майший кимё воситаларидан ажralадиган заарали моддалар тўпланади.

Иншоотлардаги микроиқлимни оддий хона гуллари ёрдамида яхшилаш мумкин. Маълум бир ўсимлик турлари ҳаво намлигини ошириб ва ифлослантирувчи моддалар концентрациясини камайтириб, биофильтр каби таъсир кўрсатади. Don't Panic нашри ҳавони тозалашда маҳсус қурилмаларданда самарали 10 ўсимлик тури ҳақидаги маълумоти билан бўлишди.

**Инглиз печаги.** Шу нарса аёнки, энг оддий хона ўсимликларидан бири формальдегид, азот бирикмалар ва бензолни





ўзига тортиб олади. Шунингдек, бу ўсимлиқ ҳавога хавфли микрофлора ривожланишини олдини олувчи моддаларни ажратади. Фэн-шуй экспертизининг таъкидлашича, у яна салбий энергетика билан ҳам курашади.

Моғор қўзиқорнлар, оғир металлар тузлари, токсинлар ва формальдегид – инглиз печаги мана шу барча заарли моддалар билан курашади. У бошқалардан фаолроқ карбонат ангидрид ютиб, кислород чиқаради.



1. Ҳавони табиий йўл билан тозаловчи энг яхши ўсимликларни атанг.  
Сиз яна қандай ўсимликларни биласиз?
2. Ўз уйингизда қандай ўсимлик ва гулларни ўстирасиз? Улар ҳақида тўлароқ маълумот тўпланг ва синфдошларингиз билан бўлишинг.



3. Китобингизни илова қисмида берилган ўсимликлар билан танишиб, ўз фикр-мулоҳазаларингизни ёзма баён этинг.
4. Фикр баён этишда боғловчи воситалар ёрдамида қўшма гаплар тузиб, матн яратишни унутманг.
5. Қўйидаги гапларни тўлдиринг. Қўшма гап таркибидаги бош ва эргаш гап қисмларини аниқланг.

1. Ким ўз меҳнатини қадрласа, ... .
2. Шу нарса маълумки, ... .
3. ...., у албатта манзилга етади.
4. Менга шуниси ёқдики, ... .
5. ...., шу унинг диққатини тортди.
6. ...., ўшаниси моҳир жангчига ўхшайди.

## 7

## ОКЕАННИ ПЛАСТИКДАН ҚУТҚАРИШ ЙҮЛИ: РОТТЕРДАМДА ЧИҚИНДИЛАРДАН СУЗУВЧИ БОҒ ЯРАТИЛДИ

*Кесим тобе гап ҳоким гапдаги олмош билан ифодаланган кесимни изоҳлайди. Ҳоким гап олдин, тобе гап кейин келиб, ҳоким **гапнинг кесими шу, шунда, шундай** сўзлари билан ифодаланиб, -ки боғловчиси орқали боғланади: Ютуғимиз **шуки**, барча топшириқлар бажарилди.*




### 25-машқ. Матнни ўқинг, топшириқларни бажаринг.



Тинч океанида пластик чиқиндилярнинг катта миқдори сузиб юрибди. Улар биргаликда катта оролни ташкил этмоқда. Илғор муҳандис ва экологлар бу муаммони бартараф этишнинг турли вариантларини таклиф этишмоқда, бироқ айни вактда амалга оширилаётган лойиҳалар масалани ҳал этиш ҳақида гапиришга йўл қўймайди. Океандан

пластикни йўқотиш муаммоси ҳали ҳам долзарблигича қолаётган бўлса, унинг пайдо бўлиш манбай аллақачон маълум: бу қитъалардан тонналаб пластикни олиб келадиган дарёлардир.

Қайта ишланган пластикдан тайёрланган сув боғи вариантиларидан бири Роттердам шаҳри эколог ва фоллари океани тозалашга яна бир лойиҳа билан эмас, Ньиве-Маас дарёсидаги пластикни йиғиш билан ҳисса қўшишга қарор қилишди. Ньиве-Маас Рейн дарёси дельтасининг улкан енгларидан бири ҳисобланади ва Роттердам орқали оқиб ўтади.





RecycledIsland Foundation компанияси дарёда пластик чиқиндини ушлаб қоладиган учта маҳсус қопқонни ўрнатишиди. Бундан ташқари, дарёдаги тозалаш ишларига кўнгиллилар ҳам келиб қўшилишиди, улар қирғоқдаги чиқиндини тўпладилар. Пластик чиқиндилар қайта ишлашга **Пластикни утилизация қилиш чизмаси юборилди**, олинган пластикдан эса сузувчи боғнинг асоси бўлиб хизмат қилалигини контейнерлар ясалди.

### РОТТЕРДАМДАГИ НЬИВЕ-МААС ДАРЁСИДАГИ СУЗУВЧИ БОФ



Ньиве-Маас дарёсидаги сузувчи боф 2018 йилнинг ёз фаслида очилди. Очилиш вақтида у олтибурчак шаклидаги 28 блокдан иборат эди. Бундай шакл блокларни турли кўринишда жойлаштириш ва зарурият бўлганида уларга янгилари ни қўшиш учун яратилди. Ушбу гаройиб боғнинг блоклари турли вазифаларни бажаради. Уларнинг катта қисмига турли ўтсимон ўсимликлар экилган, қолганлари эса шаҳарликлар учун ҳордиқ олиш ҳудудларига айлантирилган. Сузувчи боф тезда маҳаллий диққатга сазовор жойга айланди ва сайёҳ ҳамда шаҳарликларнинг диққатини ўзига жалб этди. Эҳтимол, дарёда сузувчи ўсимликли пластик блоклар буюк ландшафт дизайнерларининг асарлари каби улуғвор эмасдир. Бироқ бу лойиҳанинг асосий мақсади оммани пластик чиқиндиларни утилизация қилиш муаммосига жалб этишдан иборат. Бундай лойиҳа Тинч океанидаги пластик билан курашиш мумкин ва зарурлигини кўрсатади. Бироқ буни йирик дарёлардаги хавфли чиқиндини тутиб олиш орқали қуруқликда амалга ошириш мақсаддага мувофиқ.

бажаради. Уларнинг катта қисмига турли ўтсимон ўсимликлар экилган, қолганлари эса шаҳарликлар учун ҳордиқ олиш ҳудудларига айлантирилган. Сузувчи боф тезда маҳаллий диққатга сазовор жойга айланди ва сайёҳ ҳамда шаҳарликларнинг диққатини ўзига жалб этди. Эҳтимол, дарёда сузувчи ўсимликли пластик блоклар буюк ландшафт дизайнерларининг асарлари каби улуғвор эмасдир. Бироқ бу лойиҳанинг асосий мақсади оммани пластик чиқиндиларни утилизация қилиш муаммосига жалб этишдан иборат. Бундай лойиҳа Тинч океанидаги пластик билан курашиш мумкин ва зарурлигини кўрсатади. Бироқ буни йирик дарёлардаги хавфли чиқиндини тутиб олиш орқали қуруқликда амалга ошириш мақсаддага мувофиқ.



1. Океанни пластикдан қандай қутқариш мумкин? Роттердамда яратилған чиқиндилардан сузуви боққа муносабатингиз қандай?
2. Океанларга пластиклар қандай келиб қолди? Бу масала нечоғлик долзарб деб ўйлайсиз?
3. Сузувчи бөг лойиҳасининг асосий мақсади нимада эди?
4. Пластик контейнерлар қандай тайёрланди?
5. Матндан қўшма гапларни топиб, уларнинг боғловчи воситаларини аниқланг.
6. Қуйидаги гапларни тўлдиринг.

*Тинч океани муаммоси шундаки, ... ... ... .*

*Кўндан буён режалашибган ишишимиз шуки, ... ... ... .*

## ИНТЕРНЕТ ТИЗИМИ ЖАҲОНШУМУЛ МУАММОМИ ЁКИ ЮТУҚ



**26-машқ.** Матнни ўқинг, гуруҳда мұхокама юритиб, топшириқларни ба-  
жаринг.

Интернет ва виртуал оламнинг оиласында салбий таъсир ўтказиши бу-  
гун илмий жиҳатдан исботланған ҳақиқат. Маълумки, ҳар қандай



оиланинг мустаҳкамлигини сақлаб турувчи асосий восита бу ахлоқий қадриятлардир. Интернет ва вир-  
туал фазодан нотүғри фойдаланиш эса Farbda яшаш тарзига айланған ахлоқсизликни оила мұхитига олиб  
киради ва жамиятнинг асосини таш-  
кил этган оиланинг пойdevорини  
емира бошлайди.

Виртуал фазода вужудга келаёт-  
ган янги-янги ижтимоий тармоқлар интернет фойдаланувчилари, айниқ-  
са, ёшларни оқангрabo мисоли ўзига тортмоқда. Бундай тармоқлар тез ва  
арzon мұлоқот қилиш воситаси бўлғанлиги билан ҳам дикқатга сазовор-  
дир. Аммо фойдаси билан бирга бундай ижтимоий тармоқларнинг зарари  
ҳам кундан-кунга ошкора ҳис этиляпти.

Интернет заарлари ҳақида гап борганда кўпинча ёшлар тарбиясини




бузишга қаратилган беҳаёлик, зўра-  
вонлик, бепарволик, дангасалик ва  
шу каби бошқа салбий жиҳатларга ундовчи хуружлар ҳақида гапирила-  
ди. Бу хуружлар ҳам ўсиб келаётган  
ёш авлоднинг бузилишига, унинг  
оқибатида эса бутун бир халқ, мил-  
лат, жамиятнинг бузилишига, турли  
фисқ-фасод, фитналар ёйилишига,  
ўғриликлар, йўлтўсарликлар кўпа-  
йишига олиб келади. Бу даҳшатдир.  
Бу катта муаммо!



1. Интернет тармоқларининг салбий ва ижобий томонлари ҳақида гуруҳда мухокама қилинг. Матнда айтилган фикрга қўшиласизми?



2. Ўзингиз Интернет тармоқларида баён этилаётган материаллар асосида аниқ фактларга асосланиб, “Ҳаётимизга интернет керак, чунки...” мавзусида ва “Ҳаётимизда интернетсиз ҳам умр суриш мумкин, чунки...” мавзусида синф икки гурӯхга бирикиб, баҳс-мунозара ўтказинг.
3. Қуйидаги чизмаларга мувофиқ келувчи эргаш гапли қўшма гаплар тузинг. Тобе гапли қўшма гапларниң нутқдаги аҳамияти ҳақида сўзланг.



**Тўлдирувчи эргаш гап** ҳоким гапдаги кўрсатиш олмоши билан ифодалangan тўлдирувчини изоҳлайди.

Ҳоким гап олдин келиб, унинг таркибида *шуни*, *шунга* олмошлари бўлади, тобе гапга *-ки* боғловчиси ёрдамида боғланади: *Шуни* яхши билингки, ҳар нарсанинг ўз ўрни бўлади.

Тўлдирувчи тобе гап баъзан кўлланмаган тўлдирувчини ҳам изоҳлайди: Мен истайманки, олам нурларга тўлаверсин.


Тобе гап олдин келиб, унинг кесими *-са шарт* майли шаклида бўлади. Тобе гапда *ким*, *кимки*, *ним* олмошлари ҳоким гапда тўлдирувчи вазифасидаги *у*, *ўша*, *ўзи* олмошлари бўлади. Масалан: *Нимани* эксанг, *ўшани* ўрасан. *Кимки* бўлса дилозор, *ундан* элу юрт безор (*Мақол*).

## **Бўлим юзасидан саволлар ва топшириқлар:**

1. Қўшма гапнинг таърифини айтиб беринг.
2. Гапларнинг тузилишига кўра неча турга бўлинишини айтинг.
3. Қўшма гап нутқнинг зарур талаби эканлигини изоҳланг.
4. Қўшма гап тузиш учун нималар зарур?
5. Қўшма гап берилган жавобни топинг.
  - A) Сидикжон Бутазор кўчасидаги уйлардан бирига кўчган Рўзиматни табриклагани борди.
  - B) Тушимда Гавҳарнинг хушхол кулимсираб тургани эсга тушар ва соғинч ҳиссасини бир қадар бўлса ҳам босар эди.
  - C) Бормасак, келмайди.
  - D) Чўллар чаман сочдилар ташлаб андуҳларини, жаранглатиб очдилар олтин сандиқларини.
  - E) Тарбиячиларнинг шунча ҳаракат қилишига қарамай, Камолани «далага айлантириш» жуда секинлик билан борди.
  6. Нутқда содда гаплар билан бирга яна қандай гаплар қўлланади?
  7. Қўшма гапларсиз нутқ (кенг маънода) бўлиши мумкинми?
  8. Ушбу қўшма гапнинг, грамматик асослари қайси жавобда кўрсатилган? Майли, жуда гариб бўлса ҳам, ҳеч кимга айтмаган қўшифингни айт.
    - A) ҳеч кимга айтмаган қўшифингни айт.
    - B) жуда гариб бўлса ҳам майли.
    - C) гариб бўлса ҳам, айт.
    - D) ҳеч кимга айтмаган, гариб бўлса ҳам.
  9. Қўшма гап қисмларини боғловчи грамматик воситаларни кўрсатинг.
  10. Қўшма гап қисмларини боғловчи лексик воситаларни сананг.
  11. Гап бўлагининг такрорланиши ҳодисасини тушунтиринг.
  12. Умумий иккинчи даражали бўлакларнинг бўлиши қўшма гапларда қандай вазифа ўтайди?
  13. Қўшма гапни ҳосил қилишда яна қандай воситалар қатнашади?
  14. Қўшма гап турларининг ҳосил бўлишида интонациянинг ролини тушунтиринг.
  15. Қўшма гапнинг қайси турларида грамматик воситалар фаол роль ўйнайди?
  16. Ушбу гапда боғловчи воситаларнинг қайси турлари иштирок этган? Ҳақиқат осмонда эмас, ҳақиқат ерда.
  17. *Уйгонганида, суяклари зирқирап, туришга ҳам мадори йўқ эди,* гапидаги боғловчи воситалар тўғри кўрсатилган жавобни топинг.
    - а) замон муносабати;
    - б) кесимларнинг шакли;
    - с) умумий иккинчи даражали бўлак;
    - д) эди.
    - е) келишик қўшимчаси, тўлиқсиз феъл.

### III БҮЛІМ

### МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРДАГИ ҚОЗОҒИСТОН. ЭКСПО-2017



“Қозоғистон МДХ ва Марказий Осиё мамлакатлари ичидан “ЭКСПО-2017” халқаро күргазмасини ўтказиш үчун жақон ҳам жамияти танлаб олган дастлабки давлатдир. Бизда МДХва Марказий Осиё мамлакатлари орасыда биринчى бўлиб жақон миқёсида шундай аҳамиятга эга тадбирлар ўтказилди”.

*Н.Назарбаев*



## ХАЛҚАРО СИЁСАТДА ҚОЗОҒИСТОННИНГ ЭЪТИРОФ ЭТИЛИШИ



**27-машқ.** Матнни ўқинг, гурӯҳда муҳокама юритиб, топшириқларни ба-  
жаринг.



Мустақиллик куни байрамлар орасида ўзга-ча бир хусусиятга эга-дир. Мазкур байрам ҳар биримизда жаҳон ҳам-жамиятида ўз ўрни ва ролини топган, иқтисодий барқарор ривожла-наётган, ҳалқи тинч ва осойишта, тўкин-сочин-лиқда яшаётган, кела-жак сари ўз ривожла-ниш йўлини аниқ-рав-шан белгилаб олган,

оламнинг ривожланган 50 мамлакатлари қаторига кирган якка ва ягона Ватанимиз – Қозоғистон Республикаси учун ғуур ҳисларимизни жўшқин-лаштирадиган кун.

26 йил инсоният ва алоҳида бир давлат тарихи учун катта давр эмас. Аммо шу қисқа вақт ичида давлатимиз Элбошимиз раҳбарлигида катта йўлни босиб ўтди. Марказлашган иттифоқ парчаланган 1990-йилларнинг бошлари ҳали эсимда. “Энди нима бўларкин?” – деган савол барчани ташвишга солар эди. Вазият мутлақо ноаниқ бўлган ўша кезларда давлат раҳбари Н. А. Назарбаев бутун масъулиятни ўз зиммасига олиб, зўр қатъият билан ҳалқни олға бошлади. Иқтисодни “янги рельсга тушириш” борасида жиддий қарорлар қабул қилди ва дадил қадамлар ташлади. Дунё сиёсатидаги “асосий ўйинчи” давлатларнинг раҳбарлари билан тенглашиб, музокаралар юрита олди, мамлакатимиз манфаатларини ҳимоя қилиб, унинг хавфсизлигини таъминлай билди. Ўтиш даври осон кечмади, бироқ

бошқа күпчилик собиқ совет республикаларидан фарқли ҳолда – ушбу давр биз учун тинч ривожланиш даври бўлди.

Мамлакатимиз ютуқлари давлат раҳбарининг аввал бошдан ривожланишининг устувор йўналишларини тўғри аниқлай олганлиги, стратегик фикр юритишининг натижасидир. Иқтисодий ҳамда ижтимоий соҳаларда ривожланиш жаҳондаги энг тараққий топган давлатларнинг тажрибаларига суюнган ҳолда, айни чоғда миллий анъаналаримиз, тарихимиз ва яшаш тарзимизни эътиборга олган ҳолда режалаштирилди ва амалга оширилди. Ижтимоий тотувлик, бирлик жамият ривожланишининг асосий қоидаларидан бири сифатида белгиланди. Миллатларо тотувликни таъминлашнинг жаҳонда ўхшали йўқ институти – Қозогистон Халқи ассамблеяси яратилди. Улуғ Даланинг қоқ марказида дунёдаги энг ёш ва гўзал пойттаҳт – Нур-Султан (Астана) шаҳри бунёд этилди. Мустақилликнинг мустаҳкам иқтисодий пойдевори яратилди ва мунтазам ҳамда босқичма-босқич янгиланиб, яъни модернизацияланиб бормоқда. Қозогистон иқтисодиётига сармоялар киритиш учун энг қулай мамлакатлардан бири сифатида тан олинди. Ҳом ашё иқтисодиётидан илғор технологиялар иқтисодиётига ўтиш сари қилинган саъй-ҳаракатларнинг аниқ натижаларини биз амалда кўрмоқдамиз.

Халқаро сиёсатда Қозогистоннинг обрў-эътибори тобора ортмоқда. Жаҳон динлари йўлбошчиларининг анъанага айланган Астана Саммитлари, Европа Хавфсизлик ҳамда ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ-ОБСЕ)га раислик, миңтақавий низоларни бартараф этишдаги ташабbusлар ва бошқа оламшумул амалий чоралар мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги сиёсий салмоғининг ортишига ҳисса кўшди. Мустақиллик йилларидаги таълим соҳасининг ривожланиши ўз ютуқлари билан диққатга лойиқdir. Жаҳоннинг энг илғор таълим стандартлари даражасида ўқитиш, таълим тизимининг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш, халқаро погоналардаги билим кўрсаткичларига эришиш, педагогик кадрлар масаласида, халқаро алоқаларда катта ишлар амалга оширилди. Мустақиллик йилларида эришган ютуқларимизни санаб ўтиш учун бир неча томлик китоблар озлик қиласиди. Одатда, Мустақиллик ҳақида гап кетганида: “Мустақиллик менга нима берди?” ёки: “Мен Ватаним учун нима қилиб бердим?” – деган саволларни ишлатишади.

*Незматжон Алметов*



1. Матнни диққат билан ўқинг, муаллиф Мустақиллик кунини қандай кун деб атаган??
2. Матннинг ҳар бир абзаци устида гурухларда муҳокама юритинг ва ҳар бир гуруҳ ўзларига берилган бўлимлар юзасидан фикрларини баён этсин.
3. “Мустақиллик менга нима берди?” ёки “Мен Ватаним учун нима қилиб бердим?” саволларига жавоб беринг.
4. Матн таркибидаги содда гаплардан аниқловчи тобе гапли қўшма гаплар ҳосил қилинг.

Намуна:

*Халқаро сиёсатда Қозогистоннинг обрў-эътибори тобора ортмоқда. --  
Халқаро сиёсатда Қозогистон қанча эзгу ишлар қиласа, унинг обрў-эътибори шунча ортмоқда.*

**Аниқловчи тобе** гап ҳоким гапдаги олмош билан ифодаланган аниқловчини изоҳлайди. Аниқловчи тобе гап бош гап билан қўйидагича боғланади.

Тобе гап олдин келиб, унинг таркибида **ким**, кимки, кимнинг олмошлари, ҳоким гап таркибида **у, унинг, ўшанинг** олмошлари бўлади, - **са** қўшимчаси ёрдамида боғланади. Масалан: **Кимнинг** кўнгли тўғри бўлса, **унинг** йўли ҳам тўғри бўлади.

Тобе гап таркибида **қандай, қайси** олмошлари, ҳоким гап таркибида **шу, ўша, шундай, бундай** сўzlари қатнашиб, -**са** қўшимчаси ёрдамида боғланади: **Шундай одамлар бўладики**, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш бурч ҳисобланади.

Ҳоким гап олдин келиб, унинг таркибида **шундай, баъзи** сўzlари тобе гап таркибида **унинг, улар, бу, бундай** сўzlари қатнашади -**ки** боғловчиси ёрдамида боғланади: **Шундай одамлар бўладики**, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш бурч ҳисобланади.

Баъзан олмошлар ҳар икала гапда ҳам тушиб қолиши мумкин. Одам борки, одамларнинг нақшидир (Навоий).



## 28-машқ. Матнни ўқинг ва матнга сарлавҳа танланг.

Мустақиллик менга (бизга) хур, озод ва обод мамлакатда яшаш, ижод қилиш, фарзандлар тарбиялаш, яратиш, қуриш учун барча имкониятларни очиб берди. Халқда: “Бошида ватани бор” – дейилган нақлни кўп эшитганмиз. Одатда, буни уй-жойли, бошпанали бўлиш, дея тушунамиз. Биз баҳтлимиз, чунки бошимизда Ватанимиз бор, бу – миллати, дини, ирқи, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар – барчамиз учун бир Ватан – ҳаммамизнинг умумий уйимиз – Мустақил Қозогистонимиздир.

“Она юрting омон бўлса, ранги-рўйинг сомон бўлмас” – деган мақол мавжуд. Она юртимиз тинч, осойишта, равнақ топаяпти, демак, биз баҳтли инсонлармиз. Биз буни чуқур ҳис қилишимиз, тўғри баҳолашимиз керак, дея ўйлайман. Биз – Қозогистон фуқаролари эркин қадам ташлайдиган замин бор. Эркин нафас оладиган муҳит бор. Бошимизда байроғимиз рангидаги очиқ, мовий осмон ва қуёш чараклаб турибди. Кўкда учайдиган Ўирон қуши эса – бизни юқорига, ривожланишга, янги ютуқлар сари чорлајапти. Муваффақиятларга эришишга, баҳтли яшашга асос бор – қолгани ўзимизга, ҳаракатларимизга боғлиқ.

Незматжон Алметов



1. Матнга нима учун шундай сарлавҳа танладингиз? Сабабини матндан далиллар келтириш орқали исботланг.
2. Ватан – ҳаммамизнинг умумий уйимиз, деган фикрни қандай шарҳлайсиз, сизнинг ватанингиз қаер? Нима учун?
3. “Она юрting омон бўлса, ранги-рўйинг сомон бўлмас”- мақолида қандай маъно-мазмун уқдингиз?
4. Матндан қўшма гапларни топинг ва изоҳ беринг. Боғланишига диққат қилинг.

## **Такрорлаш учун савол ва топшириқлар**

1. Эргаш гапли қўшма гап деб нимага айтилади?
2. Қандай гап ҳоким гап дейилади?
3. Ҳоким гап мазмунан қандай белги-хусусиятга эга бўлади?
4. Ҳоким гапнинг грамматик белги- хусусиятларини кўрсатинг.
5. Тобе гапнинг вазифаси нималардан иборат?
6. Тобе гап қандай грамматик белги-хусусиятларга эга.
7. Ҳоким гап ҳақидаги қайси ҳукм тўғри?
  - А. Аниқ мазмунли бўлади.
  - Б. Ҳавола бўлакли бўлади.
  - С. Маъноси изоҳланаётган бўлади.
  - Д. Умумий, мавҳум мазмунли бўлади.
  - Е. С, Д жавоблар тўғри.
8. Ҳоким гапнинг ҳокимлик мавқеини мисоллар асосида исботланг.
10. Тобе гап ҳоким гапга неча турли воситалар орқали боғланади?
11. Боғловчили эргашиш усулини изоҳланг.
12. Боғловчисиз эргашиш деганда нимани тушунасиз?
13. Нисбий сўзларнинг боғловчилик вазифасини тушунтиринг.
15. Юкламаларнинг боғловчилик вазифасини тушунтиринг.
16. Тобе гапни ҳоким гапга боғлашда қайси келишик қўшимчалари фаол қатнашади?
17. Тобе гапни ҳоким гапга боғлашда оҳанг қандай роль ўйнайди?

## 2

# МУСТАҚИЛЛИК МЕНГА НИМА БЕРДИ?



## 29-машқ. Матнни ўқинг ва синфда муҳокама қилинг.

...Одатда, Мустақиллик ҳақида гап кетганида: “Мустақиллик менга нима берди?” ёки: “Мен Ватаним учун нима қилиб бердим?” – деган саволларни ишлатишади. Бу саволлар ҳам жуда мураккаб, фалсафий савол. Билимимиз, тажрибамиз, лавозимимиз, салоҳиятимизга яраша биз ўз Ватанимиз равнақига ҳисса қўшяпмиз. Мамлакатимизнинг эртанги қунги муваффақиятлари, айнан бугун ёшларнинг билими, тафаккури, ватанпарварлиги, муҳим ишлари билан аниқланади.

Мустақиллик Ватанимизнинг ҳар бир фуқароси учун олий неъматdir! Бизнинг Бош Қомусимиз (Конституциямиз) белгилаб берган ҳуқуқларимиз ва эркинликларимиз бор. Айни чоғда, биз она-Ватан олдида ҳар доим қарздормиз ва бурчлимиз. Биз ўз Ватанимиздагина ўзимизни юқори даражада эркин ҳис эта оламиз. Ватанимиз иқтисодиёти учинчи модернизациялаш босқичини ўтаётган бўлса, жамиятимизда чуқур маънавий янгилиниш жараёнлари амалга оширилмоқда. Фикримизни янгилаш нуқтаи назаридан ўзимизга ўзимиз яна бир марта савол берамиз: “Мен Ватаним учун нима қилиб бердим?”. Бу саволга жавобнинг асосида ижтимоий фикрни ва алоҳида инсоннинг фикр доирасини янгилашнинг олти тамойилини қўямиз: рақобатбардошлиқ, прагматизм, миллий кодни сақлаш, билимлар салтанати, инқилобий эмас, эволюцион ривожланиш, онгимизнинг очиқлиги.

Шунда “Мустақиллик менга нима берди?” ва “Мен Ватаним учун нима қилиб бердим?” саволлари бир-бирига чамбарчас боғлиқлигини англаш етамиз. Масалан: рақобатбардошлиқ нуқтаи назаридан Элбошимиз таъкидлаб ўтганидай: “Хар бир қозогистонлик, шу орқали бутун миллат XXI асрга лойик сифатларга эга бўлиши керак”. Жумладан, компьютер саводхонлиги, чет тилларини билиш, маданий очиқлик каби XXI асрга лойик сифатларни бизга, биринчи навбатда, айни Мустақиллик берди, десак, асло муболага бўлмайди. Айни чоғда, биз Ватан олдида чуқур масъулият ҳис қилиб, шу сифатларни ўз шахсий хислатларимизга айлантиришга

бел боғлашимиз керак. Ҳар биримизда шаклланган шу хислатлар, оқибат натижада, бутун Қозоғистон халқыга тегишли фазилатларга айланади. Ёки хулқ-атворимиздаги прагматизм – ўз имкониятларини аниқ билиш, улардан оқилона фойдаланиш, уларга мос равишда ўз келажагини режалаштириш, истрофгарчилик ва манманликка йўл қўймаслик, аниқ мақсадлар сари интилиш, билим олиш, соғлом турмуш тарзини кечириш, профессионал жиҳатдан камол топишга устуворлик бериш – булар барчалинг пойдевори Мустақиллик эканлиги, шубҳасиз. Авваллари бизнинг фикр доирариз мутлақо бошқача эмасмиди? Биз эшик-деразалари ёпилган, оламнинг бошқа бўллагидан деярли ажralиб қолган шароитда яшаб келдик-ку! Хуллас, Мустақилликнинг ҳар бир йили маънавий янгиланиш жараёнларини бошдан кечираётган онгимизни янги фикрлар билан бойитиб боради. Мустақиллигимиз мустаҳкамланиб бораётгани сайин, биз Мустақилликнинг ҳар биримизнинг ва бутун Қозоғистон халқининг ҳаётидағи ўрни ва ролини янада чукурроқ ҳис этиб борамиз.

Мустақилликка эга бўлгач, у менинг ҳаётимни, фикримни, ўзимни ўзгартирди. Демак, мен ҳам, ўз навбатида, янгилангандонгим, XXI асрга лойиқ шахсий хислатларим билан Ватанимнинг ривожланишига, имконим борича, ҳисса қўшишим керак! Мустақиллигимизнинг байроби ҳамиша юксакларда ҳилпирайверсин! Болаларимиз ва фарзандларимиз – “Мәңгілік Ел” авлодларига давлатимиз Мустақиллигининг юз йиллик тўйини биргаликда нишонлаш насиб этсин!

*Неъматжон Алметов*



1. Матннинг услуби ва жанрини аниқланг.
2. Матннинг асосий ғоясини 2-3 жумла орқали баён этинг. Қўшма гаплардан унумли фойдаланинг.
3. Аввалги ва ушбу матнни муҳокама қилиш натижасида қандай фикрга келдингиз? Мустақиллик бизга нима берди?



4. Муаллиф келтирган б та тамойиллар орқали нимани тушундингиз? - Фикрингизни баён этинг ва тақдимот тайёрланг.

5. Матн таркибидан қўшма гапларни топиб, таҳлил қилинг. Пайт эргаш гапли қўшма гаплар таркибидаги содда гаплар ўзаро қандай боғланади?

Хол тобе гапли қўшма гаплар ҳолнинг иш-ҳаракатининг бажарилиш ўрни, пайти, воситаси, ҳолати, тарзи, мақсади, сабабини, шунингдек, ўхшатиш, қиёслаш, тўсиқсизлик каби маъноларини ифодалайди.

Ҳол тобе гапли қўшма гап турлари:

**Пайт тобе гап** ҳоким гап англатган иш-ҳаракатнинг бажарилиш пайтини билдиради.

1. Тобе гап олдин келиб, унинг кесими **-гач (-кач, -қач) -гунча (-кунча -қунча)** қўшимчали равишдошлар билан ифодаланади: **Болалар келгач, иш бошланиб кетди. Кун ботгунча, қизғин сұхбат давом этди.**
2. Тобе гапнинг кесими **-ган(да), -ган (дан), буён, бері, сўнг, кейин** сўзлари орқали ифодаланади. **Ўқиши тугаганда, дам олишга чиқилади. Тонг ёришгандан сўнг йўлга чиқамиз.**
3. Тобе гапнинг кесими **-ш, (-иш)** қўшимчали **ҳаракат номи** ва  **билан** сўзи орқали ифодаланади. Баҳор келиши  **билан** кунлар исий бошлади.
4. Тобе гапнинг кесими **-б (-иб)** қўшимчали равишдош орқали ифодаланади. **Тонг ёришиб, кўча ҳаракати бошланди.**
5. Тобе гапнинг кесими **-май** қўшимчали сўз билан ифодаланади: **Иш тугамай, ҳеч кимга рухсат ўйқ.**

# 3

## ДОВРУГИ ОЛАМГА КЕТГАН, ҚОЗОГИСТОНИМ



**30-машқ.** Матнни ўқинг, гурухда муҳокама қилиб, тақдимот тайёрланг.

2017 йилдан Қозогистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик кенгашининг муваққат аъзоси бўлди. Қозогистон МДҲ ва Марказий Осиё мамлакатлари ичидан “ЭКСПО–2017” халқаро кўргазмасини ўтказиш учун жаҳон ҳамжамияти танлаб олган дастлабки давлатдир. МДҲ ва Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчи бўлиб жаҳон миқёсида шундай аҳамиятга эга тадбирлар ўтказилди.

Алмати шаҳрида “Универсиада – 2017” доирасида спорт мусобақалари ўтди, уларда 57 мамлакатдан 2000 спортчи ва делегация аъзолари иштирок этишиди. Буларнинг ҳаммаси тўғри сиёсий йўлини ва Қозогистоннинг халқаро миқёсдаги юксак обрўси туфайлидир. “Қозогистон 2050” йилга бориб жаҳоннинг ривожланган 30 мамлакати қаторига кириши керак. Биз шу мақсад сари дадил бормоқдамиз”, –деганди Элбошимиз Н.Назарбоев

Евроосиё миңтақасининг молиявий, амалий, инновациявий ва маданий маркази сифатида шаклланишини таъминлаган ҳолда янги пойтахтимиз – Нур-Султон(Астана)ни барпо этдик. Аҳоли сони 18 миллиондан ошиб, умр ёши узунлиги 72,5 йилга етди. Биз мустаҳкам иқтисодий замин ҳозирладик. Кейинги 20 йил ичida мамлакатимизга 300 миллиард АҚШ доллари ҳажмида бевосита чет эл сармояси жалб этилди.

Иқтисодиётни юксалтиришнинг негизи саналмиш кичик ва ўрта бизнес ривожланиб бормоқда. Бутунжаҳон банкининг бизнес юритиш имтиёzlари рейтингида Қозогистон 190 мамлакат ичida 36-ўринга кўтарилди. Бу кўрсаткич ҳар бир қозогистонлик қалбida фаҳр туйғусини уйғотади!



1. Қозогистонни бутун оламга танитган қайси ютуқларимизни айта оласиз?

- Интернет материаларидан фойдаланиб, иқтисодиётни юксалтиришнинг негизи саналмиш кичик ва ўрта бизнес ҳақида тўлароқ маълумот йиғинг ва гуруҳда муҳокама қилинг.



- Матндан қўшма гапларни топинг ва турини аниқланг.
- Қуйидаги матн таркибидаги содда гаплардан ўрин, сабаб тобе гапли қўшма гаплар ҳосил қилинг.
  - Иқтисодиётни юксалтиришинг негизи саналмиш кичик ва ўрта бизнес ривожланиб бормоқда, ... ... ... .*
  - ... ... -са, Қозогистон 2050 йилга бориб жаҳоннинг ривожланган 30 мамлакати қаторига кириши аниқ.*

**Ўрин тобе гап** ҳоким гап англатган иш-ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини билдиради.

Тобе гап кесими шарт майли (*-са*) шаклида бўлиб, таркибида *қаерга, қаерда, қаердан*, ҳоким гап таркибида *у ерга, шу ерга, у ерда, шу ерда, ўша ерда* сўзлари қатнашади: Кўз қаерда бўлса, меҳр ҳам ўша ерда бўлади.

**Сабаб тобе гап** ҳоким гап англатган иш-ҳаракатнинг бажарилиш сабабини билдиради.

1. Тобе гап олдин келиб, унинг кесими *-ган* қўшимчали сўз ҳамда *учун, сабабли, түфайли* сўzlари орқали ифодаланади. *Дам олишга бормаганим учун, дўстларим хафа бўлишди.*

2. Тобе гап ҳоким гапдан кейин келиб, унга *чунки, шунинг учун, шу сабабли, шу түфайли* боғловчилари орқали боғланади. *Тун жуда ёруғ эди, шунинг учун саёҳатчилар юришни давом эттирудилар.*



## ЭКСПО-2017: КЕЛАЖАК ЭНЕРГИЯСИ



**31-машқ.**Матнни ўқинг, гурухда мухокама юритиб, фикр-мулоҳазалари-нгиз билан ўртоқлашинг. Матнни мазмунидан келиб чиққан ҳолда бўлимларга бўлиб, ҳар бир бўлимга сарлавҳа топинг.

“Келажак энергияси” мавзусида ўтган ушбу йирик савдо анжуманида 115 давлат ва 18 ҳалқаро ташкилотдан вакиллар иштирок этишди, мазкур кўргазмани 2,5 миллиондан 5 миллионгача томошабинлар келиб томоша қилдилар.

2011 йилнинг 10 июнь куни Париж шаҳрида Халқаро Кўргазмалар бюросининг 152-Бош Ассамблеясида Экспонинг 2017 йилда ўтадиган бутунжашон кўргазмасини айнан Қозогистоннинг Нур-Султон (Астана) шаҳрида ўтказишга келишиб олинди. Таъкидлаш жоизки, мазкур кўргазмани ўтказиш учун Бельгиянинг Лъеж, Астралиянинг Ньюкаслъ ва Сидней, Канаданинг Эдмонтон, Сербиянинг Белгард, Франциянинг Лилль, Норвегиянинг Ставанрег, Испаниянинг Саламанка шаҳарлари дарвогарлик қилишганди.

Келинг, аслида ушбу кўргазманинг моҳияти ва тарихига бирров кўз ташласак. Унинг юзага келиши бевосита 1844 йилда ўтган француз миллий кўргазмасига бориб тақалади. Шундан сўнг 1851 йилда Лондондаги Гайд-паркда шаҳзода Альбер ташаббуси билан биринчи Бутунжашон кўргазмаси бўлиб ўтади. Унинг мақсади дунё саноатида эришилаётган ютуқларни оммалаштириш, ҳалқаро савдо-сотик муносабатларини ривожлантиришдан иборат эди.

Шундан сўнг дунёнинг турли нуқталарида мунтазам равиша ана шундай халқаро кўргазмаларни ўтказиб бориш анъанага айланди. Бу эса, ўз даврида нафақат ишлаб чиқариш, техника ва технологиялар, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданият соҳаларида янгиликларни ҳам кенг оммага тақдим этиш имконини берди. Бугунги кунда ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган жуда кўп воситалар – чангютичлар, кир ювиш машиналари, стационар ва уяли телефонлар, янги русумдаги автомобиллар ҳам илк бор турли йилларда ўтказилган бутунжаҳон кўргазмаларида намойиш этилган.

Дунёга машхур Эйфель минораси ҳам дастлаб 1889 йилда Парижда ўтган кўргазма учун кириш аркаси вазифасини ўтаганди.

Халқаро кўргазмалар бюроси навбатдаги кўргазма учун бежиз Қозогистон пойтахтини танлагани йўқ. Мамлакатда мустақиллик йилларида эришилган улкан ютуқлар, янги пойтахтнинг қисқа вақт ичиде дунёнинг энг гўзал шаҳарлари қаторидан ўрин олиши, бу ердаги имконият ва қулайликлар, янги, замонавий иншоотлар Астана учун Экспо-2017 Бутунжаҳон кўргазмасига мезбонлик қилиш имконини берди.

Айтиш жоизки, 10 июндан 10 сентябрга қадар ўтказилган EXPO-2017 ихтисослаштирилган кўргазмаси дунё бўйича жорий йилда кутилаётган 50 та энг муҳим воқеалар қаторидан ўрин олган.

Кўргазманинг асосий мақсади дунё бўйича тикланмайдиган энергия ресурслари йил сайин қисқариб бораётган бир пайтда муқобил энергия манбалари ва улар асосида ишлайдиган техника ва технологияларни кенг жамоатчиликка тақдим этишдан иборат. Кўргазма доирасида экология ва атроф-муҳитга жиддий зарар етказмайдиган, “яшил иқтисодиёт” тамойилига асосланган ғоялар, ўз-ўзини электр қуввати билан таъминловчи бинолар, электромобиллар ва биоёқилғи билан ишлайдиган автомашиналар ва бошқа кўплаб илм-фан ва техника “мўъжизалари” намойиш қилинади.

Таъкидлаш жоизки, мазкур йирик кўргазмага мамлакатимиз вакиллари ҳам муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича илфор лойиҳалари ва маҳсулотлари билан иштирок этадилар.



1. Матн мавзусининг долзарблиги нимада?
2. Матн мавзусини ўқиб чиққач, таянч сўз ва фикрларни аниқлаб, матннинг тезисини тайёрланг.



3. Турли кўзқарашларингизни, матн ғоясини мантиқан исботлайдиган, ифода этадиган саволлар тузинг. Гуруҳлараро савол-жавоб ўтказинг.
4. Матн таркибидан қўшма гапларга мисоллар келтиринг. Турларини аниқланг. Қўшма гапларнинг нутқимиздаги аҳамиятини изоҳланг.
5. Қуйидаги гапларни мақсад ва шарт тобе гапли қўшма гапларга айлантиринг:
  1. *Агар ... ... ... , унинг юзага келиши бевосита 1844 йилда ўтган француз миллий кўргазмасига бориб тақалади.*
  2. *Унинг мақсади дунё саноатида эришилаётган ютуқларни оммалашибиши, халқаро савдо-сотик муносабатларини ривожлантиришдан иборат эди.*

**Мақсад тобе гап** ҳоким гап англатган иш-ҳаракатнинг нима мақсадда бажарилганини билдиради.

Тобе гап ҳоким гапга **деб, учун, токи** сўзлари орқали боғланади. *Одамлар яшасин деб, тинчликка имзо чекдим. (F.F.)*

Хонани шамоллатиш учун, деразаларни очиб қўйдик.

**1. Шарт тобе гап** ҳоким гап англатган иш-ҳаракатнинг қандай шарт билан бажарилишини билдиради.

Шарт тобе гап ҳоким гапга феълнинг шарт майли шакли (**-са**) орқали боғланади: Сув келтирса, чўлу саҳролар бўстонга айланади. Шарт маъносини кучайтириш мақсадида баъзан шарт тобе гап таркибида **агар, мабодо, башарти** сўзлари қўлланилади. Агар бу ишларни аъло бажарсак, кўзлаган мақсадга эришамиз.

**2. Шарт тобе гап ҳоким гапга -ган (-да)** шакли орқали боғланади: Сен бўлмаганда, мен нима ҳам қиласдим.

**Тўсиқсиз тобе гап** мазмунан ҳоким гап мазмунига зид бўлса ҳам, унда ифодаланаётган воқеа-ҳодисага тўсиқ эмасликни билдиради.

**1. Тўсиқсиз** тобе гап ҳоким гапга **шарт майлидаги феълдан** кейин **ҳам ёки -да** юкламасини келтириш орқали ҳосил бўлади: Бир киши тарихни яратмаса ҳам, Кишининг тарихда юксак ўрни ҳақ.

**2. Тобе гап таркибида гарчи,** ҳоким гапда **аммо, лекин, бироқ** боғловчилари қатнашади: **Гарчи** куз бўлса-да, ҳаво жуда иссиқ эди.

# 5

## “EXPO-2017” ХАЛҚАРО ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КҮРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ

**32-машқ.** Матнни дикқат билан ўқиб чиқинг, гурухда муҳокама қилинг.

Қозоғистон пойтахти келажак энергияси соҳасида жаҳон эътиборининг дикқат марказида бўлди. 2017 йил 9 июнь куни Астана шаҳрида “EXPO-2017” халқаро ихтисослаштирилган кўргазмаси очилди, унда энергияни тежаш соҳасида дунёнинг энг яхши ишланмалари ҳамда энергиянинг муқобил манбаларидан фойдаланиш бўйича янги технологиялар намойиш этилди.

Бундай кўргазма МДҲ мамлакатлари ҳудудида ИЛҚ БОР ўтказилди. Бу форматдаги тадбирнинг очилиш маросимида ИЛҚ БОР юқори даражадаги меҳмонларнинг салмоқли гуруҳи – 20 дан ортиқ давлат ва ҳукумат раҳбарлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳам иштирок этди.

Уни очиш маросимида сўзга чиққан Нурсултан Назарбаев таъкидлади-ки, бундай миқёсдаги кўргазмалар нафақат бир давлатнинг саъй-ҳаракати, Астанага ўз ютуқларини тақдим этаётган халқаро ҳамжамиятнинг меҳнатидир. Бир ярим аср мобайнида Лондонда ўтказилган биринчи жаҳон кўргазмасидан, инсоният улкан технологик ўзгаришларнинг гувоҳи бўлди. Бугунги кун у самарадор ва хавфсиз энергия соҳасида янги ихтиrolар бўсағасида турибди. Қозоғистон республикаси раҳбари “EXPO-2017” ушбу глобал жараёнга ўзининг ноёб ҳиссасини қўшади, деб ишонч билдириди. Астана кўргазмаси мавзуси қайта тикланадиган энергия манбалари (ҚТЭМ) соҳасидаги жаҳон етакчиларининг ҳам, ўзларининг энергетик мустақилликларини яшил технологиялар билан боғлаётганларнинг ҳам эътиборини ўзига жалб этди. Дунёда энергиянинг анъанавий, қазиб олинадиган манбаларига нархларнинг тушиб кетиши билан боғлиқ иқтисодий бўхрон юз бермоқда. Шу боис ҚТЭМдан фойдаланишга борган сари кўп эътибор қаратилмоқда. “EXPO-2017” лойиҳаси ҳам мамлакатларнинг ушбу соҳадаги ютуқларини намойиш этиш учун жуда яхши майдонча, шунингдек, уни янада ривожлантириш учун қудратли туртки ҳисобланади...

*Гулнора Абдуназарова*



1. “EXPO-2017” халқаро ихтисослаштирилган кўргазмасини ташкил этишдан қандай мақсад кўзланган эди?
2. “EXPO-2017” халқаро кўргазмаси энергетика соҳасига қандай янгилик олиб келди?
3. Кўргазма “EXPO-2017” ҳақида Элбошимизнинг фикрларини гуруҳда муҳокама қилиб, ўз қарашларингизни билдиринг.
4. Тобе гапли қўшма гапнинг асосий хусусиятларини мисоллар орқали кўрсатиб беринг.
5. Қўйидаги гаплардан тўсиқсиз, ўхшатиш, натижা тобе гапли қўшма гаплар ҳосил қилинг:
  1. Гарчи ... .... ... -да, бир ярим аср мобайнида Лондонда ўтказилган биринчи жаҳон кўргазмасидан, инсоният улкан технологик ўзгаришиларнинг гувоҳи бўлди.
  2. ... ... ... -дай, дунёда энергиянинг анъанавий, қазиб олинадиган манбаларига нархларнинг тушиб кетиши билан боғлиқ иқтисодий бўхрон юз бермоқда.
  - 3.... ... ... -ки, Қозогистон пойтахти келажак энергияси соҳасида жаҳон эътиборининг диққат марказида бўлди.

**Ўхшатиш тобе гап** ҳоким гап англатган иш-ҳаракатни бошқа иш-ҳаракатга ўхшатиб ифодалайди.

1. Тобе гап кесими **-дай, -дек** қўшимчаларини олган сифатдош билан ифодаланади: Оламни мунаварлик қоплагандай, унинг кўнгли ёришиб кетди.
2. Тобе гап ҳоким гапдан кейин келиб, унинг таркибида **гўё, гўёки, худди** сўзлари келади. **Юзи шундай тиниқки, гўё нурдан яратилгандаи.**

**Натижা тобе гап** ҳоким гап англатган иш-ҳаракатнинг натижасини билдиради. Натижা тобе гапда ҳоким гап олдин келиб, унинг таркибида **шундай, шу қадар, шу даражада, шунча, чунон** сўzlари қатнашади, **-ки** боғловчиси ёрдамида боғланади. Ҳаво шу қадар иссиқ эдики, ташқарида туриш мумкин бўлмай қолди.

# 6

## EXPO-2017 : “АСТАНАГА ХУШ КЕЛИБСИЗ!”



**33-машқ.** Матнни дикқат билан ўқиб чиқинг, гурухда мұхокама қилинг.

Мазкур йирик анжуман араfasида шаҳарда 2829 ўринли 23 та янги меҳмонхона барпо этилди. Шунингдек, меҳмонлар ва иштирокчилар учун қулайлик яратиш мақсадида катта сифим ва имкониятларга эга бўлган темир йўл вокзали ва аэропорт терминали фойдаланишга топширилди.

EXPO-2017 кўргазмалар мажмуасининг умумий майдони 174 гектарни ташкил этади. Қозоғистон миллий павильони 5000 квадрат-метр майдонни эгаллаган улкан шар кўринишидаги замонавий мажмууда жойлашган бўлиб, меҳмонлар бу ерда мамлакатда турли соҳаларда эришилаётган ютуқлар ва маҳаллий олимлар ва мутахассиснинг мазкур кўргазмага бағишлиланган лойиҳалари билан танишдилар.

Қозоғистон ҳукумати иштирокчиларнинг келиб-кетишини осонлаштириш мақсадида 45 мамлакат фуқаролари учун визасиз режимни жорий этди. Шунингдек, кўргазма давомида шаҳардаги хавфсизлик ва осойиштадикни таъминлаш учун ҳам барча чоралар сафарбар этилди.

Кўргазма доирасида бир қатор маданий тадбирлар дастури ҳам ишлаб чиқилган. Анжуман доирасида Хитой императори Цинь Ши Хуан Дининг сопол армияси экспозицияси, жаҳонга машҳур дю Солей цирки (Канада) нинг махсус томошалари, “Опералия” ҳамда Turkvision” халқаро мусиқий танловлари, “The Spirit of Tengri” замонавий миллий мусиқа фестивали сингари маданий маърифий тадбирлар ҳам ўтказилди.

*Шунингдек, анжуман иштирокчиларнинг Қозоғистондаги тарихий обидалар билан Самарқанд, Бухоро, Хива сингари мамлакатимизнинг қадимий шаҳарларига саёҳат қилиши ҳам кўзда тутимилиб, шарт-шароитлар яратилди.*



1. EXPO-2017 кўргазмалар ўтказиш учун қандай тайёргарлик кўрилди?



2. Ўқилган матн мазмунини изоҳлаган ҳолда ва ўзингизнинг турли кўзқарашларингизни, матн тоғасини мантиқан исботлайдиган, ифода этадиган саволлар тузинг. Жуфтликда савол-жавоб ўтказинг.
3. Матн таркибидан қўшма гапларни топинг, содда гапларни боғловчи воситаларини изоҳланг.

*Ravish тобе гап* ҳоким гап англатган иш-ҳаракатнинг қай тарзда бажарилишини билдиради.

Тобе гапнинг кесими **-б (-иб)** қўшимчали равишдош билан ифодаланади: Севинчларим дарёдай тошиб, юрагимда ҳавасим ортар. (У.)

*Миқдор-даражада тобе гап* ҳоким гап англатган иш-ҳаракатнинг миқдорини, қандай даражада бажарилганини билдиради.

Миқдор-даражада тобе гап таркибида **қанча, қанчалик, нечоғлик** сўзлари, ҳоким гап таркибида **шунча, шунчалик, шу қадар** сўзлари бўлиб, **-са** қўшимчаси орқали боғланади: Инсонга ҳаво қанчалик зарур бўлса, тинчлик ҳам шунчалик зарур.



**34-машқ.** Матнни дикқат билан ўқиб чиқинг, гурухда муҳокама қилинг.

Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси ҳисобланган JV MAN Auto-Uzbekistan ЭКСПО – 2017 кўргазмасида газда ҳаракатланувчи янги автолод автобусларини намойиш қилди. Экологик транспорт Бутунжаҳон кўргазмаси доирасида Астана шаҳри кўчаларида ҳаракатланмоқда. Бу ҳақда Daryo.Uzхабар беради. Экологик транспортда воситаси ёқилғи сарфи дизел ёқилғиси билан ҳаракатланадиган автобусдан кўра 40 фоизга камроқ. Швейцарияда лойиҳалаштирилган енгил алюминий кузов автобус самара-

дорлигининг яна бир кўрсаткичи бўлиб, йўл қопламасига тушадиган оғирликни камайтиради ва унинг хизмат қилиш муддатини узайтиради. Автобусга 90 тагача ўйловчи чиқиши мумкин. Қишида олтига иситгич унинг салонини иситади.

Бугунги кунда JV MAN Auto-Uzbekistan'нинг ишлаб чиқариш куввати йилига 3 мингтани ташкил қилади. Автобуслар Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Россия, Грузия, Афғонистон ва Кенияга экспорт қилинмоқда. “ЭКСПО – 2017” халқаро кўргазма бошқармасига Ўзбекистон томонидан етказиб берилган газда ҳаракатланувчи тўртта автобус Қозоғистон пойтахти меҳмонларига хизмат кўрсатмоқда.

*Сайд Мамуров*



1. ЭКСПО-2017 кўргазмасида қандай автобуслар намойиш қилинди?
2. Матнни ўқинг ва гуруҳда муҳокама қилинг, ўз фикрингизни баён этинг.
3. Боғловчисиз қўшма гапга мисоллар келтириш орқали таъриф беринг.
4. Билимингизни мослаштирувчи тест орқали синаб кўринг.

№	Қўшма гаплар тури	Жавоб	Мисол	
1.	Кесим тобе гапли қўшма гап		Шуни айтиш керакки, одамнинг тафтини одам олади.	A
2.	Эга тобе гапли қўшма гап		Намози жума тугагач, Арслонқул Султонмуродни кутиб оладиган бўлди.	B
3.	Аниқловчи тобе гапли қўшма гап		Агар оиласда аҳиллик бўлса, қут-барака ёғилади.	B



4.	Тўдирувчи тобе гапли қўшма гап		Унинг чўзиқ ва оқиши юзи шу қадар ёқимли әдики, гўё қаттиқ ухлаганда ҳам юзидан табассум аrimas эди.	Г
5.	Пайт тобе гапли қўшма гап		Менинг ҳикоям шуки, у ўз хатосини англаб етмабди.	Д
6.	Ўрин тобе гапли қўшма гап		Кимнинг қуроли илм бўлса, унинг йўли бехатодир.	Е
7.	Шарт тобе гапли қўшма гап		Ҳаво анча юмшаган бўлса ҳам, тоғда ҳали қор қалин эди.	Ж
8.	Сабаб тобе гапли қўшма гап		Севинчларим дарёдай тошиб, юрагимда ҳавасим ортар.	З
9.	Мақсад тобе гапли қўшма гап		Қаерда меҳнат интизоми яхши йўлга қўйилган бўлса, у ерда ҳамма иш кўнгилдагидек боради.	И
10.	Ўхшатиш тобе гапли қўшма гап		Иссиқ ва ёруғ кабинет сув қўйгандай жимжит эди, чунки коридордаги болаларнинг шовқин-сурони бу ерга эшитилмоқда.	Қ
11.	Тўсиқсиз тобе гапли қўшма гап		Кимки дўстрларини қадрласа, у албатта қадрланади.	Л
12.	Натижа тобе гапли қўшма гап		Донолик билан нодонлик шу қадар яқинки, одам доноликни қанча кўп даъво қилса, шунча нодон бўлади.	М
13.	Равиш тобе гапли қўшма гап		Бой бўлай деб, иззатингдан айрилма.	Н
14.	Миқдор-даражадеб тобе гапли қўшма гап		Қаттиқроқ ёмғир ёғса, балчиқقا айланиб кетади-ёв.	О

## IV БҮЛІМ

## ИНСОН ҲУҚУҚИ ВА ЭРКИНЛИГИ



**ЭЛИМНИНГ  
ЭРКИНЛИГИ –  
БОШ ҚОМУСИМ**

Конституциямизда ягона фуқаролик, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, барча инсонларнинг тенг ҳуқуқлилиги, давлат ўз фуқароларининг ҳомийиси эканлиги каби тамойиллар ўрнатилганки, бу ўз навбатида фуқароларнинг давлат ҳокимияти билан бўладиган муносабатларида ўзаро ҳурмат ва масъулият билан ёндашувни шакллантиради.



## КОНСТИТУЦИЯ – ИНСОН УЧУН



35-машқ. Матнни диққат билан ўқиб чиқинг, гурухда мұхқама қилинг, матнга сарлавҳа танланг.



Диёримизнинг барча ҳудудларида истиқомат қилувчи фуқаролар Бөш қомусимизда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлардан кенг ва бемалол фойдаланмоқдалар. Бөш қомусимизда қонунлар устуворлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият эканлиги акс эттирилган. Бөш қомусимизнинг 19-моддасида “Қозоғистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб жинси, ирқи, миллати, тили, дин, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар қонун олдида тенгдирлар” дейилган.

Шунга биноан юртимизда бугунги кунда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари Бөш Қомусимиз белгилаб берган teng ҳуқуқлилик ва кенг имкониятлардан фойдаланиб, тотувлик ва ҳамжиҳатликда яшамоқдалар. Улар



эртанги кунга комил ишонч билан меңнат қилиб, ягона Ватан равнақында ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Унда нафақат халқчил тамойилларга, балки минг йиллар давомида ривожланиб келган миллий маънавиятимиз асосларига ҳам таянади. Зеро, ҳар бир миллат ўзининг руҳий-эътиқодий илдизларидан узилса, инқирозга учраши табиий. Хусусан, ушбу ҳужжатда виждон, эътиқод эркинлиги кафолатлаб қўйилган. Конституциямизнинг 17-моддасида “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод килмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбурий сингдиришга йўл қўйилмайди”, дейилган.

Ислом таълимотига кўра, дин инсоннинг ўз хоҳиши билан эътиқод қиласидан илоҳий кўрсатмалар, амаллар мажмуудир. Ислом бирор инсонни динга зўрлаб киритишга йўл қўймайди. Бу ҳақда Аллоҳ таоло Бақара сурасининг 256 оятида шундай марҳамат қиласи: “Динга мажбур қилиш ўйқ”.

Ақида, иймон масаласи инсон қалбига боғлиқ жуда ҳам нозик бир масаладир. Бу нарсани мажбур этиб, куч билан сингдириб бўлмайди. Балки ҳар бир инсон баён қилинган илоҳий кўрсатмаларни тушуниб иймон келтиргандагина мақсад ҳосил бўлади. Исломда ушбу қоидага қаттиқ риоя қилинади.

Минг афсуслар бўлсинки, мазкур моддани айрим ғаразли кимсалар миссионерлик фаолияти билан шуғулланиб, қўпол равишда бузиш ҳоллари ҳамон учрамокда. Улар ғаразли ҳаракатларини турли ранг-баранг фаоли-

ятлар орқали амалга оширишмоқда. Ўзларининг бундай нопок мақсадларини ёшлар ўртасида, айниқса, ҳеч бир диний маълумоти бўлмаган ёки турли ёт таъсирларга берилувчан айрим содда фуқаролар орасида ёйишга уринишмоқда. Натижада улар алданиб, моддий-маънавий қийинчиликлар баҳонасида хорижий миссионерлар тузоғига илиниб қолишмокда. Имон-эътиқодларидан маҳрум бўлиб, икки дунё саодатини қўлдан бой бериб қўйишмокда. Шу муносабат билан барчани огоҳликка, қадриятларимиз ва у билан боғлиқ бўлган тарихий бой меросимизни келажак авлодларимизга, азиз фарзандларимизга тўла-тўқис равища етказишга чорлаймиз.

Х.Аҳмедов



1. Матннинг услубини аниқланг.
2. Қозоғистонда фуқароларнинг конституциявий шаъни ва қадр-қиммати тавсифини ифодалаб беринг.
3. Қозоғистон Республикаси Конституциясининг моддалари қайси қонулар асосида ҳимояланиши мустаҳкамланган?
4. Ислом таълимотига кўра динни қабул қилиш масаласи қандай қаралган?
5. Матн билан танишиш жараённада гапларнинг боғланишига, тузилишига аҳамият беринг ва қўшма гапларни топиб, уларга беринг.
6. Боғловчисиз қўшма гапларга тўлиқ тушунча беринг.



### ЁДДА САҚЛАНГ!

Содда гапларнинг боғловчиларсиз, оҳанг ёрдамида бирикишидан боғловчисиз қўшма гап ҳосил бўлади. Масалан, *Ёмғир ёғди, далалар ўтларга бурканди*. Боғловчисиз қўшма гаплар мазмунан қўйидагича:

1. Бир пайтда юз берадиган воқеа-ҳодисани англаради: *У доимо хурсанд, юзидан табассум аримайди.*
  2. Кетма-кет юз берадиган воқеа-ҳодисани англаради: *Яхшиси, ўйлаб кўр, эртага гаплашамиз.*
  3. Воқеа-ҳодисалар зид қўйилади. *Яхшидан от қолади, ёмондан дод* (Мақол). *Мард бир ўлар, номард юз ўлар* (Мақол).
- Боғловчисиз қўшма гапларда оҳангнинг роли катта. Шунинг учун уларнинг таркибидағи тиниш белгилар ҳам хилма-хил.

### 36-машқ. Матнинг мазмунини хотимасига кўра сўзлаб беринг.

“Инсон ва давлат ўртасидаги муносабатларда инсон манфаатлари устувор бўлиши керак. Жамиятда фуқароларнинг ҳуқуqlари ва эркинликларини химоя қилиш таъминланганда у чинакам ҳуқуқий, фуқаролик жамияти бўлади. Бизнинг пировард мақсадимиз инсон ҳуқуqlари ҳар томонлама химоя қилинадиган маърифатли жамият барпо этишдан иборат”, – деган эди Элбошимиз Н.Назарбоев



Инсон ҳуқуқлари масаласи бугунги кунда дунё ҳамжамияти олдида турган долзарб муаммолардан биридир. Демократик қадриятлар устуворлигини тан олган мамлакатлар ҳақида сўз борар экан, энг аввало, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг қай даражада ҳимоя қилингани, унинг амалга ошишига замин яратувчи шарт-шароитлар тилга олинади. Зоро, демократик ва ҳуқуқий давлат қуришнинг асосий мақсади ҳам мамлакатда яшовчи ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини таъминлашдир. Ҳуқуқий давлат ҳақидаги дастлабки қарашлар қадим



замонлардаёқ шаклланган. Сүкрот, Афлотун, Арасту, Цицерон каби буюк донишмандарнинг табиий ҳуқуқ ҳақидаги таълимотларида илк бор инсон ҳуқуқи ва эркинлиги ғояси илгари сурилган. Кейинчалик Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Низомулмулк, Давоний, Ҳожа Самандар Термизий каби алломаларнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашларида бу ғоя янада ривожлантирилди. Ушбу қарашлар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги яхлит таълимотнинг яратилишида муҳим аҳамият касб этди.

Абу Наср Форобийнинг “Сиёсат ал-мадания”, “Фозил одамлар шаҳри”, “Афлотун қонунларининг моҳияти” каби асарларида илгари сурилган демократия, адолатли давлат ғояси, уни бошқариш қоидалари, жамиятда қонун устуворлиги, мукаммал қонунлар ишлаб чиқиши санъати, бу муаммоларни ҳал қилиш борасидаги фикрлари инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий давлатчилигимиз тарихидаги энг ноёб қарашлардан ҳисобланади. Ёки Амир Темурнинг: “Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, ўша ерда эркинлик бўлади”, деган ҳикматли сўзлари ҳуқуқий давлат ҳақидаги ғояни асослаб берган, десак хато бўлмайди.

“Темур тузуклари”да инсон ҳуқуқлари қадрланиб, уни ҳимоя қилиш ҳуқуқий жиҳатдан очиб берилган. Қонун олдида бой ҳам, камбағал ҳам тенг бўлиб, барчанинг ҳуқуқлари кафолатланган. Амир Темур фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳоким адолат томонида туришини қаттиқ талаб этган. Агарда ҳокимлар, сипоҳдан қайси бирининг ҳалққа жабр-зулм етказганини эшитса, уларга нисбатан дарҳол адолатли чора кўрган. “Агар доругалар ва ҳокимлар ҳалққа жабр-зулм қилиб, уларни ҳароб қилган бўлсалар, қилган ишларига лойиқ жазо берилсин”, дейилади тузукларда.

Инсон ҳуқуқлари инсоният мавжудлигининг ва биргаликда яшашнинг асосидир. Инсон туғилишидан то умрининг охиригача ўз ҳуқуқ ва эр-



кинликларига эгадир. Бу ҳуқуқнинг моҳияти 1988 йил Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 40 йиллиги муносабати билан БМТ томонидан нашр этилган «Инсон ҳуқуқлари: саволлар ва жавоблар» рисоласида қўйидагича талқин этилади: «Инсон ҳуқуқлари бизнинг барча инсоний, туғма ва табиий ҳуқуқларимиздан иборатdir. Уларсиз ҳаётни тасаввур этиб бўлмайди. Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлар, бизга ўз истеъододимиз, ақл ва виждонимиздан мукаммал фойдаланиб, барча маънавий ва жисмоний эҳтиёжларимизни қондириш учун имконият беради».

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида етарли ҳуқуқий асос яратилган. Буни Конституциямизда умумеътироф этилган меъёрларга мос демократик қадриятларнинг белгилаб қўйилганида ҳам кўришимиз мумкин. Юртимизда суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларни ҳимоялаш каби олижаноб мақсадларга хизмат қилмоқда. Жумладан, ушбу саъй-ҳаракатлар фуқароларимизнинг, айниқса, болалар, хотин-қизлар, ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун зарур имконият ва шарт-шароитлар яратишда ўз ифодасини топмоқда. Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлайдиган миллий қонунчилигимиз Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қоидаларига уйғунлиги билан аҳамиятлидир.

Ҳ.Аҳмедов



1. Матнда қандай долзарб масала кўтарилган? Ҳаққонийлигини асослаб, фикрингизни билдиринг.



2. Ишончли далил ва далолатномаларга таянган ҳолда маълумотларни тақдимот тарзида баён этинг.
3. Матнда ажратиб кўрсатилган абзацга эътибор қаратинг. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари қандай ҳимоя қилинар экан?
4. Матндан қўшма гапларни топиб, бирикиш йўлларини аниқланг ва изоҳ беринг.
5. Қўйидаги берилган таърифни ўрганиб чиқинг ва хулоса чиқаринг, ўз хулосаларингиз билан ўртоқлашинг.



## ЁДДА САҚЛАНГ!

1. Боғловчисиз құшма гап таркибидаги содда гаплар бир пайтда ёки кетма-кет бўладиган воқеа-ҳодисани ифодаласа, улар орасига вергул қўйилади. Оқшом тушди, осмон юлдузларга тўлиб кетди.
2. Аммо, лекин, бироқ ва тақрорланниб келган боғловчилар: ё, ёки, дам, баъзан,на, гоҳ, ҳам, балки сўзларидан олдин вергул қўйилади. Бунда бор на оғат, на ғурбат, на ғам. Тобе гапли құшма гаплар ҳокум гапдан вергул билан ажратиласди. Кимки бўлса дилозор, ундан эл-юрт безор.



### 37-машқ. Матнни диққат билан ўқиб чиқинг, гуруҳда муҳокама қилинг.

Ҳар бир инсон ёши, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси, жисмоний кучи, соғлиғидан қатъий назар, ушбу ҳуқуққа эгадир. Жумладан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 3-моддасида ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эга экани белгилаб қўйилган. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пактнинг 6-моддаси 1-бандида эса қуйидагича таъриф бор: “Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонун билан ҳимояланади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан инсонни яшаш ҳуқуқидан маҳрум қила олмайди”. Моҳият эътиборига кўра, мазкур таъриф шарҳлананаётган меъёрий қоидаларга яқин бўлиб, бу давлатимиз томонидан инсон ва фуқаро ҳуқуқининг барча турлари тан олиниши ва кафолатланишининг далили бўлиб хизмат қиласди. Инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари тизимида яшаш ҳуқуқи ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишлилиги ва ажралмас эканлиги Конституцияда ҳам кафолатланган.

Ушбу ҳуқуқ Қозогистон Конституциясининг 24-моддасида “Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жинояттир”, деб белгилаб қўйилган. Конституциянинг 25-моддасида ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгалиги белгиланган. Эркинлик ва шахсий дахлсизлик инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бўлиб, унга туғилганиданоқ тааллуқли бўлади.

Шундай эркинликлардан бири виждан эркинлиги бўлиб, халқаро ҳуқуқ нормаларида ўз ифодасини топган. Жумладан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 18-моддасида: “Ҳар бир инсон фикр, виждан ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ўз дини ёки эътиқодини ўзгартириш эркинлигини ва таълимотда, тоат-ибодат қилишда ва диний расм-русларни ҳамда маросимларни оммавий ёки хусусий тартибда адо этиш, ўз дини

ёки эътиқодига якка тартибда, шунингдек бошқалар билан бирга амал қилиш эркинлигини ўз ичига олади”, деб белгиланган.

Шунингдек, декларациянинг 19-моддасида: “Ҳар бир инсон эътиқод эркинлиги ва уни эркин ифода қилиш ҳуқуқига эга”, деб белгиланган. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пактнинг 18-моддасида ҳар ким ўз фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган. Конституциямизнинг 29-моддасида ҳар бир инсоннинг фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги қонун билан ҳимояланган.

Қозоғистонда инсон ҳуқуқлари ҳимояси билан боғлиқ қонунларда асоссиз қамоқ ёки ҳибсга олиш, азоб-уқубат ва ваҳшиёна жазога дучор қилиш, шахсий ёки оиласи ҳаётга ўзбошимчалик билан аралашишга йўл қўйилмайди. Айбисзлик презумпцияси, уй-жой ва хатлардаги сирларнинг дахлсизлиги, эркин юриш ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқи, никоҳдан ўтиш ва оила қуришдаги эркинлик, мулкка эгалик ҳуқуқи, фикр эркинлиги ва уни ифодалаш, мамлакатни бошқаришда қатнашиш ҳуқуқлари қонун билан кафолатланади.

Ф.Муҳиддинова



1. Ўқиган/tinglagan матн мазмунини ёритувчи саволлар тузинг. Ахборотнинг долзарблиги, ҳаққонийлигини асословчи савол-жавоб ўтказинг.



2. Ҳуқуқий меъёрлар нима учун керак? Фикрингизни ёзма равишда баён қилинг.
3. Матндан қўшма гапларни аниқланг, уларни юзага келишида боғловчи воситаларнинг хизматини изоҳланг.
4. Боғловчи воситаларнинг турини айтинг, уларда тиниш белгиларининг қўлланилишини изоҳланг.



### ЁДДА САҚЛАНГ!

Боғловчисиз қўшма гап таркибидаги содда гаплар мазмунан яқин бўлмаса, ёки улар таркибида вергул қўлланилса, содда гаплар орасига нуқтали вергул қўйилади: *Қуёш аямай қиздиради; ишчилар бунга парво қилмасдан, ишларини давом эттиридалар.*

## **Мұхокама учун саволлар**

1. Құшма гап қисмларини боғловчи грамматик воситалар қайсилар?
2. Құшма гап қисмларини боғловчи лексик-грамматик воситалар деганда нималар назарда тутилади?
3. Құшма гап қисмларини боғловчи лексик воситаларга нималар киради?
4. Гап бўлагининг тақрорланиши қандай вазифаларни бажаради?
5. Умумий иккинчи даражали бўлакларнинг бўлиши қўшма гапларда қандай вазифа ўтайди?
6. Қўшма гапни ҳосил қилишда яна қандай воситалар қатнашади?
7. Қўшма гап турларининг ҳосил бўлишида интонациянинг роли.

**Эслатма:** Гапнинг ҳар қандай иккинчи даражали бўлаги умумий бўлиб келиши мумкин. Масалан: *Унинг кичик қисиқ кўзлари ёмон ёнди, қалин лаблари титраб кетди.*

Одатда, умумий иккинчи даражали бўлак қўшма гап таркибидаги биринчи гапнинг таркибида келади, қўшма гап таркибида эга умумлашган ҳолда кела олмайди. Чунки кўшилманинг ҳар икки қисми учун бир эга бўлса, ундан қурилма содда ёки мураккаб содда гап ҳисобланади.

Бунда бир предмет-шахснинг турлича ҳаракат-ҳолати, хусусияти ҳақида ҳукм юритилади, бундай ҳукмлар эса уюшган кесим ҳисобланади.

Умумийлик иккинчи даражали бўлакларгагина эмас, кесим таркибидаги ёрдамчи элементларга ёки тўлиқсиз феълга тааллукли бўлиши мумкин. Бундан кўпинча бир-бири билан жипс боғланган боғловчисиз қўшма гаплар вужудга келади: *Бостирмада чироқ паслатилган, кимдир аллақачон хуррак отар эди.*

### **Мавзу юзасидан тақрорлаш:**

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

#### **1-топшириқ**

1. Боғловчи воситаларни сиз қандай ном билан умумлаштирган бўлардингиз?
2. Қўшма гап қисмларида гап бўлакларининг тақрорланиши нимани англатади?
3. Лексик-грамматик воситалар деганда нималар назарда тутилади?

#### **2-топшириқ**

1. Алоҳида олинган содда гап қўшма гапнинг таркибий қисми бўлган содда гапдан нимаси билан фарқланади?
2. Сифатдош, равишдош оборотли ва предикатив моделдаги аниқловчили гапга учта мисолкелтиринг ва уларни тузилишига кўра таҳлил қилинг.
3. Лексик-грамматик воситаларни изоҳланг.
4. Қўшма гап қисмларини боғловчи синтактик воситаларга, сизнингча, нималар киради?

# 3

## «ДАВЛАТ ФУҚАРОЛАРНИНГ КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚО- НУНЛАРДА МУСТАҲКАМЛАНГАН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ»

**38-машқ.** Матнни дикқат билан ўқиб чиқинг, гурухда муҳокама қилинг.

Фуқаро ҳуқуқларини таъминлашда инсоннинг табиий ҳуқуқларини таъминлашда инсоннинг табиий ҳуқуқларини эътиборга олиш муҳим аҳамиятга эгадир. Қадимги антик файласуфлар талқинича, табиий ҳуқуқ табиатига боғлиқ ҳолда инсонлар туғилишлариданоқ бир хилдирлар. Ижтимоий шартномалар асосида қонун ва давлат пайдо бўлди. Аристотелнинг фикрича, инсоннинг туғилишиданоқ пайдо бўлган хусусий мулкка бўлган табиий ҳуқуқи унинг табиати ва унинг дастлабки ўзини ўзи севишига асосланади. Қолаверса, ана шу табиий ҳуқуқни таъминлашга интилиш, хусусий мулк жозибаси, уни сақлаш ва кўпайтириш манфаатлари инсоннинг жамиятда тезлик билан ижтимоийлашувига ва фаоллашувига олиб келади.

Тор маънода, инсон ҳуқуқлари тушунчасига фақат давлат ҳимоя қиласидиган ва кафолатланадиган ҳуқуқлар кириб, ҳозирги даврда уларни конституцион ҳуқуқий асослар ёки давлат чегаралари билан чеклаб қўйиш осон вазифа эмас. Бу ҳуқуқларга барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, яшаш ва жисмоний дахлсизлик ҳуқуқи, инсон қадр-қимматини ҳурмат қилиш, ўзбошимчалик ва ноқонуний ушлаш ёки қамаш, виждан ва дин эркинлиги, ота-оналарнинг ўз болаларини тарбия қилиш ҳуқуқлари, зулмкорларга қаршилик қилиш ҳуқуқи ва бошқалар киради. Қенг маънодаги инсон ҳуқуқлари эса, ўзида шахс эркинлиги ва ҳуқуқларининг кенг мажмуаси ва турларини ифодалайди.

Мустақиллик даврида Қозогистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларни таъминлашнинг ҳуқуқий асослари ривожланган мамлакатлар тажрибаси ва миллий қадриятлар талаблари даражасида шаклланди. Шунингдек, Конституция ҳамда қонунлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат талаблари даражасидаги мезонлари, меъёрларини яратса олди. Конституциясининг 24-моддасидаги «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суюқасд қилиш энг оғир жиноятдир», 25-моддасидаги «Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда хибсга олинниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас», 27-моддасидаги «Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ва тураг жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бирорнинг тураг жойига кириши, тинтуб ўтказиши ёки уни кўз-

дан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сири ошкор қилиши мумкин эмас.», 20-моддасидаги «Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳукуқига эга...», 33-моддасидаги «Қозогистон Республикасининг фуқаролари жамият давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳукуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўз-ўзини бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзида ташкил этиш йўли билан амалга оширилади».

39-моддасидаги «Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳукуқлари ва эркинликларини таъминлайди» каби фуқаролик жамияти қуришнинг демократик қадриятлари ва тамойиллари шаклланишини таъминлайдиган қонун ва қоидаларнинг киритилиши Қозогистонда демократик жамият барпо этишнинг келажак истиқболларини белгилаб берди.

(ҚР Конституцияси материалларидан )



1. Шахснинг ҳукуқий ҳолати тушунчасига таъриф беринг.
2. Матнда Конституцияда келтирилган моддаларга изоҳ беринг.
3. Фуқаролик жамияти қуришнинг демократик қадриятлари ва тамойиллари Конституциямизнинг қайси моддаларида ўз ифодасини топган?



4. Матндан мураккаб қўшма гапларга мисоллар топиб кўчириб ёзинг ва уларга таъриф беринг.



### ЁДДА САҚЛАНГ!

Қўйидаги ҳолларда боғловчисиз қўшма гап орасида тире қўйилади.

1. Боғловчисиз қўшма гап таркибидаги гаплар бир-бирига зид бўлса:

Кўз қўрқоқ – қўйл ботир (*Мақол*). Жисмимиз йўқолур – ўчмас номимиз. (Х.О.)

2. Биринчи гап мазмунан иккинчисига ўхшатилса: Вақтинг кетди – нақдинг кетди (*Мақол*). Қор ёғди – дон ёғди.

3. Биринчи гап иккинчи гапнинг пайтини, шартини, натижасини англатса: Ҳамал кирди – амал кирди. Юрт тинч – сен тинч. Достон айтдим – китоб бўлди каби.

Мазмунан зид бўлган боғловчисиз қўшма гаплар орасида тире қўйилади. Жисмимиз йўқолур – ўчмас номимиз.

Боғловчисиз қўшма гаплар орасида ўхшашлик бўлса ҳам тире қўйилади.

Сув келди – нур келди. Вақтинг кетди – нақдинг кетди (*Мақол*).

## ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ХУҚУҚИНИНГ АҲАМИЯТИ

**39-машқ.** Матнни дикқат билан ўқиб чиқинг, гурухда муҳокама қилинг.

Виждон эркинлиги инсоннинг динга бўлган муносабатини кўрсатади ва виждон эркинлигини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланиши, албатта, инсон ва фуқароларга катта имкониятлар яратади.

Виждон эркинлиги – ҳар бир инсон ўзи хоҳлаган динига эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслиги ва динга нисбатан бетараф бўлиши, шунингдек, динга қарши бўлишилиги билан ифодаланади.

Ҳар бир инсон ўзи хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслиги ва динга нисбатан бетараф бўлиши, шунингдек, у динга қарши бўлиши ҳам мумкин. Бу фақат ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик бўлиб қолмай, худонинг борлигини рад этиш ва умуман динни тан олмаслиги мумкин. Виждон эркинлигини таъминлашда уни тартибиға солувчи ҳуқуқий меъёрлар муҳим аҳамиятга эга.

Қозогистон Республикаси Конституциясининг 22-моддасида “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”, –деб белгилаб қўйилган.

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 18-моддаси ҳамда Фуқаро ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт қўйидагиларни ўз ичига олади:

- ўз хоҳишига кўра маслакка ёки динга эга бўлиш;
- тушунчага ва динга эга бўлиш;
- ўз маслаги ва динини ўзгартириш;
- динга ва маслакка бир ўзи, биргаликда эътиқод қилиш, оммавий ёки шахсий тартибда динни ўрганиш ва сигиниш;
- диний расм-русум ва тоат-ибодат маросимларини ўтказиш;
- ота-оналарига ёки қаровчиларига ўз тушунчаларига амал қилган ҳолда, ўзларининг болаларини диний ва маънавий жиҳатдан тарбиялашини таъминлаш. Шу каби ҳолатлар бошқа халқаро ҳуқуқий актларда ҳам фикр, виждон ва дин эркинлиги мазмунида акс этади.

Қозогистон Республикаси Конституциясининг 22-моддаси инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро-ҳуқуқий стандартларга жавоб беради.

Ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик эътиқод эркинлиги мазмунини ташкил қиласиди.

Қозоғистон Республикаси Конституциясининг 22-моддаси мазмунининг амалга оширилиши “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тұғрисида”ти Қозоғистон Республикаси Қонунда акс этади. Мазкур қонун ушбу соҳа бўйича Қозоғистон тарихидаги биринчи қонун акти бўлиб, виждон эркинлиги борасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларнинг янгича тартибини белгилаб берди.

Ушбу қонун виждон эркинлиги билан боғлиқ бўлган Инсон ҳуқуқлари тұғрисидаги халқаро Пакт ва шартномалар шартига амал қилган ҳолда, халқаро актларнинг асосий меъёр ва талабларини инобатга олиб, виждон эркинлигининг конституциявий шаклда амалга оширилишининг тартиб ва тамойилларини белгилайди.

Диний қарашларнинг мажбуран сингдирилишига йўл қўйиб бўлмайди. Виждон ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқининг амалга оширилишига қаршилик кўрсатиш (масалан, диний маросимларни ўтказишга ноқонуний қаршиликлар кўрсатиш) жиноий-ҳуқуқий тартибда жазоланади (масалан, ЖКнинг 145-моддаси).

Ё.Хайдарова



1. Қозоғистонда фуқароларнинг конституциявий шаъни ва қадр-қиммати тавсифини ифодалаб беринг?
2. Қозоғистон Республикаси Конституциясининг моддалари қайси қонулар асосида қўриқланиши мустаҳкамланган?
3. Виждон эркинлиги ҳуқуқининг аҳамияти нимада деб ўйлайсиз?



4. Матндан қўшма гапларни аникланг, кўчириб ёзинг, боғланишига кўра қўшма гапнинг қайси турига мансуб эканлигини тушунтиринг ҳамда мураккаб қўшма гапларга таъриф беринг.
5. Қўйидаги таърифга аҳамият беринг, гуруҳда муҳокама қилинг ва умумий холоса чиқаринг.

**40-машқ.** Матнни дикқат билан ўқиб чиқинг, гуруҳда муҳокама қилинг.

### ҚИМОРБОЗЛИК ИЛЛАТИ

Бу ўйинга мубтало бўлсанг, иззат ва жон мулкига қирон келтирасан, оз фурсатда бор-йўғингни, ҳурмат ва обрўйингни қўлдан бой берасан. Ҳар ишнинг чегара ва андозаси бор бўлса ҳам, қимор чегара ва андоза-

дан ташқаридир. Ҳар айб денгизининг қирғоги, соҳили бўлса ҳам, аммо қирғоқсиз, соҳилсиз айб денгизидир. Ҳар кимнинг турмуш кемаси бу айб денгизининг тӯғони пўртанасига дучор бўлса, шубҳасиз, гарқ бўлиб, йўқлик дунёсига кетади. Кимки қимматли умрини бузуқ ишларга сарф қилса, беҳуда ишлар билан ҳаёсизлик камарини боғласа, бу ақлга мувофиқ эмас. Одам ўжар нафс отини қамчиламасин деб, донишмандлар жуда кўп насиҳатлар битибдур.

(“Хозирги ўзбек тили”дан)



1. Матнда қандай муаммо кўтарилиган?
2. Сиз ҳамиша ўз ҳуқуқ ва имкониятларингиздан тўғри, унумли фойдалана оласизми? Гурухларда муҳокама қилинг.
3. Матннинг асосий гояси нимадан иборат? 1 жумла орқали фикрингизни баён этинг.
4. Матн таркибидағи гапларнинг турини аниқланг, содда гапларни боғловчи воситаларини изоҳланг.



### **ЁДДА САҚЛАНГ!**

Икки нуқтанинг ишлатилиши:

Боғловчисиз қўшма гапда иккинчи қисм биринчи қисмдан англашилган мазмунни изоҳласа биринчи қисмдан кейин икки нуқта қўйилади. Масалан, *Шу феъллари яхши: ҳеч кимни бировни олдида беҳурмат қилмайди*.

2. Боғловчисиз қўшма гапда иккинчи қисм биринчи қисм англатган мазмуннинг сабабини билдиrsa, биринчи қисмдан кейин икки нуқта қўйилади: *У юрганча чиқиб кетди: кўчада уни кутаётган эди*.

3. Боғловчисиз қўшма гапда биринчи гапнинг кесими **деди, қаради, диққат қилди, таъкидлади** каби феъллардан бўлса улардан кейин икки нуқта қўйилади: *Деди: Қайдин сен эй маҗнуну гумроҳ?* (А.Н.).

### **Муҳокама учун саволлар**

1. Тенг боғланишли мураккаб қўшма гапнинг тавсифи?
2. Бундай мураккаб қўшма гапларда компонентлар қандай алоқада бўлади?
3. Тенг боғланишли мураккаб қўшма гап компонентларининг кесими қандай ифодаланади?
4. Юқоридаги берилган таърифга асосланиб хулоса чиқаринг ва ўз далил ва исботларингиз билан тушунтиринг.

**41-машқ.** Матнни дикқат билан ўқиб чиқинг, гурухда мұхокама қилинг.



Бугун мамлакатимизда юксак талабчанлик билан олиб борилаётган суд-хуқуқ истроҳотлари замирида фуқароларимиз ҳуқуқи, эркинлиги, шаъни, қадр-қимматини муносиб химоя этишдек инсонпарвар гоя мужассамлиги ҳар биримизга яхши маълум. Қозоғистон Республикаси Президентининг «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонидан сўнг бу масалага янада жиддий эътибор қаратила бошланди.

Маълумки, ушбу Фармонда кўзда тутилган бош мақсад суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши, жиноят процессуал ва жиноят-ижроия қонунчилигини янада такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш, яъни қонун олдида ҳамманинг тенглигини амалда намоён этишдан иборатдир.

Фармонда таъкидланганидек, жиноят ишларини тергов қилиш ва кўриб чиқиш жараёнида далилларни тўплаш, мустаҳкамлаш, текшириш ва баҳолашда қонунийлик ҳамда холисликни таъминлашга тўсқинлик қилувчи ҳуқукий бўшлиқ мавжудлигини ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили яққол кўрсатди.

Бугунги талаб шундан иборатки, суд органларининг биринчи даражадаги эътибори Қозогистон Республикаси Конституциясида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари ҳимояси бўйича кафолатланган барча тартиб қоидаларга, аникроғи, конституцион тамойилларга оғишмай амал қилиш керак бўлади. Қонуннинг бу меъёрларига риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш жиноят процессида қонунийликни бузиш ҳисобланади. Ўз навбатида, бундай хатти-ҳаракатлар тегишли жавобгарликка сабаб бўлади.

Суд ислохотлари ҳақида гап кетганида, суднинг бош вазифаси инсонни жазолаш эмас, балки унинг ҳуқуқини ҳимоя этиш эканлиги тақрор ва тақрор айтилмоқда. Бироқ ҳаётда шундай ҳолатлар юз берадики, биринчи марта тергов берадиган ёки судланаётган шахс ўзининг конституцион ҳуқуқ ва мажбуриятларини яхши билмаслиги, ҳуқуқий саводхонлиги етарли эмаслиги оқибатида адвокат ёки таржимон хизматидан фойдаланишни шарт эмас, деб ҳисоблаб, ўзини ўзи қийин аҳволга солиб қўйиши, ҳақиқий ҳолат аниқланишини мураккаблаштириб юбориши, гоҳида эса далиллар йўқолиб кетишига сабабчи бўлиши мумкин. Бунинг оқибатида содир этилган ҳаракатларни қонуний баҳолаш қўйинлашади.

Ушбу Фармоннинг моҳиятига кўра, эндиликда юқорида санаб ўтилган ҳолатлар амалиётда учраган тақдирда, улар юридик кучга эга бўлмаган маълумотлар деб ҳисобланади, жиноят ишларини кўриш даврида улардан далил сифатида фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Суд амалиётида кўп учратганмиз, ўзларига эълон қилинган айдан норози бўлган, ҳисбда сақланаётган шахслар аксарият ҳолатларда ариза ва шикоятларини тергов изолятори орқали судларга йўллаганликларини маълум қиласидилар. Лекин бундай аризалар судгача етиб келмаган ҳолатлар кўп учрайди. Эндиликда бундай ариза ва шикоятлар прокурор томонидан мажбурий тарзда текширилиши мазкур Фармон билан мустаҳкамланди. Бу талаб-қоидалар фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Хозирги кунда фуқаролардан судларга бўлаётган мурожаатлардан кўриниб турибдики, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва билими ошиб бормоқда, суд-ҳуқуқ идораларига ишонч ҳам мустаҳкамланмоқда.

Шуни ҳам айтиш керакки, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича инсонпарварлик тамойилларига асосланган ҳуқуқий ҳужжатлар яратилмоқда. Аммо улар ҳаётга қандай жорий этилиши биз суд-ҳуқуқ органлари ходимларининг билими, маҳорати, қатъиятлиги ва холислигига боғлиқ.

(Baribar.kz)



1. Қозогистонда фуқароларнинг конституциявий шаъни ва қадр-қиммати қандай ҳимоя қилинади? Ифодалаб беринг.
2. Суд ислоҳотларининг асосий вазифаси нимадан иборат?
3. Матнга берилгандыкка расмга дикқат қилинг ва нима тасвирланганни ҳақида мулоҳаза юритинг ва фикрингизни баён этинг.
4. Матнда келтирилгандыкка қўшма гаплар қандай боғланган? Изоҳланг.
5. Бирдан ортиқ эргаш гапларнинг бир бош гап билан бирикишидан ташкил топган синтактик тузилмаларни топинг.



### ЁДДА САҚЛАНГ!

Қўшма гап маълум воситалар билан ўзаро боғланган гаплар, предикатив бирликлар қўшилмасидан ташкил топган синтактик бутунликдир. Маълум фикр-мазмунни ифодалашда хизмат қилган гаплар қўшма гап доирасида ўзаро турли воситалар ёрдамида бириккан бўлади.

Бу воситаларни умумий ва фарқли хусусиятларига кўра тўрт групга бўлиш мумкин.

**1. Грамматик воситалар.** Бундай воситаларга тилда мавжудлиги грамматик маъно-вазифа бажариш билан шартланган ёрдамчи сўзлар ва қўшимчалар киради. Маълумки, боғловчилар, кўмакчилар, юкламалар, келишик қўшимчалари ана шундай грамматик воситалардир.

Грамматик воситалар боғланган қўшма гап ва эргаш гапли қўшма гапларни ҳосил қилишда фаол қатнашади. Масалан: *Сиз яширдингиз, аммо мен яширмайман. Билиб қўйки, сени Ватан кутади. Биринчи қор ёқкан кезларда, читтакни тутиш учун тузоқ қўяр эдим.*

**2. Лексик-грамматик воситалар.** Қўшма гап қисмларини боғлашда хизмат қиласидан лексик-грамматик воситаларга, асосан, феъл шакллари киради. Булар орасида сифатдош, равишдош, ҳаракат номи, шарт майли шаклларининг маъновий вазифадан ташқари боғловчилик (грамматик) вазифасида ҳам келиши кўпроқ қўзга ташланади. Масалан: *Жаҳл келганда, ақл кетади. Ким бирорга чуқур қазиса, унга ўзи тушади.*

Лексик-грамматик воситалар эргаш гапли қўшма гапларнинг ҳосил бўлишида фаол қатнашади. Улар деярли барча турдаги эргаш гапларнинг кесими вазифасида келиб, уларни бош гапга боғлашда иштирок этади.

# 6

## ФИКРЛАШ, СЎЗ ВА ЭЪТИҚОД ЭРКИНЛИГИ ҲУҚУҚИ

**42-машқ.** Матнни дикқат билан ўқиб чиқинг, гурухда муҳокама қилинг.



Фикрлаш эркинлиги деганда сўз эркинлиги орқали амалга ошириладиган, фикрини очик сўзлаш ва бошқа шахсларнинг эътиборига етказиш тушунилади.

Қозоғистон Республикаси Конституциясининг 22-моддасида “Хар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Хар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир.

Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллукли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин” деб белгилаб қўйилган. 1966 йилги “Фуқаро ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пактнинг 18-моддасида ҳар кимнинг эркин фикрлаш ҳуқуқи мустаҳкамланган бўлиб, унинг 19-моддасида ўзининг фикрини эркин ифода қилиш ҳуқуқи хеч қандай чеклашларсиз амалга оширилиши кўзда тутилган.

Ҳар кимнинг ўз фикрини эркин ифода қилиш ҳуқуқи ўз ичига изланиш эркинлиги, ҳар қандай ахборотни олиш, тарқатиш, ёзма ёки нашр шаклида ёхуд бадиий шаклда ифодалаш эркинлигини амалга ошириш имконини беради.





Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 19-моддасида: “Ҳар бир инсон эътиқод эркинлиги ва буларни эркин ифодалаш ҳуқуқига эга: ушбу ҳуқуқ ҳеч бир тўсиқсиз ўз эътиқодига амал қилиши эркинлигини ҳамда ахборот ва гояларни ҳар қандай воситалар билан, давлат чегараларидан қатъий назар, излаш, олиш ва марқатиш эркинлигини ўз ичига олади”, – дейилади.

Бу моддада ушбу ҳуқуқлардан фойдаланиш билан бирга, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, унда маълум бурч ва жавобгарлик ҳам мавжуд. У, ўз навбатида, айрим чеклашларни ҳам талаб қиласди:

- а) бошқа шахслар ҳуқуқи ва обрўсини ҳурмат қилиш;
- б) давлат хавфсизлиги, жамоат тартиби, аҳоли соғлиғи ва қадриятларини ҳимоя қилиш.

Шундай қилиб, шахсий ҳуқуқقا тегишли қабул қилинган конституциявий меъёрларимиз инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий андозаларга тўла мос келади.

Фикрлаш ва эътиқод эркинлиги сўз эркинлиги орқали амалга оширилади, бу ўз фикрини очик сўзлаш ва бошқа шахсларнинг эътиборига етказиш деб тушунилади. Кўп ҳолатларда сўз эркинлиги оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилади ва улар ҳар бир фуқаронинг сўз эркинлигини, оммавий ахборот воситаларида чиқиш ҳуқуқини, ўз фикр ва эътироzlарини очик сўзлашни кафолатлайдиган “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ти Қозогистон Республикаси Қонуни асосида фаолият кўрсатадилар.

Ахборотларни йигиш, тўплаш, қайта ишлаш, узатиш ва рухсат этилмаган танишувдан ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган ҳамда ахборот тизимларининг маълумотлар базалари ва банкларини ташкил қилиш, ахборотларни қайта ишлаш ва узатишнинг бошқа тизимларини яратиш, жорий



этиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонунлар билан тартибга солинади.

Барча турдаги маълумотларни йиғиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқ конституциявий тизимга қарши йўналтирилган, инсониятнинг тинчлиги ва химоясига зид равища, жамият манфаатларига қарама-қарши мақсадда ёки бошқа инсонларнинг ҳуқуқ ва эркига зид ҳолатларда қонун томонидан чекланади.

Фикрлаш ва сўзлаш эркинлиги қонун томонидан давлат ёки бошқа ижтимоий манфаатларни ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан чекланиши мумкин. Бундай чекланишлар қўйидагилар билан изоҳланади: давлат сирларини овоза қилиш давлатнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигига, мудофаа құдратига ва давлат ҳамда жамиятнинг бошқа манфаатларига путур етказиши мумкин.

Давлат сирлари билан ишлаш ҳуқуқи бўлган барча давлат органлари, ташкилотлар, корхоналар, бирлашмалар, шунингдек ваколатли шахслар ва Қозогистон Республикаси фуқаролари уларни сақлаш ва ҳимоя қилиш мажбуриятини бажаришлари шарт. Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир фуқаро маълумотни излаш ва тарқатиш ҳуқуқини амалга оширишда улардан бутун жамиятнинг ва бошқа фуқароларнинг манфаатига зид равища фойдаланмасликлари лозим.

Қозогистон Республикаси фуқароси давлат сирлари ҳақида маълумотларни тўплаб, бошқа хорижий давлатга топширса, унинг бу ҳаракатларидаги ҳолат жиноят таркибини келтириб чиқариб, давлатга хоинлик деб топилади.

*И.Танкишева*



1. Фикрлаш эркинлиги деганда нимани тушунасиз?
2. «Фуқаро ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро Пактнинг 18-моддасида ва 19-моддасида ўзининг фикрини эркин ифода қилиш ҳуқуқи борасида нима дейилган?
3. Қозогистон Республикаси Конституциясининг 22-моддаси ҳақида ўз фикрингизни баён этинг.

4. Қандай вазиятта фикрини әркин ифода қилиш ҳуқуқи чекланади?
5. Тобе алоқали мураккаб қўшма гапларда эргаш гаплар бош гапга қандай йўл билан бирикади?



### ЁДДА САҚЛАНГ!

**Лексик воситалар.** Айрим лексик воситалар қўшма гапнинг юзага келишида, улар қисмларининг ўзаро мазмун муносабатига киришишида мұхим воситачилик ролини ўйнайди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, лексик воситалар қўшма гапнинг ҳамма турида учрайди.

Аммо қўшма гапни тузишда грамматик ва лексик-грамматик воситалар қўлланган ўринларда лексик воситаларнинг роли сусаяди. Аксинча, боғловчисиз қўшма гаплар компонентларининг боғланишида лексик воситаларнинг хизмати каттадир. Улар интонация билан бирга боғловчисиз қўшма гапларни ҳосил қилувчи асосий воситадир. Қўшма гап қисмларининг боғланишида фаол катнашадиган маҳсус лексик воситалар асосан қўйидагилардир: *яъни, умуман, бир сўз билан, бошқача айтганда, шу билан бирга, тўғрироғи, шунга қарамай, аксинча, акс ҳолда, биринчидан, иккинчидан, аввало, қолаверса, унингча, баҳтга қарши, бундан ташқари* каби кириш бўлак, кириш бирикмалар шулар жумласидандир. Масалан:

Лекин бу нарса Қаландаровнинг тафтини боса олмади, аксинча, юрагига ўт ёқилди. Хуринисо иккى ёқлама қайғуга қолди. Булардан ташқари, шекили, натижада, бунинг натижасида ниҳоят, *шундан кейин, шундан буён, шунда, унда, шу, у, шундай* кабилар ҳам қўшма гапқисмларини боғловчи лексик восита вазифасини ҳам ўтайди. Мисоллар: *Отаси ўлганига ўн беш йил бўлди – шундан бери ҳар қанақа ишни йиғиштириб қўйган. Шундай аёллар бўлади, улар севги-муҳаббатни эътиқод каби муқаддас тутадилар.*

## ҚОЗОФИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ – ҲАР БИР ФУҚАРОНИНГ БУРЧИ

**43-машқ.** Матнни дикқат билан ўқиб чиқинг, гурухда муҳокама қилинг.

Ҳар бир фуқаро Қозоғистон Республикаси манфаатларини ҳар томонла- ма ҳимоя қилиш, унинг қудрати ва обрў-эътиборини мустаҳкамлаш учун барча чораларни кўриши лозим. Бундан кўзда тутилган асосий мақсад давлат мустақиллигини, унинг ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёт кечиришини таъминлашга қаратилган тадбирларни амалга оширишдан иборат.

Қозоғистон Республикаси фуқаролари қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга, шунингдек ўз мулкидаги бинолар, иншоотлар, транспорт ва алоқа воситалари ҳамда бошқа мол-мулқларини уруш даврида мудофаа эҳтиёжлари учун бериб туришга мажбурдирлар. Бунда қилинган ҳаражатларнинг ўрни Қозоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда кейинчалик қопланади.

Фуқароларнинг асосий бурчлари Конституция ва бошқа қонунларда ўз ифодасини топган бўлиб, уларда фуқаролар Конституцияга риоя қилиш билан бирга ундаги ҳар қандай қоидалар бузилиши олдини олиши, бошқа шахсларнинг қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбур эканлиги ўз ифодасини топган. Ҳуқуқи бузилган манфаатдор шахс ўз ҳуқуқларини тиклаш мақсадида судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Фуқаролар Конституция- да белгилаб қўйилган бурч- ларни бажариш вақтида қо- нунларга риоя қилишлари, жамиятнинг турмуш қоидаларини ва маънавий қад- риятларини ҳурмат қилиш- лари лозим.

Шу жумладан, Қозоғис- тонда истиқомат қилаётган фуқаролар, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар Конституциямиз-



нинг 12-моддасига мувофиқ, “Қозоғистон Республикаси ҳудудидаги чет әл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ таъминланади. Улар Қозоғистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларни адо этадилар”. Шунингдек, “барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажарадилар” деган қоида ҳам Конституцияда мустаҳкамланган (Конституциянинг 12.3-моддаси).

Хулоса қиладиган бўлсак, бурч Қозоғистон давлати томонидан белгиланиб, Конституцияда мустаҳкамланган, ҳар бир фуқаро бажариши зарур бўлган, бажармаслик эса жавобгарликка олиб келадиган хатти-ҳаракатлар ва яшаш тарзи қоидаларидан иборат. Бурч ижтимоий зарурият бўлиб, уларнинг бажарилиши бутун жамият манфаатлари учун зарурдир.

(Конституция материалларидан)



1. Сиз Ватан олдидаги фуқаролик ҳуқуқларингизни биласизми?
2. Конституциямизнинг 12-моддасига эътибор қаратинг ва изоҳ беринг.



3. Ишончли далилларга таянган ҳолда маълумотларни тақдимот тарзида баён этинг.
4. Эргашиш ўёли билан тузилган мураккаб қўшма гаплар қандай ҳосил бўлади? Мисоллар орқали фикрингизни баён этинг.



**44-машқ.** Матнни дикқат билан ўқиб чиқинг, гуруҳда муҳокама қилинг.

Ҳар бир инсон ва фуқарога бериладиган ҳуқуқ ўз навбатида мажбуриятни келтириб чиқаради. Яъни давлат фуқароларга муайян ҳуқуқларни бериш билан биргаликда мазкур ҳуқуқларни тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш учун бевосита бурч ва мажбуриятни назарда тутади ва юклайди.

Хуқуқ бу шахсга табиат, жамият, давлат томонидан бериладиган ўз ҳаракатини тури ва меъёрини танлаб олиш имкониятини беради.

Бурч эса жамият ва давлат томонидан белгиланган ва хуқуқий меъёрларда мустаҳкамланган маълум талабларни бажариш заруриятидир.

Бурч билан мажбурият бир-биридан бир қатор ўзига хос ҳусусиятлари билан ажралиб туради. Улар қўйидагилар:

Бурч, асосан, қонун-қоидалардан, ахлоқ меъёрларидан келиб чиқади ва кўпроқ инсоннинг ички руҳиятидан келиб чиқсан ҳолда адо этилади, мажбурият эса кўпчилик ҳолларда шартнома ва битимлардан келиб чиқади ва бажарилиши мажбурий бўлади.


Бурч давомий бўлади, яъни шахс туғилгандан то умрининг охирига қадар давом этади, мажбурият эса шартноманинг амал қилиш давригача мавжуд бўлади.

Бурч бажарилмаганда интизомий, маъмурий ва жиноий чоралар қўлланилади. Мажбурият бажарилмаганда эса иқтисодий санкция, моддий жарималар ва бошқалар қўлланиши мумкин.

Бурч – инсонларнинг ватани, ўз оиласи, эл-юрти олдидаги мажбуриятини англатувчи ахлоқий тушунча бўлиб, унда кўпроқ объектив муносабатлар ифодаланади. Яъни, бурч инсоннинг ички кечинмалари, ташқаридан туриб назорат қилинмайдиган муракқаб руҳий ҳолатини ифодалайди.

Мажбурият эса фуқаролик ҳуқуқий муносабатидан келиб чиқадиган ҳолатни ифодалайди ва унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга ошириш (хизматлар кўрсатиш, мол-мulkни топшириш, товар етказиб бериш ва ҳоказо)га ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса қарздордан ўзининг мажбуриятини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Қозогистон Республикаси Конституциясига кўра, фуқароларнинг қўйидаги бурчлари мавжуд:



1. Конституция ва қонунларга риоя этиш, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шағни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш бурчи;
2. Қозогистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асраш бурчи;
3. Табиий атроф-муҳитни асраш бурчи;
4. Қозогистон Республикасини ҳимоя қилиш бурчи;
5. Қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йигимларни тўлаш бурчи;

Конституция ва қонунларга риоя этиш, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шағни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш бурчи.

Қозогистон Республикаси Конституциясининг 12.5-моддасида “Фуқаролар, Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шағни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар” деб белгиланган.

Бирорта ҳам қонун ёки бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас” деб белгиланган.

Қозогистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асраш бурчи.

Конституциямизнинг 37-моддасида, Фуқаролар Қозогистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир, – деб белгиланган.

Ҳар бир давлатнинг энг муҳим бойлиги бу сўёзиз унинг йиллар давомида тўпланган маънавий ва маданий мероси ҳисобланади. Мамлакатимиз бой тарихий, маданий ва маънавий меросга эга. Бу бой тарихий мерос асрлар давомида аждодлардан аводларга ўтиб келаётган ўзлигимизни англатувчи бебаҳо хазина бўлиб ҳисобланади. Ҳаттоқи дунёнинг энг ривожланган мамлакатларининг шу соҳа мутахассис ва олимлари ҳам бизнинг бой тарихий, маданий меросимизга юксак ҳурмат ва эҳтиром билан қарашади. Масалан, илм-фан соҳасида аждодларимиз томонидан қолдириб кетилган буюк маънавий мерос, яъни асарлар ҳали ҳануз дунё аҳли томонидан тан олинади, ўрганилади ва ардоқланади. Шу боис Қозогистон халқининг тарихий, маданий ва маънавий бойликларини, маданий ёдгорликларини эҳтиёт қилиш ва сақлаш ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Ё.Хайдарова



1. Инсон ва фуқаро олдидаги бурч нима-ю, мажбурият нима? Фарқини далиллар келтириш орқали тушунтиринг.
2. Қозоғистон Республикаси Конституциясига кўра, фуқароларнинг қандай бурчлари мавжуд:
3. “Фуқаролар, Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар” жумласи қайси моддага мансуб?
4. Қозоғистон халқининг тарихий, маданий ва маънавий бойликларини, маданий ёдгорликларини эҳтиёт қилиш ва сақлаш кимнинг бурчи?
5. Қўшма гаплар ва кенгайган бирикмали содда гаплар орасидаги ўхшашлик ва фарқли томонларини тушунтиринг.



### ЁДДА САҚЛАНГ!

Уч ва ундан ортиқ содда гаплардан тузилган қўшма гаплар мураккаб қўшма гап дейилади. Масалан, *Мирзо Улуғбек чодирни бир айланаб, яна ўз жойига ўтди, лекин ўтиришга улгурмади, от туёқлари дупурини эшишиб, кўрпача устида тўхтади. (О.Ё.)*

Мураккаб қўшма гаплар қўйидагича боғланди:

Тобеланиш йўли билан: Дарахтлар кўкарса, майсалар яшнаса, бу ерлар яна ҳам чиройли бўлади. (С.А.)

Боғланиш йўли билан: Дарслар тугади, имтиҳонларни топширдик, лекин ўқишни тўхтатганимиз йўқ.

Боғловчи воситаларисиз: Шаҳарлар боқийдир, умр ўткинчи, дарёлар сабитдир, сувлар кўчкинчи (Ш.)

Аралаш типда (ҳам тобеланиш, ҳам боғланиш). Тил бошқа-ю, дил бирдир, чўнки эл бирдир. Бир оз вақт ўтгач, булутлар тарқади ва қуёш чарақлаб нур соча бошлади.

## В БҮЛИМ

## ОИЛА ВА ДЕМОГРАФИК ЎЗГАРИШЛАР



Оилага азалдан мұқаддас қүрғон сифатида қаралиб, ундаги ижтимоий-маңнавий мұхит барқарорлиги нафақат хонадон соқиб ва соқибаси, балки қўни-қўшни, қариндош-урұғ, бутун маҳалланинг ор-номуси саналган.



## ОИЛА – ЮҚСАҚ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТ

### 45-машқ.

Чироқ қадрини сўрсанг қоронғу кечалардан,  
Бу кўҳна ҳақиқатни сўраб кўр нечалардан,  
Ким уйидан бахт топмай, топганмиш кўчалардан,  
Уйида бахти борлар ҳар ерда бахтиёрдир.

Бахтингизни изламанг ўзга юрт, кошонадан,  
Ватан ҳам бошлангуси дегайлар остоңадан,  
Ҳар бир сўзнинг аввали, сўранг мушфик онадан,  
Уйида бахти борлар ҳар ерда бахтиёрдир.

Тиник бўлса, тинмаса изингдаги ирмоғинг,  
“Болам”, десанг, куйдирса, қўрлар тўкса дудоғинг,  
Ёноғингдан ўт олиб, ёниб турса чироғинг,  
Уйида бахти борлар ҳар ерда бахтиёрдир.

Тонгларда кўзларингдан вафо қулиб уйғонса,  
Оқшомлар болишингдан садоқат гулдек ёнса,  
Қадам боссанг остоңанг меҳр бўлиб тўлғонса,  
Уйида бахти борлар ҳар ерда бахтиёрдир...

*Махмуд Тоур*



1. Матнда қандай долзарб масала кўтарилиган? Матннинг мавзусини ёритувчи саволлар тузиб, савол-жавоб ўtkазинг.
2. Матн мавзуси ҳақида гуруҳларда фикр-мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашинг.



3. Матн таркибидаги гапларнинг турини аниқланг. Қўшма гап таркибидаги содда гапларнинг боғланиш воситасини изоҳланг.



#### 46-машқ. Матнни ўқинг. Топшириқларни бажаринг.



Ҳар қандай миллатнинг маънавиятини сақлаб қолиш ва ривожлантиришда оиланинг ўрни ва таъсири бекиёсdir. Чунки инсоннинг дунёқарashi, энг соф ва покиза туйғулари оиласда, ота-она, бобо-буви, ака-ука, опа-сингил таъсирида шаклланади, ўзгаради, ривожланади.

Айнан оила муҳитида пайдо бўладиган ота-онага ҳурмат, уларнинг олдидаги умрбод қарздорлик бурчини чуқур англаш ҳар қайси инсонга хос бўлган одамийлик фазилатлари ва оиласий муносабатларнинг негизини, оиланинг маънавий оламини ташкил этади. Чунки яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топади...

(Газетадан)



1. Матнни дикқат билан ўқинг ва ижодий давом эттириңг.
2. Оила деганда нима тушунасиз?



3. Матндан 2 та қўшма гап танлаб, синтактик таҳлил қилинг.
4. Гап бўлакларининг тобе гап билан ифодаланишини изоҳланг.



#### 46-машк.

#### ОИЛА – ЮҚСАҚ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТ



Ота-боболаримиз қадимдан оилани муқаддас билишган. Боланинг феълатвори, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби маънавий мезон ва қарашлар айнан оила шароитида камол топади. Оила. Ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир.

Дарҳақиқат, халқимизда оила билан боғлиқ ўзига хосликни минг йиллар давомида ҳаёт синовларидан ўтиб келаётган никоҳнинг муқаддаслиги, ота-онанинг фарзандлар, фарзандларнинг ота-она олдидағи бурчи, ўзаро иззат-хурмат ва ҳамжиҳатлик, ибо-ҳаё, оила шаъни ва номусини асраш каби ҳамма бирдек итоат этадиган қонунлар мажмуасидан иборат, дейиш мумкин. Оила шаъни ва номусини пок сақлаш миллатимизнинг энг улуғ фазилатларидандир. Оила шаъни ва номусини асраш йўлида жон фидо қилишгача борган аждодларимиз жасоратлари тарихий асарлар, ада-биётимиз, халқ оғзаки ижоди, санъатимиз орқали бизгача етиб келган. Буюк аждодларимиз ҳаётидаги кўплаб ибратли воқеалар оила билан Ватан муштарақ тушунча бўлиб келганлигини исботлайди.

Ватанга тенглаштирилган оиланинг ҳар бирини мамлакат ичидаги митти мамлакат, дейиш мумкин. Уларнинг ҳар бири ўз қувончи, ўз ташвиши билан яшайдиган Ватан ичра Ватандир. Уларни бирлаштириб турадиган бир жиҳат, асосий тамойил бор: у ҳам жамиятимизнинг бир бўлاغи сифатида ҳар бир оиланинг давлатимиз ғамхўрлиги ва эътибори билан қамраб олинганидир.

*O. Мухаммадиева*



1. Матн гоясини аниқланг.
2. Матн услубини кўрсатинг.
3. “Суҳбатлашиш” усулидан фойдаланиб, савол-жавоб ўтказинг ва дафтарингизга ёзинг.
4. Матн таркибидан бир неча содда гаплардан аралаш турдаги қўшма гап ҳосил қилинг.




### **ЁДДА САҚЛАНГ!**

Уч ва ундан ортиқ содда гаплар ўзаро тенг муносабатда бўлса ва тенг боғловчилар ёки шу вазифадаги бошқа воситалар билан боғланган бўлса, мураккаб қўшма гапнинг боғланиш йўли билан тузилган турини ташкил қиласди. Бундай мураккаб қўшма гаплар маълум бир вақтда ёки кетма-кет рўй берган ёки рўй бермаган воқеа-ҳодисаларни ифодалайди. Мураккаб қўшма гапнинг бу тури анча эркин тузилиб, очиқ гап қурилмаларини ташкил қиласди. Масалан: *Отдайсиз, бой, битта-яримта шиш бор, аммо безарар, бирор борсин,*

*дори бераман, шишларингиз, бутун иллатларингиз бирпасда қайтади. Бундай құшма гап кесимларнинг шаклланишида иккى ҳолат күзатилади.*

1) компонентлар кесимларининг ҳаммаси баъзан тұла шаклланмайды-шахс –сон, замон күрсатувчи элемент–боғлама охирги гапнинг кесимида қўлланилади ва қисмларнинг ҳаммасига тегишли бўлади.

*Луқмончанинг ёноқлари сариқ,  
қошлари қорамтири,  
кўзлари катта-катта,  
лекин кўримсиз ва хира эди*



Бу гапни схематик тарзда қўйидагича ифодалаш мумкин.

2. Олдинги компонентларда боғламагина эмас, кесимлар ёки унинг бирор қисми қўлланмаслиги мумкин. Бунда ҳам кейинги компонентнинг кесими бошқаларига ҳам тегишли, умумий бўлади.

*Шижоатли ва кучли ботирлар-урушда; хотин ва фарзандлар- камбағалликда; дўст ва биродарлар бошга кулфат тушганда таниладилар.*

Бу гапнинг схематик тузилиши қўйидагича:

**Шижоатли ва кучли ботирлар-урушда;**

**хотин ва фарзандлар- камбағалликда;**

**дўст ва биродарлар бошга кулфат тушганда**

**таниладилар.**



### 47-машқ. Матнни ўқинг. Сарлавҳа қўйинг.

Демографик жараёнлар – бу аҳолининг вақт ва маконларда ривожланишини акс эттирадиган ҳодисалар бўлиб, унинг қўпайиши, ўлими, жинси ва ёш таркиби ҳамда меҳнат ресурсларининг миқдор жиҳатидан ўзгаришлари бевосита жамиятнинг ҳамда миллий иқтисодиётнинг ижтиёмий-иқтисодий ривожланишига таъсир кўрсатувчи ҳодиса ҳисобланади. Маълумки, жамиятдаги демографик воқеалар умумий ва муайян индивидуал тасодифий сабаблар таъсири остида амал қиласди. Бу жараёндаги айrim воқеликлар вужудга келиши баъзи сабабларга кўра индивидуал ва ноёбдир, лекин демографик жараёнда улар кетма-кетлик воқеалардан иборат бўлиб, улар мунтазам равишда ўзгариб туради.



- Матн мазмуни асосида жуфтликда савол тузинг. Саволларга жавоб бера бориб асл нусхаси билан қиёсланг.
- Матндан қўшма гапларни аниқланг ва кўчириб ёзинг. Қўшма гап турларини белгиланг.

### 48-машқ. Матнни кўз югуртириб ўқиб чиқинг ҳамда сарлавҳа қўйинг.

Бугунги кунда сайёрамизда 7 миллиарддан ортиқ киши истиқомат қиласди. Аҳоли сони кун сайин ўсмоқда. Бироқ глобал иқтисодиёт, сиёsat ва хавфсизликка аҳолининг сон ўзгаришлари эмас, сифат ўзгаришлари таъсир кўрсатади.

Яқин ўн йилликда жаҳон харитасида демографик ўзгариш кузатилиб, аҳоли ўсишининг 90 фоизи Африка, Осиё ва Лотин Америкаси хиссасига тўғри келади. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларнинг аҳолиси кек-сайиб бормоқда ва шу билан бирга камайиб кетмоқда. Демографик инқиroz нафақат Европада балки, Осиёдаги айrim мамлакатларда, жумладан

иктисодиётнинг ғарб моделини танлаган Жанубий Корея ва Японияда ҳам кузатилмоқда.

БМТ маълумотларига кўра, 2050 йилда ер юзи аҳолисининг 22 фоизини пенсионерлар ташкил қиласди. Ҳар бир сонияда икки киши ўзининг 60 ёшини нишонламоқда. БМТ прогнозларига кўра, аср ўрталарига бориб, ер юзида 100 ёшдан ошган 3,2 миллионга яқин киши истиқомат қиласди. Бугунги кунда уларнинг сони 300 мингдан ошиб кетган. 2050 йилда аҳолининг ўртача ёши 76ни, 2100 йилда эса 85 ёшни ташкил қиласди. Бунга соғлиқни сақлаш тизимининг яхшиланиши, иқтисодий фаровонлик сабаб бўлади. Ривожланган мамлакатларда эса ҳар бир ишлаётган ходимга бир нафар пенсионер тўғри келади.

*Шарофиддин Тўлаганов*



1. Матн мазмунини тушуниб ўқиб чиққач, гуруҳда муҳокама қилинг.
2. Матннинг асосий фикрини берувчи 1-2 жумлани аниқланг. Изоҳланг.



3. “Демографик инқизороз” нима? У ҳақда қандай маълумотларга эгасиз? Интернет манбаларидан фойдаланиб, маълумотлар тўпланг ва синфга тақдим этинг.

Бирдан ортиқ эргаш гапларнинг бир бош гап билан бирикишидан ташкил топган синтактик тузилмалар эргашиш йўли билан тузилган мураккаб қўшма гап дейилади. Масалан: *Шундай пайт юзага келдики, ёлғиз сенгина бу ишни бажара оласан, сендан бўлак ҳеч ким уни ҳал эта олмайди.*

Бунда эргаш компонентлар бош гапга икки хил йўл билан бирикади. Биргалик эргашиш ва кетма-кет эргашиш йўли билан.

Эргаш гаплар бош гапга алоҳида - алоҳида (мустақил)боғланса, биргалик эргашиш дейилади.

М: *Ўтириш қанчалик содда, дастурхон қанчалик фақирона бўлса, сухбатимиз шунча самимий ва ширин бўлади.*

*Юрса агар томирда қонинг,*

*Азиз бўлса бир парча нонинг,*

*Керак бўлса номус-виждонинг,*

*қўлингга қурол ол!*



#### **49-машқ.** Матнин гурухларда синчиклаб ўқиб чиқинг. Мазмунини ўзлаштириңг. Мұхокама қилинг.

Хитойнинг қадимий донишманд файласуфи Конфуций икки ярим минг йил олдин “Биз қанақа халқ әканлигимизни билгингиз келса, олдин бизнинг сонимизни билиб олинг” деган экан. Донишманднинг бу сўзлари мамлакатимизнинг ҳозирги ижтимоий-ижтимоий ривожланиш даврида ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Аксинча, жамиятимизнинг ривожланиш суръатлари шиддат билан ошиб бораётган сари ахолимизнинг сони, ундаги таркибий ва сифат ўзгаришлар эътиборимиздан четда қолиб кетишига йўл қўйишимиз керакмас. Бу борада эътиборингизга юртимизда яшаб истиқомат қилиб келаётган фуқароларимиз сонига, уларнинг кейинги пайтларда сон ва жинс жиҳатидан бўлаётган кескин ўзгаришларига, давлатимиздаги аҳолининг яқин ва узоқ истиқболларидағи бўлажак ҳолатларга эътиборигизни қаратмоқчиман.

Демографик жараёнлар, биринчи навбатда, ижтимоий-мехнат соҳасига сезиларли таъсир кўрсатиб, миллий иқтисодиёт ва жамият ривожланишинг асосий омили бўлиб, аҳолининг меҳнат билан бандлик ва ишсизлик даражасининг миқдорига, ялпи ишлаб чиқариш аҳолининг жон бошига тўғри келадиган ўртacha даромад кўрсаткичларини, уй-жой билан таъминлаш, кексайган ёшдаги пенсия таъминоти ташкиллаштиришга бевосита таъсир этиб боради.

Б.Х.Умурзаков



1. Матндан ахборот мазмунининг асосий ва майда тафсилотларигача аниқланг.
2. Матн юзасидан танқидий фикр билдиринг.
3. Тингланган материални нутқий меъёрларга кўра шарҳланг .
4. Асар тилини мантиқан изоҳланг, фикр- мулоҳазаларингизни баён этинг.



### 50-машқ. Қуида берилган матннинг мазмунини изоҳланг.

Қадим-қадимдан ҳозирги Марказий Осиё ҳудудида мавжуд бўлган давлатлар, ушбу давлат халқлари тарихи, ҳаёти дунёнинг турли минтақаларида яшовчи олимлар, мутахассислар, саёҳлар томонидан катта қизиқиши билан ўрганилган. Қадимги юнон, хитой, хинд, форс ва бошқа халқ вакиллари бўлмиш тарихчилардан мерос асарларда юртимиз ва юртдошларимиз, жумладан, ўтмишда яшаб ўтган буюк алломаларимиз, шуҳрати сўнмас саркардаларимиз ҳақида фикр-мулоҳазалар, маълумотлар, мулоҳазалар ёзиб қолдирилган. “Тарих отаси” ҳисобланган Геродотдан, Птолемей, Страбон, Плутархдан тортиб, то XIX–XX аср бошларида яшаган В.Бартольд, С.Толстов ёки И.Крачковский, Н.Веселовский, А.Якубовскийгача бўлган рус олимлари шулар жумласидандир. Биргина Амир Темурга оид ёзма манбаларни тўласича тасаввур қилишнинг ўзи амримаҳол. Шуни алоҳида таъкидламоғимиз керакки, юқорида номлари зикр этилган муаллифлардан (бу рўйхатни истаганча кенгайтириш мумкин. – Б.А.) мерос ноёб манбалар давлатимиз ва халқимизнинг халқаро имижи нуқтаи назаридан мутлақо

ўрганилмаган, таҳлил-тадқиқ қилинмаган. Керакли умумлашма хулосалар чиқарилмаган. Конкрет мисол келтириладиган бўлса, қадим дунёда ва маълум бўлган барча ўрта аср сайёҳлари орасида энг номдори деб тан олинган Ибн Баттутанинг “Саёҳатнома” асари юртимиз ва халқимизнинг жаҳон миқёсидаги имижини шакллантиришда алоҳида мавқега эга эканлигига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Бироқ бундай тадқиқотга ҳозирга қадар ҳеч бир мутахассис қўл урган эмас. Худди шундай фикрни таниқли француз олими Люсъен Кэрэн қаламига мансуб “Амир Темур салтанати” деб номланган салмоқли илмий асарига нисбатан ҳам айтиш мумкин. Хориж навоийшунослигига, бобуршунослигига доир манбалар имижелогия нуқтаи назаридан ўрганилса мавзуумизга доир қимматли умумлашма хулосалар чиқарилишига ҳам шак-шубҳа йўқ.

Беруний Алимов



1. Тингланган матн мазмунини тушуниб, ахборотнинг долзарблиги, ҳаққонийлигини асослаб, тўлиқ англанг.
2. Қўшма гапларни топинг ва кўчириб ёзинг, турини аниқланг.

Эргаш гаплар бош гапдан олдин ҳам, кейин ҳам келиб, биргалик эргашишни ташкил қилиши мумкин. *M: Агар бирон одам бу ишдан хабар топса, бизнинг биродарлигимиз шундай бузиладики, уни ҳеч қандай мол, адолат билан тиклаб бўлмайди ва бу кейинги авлодларга мерос бўлиб қолади.*

Бирдан ортиқ эргаш гапларнинг бири иккинчисига, иккинчисига учинчисига тобеланиб, бош гапга боғланишидан ҳосил бўлган гаплар кетма-кет эргашув йўли билан тузилган мураккаб гап дейилади. Бундай боғланишда бош гап олдидағи эргаш гап биринчи даражали, ундан олдингиси иккинчи даражали ва ҳоказо номланиб, маълум занжирни ташкил қиласди.

Бундай қўшма гапларда бир эргашган баъзан бошқасини ўзига тобе қилиб, эргаш гап ҳам нисбий бош гап ролини бажариб, асосий бош гапга боғланади. *M: Саҳро шундай оламки, ишчи қўллар бўлса, ҳамма нарса бор, улар бўлмаса, ҳеч нарса йўқ.*

# 4

## ОИЛАДАГИ ДЕМОГРАФИК ЎЗГАРИШЛАР

### 51-машқ. Матнни дикқат билан ўқинг ва муроҳаза юритинг.

Давлат ижтимоий сиёсатининг таркибий қисми ҳисобланган оила сиёсати аҳоли банддилгини ва реал даромадларини изчил ошириб боришга, фуқаролар фаровонлигини оширишга, ижтимоий муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган.

Давлат органларининг, фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиги тизимининг аниқ ишлапши, қабул қилинаётган меъерий-хукуқий ҳужжатлар ва давлат дастурларини сўзсиз амалга ошириш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва самарали ҳал қилиш ушбу мақсадларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Шу билан бирга, оила институти ҳозирги ҳолатининг таҳлили мазкур соҳадаги ислоҳотларни тўлақонли амалга оширишга тўсқинлик қилаётган қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда. Хусусан:

- тегишли идора ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда мониторинг қилишнинг таъсирчан тизими мавжуд эмас, оилани ривожлантириш масалалари бўйича давлат, фуқаролик жамияти институтлари ва хусусий сектор ҳамкорлиги паст даражада;
- оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги илмий тадқиқотлар ихтисослиги тор, ҳозирги ҳаёт воқелигидан узилиб қолган, илмий тадқиқотлар натижалари амалиётга суст жорий этилмоқда;
- оиласининг демографик ривожланишида ўзгаришлар юз бермоқда, оила ажралишлари сони ўсмоқда, мазкур соҳада салбий тенденциялар ва муаммолар сабабларини асословчи тадқиқотлар етишмаяпти;
- оиласада, таълим муассасаларида маданий-тарихий мерос салоҳиятидан суст фойдаланилмоқда, миллий менталитетимизга ёт бўлган ғоя ва қарашлар таъсирининг олдини олиш борасидаги ишлар самарасиз;
- оила институтини мустаҳкамлашнинг қонунчилик асослари мукаммал эмас, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва илғор хориж амалиётини ўрганиш асосида оиласи ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш соҳасида мустаҳкам ҳуқуқий асос мавжуд эмас;

- мутахассислар етишмайди ва кадрлар малакаси паст даражада, таълим тизимида мутахассисларга бўлган эҳтиёжни прогнозлашириш механизми йўлга қўйилмаган, оила институтини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўйича ўқув дастурлари мукаммал эмас.
- Оила институтини қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш соҳасидаги мавжуд камчиликлар жойларда йиғилиб қолган муаммоларни ҳал этиш, мазкур соҳада кутилаётган ижобий натижаларга эришиш имконини бермаяпти.



- Матнда қандай долзарб масалалар кўтарилилган?
- Матннинг асосий ва майда тафсилотли ахборотини аниқланг, матннинг ҳар бир абзацига эътибор қаратинг, далил ва фикрни ажратинг. Тадқиқот учун саволлар тузинг ва ғояларни аник ифодаланг.
- Матндан қўшма гапларни топинг ва турини аниқланг.



## **52-машқ. Матнни ўқинг ва гуруҳда муҳокама қилинг.**

Бугунги кунда Кибриё Қаҳҳоровани журналхонларимизга махсус танишириб ўтиришга ҳожат йўқ. Сабаби, адабиёт муҳлислари ва кенг жамоатчилик уни моҳир таржимон, классик меросимизнинг зукко билимдени ҳамда машҳур ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳор ижодининг толмас тарғиботчиси сифатида яхши билишади.

Айниқса, эҳтирос ва жасорат билан ёзилган «Чорак аср ҳамнафас» номли китоби устоз хотирасига қўйилган муносиб ёдгорликка айланди. Бу жажжи китоб барча ўзбек хонадони тўридан жой олди. К. Қаҳҳорованинг узоқ йиллик заҳматли меҳнатлари туфайли бугунги кунда ўзбек китобхонлари Н. В. Гоголь, Л. Н. Толстой, М. Горький каби буюк рус ёзувчиларининг оламни забт этган нодир асарларини ўз она тилларида ўқишига мұяссар бўлдилар. «Уруш ва тинчлик»дек шоҳ асарнинг ҳар бир жумласи, ҳар бир сўзини ўзбек тилида аслига монанд ҳолда тиклаш қанчалик оғир меҳнат эканини кўз олдингизга келтириб кўринг! Таржимон бу заҳматли ва айни замонда завқ ва сууррга тўла ишни beminnat ado эта олди.

Кибриё Қаҳҳорова ўзбек, тожик, форс, рус тилларини мукаммал билади ва бу тилларда бунёд этилган адабиёт дурданаларидан баҳраманд бўла олади. Шунинг учун ҳам у ўзбек тилига форс-тожик адабиётининг нодир намуналарини («Нодир ҳикоятлар» тўплами) таржима қилиб, бу борада ҳам ўз маҳоратини намойиш эта олди.

К. Қаҳҳорова ўзбек адабиётини қардом Тожикистонда тарғиб қилишда ҳам фаол жонбозлик қилиб келмоқда. У устоз Абдулла Қаҳҳорнинг қатор ҳикоя ва қиссаларини тожик тилига таржима қилиб, Душанбе шаҳрида нашр эттирди. «Сароб» романни ҳам шу кунларда чиқиш арафасида турибди.

Адибанинг изланиш доираси кенг. У ҳозирги ҳаётимизда қизғин кетаётган қайноқ жарайёнларга, долзарб муаммоларга фаол муносабат билдиради, она тилининг соғлиги, ҳар бир сўз, иборанинг ўз ўрнида ишлатиш зарурлиги ҳақида қуюниб гапиради. Адабий меросимизни нашр этишда йўл кўйилган айрим пала-партишликларни бартараф этишдан асло эринмайди.

Опамиз ҳозир 75 ёшдан ошди. Аммо хотиржам яшашни, ижод заҳматидан холи бўлишни хаёлига ҳам келтирмайди. Ана шу қуюнчаклик, бедорлик, тиниб-тинчимаслик опанинг бахти, қисматига айланиб кетган десак муболага бўлмас.

*Ортиқбой Абдуллаев  
“Шарқ юлдузи” журнали, 1989 йил, 12-сон*



1. Матиннинг асосий ва майда тафсилотли ахборотини аниқланг, матнинг ҳар бир абзацига эътибор қаратинг, далил ва фикрни ажратинг. Тадқиқот учун саволлар тузинг ва ғояларни аниқ ифодаланг.
2. Эргашган кўшма гапларни аниқланг, дафтариңизга ёзинг, турларини белгиланг.

# 5

## ОИЛА ВА ЖАМИЯТ



**53-машқ.** Матнни дикқат билан ўқиб чиқинг. Ўз фикрингиз билан қиёсланг.

### МУҚАДДАС ХАЁЛ

“... Сиз ҳозир вафо-садоқат ҳақида гапирдингиз. Мен қандай қилиб бир одам билан шунча йил яшадим? Қандай яшадим? Мен умрим бўйи қалбимдаги гўзал хаёл билан яшадим. Мен умр йўлдошимни бари фазилатлар эгаси деб тасаввур қилдим. Унинг қиёғасида ўзим орзу қилган фазилатларни изладим ва уларни кашф этдим. Аслида мен қалбимдаги гўзал хаёлни, ўзим яратган образни севдим...”

Бу бир ҳикояда тасвирланган аёл монологидан бир лавҳа. Ҳикоядаги аёл кўнглидан чиққан гаплар азиз ўқувчимизга бир оз ғайритабиий туюлиши мумкин. Лекин ана шу лавҳа ҳикоя қаҳрамонининг бой ички оламидан, оила олдидаги катта масъулиятидан далолат бериб турибди.

Вафо-садоқат, хиёнат, поклик, эзгулик ва ёвузлик тушунчалари яшаб турган дунёмиз каби кўхна ва айни дамда янгидир. Дунё дунё бўлиб, динлар асл инсоний, пок муносабатларни тарғиб қилди, оила қўргонидай мустаҳкам қалъани жорий этди. Зеро, оиласда, бу қўргонда туғилган фарзандлар комил инсонлар бўлиб вояга етди. Бадиий адабиёт, хусусан, академик санъат турлари жамиятда устувор иймон, поклик мавзуларини илгари сурди. Шарқда ҳам, Фарбда ҳам таг-замини билан оиласда бунёд бўлган ана шу комиллик улуғланди.

*Маъсума Аҳмедова*



1. Кичик ҳажмли мавзу асосида асосий фикрни аниқланг.
2. Тингланган мавзуга ўз нуқтаи назарингизни билдиринг.
3. Учинчи хатбошини кўчириб ёзинг. Гап бўлаклари юзасидан таҳлил қилинг.



**54-машқ.** Шеърни диктофонга ёки видеотасвирга ёзиб, эшиттиринг.

## ХАЁЛ

Хаёл қандай яхши,  
Акангга ўхшар.  
Ўйнатар елкангга кўтариб олиб.  
Бу парвоз сўнгида йиғлашинг мумкин,  
Софинган онангнинг олдида қолиб.

Хаёл қандай яхши ,  
Хаёл қандай соз.  
Қўшиқлар сочади босган изингга.  
Бир кечада бориб айтишинг мумкин  
Изҳори дилингни суйган қизингга.

Бегубор болалик юлдуздай олис,  
Аммо хаёл учун у ҳам бир қадам.  
Тарсиллаб қовунлар ёрилган полиз,  
Сен ёлғиз ётибсан остида бодом.

Гуллари тўкилар ўша бодомнинг,  
Қапалакдек келиб юзингга қўнар.  
Хаёл ҳам туғишган укаси одамнинг –  
Қаёққа юборсанг ғинг демай жўнар.

Кўксига хаёлинг турса йиғилиб,  
Қуёшни уйғотиб келса бўлади.  
Шоирларнинг бари бир ерда туғилиб,  
Осмону фалакда ўлади.

*Муҳаммад Юсуф*



1. Матн услубини аникланг.
2. Матннинг мавзуси, асосий тояси, мақсади нимадан иборат?
3. Ўзингизнинг кўзқарашингиз билан муаллиф кўзқарашини қиёсланг.
4. Матннинг услугбий хусусиятларини (тузилиши, нутқий ва жанрга оид) аникланг.
5. Матннинг маълум бир таркибий қисми бўлиб ҳисобланувчи (муқаддима ёки хотима ва ҳк.) парчасини ёзинг.
6. “Хаёл нима?” мавсусида сұхбат уюштиринг.



# 6

## ДЕМОГРАФИК РИВОЖЛАНИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ВА ОИЛА ФАРОВОНЛИГИ ДАРАЖАСИННИ ОШИРИШ



### 55-машқ. Матнни дикқат билан ўқиб чиқинг.

1. Оиланинг репродуктив саломатлигига ва демографик ривожланишига доир масалаларни, оилаларнинг фаровонлик ва хотиржамлик даражасини комплекс тадқиқ этиш ҳамда муаммоларни омилли асосда таҳлил қилиш.

2. Никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтиш тизимини такомиллаштириш, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг, туғма нуқсонлар билан болалар туғилишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни кучайтириш.

3. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича ягона ёндашувни ишлаб чиқиш ва ўқув дастурларини тизимлаштириш, оиланинг оқилона репродуктив ахлоқини ва оилани режалаштиришни шакллантириш, соғлом турмуш тарзи ва овқатланиш маданиятини тарғиб қилиш.

4. Оилани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, шу жумладан, вояга етмаган фарзандларни, ногиронлиги бўлган фарзандларни тарбиялаётган отоналарни, шунингдек, ёлғиз ва кўп болали ота-оналарни ишга жойлаштиришда кўмаклашиш.

5. Оила аъзоларини тадбиркорлик асосларига ўқитиши, оилавий тадбиркорликни, касаначиликни, ҳунармандчиликни, ёрдамчи хўжаликларни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш. Вояга етмаган фарзандларни, ногиронлиги бўлган фарзандларни тарбиялаётган ёлғиз ва кўп болали ота-оналарга ўзларига тегишли ер участкаларидан самарали фойдаланишида кўмаклашиш.



### 1. Матнни гурухларда ўрганинг.

2. Ўқилган матн бўйича тадқиқот ўтказинг. Бунинг учун савол ва ғояларни аниқ ифодаланг.
3. Тўртта очиқ ва тўртта ёпиқ саволлар тузинг. Гуруҳлараро ўзаро савол-жавоб ўтказинг.



### **56-машқ.**

Оила ҳар бир халқнинг, миллатнинг давомийлигини сақлайдиган, миллий қадриятларнинг ривожини таъминлайдиган, янги авлодни дунёга келтириб, уни маънавий ва жисмоний баркамол қилиб тарбиялайдиган, жамиятнинг асосий негизи ҳисобланувчи муқаддас маскандир.

Оила институтини мустаҳкамлашнинг институционал ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ижтимоий шерикликни кучайтириш, замонавий оилани мустаҳкамлаш ва ривожлантириш масалалари бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар олиб бориш, демографик ривожланишини рағбатлантириш ва оила фаровонлиги даражасини ошириш, оиланинг тарбиявий-таълим салоҳиятини мустаҳкамлаш, жамиятда анъанавий оиласидан қадриятларни сақлаш, оилаларда маънавий ахлоқий муҳитни яхшилаш, оилаларга таъсирчан методик, консультатив ва амалий ёрдам кўрсатишнинг самарали тизимини яратиш масалалари оила институтини мустаҳкамлаш бўйича асосий йўналишлар қилиб белгиланди.

Мазкур Концепцияни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар белгилangan бўлиб, унда оила институтини мустаҳкамлашнинг институционал ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ижтимоий шерикликни кучайтириш, қийин ҳаётий шароитга эга оилалар тўғрисидаги маълумотларни ўз вақтида олиш мақсадида «Оила» марказининг ягона идоралараро ахборот базасини яратиш кўзда тутилган.

Шунингдек, оиласидан бизнесни, оилаларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш, Оила кодексининг оиласидан ҳуқуқий муносабатларнинг жавобгарлик мезонларини аниқлаш, алиментларни белгилаш, ажрашиш вақтида аёллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид нормаларини янада такомиллаштириш, кўп болали ва муҳтоҷ оилаларга имтиёзли кредитлар (ипотека, истеъмол ва бошқалар) бериш ва ер майдонларини тақдим этиш ва бошқалар ҳам назардан четда қолмаган.

Концепцияда никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтиш тизимини тақомиллаштириш, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг, туғма нуқсонлар билан болалар туғилишининг олдини олиш бўйича чора-тад-

бирларни кучайтириш масаласига ҳам аҳамият берилгандын."Оила "маркази Соғлиқни свеклаш ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан тизимли равишда иш олиб боришлари қатъий белгилаб берилгандын.

Хужжатда ижтимоий ҳимояга ҳам эътибор қаратилгандын бўлиб, вояга етмаган ёки ногиронлиги бўлган фарзандларни тарбиялаётгандын ёлғиз ва қўп болали ота-оналарга ер участкаларидан самарали фойдаланишида кўмаклашиш, ота-оналар учун ногиронлиги бўлган фарзандларни тўғри парваришиш ва тарбиялаш бўйича методик ҳамда амалий қўлланмаларни ишлаб чиқиши, патронаж ва ижтимоий хизматлар ёрдамида уларнинг кўникумаларини ошириш ва бошқалар ҳам назарда тутилгандын.

Шунингдек, оиласада ички оиласавий ва шахсий муносабатларни, хусусан, ота-она ва фарзандлар, эр ва хотин, қайнона ва келин ўртасидаги муносабатларни яхшилаш, оиласада можароли ва оғир турмуш шароитларини амалий ҳал қилиш механизмларини жорий этиш кўзда тутилгандын.



1. Ушбу матнда қандай долзарб муаммолар кўтарилилган? Бир жумла билан фикрингизни ифодаланг.
2. Матн таркибидан асосий ва яширин ахборотни аниқланг.
3. Содда ва қўшма гапларда тиниш белгиларидан тўғри фойдаланинг.

Муаммолар	Ҳал этиш йўллари



## СОГЛОМ ОИЛА – СОГЛОМ ЖАМИЯТ

57-машқ.

1. Қүйидаги расмлар бўйича фикр-мулоҳаза юритинг.



1. Берилган мавзунинг долзарбилиги нимада? Тадқиқот юритинг. Тадқиқот учун очиқ саволлар тузинг.



2. Расмга асосланган ҳолда унинг ғоясини аниқлаб, ихчам мақола яратинг. Мақолангизда қўшма гаплардан унумли фойдалининг.

Тузган матн таркибидаги содда, содда ёйик ва қўшма гапларда тиниш белгиларининг ишлатилишига риоя қилинг.



## 58-машқ. Матнни гуруҳларда синчилаб ўқиб чиқинг. Мазмунини ўзлаштиринг. Муҳокама қилинг.

### СОҒЛОМ АВЛОД – КЕЛАЖАҚ ПОЙДЕВОРИ

Соғлом авлод – жамият тараққиётининг асосидир. Шу боис юртимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ ҳам жисмоний, ҳам маънавий баркамол авлодни тарбиялаш давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилди.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, соғлом авлод деганда, аввало, соғлом насл, жисмонан бақувват, иймон-эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлод тушунилади.

Ўтган йиллар давомида “Соғлом она – соғлом бола” гоясини ўзида мужассам этган дастур асосида кенг кўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилди. Хусусан, замонавий тиббий ускуналар билан жихозланган диагностика, скрининг ва перинатал марказлари, янги туғруқхоналар барпо этиш, оналар ва болалар саоломатлигини ҳимоялаш мақсадида жойларда кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Юртимизда ёшлар хуқуқларини барча соҳаларда ҳимоя қилиш мақсадида тегишли ташкилий-хуқуқий асослар тўла шакллантирилди. Айни чоғда ушбу ҳуқуқий асосни янада такомиллаштириш ишлари давом эттирилмоқда. Қабул қилинаётган барча қонунлар, норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг замирида ягона қоида мужассам. Бу ғоя, Президентимиз таъбири билан айтганда соғлом зурриёт, яъни жисмоий ва маънавий етук авлод шаклланиши ва ўз имкониятларини ҳамда салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур тизимни яратиш, ёшларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, замонавий билим ва касбга эга бўлишини, жамиятимиз ҳаётида муносиб ўрин эгаллашни таъминлашдан иборат.

Бунда, аввалимбор, оиланинг муқаддаслиги ҳамда никоҳ масъулияти бўйича келажакда оила қурадиган йигит ва қизларимизнинг тафаккурини, онгини ўстиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Оналик ва болаликни ҳамда аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иктисодий ва маданий ҳаётда тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, хотин-қизлар ҳамда ёшларнинг маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш, аёллар соғлигини муҳофаза қилиш, соғлом оила ва баркамол авлодни барпо этиш, никоҳдан ажralиш каби салбий ҳолатларни бартараф этиш борасида олиб борилаётган ишларнинг самарадорлигини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган устивор вазифалардир. Зеро, миллат ва мамлакат келажаги, унинг ижтимоий ва маданий салоҳияти соғлом авлодни дунёга

келтирувчи оналаримиз, улардан туғиладиган маңнан ва ақлан теран фарзандларимизга боғлиқдир.

Қизларимиз онгіда оналик, үғилларимизда эса ота бўлиш масъулиятини шакллантириш, бунга уларни тайёрлаш, ёш оиласларнинг ҳуқуқий саводхонлигини яхшилаш ва оиласда боланинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган тадбирлар кўлами кенгаймоқда.

Жумладан, бўлажак оиласнинг мустаҳкам, туғилажак фарзандларнинг соғлом бўлишида никоҳланувчи шахсларнинг жисмонан ва руҳан соғломлиги муҳим аҳамият касб этади. Шу боис бугунда мамлакатимизда никоҳланаётган шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтиши қонун асосида йўлга қўйилган. ФҲДЁ бўлимлари ҳузурида ташкил этилган “Ёш оила қурувчилар”, “Оила дорилфунуни” машғулотларида мутахассислар иштироқида никоҳга киравчи ёшлар, коллеж талабалари билан соғлом турмуш тарзи, соғлом фарзанд кўришда ота-она олдидаги масъулият, никоҳ тузишдан олдин тиббий кўрикнинг аҳамияти, нуқсонли фарзанд туғилишининг олдинни олиш, эрта турмушга чиқиш ва норасмий никоҳларнинг олдинни олиш, никоҳ маданиятининг мазмун моҳияти, унинг қонуний асослари, 12 йиллик мажбурий таълимни тугатгач кизларнинг 17 ёшни тўлдиргач қонуний никоҳи қайд этилиш қонун билан кафолатланганлигини, яқин қариндошлиар ўртасида никоҳнинг олдинни олиш, спиртли ичимликлар ва гиёҳванд воситаларни истеъмол қилишнинг оқибатлари, ОИВ/ОИТС касаллигининг аниқланиш тарихи, унинг юқиши йўллари, касалликдан сақланиш тартиби ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Никоҳ ёшига риоя этган ҳолда оила қурган соғлом шахслардан соғлом фарзанд дунёга келади, соғлом фарзанд бу соғлом авлод, соғлом миллат демакдир. Ҳаёт, тараққиёт доимий юксалишда, янги-янги марралар сари одимлайверади. Юртимизнинг эртанги куни, тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир етук мутахассис ёшлар Ватанимиз ривожи йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатларни амалга оширадиган, рўёбга чиқариладиган қудратли кучdir.

M.Кўшаева




1. Матннинг белгилари ва нутқий хусусиятларига кўра услубини аниқланг.
2. Яхлит матнни ноаяхлит матнга айлантириб, постерда матн мазмунини ёритинг. Синфга тақдим этинг.
3. Матн таркибидан қўшма гапларни аниқланг. Қўшма гап турини кўрсатинг.



**59-машқ. Гурухларда қуйидаги вазифаларни тақсимлаб олиб, топшириқтарни бажаринг.**

- Маълум мақсадга йўналтирилган аудитория учун маълум нутқи услубига таянган ҳолда ҳикоялаш ва шарҳлаш орқали ҳикоялаш асосида матн яратинг.
- Маълум бир муаммонинг бир томонини атрофлича ёритувчи, муаммони ҳал қилиш йўлини тавсия этувчи, шунингдек, мунозара га чорловчи турли жанрда эссе ёзинг (100-150 сўз).
- Қўшма гаплардан унумли фойдаланинг.
- Жадвалларни шарҳланг.





### **60-машқ. Матнни ўқинг синфда муҳокама қилинг.**

Демографик салоҳият муайян ҳудуд (давлат, минтақа) аҳолиси тақрор барпо бўлишининг сифат ва миқдор салоҳияти сифатида талқин этилади ва аҳолининг умумий сони, унинг жинс-ёш таркиби, аҳоли сонининг ўсиши (камайиши) динамикаси, миграцион жараёнлар каби қўрсаткичлар билан аниқланади.

Хар қандай салоҳиятнинг мазмунида иккита таркибий қисмни ажратиш мақсадга мувофиқ:

- объектив – ишлаб чиқаришга жалб этилган ва қандайдир сабабларга кўра жалб этилмаган ҳамда унда иштирок этиш учун реал имкониятларга эга бўлган меҳнат, номоддий, моддий ва табиий ресурслар йиғиндиси;
- субъектив – инсонлар, жамоалар, умуман, жамиятнинг ресурслардан фойдаланиш ҳамда моддий неъматлар ва хизматларнинг энг кўп ҳажми-

ни яратиши қобилияти, шунингдек, корхона, ташкилот, тармоқ, хўжалик тизими бошқарув аппаратининг барча мавжуд ресурслардан фойдаланиш қобилияти.

Шундан келиб чиқиб, демографик салоҳиятнинг таркибини қуидаги тарзда тақдим этиш тавсия этилади.

Демографик салоҳиятни сифат жиҳатдан баҳолашда, уни қуидаги йўналишларга ажратиш лозим.

1. Аҳолининг генлар таркибини баҳолаш. Ушбу тавсиф, биринчи навбатда, жамиятнинг репродуктив имкониятларини, айрим вақт оралигида туғилиши ва келгусида меҳнат салоҳиятини шакллантириши мумкин бўлган болалар сонини аниқлаш нуқтаи назаридан муҳим.

2. Аҳолининг ёш таркибини баҳолаш. Мазкур тавсиф демографик салоҳиятнинг сифати ва жамият ривожланишининг бир қатор иқтисодий кўрсаткичлари, хусусан, меҳнатга лаёқатли аҳолига тушадиган демографик юк кабилар аҳолининг ёш таркибига боғлиқ. Ҳозирги вақтда жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида аҳолининг қариш жараёни, унда меҳнатга лаёқатли аҳолига тушадиган демографик юк салбий аҳамият касб этадиган (кекса ёшдагиларга тушадиган демографик юк болаларга тушадиган юқдан ортиқча бўлган) ҳолат учрамоқда. Аксинча, болаларга тушадиган демографик юк кекса ёшдагиларга тушадиган юқори бўлган вазият ижобий ҳолат хисобланади, чунки болалар – бу бўлажак ходимлар.

*Хамид Абдурамонов*



1. Матнни диққат билан ўқинг ва жуфтликда муҳокама қилинг.
2. Матнда қандай масала ёритилган?
3. Матндаги кўтарилилган мавзуга ўз муносабатингизни билдириб, мавзунинг долзарб эканлигини исботланг.



## МУСТАҲКАМ ОИЛА – ЙОРТ ТАЯНЧИ



### 61-машқ.

Оилага азалдан муқаддас қўргон сифатида қаралиб, ундаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги нафақат хонадон соҳиб ва соҳибаси, балки қўни-қўшни, қариндош-уруғ, бутун маҳалланинг ор-номуси саналган.

Ана шундай юксак фазилатлар асосида халқимизнинг оилага оид қадриятлари асрлар оша сайқалланиб, бизгача етиб келди. Афсуски, бугунги тезкор тараққиёт ва глобаллашув жараёни кундалик турмушимизга ўзининг қулайликлари билан бирга, миллий қадриятларимизга рахна солувчи омилларни ҳам олиб келди. Оқибатда арзимас сабаблар билан ажралишга тайёр оилалар пайдо бўлди. Албатта, бундай ҳолатлар бола тарбияси, оила мустаҳкамлиги ва жамият ривожига салбий таъсир кўрсатади. Бундай ҳолларда мустаҳкам иммунитет – оилавий қадриятларимиз қўл келади. Агар ундан ўз ўрни ва вактида фойдаланилса, аксарият ажралишдек совуқ ниятда юрганларни яратшириш мумкин бўлади.

Мамлакатимизда оилаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини янада мустаҳкамлаш, оилавий низо ва ажримларнинг олдини олиш, бу борада авлоддан-авлодга ўтиб келаётган оилавий қадриятларни асраш, уларнинг ҳаётимизда тутган ўрни ва аҳамиятини аҳоли, айниқса, балоғат ёшидаги ёшлар онгига сингдириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

*Авазбек Худойқулов*



1. Матннинг белгилари ва нутқий хусусиятларига кўра услубини аникланг.



2. Матнга қисқа аннотация тайёрланг ҳамда таянч сўзларни аниқлаб, матннинг тезисини тузинг.
3. Берилган мавзунинг долзарбилиги нимада? Тадқиқот юритинг.



4. Қўшма гап ва унинг турларига таъриф беринг.

**62-машқ. Матнни ўқинг ва гурухда “ёқловчилар ва қаршилар” тариқасида муҳокама қилинг.**

### **ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИНИНГ ИЖТИМОЙ-ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

Яқинда интернет сайтларнинг бирида шундай маълумот берилган: Европадаги бир давлатда ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига кўра, эру хотин ўртасидаги ажralишларнинг ярмидан кўпига (52 фоиз) хиёнат сабаб бўлар экан. Иккинчи ўринда ичкиликка ружу қўйиш (45 фоиз), учинчи ўринда эса гиёхванд моддаларга қарамлик (31 фоиз) қайд этилган. Шунингдек, жисмоний куч ишлатиш, ҳаддан ташқари раشك, моддий қийинчилик ва бефарзандлик ҳам оиласларнинг ажralишига олиб келади. Мутахассисларнинг таҳлилларига кўра, ҳозир мазкур миintaқада ҳар икки никоҳдан биттаси бекор бўлмоқда. Бундан атиги ўн йил илгари ушбу кўрсаткич ҳар учтадан бирига тўғри келгани ҳисобга олинса, бу жараён қанчалик тезлашиб бораётгани яққол намоён бўлади. Ушбу сўровда иштирок этганларнинг кўпчилиги бунинг асл сабаби ёшлар ўртасида жинсий муносабатларнинг эрта бошланиши, уларнинг оиласи ҳаётга тайёр эмаслиги, масъулият ва қийинчиликларга чидамсизлигини таъкидлаган. Ўтган асрнинг 60-йилларида АҚШ ва Европа мамлакатларида рўй берган жинсий эркинликни тарғиб қилишга қаратилган “инқилоб” одамларнинг турмуш тарзини, маънавий-маданий қадриятларни кескин ўзгартириб юборди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, ўлим ва ногиронликка сабаб бўлувчи **20 омил орасида алкого́ль маҳсулотлари ис-теъмоли етакчи ўринлардан бирида туради**. Дунёда мастлик билан боғлиқ касалликлар ва жароҳатлар туфайли йилига 2,5 миллион одам вафот эта-ди. Уларнинг 320 мингдан ортигини 15 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар

ташкил қиласы. Энг ёмони, ичкиликка ружу қўйган одамдан туғма нұксонли болалар дунёга келади, натижада оилалар бузилади.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан оиланинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш, унинг ҳуқуқий асосларини яратиш энг муҳим вазифалар сифатида белгиланди. Ўзига хос миллий давлатчилик тарихимиз, халқимизнинг азалий қадрият ва анъаналари эътиборга олиниб, Конституциямизга “Оила” боби киритилди. Бош Қомусимизнинг мазкур бобида оила жамиятнинг асосий бўғини эканлиги ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эгалити мустаҳкамлаб қўйилган. Шунингдек, унда никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланиши, ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиши ва тарбиялаш, ўз навбатида вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурликлари, фарзандлар, ота-оналарининг насл-насаби ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги, оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши ўз ифодасини топган.



1. Ушбу матнда қандай долзарб муаммолар кўтарилилган? Бир жумла билан фикрингизни ифодаланг.
2. Оиланинг ажralиб кетиш сабабини кўрсатинг.
3. Ёқловчилар ва қаршилар гурӯҳлари муаммоларни тизимини ёзинг ва уларни ҳал этиш йўлларини тавсия этинг.

Ёқловчилар		Қаршилар	
Муаммолар	Ҳал этиш йўллари	Муаммолар	Ҳал этиш йўллари

## VI БҮЛİM

## БИОТЕХНОЛОГИЯ ВА ГЕНЕТИК ИНЖЕНЕРИЯ КЕЛАЖАГИ



Биотехнология – бу жонли организмларни, уларнинг технологик мұаммоларини ҳал қилиш учун түрмуш даражасидан фойдаланиш имкониятларини, шунингдек генетик үсули ёрдамида тирик организмларни яратиш имкониятларини ўрганадиган фандир

## 1

## ТИБ ИЛМИНИНГ ДОНИШМАНДИ



**63-машқ.** Матнни ўқинг, гурухда муҳокама юритиб, фикр-мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашинг. Матнга сарлавҳа қўйинг.

Иbn Сино, Абу Али ал-Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн ал-Ҳасан ибн Али (980.8, Афшона қишлоғи – 1037.18.6, Ҳамадон шаҳри, Эрон) – жаҳон фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган ўрта осиёлик буюк қомусий олим. Фарбда Авиценна номи билан машҳур.

Иbn Синонинг отаси Абдуллоҳ Балх шаҳридан бўлиб, Сомонийлар амири Нуҳ ибн Мансур (967–997) даврида Бухоро томонига кўчиб, Ҳурмайсан қишлоғига молия амалдори этиб тайинланади. У Афшона қишлоғида Ситора исмли қизга уйланиб икки ўғил фарзанд кўради. Ўғилларининг каттаси Ҳусайн (Иbn Сино), кенжаси Маҳмуд эди. Ҳусайн 5 ёшга киргач, Иbn Синолар оиласи пойтахт – Бухорога кўчиб келади ва уни ўқишига берадилар. 10 ёшга етар-етмас Иbn Сино Қуръон ва адаб дарсларини тўла ўзлаштиради. Айни вақтда у ҳисоб ва алжабр билан ҳам шуғулланади, араб тилини арабиётини мукаммал эгаллайди.

Иbn Синонинг илм соҳасидаги дастлабки устози Абу Абдуллоҳ Нотилий эди. У эл орасида ҳаким ва файласуф сифатида машҳур бўлгани учун отаси Иbn Синони унга шогирдликка берди. Нотилийнинг қўлида олим мантиқ, ҳандаса ва фалақиётни ўрганди ва баъзи фалсафий масалаларда устозидан ҳам ўзиди кетди. Иbn Синонинг ақл-заковатини кўрган устози



Абу Али ибн Сино иш устида.  
Рассом: РАрибжанов

отасига уни илмдан бошқа нарса билан шуғуллантирмасликни тайинлайди. Шундан сўнг ота ўғилга илм ўрганиш ва билимларини чуқурлаштириш учун барча шароитларни яратиб берди. Абу Али тинмай мутолаа қилиб, турли илм соҳаларини ўзлаштиришга киришди. У мусиқа, оптика, кимё, фиқҳ каби фанларни ўқиди, хусусан, табобатни севиб ўрганди ва бу илмда тез камол топа бошлади.

Ибн Синонинг тиб илмида юксак маҳоратга эришишида бухоролик бошқа бир табиб Абу Мансур ал-Ҳасан ибн Нух ал-Қумрийнинг хизмати катта бўлди. Ибн Сино ундан табобат дарсини олиб, бу илмнинг кўп сирларини ўрганганди. Қумрий бу даврда анча кексайиб қолган бўлиб, 999 йилда вафот этди.

*Шокир Ахматов*



1. Матндан асосий ва майда тафсилотли ахборотларни ажратиб олинг ва умумлаштиринг, турли кўзқарашларни солиштиринг, бир неча кўзқарашларни таққосланг. Ўз фикрингизни билдиринг.
2. Матндан қўшма гапларни аниқланг, кўчириб ёзинг ва турини қўрсатинг.




3. Берилган назарий маълумотни ўқинг, маълумот асосида тақдимот тайёрланг.

Дунё тиббиёти тамал тошини қўйган инсон Гиппократ ҳисобланса-да, Ўрта Осиёлик аллома Абу Али ибн Синонинг тиббиёт илми тараққиётидаги хизматлари ҳамон олам аҳлининг тасанносига савовор бўлиб келмоқда.



#### 64-машқ. Жадвални изоҳланг. Замонавий фанлар ҳақида фикр-мулоҳаза юритинг.

“Биотехнология” сўзини “Синквейн” усулида изоҳланг.





65-машқ.

## АНОРНИНГ ШИФОБАХШ ХУСУСИЯТИ



Анор қадим замонлардан шифобахшлиги билан эъзозланиб, меваларнинг сultonни ҳисобланган. Анорнинг юзлаб турлари мавжуд бўлиб, меваси таркибида органик кислоталар, витаминалар, шунингдек микробларни йўқ қилувчи моддалар мавжуд. Анорнинг асосан пояси, шохи, гули, илдиз пўстлоги ва меваси даво сифатида қўлланилади.

Ўрта асрда Европалик табиблар анор шарбатидан асабларни тинчлантиришда фойдаланганлар.

Хитой табобатида анор гулларидан тайёрланган дамлама ичбуруғ, тишларнинг қимирлаб қолиши ва тушиб кетишини олдини олишда фойдаланилган. Анор гулларининг қуритилган кукуни турли жароҳатларга ишлатилган.

Ҳинд табиби Бухан анор дарахтининг илдизидан лентасимон гижжаларни йўқотишида фойдаланган.

## **ХАЛҚ ТАБОБАТИДА:**

Қондаги гемоглобин миқдорини ошириш учун – ярим пиёла анор, хомлавлаги, қизил сабзи шарбатига бир ош қошиқ асал солиб аралаштириб наҳорга ичилади.

- **Хафақон касаллигига** – аччиқ ва нордон анорнинг сувини тенг миқдорда олиб, 15 кун 3 маҳал 50 граммдан ичилади.
- **Қувват бўлиши учун** – аччиқ анор сувини 10 кун 3 маҳал оч ҳолда 50 граммдан ичилади.
- **Кўздаги ҳарорат ва кундузи кўрмай қолишликка** – ширин ва аччиқ анорни сувини асал билан қўшиб, бир неча кун офтобга қўйилади.
- **Қувватлантирувчи сифатида** – анор шарбати радиактив моддалар ва компьютер билан ишлайдиганларга, операциядан кейин қувват бўлиши учун тавсия этилади.
- **Ангинада, стоматитда, гингивит ва бошқа оғиз бўшлиги хасталиклирида** – анор пўстидан тайёрланган дамлами ёки меваси шарбати билан оғиз чайилса самарали даволайди.
- **Ҳомиладор аёлларда** – анор мевасидан ейишлари туғилажак болада юрак хасталиклари, бош мия нуқсонларининг олдини олади.
- **Асабийлашишда, хавотир, уйқусизликда** – анор меваси орасидаги пардани қуритиб гиёҳли чойга қўшиб ичилса, ёрдам беради.

*Мунира Абубакирова*



1. Матнда қандай масала кўтарилилган?
2. Матн услубини (илмий-оммабоп: очерк, эссе, мақола; публицистик: эслатма, пресс-релиз, йўл хотиралари ва бшқ.) аниқланг.



3. “Сухбатлашиш” усулидан фойдаланиб, қуйидагича савол-жавоб ўтказинг ва дафтарингизга ёзинг.

- *Халқ табобатига ишонса бўладими?*
- *Менимча, йўқ, чунки...*
- ...

**66-машқ.** Қүйидаги матларни овоз чиқариб ифодали ўқинг.

### ШИРИН АНОР

Ширин анор сувини шиша ичига солиб,  
Қайнаб чиққунча офтоб тигига тутгин уни  
Сўнг чўп билан кўзингга ўша сувдан суркасанг,  
Кўз қичишни йўқотиб, кўпайтираш нурини.

*“Табобат дурдоналаридан”*

Оғиз ичра пишган бир дона анор,  
Мингталаб хом сувдан яхшидир минг бор.

*Хусрав Дехлавий*

Тўқди заҳмидин бағир қонини ҳижрон нолиши,  
Ўйлаким сиқмоқ ила эл сув оқизгай нордин

*Навоий*



1. Матндан ахборот мазмунининг асосий ва майдада тафсилотларини аниқланг, танқидий фикр билдиринг.
2. Берилган мавзу бўйича мулоҳазалар, ишончли фикрлар билдириб, ўзингиз монолог/матн тузинг. Синфга овоз чиқариб ўқиб беринг.
3. Юқоридаги топширик бўйича синфдошларингиз ўқиб эшиттирган монологларга ўз муносабатингизни билдиринг, баҳоланг.

# 3

## ГЕНЕТИК ИНЖЕНЕРИЯ КЕЛАЖАГИ



67-машқ. Матнни дикқат билан ўқиб чиқинг.

### УЛУФ УСТОЗНИ ЭСЛАБ...

Хурматли академик Жўра Азимбаевич ғўза генетикасида дунё миқёсида тан олинган йирик олим эдилар. Улар ғўза генетикасининг фундаментал ва амалий муаммолар бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб борганлар. Улар кўплаб шогирдлар тайёрлаб, генетика фанини ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшган, илмий мактаб яратган олим. Уларнинг раҳбарлигида генетика мутахассислиги бўйича 6 та фан доктори, 25 та фан номзодлари тайёрланган. Устознинг кўп сонли тайёрлаган шогирдлари турли давлатларда АҚШ, Австрия, Хиндистон ва бошқа давлатларда глобал миқёсда домла раҳбарликларида гўза генетикаси соҳасида турли экологик муҳитларда илмий ишларни давом эттириб катта ютуқларга эришяпти, ушбу соҳани жаҳонга машҳур қилган.

Ж.А.Мусаев бешта ихтиро ва бешта ғўза навининг муаллифи, устоз 200 дан ортиқ илмий мақолалар ёзган. Бу мақолаларнинг аксарият халқаро илмий журналларда нашр қилинган. Ж.А.Мусаев илмий маърузалар билан ғўза генетикасига бағищланган халқаро илмий анжуманларда, жумладан, Хиндистон, Туркия ва бошқа мамлакатларда илмий сафарларда бўлганлар. Ж.А.Мусаевнинг генетика фани соҳасидаги ва биолог, генетик кадрлар тайёрлаш борасидаги фаолияти самараси мамлакатимиз раҳбаријати томонидан юксак даражада тақтақдирланган. У “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби” фахрий унвони, “Буюк хизматлари учун”, “Эл-юрг хурмати”, “Халқлар дўстлиги” орденлари ва медаллари билан тақдирланган.

Шунинг билан бирга, Жўра Азимбаевич юксак мальнивиятлари, муомала маданияти билан, ўз устозлик услублари билан машҳур эдилар. Ўз чиқишларида тарбиявий фикрларини жойида қўйиб ишлатар эдилар. Биз азиз устоз домламиз Жўра Азимбоевич билан фаҳрланамиз ва улардай бўлишни ҳавас қиласиз. Жўра Азимбоевич билан суҳбатлашганда илмга меҳр уйғо-

нар эди, ёшларга тарбия бериб, психологик ижобий таъсир кўрсатар эдилар. Ҳақиқатдан ҳам интилганга толе ёр деган мақол жуда маъноли. Ҳар бир ўз мақсадига интилган киши ҳаётда катта муваффақиятларга эришади. Бунинг учун эса домла сингари ўrnak бўлувчи олимлар бўлиши керак. Улар қарияларсиз фанда комедия, ёшларсиз эса трагедия деб, академик Скрябиннинг сўзларини эслатиб қўяр эдилар. Ҳақиқатан ҳам йирик олимлар билан ҳамсухбат бўлиш, улардан ибрат олиш ёшлар тарбиясида жуда муҳим. Ҳурматли Жўра Азимбаевич узоқ йиллар илмий-тадқиқот билан банд бўлиб, илмий мактаб яратиб умрбоқийликка эришдилар. Уларни дошишманд олим десак хато қилмаймиз, чунки уларда илми ҳол-туғма-оллоҳ томонидан берилган истеъдод ва илми қол-кейин ўқиб ўрганилган илмлар кўшилиб донишмандлик даражасига етган эдилар. Илм тўғрисида пайғамбаримиз қуидагича айтганлар: “Илм зулматда қуёш, сайёҳатда ҳамроҳ, бегона юртда сирдош, оғир кунда раҳбар, душманга қарши қурол”.

Ҳақиқатдан ҳам дунёда кўп нарсаларни нархи бўлади, у сотилади, лекин илм бебаҳо, у сотилмайди, уни ҳеч ким тортиб ололмайди ҳам.

Илм бутун умр давомида инсонларга ҳамроҳ бўлиб, баҳт-саодат, узоқумр, чексиз муваффақиятлар, обрў, иззатни секин-аста сабру қаноат билан келтиради.

Ана шундай билимли, илмли донишманд-домламиз Жўра Азимбаевич барчамизга ўрнақдирлар. Биз уларни ҳеч қачон унутмаймиз ва уларга ўхшашга ҳаракат қиласиз. Улуг инсон олийжаноб домлани эслаб қуидаги мисраларни келтирмоқчимиз:

Маърифатга доим бой, улуг инсонлар фикри,  
Ёшларга доим ўrnak, уларнинг ҳаёт тарзи,  
Илм ўргатиб устозлар бекор айтмас эканлар  
Илмни ўрганинглар, интилганга толе ёр  
Маърифатли инсонлар орамизда қўпайсин,  
Жўра Азимбаевичдек жаҳонда машҳур бўлсин.

*T. Рахимова*



- Матндағи ҳар бир хатбошига сарлавҳа қўйинг.
- Ҳар бир хатбоши мазмунини талқин этинг, уни мавзу, асосий гоя билан боғланг.
- Матннинг асосий ва майда тафсилотли ахборотини аниқланг, бир-бирингизга тушунтиринг, далил ва фикрларни ажратинг.

Асосий тафсилотли ахборот	
Майды тафсилотли ахборот	



- Ахборотни жадвал, чизма ёки ахборотли графика кўринишида, шунингдек, АҚТ ёрдамида тақдим этинг.
- Матннинг биринчи хатбошисида берилган гапларни синтактик таҳлил қилинг. Гап бўлакларининг нутқдаги ролини аниқланг.

Генетика тирик организмларнинг ирсият ва ўзгарувчанлигини ўрганадиган фандир. Генетика сўзининг маъноси лотинча «Сепео» – туғилиш, tīkos-авлод деган маънони билдиради.



### 68-машқ. Матнни дикқат билан ўқиб чиқинг.

Генетика фани 1907 йилда англиялик олим Бэтсон томонидан мустақил фан сифатида таклиф қилинди ва унинг вазифалари белгилаб берилди.

Аммо ирсият ва ўзгарувчанлик тўғрисидаги фикрлар жуда қадим замонлардан бошлангандир. Қадимги грек файласуфлари (Платон, Аристотель, Демокрит, Гиппократ) ирсият тўғрисида хилма-хил ғояларни таклиф қилишган. Ирсият ва ўзгарувчанликни ўрганишда эволюцион таълимотнинг ўрганилиши ва ривожланиши катта аҳамиятга эгадир.

Эволюцион таълимотнинг асосчилари Ж.Б. Ламарк ва Ч.Дарвин (1809-1882) ирсият ва ўзгарувчанликни маълум даражада ўрганиб унга ҳисса қўшдилар.

Фанцуз олими Ж.Б.Ламарк ўзининг «Зоология фалсафаси» (1809) асарида турларнинг ўзгарувчанлиги муаммосини таърифлаб, бир қанча гипотезаларни, «Градация» назариясини илгари сурди. Ламаркнинг кўпигина ғоялари нотўғри бўлса-да, биологияда ижобий роль ўйнади, яъни турлар ўзгармайди деган метафизик таълимотга зарба берди.

Ч.Дарвоннинг ирсият ва ўзгарувчанлик тўғрисидаги ишлари генетика фани учун асос бўлди. У биринчи марта ирсият ва ўзгарувчанликни ўрганишни назарий асослаб, белгиларнинг пайдо бўлиши узоқ давом этадиган эволюцион жараён эканлигини кўрсатиб, биологияда тарихий усуслни яратди.

1896 йилда машҳур немис зоологи А.Вайсман ўзининг «Хомила ёки эмбрион плазмаси» деган назариясини яратди. Бу назарияга кўра организм икки қисмдан «эмбрион плазмаси» ва жинсий ҳужайралардан иборат. Уларни хромосомалар бошкаради, улар ташқи мухит шароитига боғлиқ эмас ва умрбод ўлмайди деган фикрни олға суради. Аммо Вайсманнинг бу фикрлари нотўғри бўлса-да, лекин ирсиятда хромосомалар ролининг мухимлиги ҳақидаги фикри аҳамиятли эди.



1. Матнни гурухларда ўрганинг.

2. Ўқилган матн бўйича тадқиқот ўтказинг. Бунинг учун савол ва ғояларни аниқ ифодаланг.



3. Тўртта очик ва тўртта ёпиқ саволлар тузинг. Гурухлараро ўзаро савол-жавоб ўтказинг.

4. Мақсад ва мулоқот вазиятига мувофиқ публицистик ва илмий услублардан фойдаланинг.

5. Матндан қўшма гапларни кўчириб ёзинг.



## ГЕНЕТИКАНИНГ СЕЛЕКЦИЯ, ТИББИЁТ, БИОТЕХНОЛОГИЯ, ЭКОЛОГИЯ МУАМЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИШДАГИ РОЛИ

**69-машқ.** Матинни кўз югуртириб ўқиб чиқинг. Услуби, жанрини аникланг.  
Сарлавҳа қўйинг.

Селекция, ирсият ва ўзгарувчанликнинг генетика фани кашф этган қонуниятларига асосланиб, янги нав, зот, штаммлар яратишнинг назарий асосларини ҳамда самарадор усувларини яратади.

Тиббиёт генетикаси ирсий қасалликларни аниклаш ва даволаш учун бир қатор тезкор иммунологик, биокимёвий, цитогенетик ва бошк;а усувларни ишлаб чиқди.

Биотехнология фани молекуляр генетика фанининг ривожланиши асосида вужудга келди.

Экология фанининг ривожланишида ҳам генетика фанининг аҳамияти катта, чунки тоза муҳит шароитини яратиш, организмнинг ирсиятига ижобий таъсир этади.

Организмлар генофондини асраб қолишининг генетик усувларини яратди.

Ирсият ва ўзгарувчанликнинг моддий негизи организмнинг ҳужайрасидир, чунки барча тирик организмлар ҳужайрадан тузилган. Организмда кечадиган энг муҳим ҳаётий жараёнлар: ўсиш, ривожланиш, кўпайиш, ҳаракатланиш ва турли-туман метаболистик жараёнлар ҳужайра орқали амалга ошади. Бу жараёнларнинг ҳаммаси ирсият билан боғлиkdir. Тирикликтининг ҳужайрасиз шаклларига вируслар киради. Улар фақат ҳужайра ичига кирганда тирик организмга хос бўлган хусусиятларини намоён қиласди. Оддий вируслар нуклеопротеидлар, яъни нуклеин кислота атрофида оқсил қобиқ (капсид) ҳосил қиласди. Мураккаб вируслар қўшимча оқсил ёки липопротеид қобиқлардан тузилган бўлади. Вирусларнинг яна бир хили – бактериофаглардир.

*К.Эшназаров*



1. Ўқилган матн бўйича тадқиқот ўтказинг. Бунинг учун савол ва гояларни аниқ ифодаланг. 4та ёпиқ ва 2та очик саволлар тузинг.
2. Саволлар тузишда мақсад ва мулоқот вазиятига мувофиқ публицистик услублардан фойдаланинг.



3. Матн мазмуни дарс сарлавҳасига алоқадорми? Мавзу билан боғланг.
4. Матн таркибидан қўшма гапларни белгиланг. Аниқловчи тобе гапли қўшма гапларни изоҳланг.



## 70-машқ.

### МОЛЕКУЛЯР ГЕНЕТИКАНИНГ РИВОЖЛАНИШИ . ДНҚ ВА РНҚ-нинг ТУЗИЛИШИ. ОҚСИЛ СИНТЕЗИ.

Алоҳида тур, зот ва шахсий организмлар ўзларининг оқсил тузилиши билан бир-биридан фарқ қиласди. Мана шу фарқланиш ҳужайрадаги ирсий асосларга боғлиқдир. Ирсий белгиларни наслдан-наслга олиб ўтувчи ген ДНҚнинг маълум бир участкаси ҳисобланади. Ген, албатта, белгига бирданига таъсир курсатмайди. У одатда оқсилнинг бирламчи структурасини, яъни оқсил полимерида аминокислоталар қанча ва қандай изчилликда жойлашганлигини ифодалайди. «Бир ген – бир полипептид» концепцияси юзага келади. Оқсил-ферментлар ҳужайрадаги биохимиявий реакцияларнинг у ёки бу йўналишига қараб, доминант ёки рецессив белгилар ривожланади. Бошқача айтганда, ген билан белги ўртасидаги муносабат ген-оқсил-фермент-биохимиявий реакция-белги тартибида амалга ошади.

Ген қандай қилиб оқсил синтезини бошқариши ҳозирги вақтда ўрганилган. Ҳужайрада учрайдиган нуклеин кислоталар ДНҚ ва РНҚга бўлинади.

ДНҚ-дезоксирибонуклеин кислота 1868 йилда Швейцария химиги Ф.Мишер томонидан кашф этилган. ДНҚнинг молекулляр тузилиши эса Ж.Уотсон ва Ф.Криклар томонидан 1953 йилда аниқланди.

ДНК мураккаб биологик бирикма бўлиб, у ўзаро боғланган жуда кўп нуклеотидлардан ташкил топган иккита спирал шаклидаги занжирдан иборат.

Нуклеотидлар азотли асослар (пурин ва пиридин), углевод (дезоксирибоза) ва фосфат кислота қолдигининг кимёвий бирикишидан ҳосил бўлган маҳсулотdir. ДНК молекуласининг тузилишида 4 хил нуклеотид аденин (А), гуанин (Г), цитозин (Ц), тимин (Т) қатнашади.

ДНКнинг иккала занжири бири иккинчисининг атрофида спирал шаклида буралган ҳолда бўлади. Бу спиралда азотли асослар комплементарлик қонуни асосида жойлашган. Чунончи, ДНК спиралининг бирида аденин (А) бўлса қарама-қаршисида тимин (Т), гуанин (Г) қаршисида цитозин (Ц) бўлади. ДНК бир спиралида нуклеотидлар ўзаро азотли асос ва фосфат кислота қолдиги билан бирикади. Қўшни спиралидаги нуклеотид билан эса водород боғлар орқали бирикади. Азотли асосларнинг шу тартибда бирикиши ДНК синтезида бир занжир атрофида уни тўлдирувчи иккинchi занжир молекуласининг ҳосил бўлишига олиб келади. Ҳамма организмлар ДНКнинг химиявий таркиби бир хил нуклеотиддан ташкил топган.

К.Эшназаров



1. Матннинг асосий ва майда тафсилотли ахборотини аниқланг. Даилил ва фикрни ажратинг.
2. Матннинг сўнгги хатбошисининг мазмунини талқин этинг, уни мавзу, асосий ғоя, муаллиф кўзқараси билан боғланг. Фикрингиз билан ўртоқлашинг.
3. Матн бўйича олган ахборотни графика, жадвал, чизмалар, диаграмма ёки ахборотли графика кўринишида тасвирланг ҳамда АКТ ёрдамида тақдим этинг.
4. Матн таркибидан қўшма гапларни кўчириб ёзинг. Турини аниқланг. Эргашган қўшма гапларга изоҳ беринг. Қўшма гапларнинг нутқдаги ролини аниқланг.



# 5

## ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ОЗУҚА МАҲСУЛОТЛАРИ БИОТЕХНОЛОГИЯСИ



### 71-машқ.

Озуқа маҳсулотлари ва ичимликлар ишлаб чиқариш биотехнологияси.

Фаннинг ҳар хил тармоқлари ривожланиб бориши билан, инсон саломатлиги билан у озиқланыётган маҳсулотлар орасида узвий боғлиқлик борлиги тобора ёрқинроқ ўз аксини топиб бормоқда. Ҳозирги даврга келиб, озуқа маҳсулотлари ёки уларнинг таркибиға киравчы алоҳида компонентлари кўплаб хасталикларга сабаб бўлиши аниқланган. Озуқа маҳсулотларини ишлаб чиқаришда қўлланиладиган янги технологик жараёнлар ёки янги ишланмалар соғлом, юқори сифатли озуқа тайёрлаш имкониятларини яратади.

Соғломлик билан озуқа маҳсулотлари орасида мавжуд бўлган ўзаро алоқа озуқа тайёрлашнинг бутунлай янги йўналиши – «Функционал озуқа» тайёрлаш, ишлаб чиқариш учун турткни бўлди. Соғлом озуқа истеъмол қилиш гояси янги бўлмасдан, у ўтган асрнинг 50-йилларида озуқа маҳсулотларини таркибини қайта кўриб чиқиш зарурлиги ҳақидаги фикрларнинг пайдо бўлишига олиб келган эди. Орадан кўп ўтмай, 1960 йилларда «табиатга қайтиш» деган истиқлолли шиорлар пайдо бўлган эди.

Шундан кейин озуқа маҳсулотлари таркибиға киравчи: – холестерин, ёғлар, шакар ва тузларнинг миқдорини камайтириш зарурлиги исботлаб берилган эди. Бу эса озуқа маҳсулотларини калория миқдорини пасайишига олиб келган ҳамда озуқа маҳсулотларини тайёрлашга ихтисослашган ташкилотлар мана шу қўрсатмаларга риоя қилишга мажбур бўлган эдилар. Бугунга келиб, озуқа маҳсулотларига бўлган талаб бироз бўлсада яна ўзгарди. Замонавий талабларга кўра, озуқа нафақат соғлом, балки у функционал бўлиши, яъни организмга мақсадга йўналтирилган таъсир кўрсатиши зарур.

Жаҳонда бундай мақсадга йўналтирилган, функционал озуқа тайёрлаш бўйича Япония мамлакати карвонбошилик қилиб келмоқда. Бу мамлакатда, озуқа маҳсулотлари тайёрлаш билан юздан кўпроқ йирик компаниялар шуғулланишига қарамасдан уларнинг фаолияти, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг сифати қаттиқ назорат остига олинган.

Кейинги 10-15 йилда ишлаб чиқаришга йўлга қўйилган энг катта аҳамиятга молик бўлган “Функционал озуқа маҳсулотлари” сифатида балиқ мойи ва ўсимликлардан олинадиган антиоксидантларни кўрсатиш мумкин. Бу маҳсулотлар атеросклеротик ҳамда қон томирини бошқа касалликларини олдини олиш хусусиятига эгадирлар. Замонавий нуқтаи-назарияга кўра озуқа маҳсулотлари таркибида β-каротини ишлатилиши ҳар хил шиш касалликларини содир бўлишини пасайтиrsa, кальций тузлари – остеолороз хасталигини, маҳсус ёғлар эса – юрак-қон томир хасталикларини олдини олади. Организмга тушган цељлюзоза толалари инсон организмни юрак гонорар хасталиклардан ва шиш бўлишидан сақлаши аниқланган. Цинк организмнинг ҳар хил юқумли касалликларга чидамилилигини оширади. Магний юракни ишемик касалликлари ва ўткир юрак хасталикларини келиб чиқишини олдини олади.

Функционал озуқаларни асосий компонентлари бўлиб, парҳез тола, олиго- ва полисахаридлар, сут бижгитувчи бактериялар, органик кислоталар, аминокислоталар, пептиidlар, оқсиллар, глюкоза, этил спирти, изопренонидлар, витаминалар тўйинмаган ёғ кислоталари (айниқса антиоксидантлик хусусиятига эга бўлган бирликлар) хизмат қиласидилар.

Функционал озуқадан фойдаланиш асосан икки мақсадга хизмат қиласиди: организмга етарли (керакли) миқдорда метаболик зарур бўлган озуқа компонентлари етказиб бериш ва уни (организмни) ҳар хил касалликлардан ҳимоя қилиш.

Янги озуқа маҳсулотларини тайёрлаш учун юқумли бўлмаган, токсин сақламаган табиий компонентлар ишлатилишини эътиборга олган ҳолда, бундай маҳсулотларни кенг миқёсда ишлаб чиқариш учун тегишли компонентларни кўпроқ тайёрлаш ёки тўплаш энг долзарб масалага айланиб қолишини ҳисобга олиш зарур бўлади. Биотехнологиянинг асосий вазифаси эса экологик тоза функционал озуқани кенг миқдорда ишлаб чиқаришдан иборатdir.

Биотехнология ёрдамида (ферментатив катализ, микроорганизмларни ўстириш, ҳайвон ва ўсимлик хужайраларини кўпайтириш ва х.к.) озуқа маҳсулотларини кенг миқдорда тайёрлаш имконияти яратилади.

*Н.А.Хўжамишукуров*



1. Матн мазмунини тушуниб ўқиб чиққач, гурухда муҳокама қилинг.
2. Матннинг асосий фикрини берувчи 1-2 жумлани аниқланг. Изоҳланг.
3. Матндан қўшма гапларни топиб ёзинг ва турини кўрсатинг.

## **72-машқ.**

### **ДОРИВОР ДАМЛАМАЛАР – ҲАМ ИЧИМЛИК ЎРНИДА, ҲАМ ШИФО**

Тропик ўлкаларда яшовчилар қаҳвани эчкилар сабабли кашф этишган. Бир чўпон қаҳва баргларини еган бу жониворлар кун бўйи тетик юришларини пайқаб қолган ва шу тариқа кўпчиликнинг севимли ичимлиги кенг истеъмолга кириб келди.

Шифобахш ўсимликлар дунё бўйлаб жуда кенг тарқалган. Айтиш мумкини, деярли ҳар бир ўсимликнинг ўзига хос дориворлик хусусияти бор. Фақат бу хусусиятдан тўғри фойдалана билиш лозим. Мутахассислар уй шароитида дамлаб ичиш мумкин бўлган бир неча чойларни тавсия қилишадики, улардан меъёрида фойдаланиш оила аъзоларининг саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди. Масалан, мурчни ҳаммамиз яхши биламиз, бу хушбўй зираворни хуш кўрувчилар кўп. Мурчни фақат таом тайёрлашда қўшимча таъм берувчи сифатида эмас, балки оддий кўк чой билан қўшиб, шифобахш ичимлик ўрнида ҳам истеъмол қиласа бўлади. Бундай чой грипп ва ЎРВИ (ўткир респиратор вирусли инфекцияси) ларда пайдо бўлган қуруқ йўтални тузатишда шифо бўлади. Шунингдек, у bemorni терлатиш хусусиятига ҳам эга. Мурч ҳатто илон, қорақурт ёки чаён заҳрини қирқади. Халқ табобатида мазкур зарапкунандалар чаққан кишига мурчли чой қайта-қайта ичирилган ва бу усул унинг аҳволини яхшилаган. Бундан ташқари, бу каби чой меъда ва жигар фаолиятига ҳам ижобий таъсир ўтказади.

Қалампирмунчоқни одатда фақат бир безак ёки хушбўй ифор берувчи модда ўрнида қўллашга ўрганганмиз. Халқ табобатида меъданни заифлашиб, овқат ҳазми ёмонлашган bemorlararga қалампирмунчоқ солиб дамланган чой ичиш тавсия қилинади.

Седана ҳам бизнинг диёrimизда ҳамиша топиш мумкин бўлган маҳсулот. У тумовда фойда беради. Асал ва иссиқ сув билан ичилса, буйрак ва қовуқдаги тошни туширади. Мутахассислар фикрича, 20-25 дона седана ва бир чой қошиқ қора ёки кўк чой ҳамда асал қўшиб дамланган чой организма ниҳоятда фойдали.



1. Матн мавзусининг долзарблиги нимада?
2. Матндан асосий ва майда тафсилотли ахборотларни ажратиб олинг ва умумлаштиринг, турли кўзқарашларни солиштиринг, бир неча кўзқарашларни таққосланг. Ўз фикрингизни билдиринг.
3. Матннинг сўнгги хатбошини кўчириб ёзинг.
4. Гапларни гап бўлаклари юзасидан таҳлил қилинг.



**73-машқ.** Қуйидаги матнлар билан танишиңг. Ҳар учала матнни қандай мавзу бирлаштириб турибди, деб ўйлайсиз?

### ЯЛПИЗ БАРГЛИ ЧОЙ



Ялпизли чой – тинчлантирувчи, чарчоқни ва хавотирни йўқотувчи, уйқуни яхшиловчи восита ҳисобланади. Юрак-томир тизими учун – мия фаолиятини яхшилашда, бош оғригини тинчлантиришда ва қон босимини туширишда ёрдам беради. Ҳазм қилиш тизими учун – дамлаш ва яллигланишни бартараф этишда, овқат ҳазм қилишни яхшилашда ва касаллик қўзғатувчи микроФлоралар билан курашишда тенги йўқ ҳисобланади. Бир пиёла қайнаган сувга 1 чой қошиғида майдаланган ялпиз баргини солиб дамлайсиз ва асал, лимон қўшиб ичсангиз ҳам бўлади.

### МОЙЧЕЧАКЛИ ЧОЙ

Мойчечакли чой – кайфиятни кўтаради, нохуш ўйлардан халос қиласи ва руҳан чиниктиради. 1 ош қошиқдан мойчечак, бояришник ва қизилпойча ўтларини аралаштирасиз. 1 чой қошиқ аралашмани бир пиёла қайноқ сувга солиб 1 соат давомида дамлаб қўясиз. Дамламани бир суткада уч маҳал ичасиз.

### МАЛИНА БАРГИДАН ТАЙЁРЛАНГАН ЧОЙ

Малинали чой – кайфиятни кўтаради, организмни шлаклар ва токсинлардан тозалаб, ёшлиқ ва гўзалликни тиклайди. Малина барглари қутилиб майдаланади. Бир пиёла совуқ сувга бир ош қошиқ малина баргини солиб аралаштирилади ва паст оловда қайнаш ҳолига келтирилади. Ара-

лашма термосга солиниб 1 соат дамланади ва сузиб олиб оддий чойдек ичилади.

Тинчлантирувчи чой. Тинчлантирувчи чойни тайёрлаш учун қоқи ўт илдизи, пустирник ва лимонўтлардан 1 ош қошиқдан аралаштирамиз. 1 ош қошиқ аралашмани бир пиёла қайноқ сувга соламиз ва 2-3 соат дамлаб кўямиз.



1. Матн мазмунидан келиб чиққан ҳолда шифобахш ўсимликлар ҳақида фикрингиз билан ўртоқлашинг. Хулоса чиқаринг.
2. Матнлардан қўшма гап турларига мисоллар келтиринг ва кўчириб ёзинг.



74-машқ. Қуйидаги тасвирларни сўзлатинг. Фикр-мулоҳазаларингизни жамлаб синфга тақдим этинг.





1. Берилган мавзунинг долзарбилиги нимада? Тадқиқот юритинг.  
Тадқиқот учун очиқ саволлар тузинг.
2. Расмга асосланган ҳолда унинг гоясини аниқлаб, ихчам мақола яратинг. Мақолангизда қўшма гапнинг турларидан унумли фойдаланинг. Тузган матн таркибидаги содда, содда ёйик ва қўшма гапларда тиниш белгиларининг ишлатилишига риоя қилинг.

# 7

## БИОТЕХНОЛОГИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШИГА КАТ- ТА ҲИССА ҚЎШГАН АЙРИМ ЙИРИК ОЛИМЛАР



### 74-машқ. Матнни гурухларда синчилаб ўқиб чиқинг. Мазмунини ўзлаштиринг. Мухокама қилинг.

Холмуродов Асқар Фаниевич (1939-1997) – Қашқадарё вилоятида туғилган. 1960 йилда Ўрта Осиё Университетини тамомлаган. Сўнгра Украина фанлар академиясига қарашли Биокимё институтида номзодлик (1965) ва докторлик диссертациясини (1976) ҳимоя қилган ва ушбу институтда йигирма йил давомида фаолият олиб борган. 1980 йилдан бошлаб профессор. 1986-1997 йиллар давомида ЎзФА Микробиология институти директори ЎзРФА мухбир аъзоси (1987) ва ҳақиқий академиги (1989) шунингдек, ЎзРФА Президиуми бош илмий котиби (1988) ва вице-президент (1990) лавозимларида фаолият юритган. 1994 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисига депутат бўлиб сайланган ва фан, таълим, маъданият ва спорт қўмитасини бошқарган. Биокимё ва биотехнология соҳасида дунётан олган йирик олим ҳисобланади. Илмий фаолияти давомида 300 дан ортиқ илмий мақолалар ва ихтиrolар муаллифи. Биринчи маротоба қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва паррандалар учун никотин кислотаси ўрнини босувчи “Корник” номли озуқа препаратини яратган ва амалиётга жорий этганлиги учун собиқ иттифоқнинг XXЮК бронза медалига сазовор бўлган. Бундан ташқари ЎзРФА сининг академик А.В.Палладин номидаги мукофотига сазовор бўлган. АҚШ нинг “Кто есть кто в науке и технологиях” номли фахрийлар китобига 1996-1997 йилларда совриндор сифатида номи киритилган ва маҳсус диплом билан мукофотланган.


Музafferov Axror Muzaffarovich (1909- 1987) – ботаника, экология, алкология, гидробиология, гидроэкология ва сув ўтлари биотехнологияси соҳалари бўйича фаолият олиб борган йирик олим. ЎзРФА нинг ҳақиқий аъзоси (1960). Ўз ФА Ботаник институтининг директори (1956-1960), ЎзРФА Президиуми аъзоси ва кимё-технология ва биология фанлари бўлими академик-14 котиби (1966-1970), ЎзРФА Микробиология бўлими раҳбари (1970-1977) кейин эса шу бўлим асосида микробиология институтини ташкил этиб унга раҳбарлик қилган (1977-1985). Мамлакатнинг кўплаб орден медаллари ва мукофотларига сазовор бўлган. Марказий Осиё

сув ҳавзаларининг экологик ва типологик ўзига хослигини чуқур ўрганиб, улардан сув ўтларининг серҳосил штаммларини ажратиб, уларнинг очиқ ҳавода ва бекиг ускуналарда ўстириш усулларини яратган ва улар асосида янги биотехнологик жараёнларнинг яратилишига раҳбарлик қилган. Ўнлаб монографиялар ва 200 дан ортиқ илмий мақолалар чоп эттирган. Уларни ҳаёти ва илмий-педагогик фаолияти ҳақида ўндан ошиқ китоблар ва мақолалар тайёрланган. Абу Райхон Беруний номидаги давлат мукофоти совриндори (1979). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.

Асқарова Салима Асқаровна (1922-1997) – ЎзРФА қошидаги институт мақомига эга бўлган Микробиология бўлимининг ташкилотчиси ва биринчи директори. Асосий илмий йўналиши микроорганизмлар физиологияси ва биокимёсига бағишлиланган. Республикаизда қишлоқ хўжалик экинларини микробиологик усулда ҳимоя қилиш муаммолари бўйича йирик илмий лойиҳаларни амалга оширган. Ўзбекистон микробиологлар жамияти асосчиси ва биринчи президенти. Ўзбекистонда саноат микробиологияси ривожланишига қўшган катта ҳиссаси ва педагогик, илмий ташкилий ишлардаги самарали меҳнатлари учун хизмат кўрсатган фан арбоби даражасига эришган. Маориф аълочиси, биология фанлари доктори, профессор. Унинг раҳбарлигига йигирмадан ортиқ фан докторлари ва фан номзодлари тайёрланган.



1. Матн услуби, типи, жанрини аниқланг.
2. Матнда қандай муаммолар кўтарилиган?
3. Калит сўзларни топиб ёзинг. Шу сўзлар ёрдамида гаплар тузишга ҳаракат қилинг.
4. Тузган гапларингизни ифода мақсадига кўра қайси турга киришини аниқланг.
5. Дарак гапларга изоҳ беринг.



## 75-машқ.

### ГЕН МУХАНДИСЛИГИНИНГ МОҲИЯТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Вируслар билан прокариот ҳужайралар орасидаги материалнинг кўчирилишини, табиий шароитда бактерияларда ўтадиган рекомбинация меҳа-

низмларини ўрганиш, плазмидалар ва мўътадил фагларнинг ҳужайрадаги ҳаётини тушуниш генлар устида турли манипуляциялар ўтказиш имкониятини беради. Олимлар қўлида ДНКнинг керакли бир қисмини бактерия ҳужайрасига кўчириб ўтказадиган система – плазмидалар ҳам бор. Бундай трансмиссив кўчириб ўтказувчи халқали молекулалар – плазмидалар ва мўътадил вируслар вектор деб аталади. Улар табиатнинг ўзи биологларга тақдим қилган совға бўлади. Шундай экан, энди бактерияларни культурада (улар ўсадиган муҳитда) инсонлар учун керакли оқсилларни, ферментларни синтезлашга мажбур қилиб бўлмасмикан деган савол туғилади? Бу ғояларнинг амалда юзага чиқиши ген муҳандислиги ёки генетик муҳандислик деб аталадиган ва катта истиқболга эга бўлган янги соҳани дунёга келтирди.

Ген муҳандислиги қисқача айтганда, генлар устида турли манипуляциялар ўтказиш, уларни тўла ўрганиш асосида функционал қисмларга бўлиш, керакли жойидан кесиш, керак бўлмаган қисмини олиб ташлаш, керак бўлган қисмларини бошқа генлардан ёки синтез йўли билан олиб улаш ва шу усулда тайёрланган дурагай ёки рекомбинант генни мувофиқ организмга киритиб (Масалан, одамнинг инсулин генини микроб ҳужайрага ёки сичқоннинг ўсиш гормони генини каламушга), зарур турларни ёки препаратларни синтез қилиш ва ҳакозо ғоялар ва технологияларнинг йиғиндисидир .

Айрим ДНК молекулалари – генларнинг бир турини кўп нусхасини ҳосил қилиш мақсадида илгаридан ҳужайраларнинг тоза линияларини олишда кўпдан бери ишлатилатиб келинган, клонланиш техникасини молекулаларга мослаштирилган варианти қўлланилмоқда. Ҳужайра линияларининг бир хиллигини, клонлаш усули билан ҳам кучайтириш мумкин.

Клон – деб бирдан-бир олд ҳужайрадан келиб чиқсан ҳужайралар популяциясига айтилади. Клонлаш, асосан, мутант ҳужайралар олиш учун ишлатилади. Молекуляр клонлаш ДНК нинг аниқ бир намунасини тоза ҳолда кўпайтиришдан иборат.



1. Матннинг асосий ва майдада тафсилотли ахборотини аниқланг, далил ва фикрни ажратинг. Тадқиқот учун саволлар тузинг ва ғояларни аниқ ифодаланг.
2. Сўнгги хатбошини кўчириб ёзинг ва тап бўлаклари бўйича таҳлил қилинг.

# 8

## ДОРИВОР МЕВАЛАР



**76-машқ.** Матнни ўқинг ва муҳокама қилинг ва сарлавҳа қўйинг.

Ёзда турли-туман мевалар пишиб қолади. Тарвузни пишлоққа қўшиб ейдиганлар ҳам бўлади... мевасиз куни ўтмайдиганларга нима дейсиз?

Мен тарвуз парҳези нима эканини билмайман. Аммо тарвуз, қовун триглициерид деган хатарли ёғларни кўпайтиради, қонда сийдик кислотасини оширади. Бу гапларни ҳаводан олиб гапирмаяпман, беморларнинг аҳволидан келиб-чиқиб айтяпман. Аммо, албатта, қуртлаган олма енг, қишлоқ хўжалик кимёси заҳарларига тўйинган меваларни еманг дейман. Қовун, тарвузнинг суви шакардир. Қанд қасалингиз бўлса, ички қасаллигиниз бўлса. бу қасалликларингиз янада кучаяди ва жигарингиз, қорнингиз, томоғингиз, ҳамма жойингизни ёғлантирасиз. Энг фойдали мева қурт тушган олма ва зайдундир.

Мевасиз кун ўтмайди-ку ёзда... гилос, қулупнай...шундайми?..

Хорижда эълон қилинган бир мақолада кичик ёшданоқ семириб кетиш боланинг ўқишига ва ҳофизасининг бузилишига сабаб бўлади, дейилади. Вақти-вақти билан есангиз бўлади уларни. 1950 йилда Америкада мевалар устидан тадқиқот ўтказилганда бир дона олмада 4,5 миллиграмм темир мoddаси борлиги аён бўлган эди. Аммо айни тадқиқот 1998 йилда ўтказилганда 26 та олма еганда 0.18 миллиграмм темир олиниши маълум бўлди. Ўшандан бери яна йигирма йил ўтди – олма таркибида бугун қанча темир мoddаси қолди – Худо билади уни. Бугун мева одам фақат фруктоза билан озиқланади ва бутун қасалликларнинг сабабчиси шу ўзи. Шунинг учун еманг демоқдаман. Емасангиз нима бўлади?.. Қуртни топсангиз ейсиз мевани. Фруктоза қоринда ёнгин содир қиласи. Бундан ташқари унинг таркибида қишлоқ хўжалик кимёсининг заҳарлари бор... Жами қасалликларнинг манбаси ана ўша кимёвий дорилардир: юрак, аутизм, паркинсон, алтсемер хасталиклари бошланади. Бунинг ортида инсулин баландлиги ётади. Ун ва нон ҳам шуларнинг сирасига киради.

*Робия Жўрақулова*



1. Матн мазмунини жуфтликда мұхқокама қилинг. Тезисини топинг.
2. Гуруҳда танлаган тезислар билан ўртоқлашинг. Матн юзасидан бир-бираңғызға 5та ёпік ва 5та очық саволлар тузинг.
3. Гурухлараро савол-жавоб ўтказинг.
4. Матндан 5 та дараптарни күчириб ёзинг ва сўз туркумлари бўйича таҳлил қилинг.



### **77-машқ. Матнни дикқат билан ўқинг ва жуфтликда мулоҳаза юритинг.**

Бу ҳайратланарли воқеани Усмон Нурий Тўпбоши мақолаларидан бирида ўқиган әдим. Интернет манзилга кириб, ўша воқеа акс эттирилган видеотасвирни кўрдим. Бу чиндан ҳам ҳайрон қоларли әди.

Биламиз, оҳулар ҳар доим арслонларнинг ўлжаси бўлган. Лекин урғочи шернинг оҳу боласини ялаб-юлқаб, фарзандидек шафқат кўрсатишини, доим бирга юриб, бирга туришини ҳеч тасаввур қила оласизми? Жуда қийин, тўғрими? Бироқ Кениядаги Самбуру миллий қўриқхонасида шундай воқеа юз берди. Ёш урғочи шер қандайдир сабаб билан етим қолган оҳу боласига онасидек меҳрибонлик қиласиди. Бу илиқ муносабатни сезган оҳучча ҳам шердан айрилмайди. Она шер ёнидаги оҳу боласи эканини яхши билади, чунки унга гўшт билан боқмайди. Оҳу эса сут йўқлиги сабаб япроқларни ейишга уринади. Она арслон ҳатто овга ҳам чиқмай қўяди. Очликдан иккови ҳам заиф кўринса-да, саломатликлари яхши экани кузатилади.

Жараён икки ҳафта давом этади. Бу вақт мобайнода урғочи шер “асраб олган фарзанди”ни ҳимоя қиласиди, бир лаҳза ёнидан айрмайди. Оҳучани суйиб, эркалайди, қулоқлари, тумшуқларини ялаб-юлқайди. Аммо икки ҳафтадан сўнг буталар ортида пойлаб турган нар шер урғочи арслонни доғда қолдириб, оҳучани тишлаб олиб қочади. Икки ҳафталик очлик таъсирида заифлашиб қолган она шер уни ета олмайди. Чорасиз она ҳозирги на оҳу боласи ўлган жойни исказ бошлайди, бир оздан кейин бошини эгиб у ердан узоқлашади...

Кузатувчилар эртасигаёқ урғочи шернинг овга чиққанини кўришади...

Ха, оналар шундай, Яратилишидан меҳр-шафқатли. Оналик – энг гўзал хислатлар мужассами. Келтирилган воқеа ҳам шу ҳақиқатнинг бир намойишидир.

*Зумрад Фозилжон қизи*



1. Матн мавзусини ўқиб чиқинг, таянч сўз ва фикрларни аниклаб, матннинг тезисини тайёрланг.
2. Матнда қандай долзарб масалалар кўтарилилган.
3. Иккинчи хатбошини кўчириб ёзинг. Дарак гапга таъриф ёзинг.

**78-машқ. Матнни диққат билан ўқинг ва мулоҳаза юритинг**

### ДОРИВОР ГИЁХЛАР АСЛИДА ҚАНДАЙ ҚЎЛЛАНАДИ?

1. Доривор ўтлар-нинг, албатта, янги тайёрланганларини ишлатинг. Хом ашё ўз фойдали хусусиятларини сақлаши учун у 12 ой (барглар, гуллар, пояси) ёки 3 йилдан (илдизлари) узоқ вақт ушланмаслиги лозим. Ўсимликларни матодан тикилган копчалар, шиша идишлар ёки қофоз пакетчаларда сақлаш зарур.



2. Доривор ўсимликлардан дамлама тайёрлаётганда, ундаги йўриқномага албатта қаранг. Уни кўп қилиб, ёки чамалаб солиш ярамайди. Шундагина бу дамламаларнинг шифобахш таъсирини сезасиз. Илк бор ичаётган дамламани иложи борича бошланишига кам миқдорда татиб кўринг, организмнинг унга бўлган таъсирини кузатинг. Агар ҳаммаси яхши бўлса, кейин дозани белгиланган даражагача кўтариш мумкин.

3. Фиточой ва турли гиёҳли дамламалар ҳам дори бўлиб, уларни шунчаки чанқаганда ичиладиган суюқлик, деб қабул қиласлик даркор. Шу боис кун давомида унинг бир стакандан ошигини ичиш кўплек қиласди. Дарвоқе, гиёҳларни бир ойдан кейин алмаштирган маъқул, акс ҳолда организм унга кўнишиб, фойдали таъсири ҳам камаяди.

4. Гиёҳнинг фойдали жиҳатлари камаймаслигининг энг мақбул йўли бу – қайноқ сув ўрнига сал иссиқроғини солишдир. У бир-икки соат тургач, фойдали ичимлик тайёр бўлади.



ундан ҳам олдин, сиз албатта шифокор билан маслаҳатлашиб олганингиз маъқул.

Қадимги табиблар ўсимликлар, гиёхлар ёрдами билан даволаб бўлмайдиган касалликнинг ўзи йўқ, деб ҳисоблашган. Дарҳақиқат, гиёхлар жуда шифобахшdir. Бироқ агар сиз уни тайёрлаш, истеъмол қилиш, сақлашда керакли шартларга амал қиласангизгина бундан бирон наф бўлади. Акс ҳолда... Лекин

(Интернет манбаларидан



1. Матнда қандай долзарб масалалар кўтарилиган.
2. Матннинг асосий ва майда тафсилотли ахборотини аниқланг, матннинг ҳар бир абзацига эътибор қаратинг, далил ва фикрни ажратинг. Тадқиқот учун саволлар тузинг ва ғояларни аниқ ифодаланг.
3. Қозогистонда доривор гиёҳларни топиш мумкинми ?
4. Ҳар бир абзацдан асосий тушунчани ифодаловчи 2 та жумладан кўчириб ёзинг.
5. Гапнинг ифода мақсадига кўра турларига таъриф беринг.



## 79-машқ. Матнни ўқинг ва гуруҳда муҳокама қилинг.

### Тинчлантирувчи Доривор Гиёҳлар

#### 1. Мойчечак гуллари

Бир стакан мойчечак чойини ичиш асабларни тинчлантиради ва инсонни сокинлаштиради. Мойчечакнинг қуритилган гулларини ўзини капсулада истеъмол қилиш ёки мойчечакдан тайёрланган бошқа маҳсулотларни истеъмол қилиш ҳам асабийликка қарши ёрдам беради. Мойчечак чойини 1 ёшдан ошган болаларга ҳам берса бўлади. Мойчечак ёки мойчечак чойи

истеъмоли уйқу келтириши мумкин, шу сабабли уни кечки пайт ёки уйқудан олдин истеъмол қилган яхши.

### 2. Валериана илдизи

Валериана илдизи ҳам инсонни жуда яхши тинчлантиради, аммо уни истеъмол қилган инсонни уйқу тортиши мумкин. Валериана илдизини чой қилиб дамлаб ичиш, илдизнинг майдаланганини қуқун кўринишида истеъмол қилиш ёки спиртсиз настойкасини истеъмол қилиш мумкин.

### 3. Мелиssa

Мелисса қадимдан асабийликни кетказувчи, уйқуни яхшиловчи ва стрессларни камайтирувчи гиёҳ ҳисобланиб келган. Мелисса истеъмоли озгинадан бошланиб, аста-секин керакли миқдоргача қўпайтирилиши мумкин. Мелиссани чой қилиб дамлаб ичиш яхши натижалар беради. Мелиссани чой қилиб бериш болаларда уйқу муаммоларини камайтиради. Мелисса ҳомиладорликда кичик миқдорларда чой сифатида истеъмол қилинса бўлади.

### 4. Лаванда

Лаванда гуллари жуда ёқимли ҳидга эга бўлган ўсимлиkdir. Лавандани ҳидлаш руҳий безовталикни йўқотади, болалар инжиқликларини камайтиради, уйқуни яхшилайди ва организмдаги яллиғланишларни кетказади. Тадқиқотлардан бирининг натижаларига кўра имтиҳон олдидан лаванда эфир ёғини ҳидлаш талабаларнинг тинчланишига ва ортиқча ҳаяжонлан-масликларига ёрдам берар экан. Бошқа бир тадқиқотда эса тиш шифокорининг кутиш хонасида табиий лаванда ёғи ҳиди таралиб турганида беморларда қўрқув, ҳаяжон ва асабийлашиш ҳиссиёти камайиши аниқланган.

(Интернет манбаларидан)



1. Матнда қандай долзарб масалалар кўтарилиган? Мухокама қилинг.
2. Матннинг асосий ва майда тафсилотли ахборотини аниқланг, матннинг ҳар бир абзацига эътибор қаратинг, далил ва фикрни ажратинг. Тадқиқот учун саволлар тузинг ва ғояларни аник ифодаланг.

## VII БҮЛІМ

## ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ



Оммавий ахборот воситалари ўз сақифаларидан жамоатчилик фикрини акс эттирадиган шахсларнинг чиқишиларини уюштириш, умуман, жамиятдаги энг долзарб масалаларни күтариш орқали ҳокимиятга жамоатчиликнинг таклиф ва талабларини етказиб берса олиши лозим.

Шу билан биргә, давлат томонидан қабул қилинган қарорларни амалга оширишда ҳам жамоатчилик фикрини йўналишларга хизмат қила олиши, жамият олдида турган энг муҳим вазифаларни амалга оширишда жуда катта роль ўйнаши керак.

# 1

## ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА ФОЯ- ВИЙ ТАЪСИР КЎРСАТИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

80-машқ. Матнни ўқинг ва муҳокама юритинг.



Оммавий ахборот воситалари, гоявий таъсир кўрсатиш технологиялари асосидаги ёндашувлар ҳамда миллий-маданий меросни ўрганиш воситасидир.

ОАВ – энг асосий, қудратли ва таъсирчан мафкура воситаси. Оммавий ахборот воситалари – ахборотни кенг жамоатчиликка етказиб берувчи матбуот, радио, телевидение каби воситаларга нисбатан ишлатувчи тушунча. Оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаёти, фуқаролар фаолиятига таъсири ниҳоятда кучлилигидан уларга нисбатан «*тўртинчи ҳокимиёт*» атамаси ҳам қўлланади.

Оммавий ахборот воситалари омманинг ўзига хос тарбиячиси, муҳим тадбирларнинг ташкилотчиси, долзарб муаммоларни ҳал қилишнинг таъсирчан қуроли бўлиб хизмат қиласиди. Айнан оммавий ахборот воситалари орқали миллий қадриятларимиз ва умуминсоний қадриятлар, миллий ғоя ва демократик тамойиллар тарғиб-ташвиқ қилинади. Оммавий ахборот воситалари доимо демократия ва сўз эркинлигининг ўзига хос ўлчови,

кўрсаткичи бўлиб келган. Эркин ва мустақил оммавий ахборот воситалари демократик тараққиётни рағбатлантиради ва мустаҳкамлайди.

ОАВларнинг таъсир кучи унда бериладиган материалларнинг характеристика боғлиқ бўлади. Шу нуқтаи назардан қараганда, берилаётган материалларнинг тезкорлигига, таҳлилийлик даражасига алоҳида эътибор берилади.

Оммавий ахборот воситаларида материаллар айни пайтда қандай аудиторияга мўлжаллангани билан ҳам ажralиб туради ҳамда истеъмолчининг ёши, жинси, билим даражаси, дунёқараши, миллий диний мансублиги каби омилларини ҳисобга олган ҳолда тузилади.

ОАВнинг тарқалганлик доираси, қамров даражасига қараб маҳаллий, умуммиллий, минтақавий оммавий ахборот воситаларини фарқлаш лозим бўлади. Айни пайтда бугунги кунда глобал миқёсда фаолият кўрсатаётган ва таъсир доираси катта бўлган телеканаллар ва ахборот агентликлари борлигини ҳам таъкидлаш зарур.

Ижтимоий ҳаётга таъсири ҳақида гап кетганда, оммавий ахборот воситалари кучи жамият ҳаётидаги долзарб масалаларни кўтариб чиқишида, унинг самарали ечимларини топишга уринишида, мавжуд муаммоларга жамият аъзолари диққатини жалб қилишида, давлат органлари фаолиятини назорат қилиб боришида кўринади. Шу маънода у халқни ҳокимият билан боғловчи восита, механизм сифатида чиқади.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида замонавий техник ускуналар, кенг ва чуқур фикрловчи кадрларга эга бўлган, янгича мазмун-моҳият касб этадиган оммавий ахборот воситалари фаолияти учун ҳамма шароитлар яратилди. Қозогистонда оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий пойdevori барпо этилди. Қозогистон Конституциясида оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги, қонунга мувофиқ иш юритиши, цензурага йўл қўймаслиги (20-модда) белгилаб қўйилди. Бугунги кунда мамлакатимизда хусусий оммавий ахборот воситалари фаолият юрита бошлади. Дунёнинг турли мамлакатларидан мустақил равишда ахборотлар олиш имконияти юзага келди. ОАВ фаолиятини тартибга солувчи бир қатор қонунлар қабул қилинди.



1. Оммавий ахборот воситалари атамасини қандай тушундингиз?
2. ОАВ – энг асосий, қудратли ва таъсирчан мафкура воситасидир, деган тушунчани изоҳланг, шарҳланг.
3. Оммавий ахборот воситалари орқали қандай тамойиллар тарғибаташвиқ қилинади? Гуруҳда муҳокама қилинг.
4. Сиз қандай ОАВларини биласиз ва қайси бири сизни кўпроқ қизиқтиради, нима учун?
5. Қозоғистон Конституциясида оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги, қонунга мувофиқ иш юритиши, цензурага йўл қўймаслиги қайси моддада белгилаб қўйилди? Нега? Ўз фикрингизни атрофлича баён этинг.
6. Гапнинг мақсадига кўра турларини матндан мисоллар келтириш орқали изоҳланг. Турларини айтиб беринг.

**Сўроқ гап** воқеа-ҳодиса ҳақида сўроқни билдиради. Сўроқ гаплар охирида сўроқ белгиси қўйилади. Сўроқ гаплар асосан диалог шаклида бўлади.

Сўроқ гаплар сўроқ оҳангига кўра уч хил: **соф сўроқ гаплар, риторик сўроқ гаплар, сўроқ-буйруқ гаплар.**

**Соф сўроқ гаплар** тингловчидан сўроққа жавобни талаб қиласми. **Исминг нима? Бугун уйда бўласанми?**

Риторик сўроқ гаплар сўроққа жавоб талаб қилмайди. Бундай гапларнинг мазмунидан жавоби англашилиб туради. Масалан, **Онани ким севмайди?**

Риторик сўроқ гаплар кучли ҳис-ҳаяжон билан айтилса, охирида сўроқ ва ундов белгилари қўйилади.

Сўроқ-буйруқ гапларда сўроқ маъноси билан биргаликда буйруқ маъноси ҳам англашилиб туради: **Китобингни бериб тур?**

Сўроқ гаплар қўйидагича ҳосил бўлади:

**1. Сўроқ юкламалари** - -ми, -чи, -а (-я) ёрдамида сўроқ гаплар ҳосил бўлади: **Эртага дарсга келасанми?** Сен-чи?

**2. Сўроқ олмошлари** сўроқ гаплар ҳосил қиласми: **Ким гапирди? Қаерда яшайсан?**

3. Сўроқ гаплар фақат сўроқ оҳангига билан ҳосил бўлади.



## ГАЗЕТА – АХБОРОТ, ҲАРАҚАТ ВА ИЖОД МЕВАСИ!

**81-машқ.** Матнни ўқинг ва муҳокама юритинг.



Мамлакатимиз мустақиллигининг тенгдоши, Қозогистон жанубидаги ўзбек матбуотининг асосий қуввати, руҳий қудрати – «Жанубий Қозогистон»дир.

1991 йил 5 апрелда «Дўстлик байропи» номи билан чоп этилган газета 1998 йил 1 январдан «Жанубий Қозогистон» номида нашр қилинмоқда. У «Оңтүстік Қазақстан», «Южный Казахстан» каби отахон

газеталар каби мақомга эга. Моҳир журналист ва таниқли ижодкор Собиржон Юсуфалиев нашрнинг тўнгич муҳаррири эди.

Газетада кўп йиллар сидқидилдан меҳнат қилган Ҳавазмат Қўчқоров, Ирисали Жуманов (марҳум), Иброҳим Ҳуккиев, Мухтор Муҳаммедов, Гуландон Эрова, Ҳайитмат Муҳиддиновлар бугунги кунда фахрий ҳордикдалар.

Ўзбекзабон газета эндиликда кўп миллатли Қозогистон халқининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ва аҳамияти юксак бўлган нашрига айланди ва унинг адади 16 минг нусхага етди.

Нашрда Элбошининг одилона сиёсати, маҳаллий ижро ва ваколатли органлар фаолияти, сиёсий партиялар, жамоат, ноҳукумат ташкилотларнинг



ишлари, миллий қадриятлар, миллатлараро дўстлик мавзуси, ижодкорларнинг ижод на муналари халқа кенг тарғиб қилинмоқда.

Ўтган вақт мобайнида таҳририят бағрида ажойиб искеъдод эгалари етишиб чиқди. Газета жамоасини турли йилларда Собиржон Юсуфалиев, Ҳавазмат Қўчқоров, шунингдек, Абдумалик Сармонов, Муроджон Абубакиров,

Икромжон Хошимжонов, Алишер Сотволдиевлар бошқаришди. Ислом Абдунашибев, Зокиржон Мўминжонов, Авазхон Бўронбоев, Абдумалик Сармонов, Мунира Сайдуллаева, Мухтабар Усмонова, Шаҳноза Усмонова, Хуршид Қўчқоров, Саодат Шарифбоева, Наргиза Мавлонова, Малика Элтоева, Дилбар Зиёматова, Майсара Сафарова, Мунаввар Фарҳодова, Қумуш Исamatova каби журналистларнинг номи кўпчиликка яхши таниш.

Ундаги «Адабиёт ва санъат», «Хидоят сари», «Қонун ва жазо», «Қўнгил кўчалари», «Суҳбатдош», «Сўранг, жавоб берамиз!», «Яхшилар ёди», «Дилдаги гаплар», «Саломатлик» каби саҳифалар муштариylар эътиборини қозонди. Жойлардаги маҳсус мухбирларнинг меҳнати, ҳиссасини таъкидлаш жоиз. Туркистон заминида Шомирза Мадалиев, Сайрам туманида Ислом Ниёзалиев, Тўлебий туманида Баҳорой Дўсматовалар самарали меҳнат қилишмоқда.

Таҳририят сифатли маҳсулот тайёрлаш, чоп этиш ва тарқатиш билан бир вақтда Президентимизнинг ҳар йилги халқа Мактублари, давлат дастурлари, стратегик иш режаларини атрофлича ёритаётган расмий давлат газетаси сифатида кўп ишларни бажармоқда. У Давлат раҳбари ва Ҳукумат сиёсатининг фаол тарғиботчисидир.

(Таҳририят мухбари)



1. Матннинг типи, услубини аникланг.



2. “Газета ҳаётимизда нима учун керак?” мавзусида баҳс-мунозара ўтказинг, ўз кўзқарашларингизни талқин қилиб, муаммони ҳал этиш йўллари ҳақида фикрингизни далиллар орқали баён этинг.
3. Сўроқ гап ҳақида фикр билдиринг ва матндаги дарак гапларни сўроқ гапга айлантириб ёзинг.



**82-машқ.** Матнни ўқинг ва муҳокама юритинг.

### ПОРЛАСИН “ЖАНУБИЙ ҚОЗОҒИСТОН”ИМ!



Ватандош биродар, қондош ўзбегим,  
Сенга ҳаддим сифиб, келди сўз дегим.  
Мард бўлсанг, халқингнинг фамини егин,  
Сафларда сафарга чиқди карвонинг –  
Хормасин “Жанубий Қозғистон”инг!

Аждодинг ўзбекдир, авлодинг ўзбек,  
Бил, олтин узукка сен ёкут кўздек,  
Фарзанд бўлиб ёнсанг, ўзлигим, ўз деб,  
Нурга тўлсин қалбинг, ҳар хонадонинг,  
Порласин “Жанубий Қозғистон”инг!  
Фам ема, баъзида дўппи тор бўлса,  
Юк ерда қолмайди, сафда нор бўлса.  
Газета юксалар ўзбек бор бўлса,  
Дилларни чўққига қўзгаб виждонинг,  
Чорласин “Жанубий Қозғистон”инг!





Ватан муқаддасдир, азиздир миллат,  
Сен ҳам teng қаторда бўйингни кўрсат.  
Ёзил, тезроқ ёзил, ўтмасин Фурсат,  
Уйингнинг тўрига азиз меҳмонинг  
Ўрласин “Жанубий Қозогистон”инг!

**Фарҳод РАҲИМОВ,**  
*Халқаро психология академиясининг  
фахрий аъзоси, фахрий устоз.*



1. Юқоридаги шеърий матнни ўқиб, таҳлил қилинг.
2. Шеърда берилган расмларга диққат қилинг, шарҳланг.
3. Ёзил, тезроқ ёзил, ўтмасин фурсат, дея шоир кимларга мурожаат қилмоқда, уйингизда ушбу газетани кўрганмисиз?
4. Матндан дарак гапларни топинг ва сўроқ гапларга айлантиринг.
5. Сўроқ гаплар қандай ва нималар ёрдамида ҳосил бўлади? Мисоллар орқали изоҳланг.



## ИНТЕРНЕТНИНГ ОАВ СИФАТИДА ЖАМИЯТГА ТАЪСИРИ

**82-машқ.** Матнни ўқинг ва муҳокама юритинг.



«Оммавий ахборот воситалари одамларнинг дунёқарашига жуда чуқур таъсир ўтказиши ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди. Улар шунчалик кўп ахборот етказиб берадики, уларни ҳеч қандай бошқа усул билан олиш мумкин эмас. Газета, китоб, радио, телевидение, фильм, мусиқий ёзувлар ва суратли журналлар бизга ўзимиз ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаган нарсалар ҳақида маълумот беришади. Таъкидлаш жоизки, оммавий ахборот воситалари инсоннинг ижтимоийлашув агентларидан бири ҳисобланади». Хусусан, буни олим Р.Самаров ўтказган тадқиқот асосида далиллаш мумкин. 239 та респондент қатнашган сўровномада «Ижтимоийлашув жараёнида шахс хавфсизлигига таъсир ўтказиши мумкин бўлган салбий омилларга нималарни киритган бўлардингиз?», – деган саволга респондентларнинг 20% и ОАВ ва интернетнинг инсонга нисбатан психологик таъсирининг кучлилиги омили – деб жавоб берган» . Бундан шундай тўхтамга келиш мумкин: оммавий ахборот воситалари индивиднинг шахс бўлиб шаклланиши ва ривожланишида муҳим рол ўйнайди. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари шахснинг ижтимоий ахлоқини ташкил қилувчи ва юзага чиқа-

рувчи омилларни вужудга келтирувчи ўзига хос социализатордир.

«Жамиятнинг ҳозирдағи интернет билан бевосиста боғлиқлиги интернеттинг таъсир даражасини оширувчи омилдир. Ушбу таъсирни юзага келтирувчи ҳусусиятларни эса, интернеттинг қуида берилгандык имконият ва тасифлари орқали атрофичча (ижобий ва салбий жиҳатлардан) ўрганиб чиқиш мумкин» .

1) Глобаллик – бутун дунёдаги ахборотлар билан тезкор танишиш имконияти. Бунда энг сўнгги хабарлардан ҳам воқиф бўлиш, шунингдек, глобаллашув ҳамда жаҳон тараққиётидаги янгиликлар билан мутаносиб бўлиш имконияти юзага келади (лекин доим ҳам янгиликлар ривожланиш, қулайлик, тинчлик, тотувлик ва турли ижтимоий муносабатлар иқлими каби жиҳатларга зарар етказмайди, дейиш қийин);

2) Марказлашмаганлик – бошқа электрон ОАВдан фарқли равишда назоратнинг йўқлиги, географик жойлашувнинг аҳамиятсизлиги ва бунинг оқибатида тўсиқсиз равишда монополия ёки давлат назоратисиз ихтиёрий ахборотни тарқатиш. «Давлат ёки жамият назоратининг йўқлиги, маданиятни жар ёқасига олиб келади», – дейди Патрик Бюкенен ўзининг «Гарбнинг ўлеми» номли асарида. Маданият эса жамиятни ташкил қилувчи шахсларнинг ахлоқ нормалари ва принциплари асосида шаклланади ва тараққий этади;

3) Очиқлик – ахборот тарқатиш, алмашиш, яратиш учун кучсиз тўсиқлар ва паст нарх-навонинг мавжудлиги. Имконият бор жойда ривожланиш даражаси баландроқ бўлиши табиий, лекин инсонга чексиз имкониятлар берилгандан, у доим ҳам имкониятларидан фақат эзгулик йўлида фойдаланмайди;

4) Чексизлик – чексиз ахборотни сақлаш имконияти. Ахборот кўплиги инсон дунёқарашининг кенгайишини таъминловчи омиллардан бири, аммо ахбороттинг сифат кўрсаткичи хавфсизлик даражасида бўлиши зарур;


5) Интерактивлик – инсонлар ўртасидаги мулоқотни таъминлаш. Бунда инсон учун мулоқот обьектининг ушбу мулоқотдан кўзда тутган мақсади ва ғоясидан келиб чиқиб, мулоқот заарли ёки фойдали бўлиши мумкин;



6) Инфраструктуравий әркинлик – телефон тизимидан ташқари, ҳеч қайси инфраструктурага боғланмаганлик. Инфраструктуравий әркинликни юқоридаги марказлашмаганлик ҳамда очиқлик таърифлари билан боғлаш мүмкін;

7) Фойдаланувчи назорати – фойдаланувчи унинг компьютерига қандай ахборотнинг кираётгани ёки ундан чиқаётганини назорат қилиши мүмкінлиги. Агарда, З.Фрейднинг онгсизлик назариясига таянилса, инсон доим ҳам тұлық ва аниқ назорат қилиш қобилятига ега әмас;

8) Уюштирувчи – интернет сиёсий, диний ва шу каби турли хил нұқтаи назарлар жиҳатдан бир-бирига ўхшаш инсонларни уюштириши ва маълум мақсадлар йўлида бирлаштириши мүмкін. «Агарда инсонлар хайрия, атроф-муҳитни асраш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш каби турли маданий-маърифий ғоялар асосида бирлашишса, албатта, бу – жамият учун фойдали. Аммо диний мутаасиблиқ, терроризм, экстремизм, прозелитизм ғоялари остида бирлашиш ижтимоий хавфни юзага келтиради. Маълумот ўрнида тұхталиш зарур, бугунги кунга келиб, турли террористик ғояларни тарғиб-ташвиқ қылувчы веб-сайтлар сони 5000дан ошган» .



ОАВ (интернет ва ижтимоий тармоқлар) таъсир жиҳатлари маълум маънода очиб берилган бўлса-да, бир савол жавобсиз қолмоқда инсонлар нега ва қандай мотив ёки эҳтиёж таъсирида интернет ҳамда ижтимоий тармоқлардан фойдаланади? Кимберли Янгнинг шу соҳадаги тадқиқотлари натижасига кўра, «интернет аддикцияси» билан заарланган инсонлар (91%) мулоқот учун, (80%) ахборот олиш учун интернет ва ижтимоий тармоқларга мурожаат қиласа экан. Яна, уларнинг 86% ни анонимлик, 63% ни фойдаланиш әркинлиги, 58% ни хавфсизлик, 37% ни соддалик каби омиллар ўзига жалб қиласа экан. Шунингдек, Кимберли Янг инсонларнинг интернет ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланишига сабаб бўлувчи омилларни ҳам аниқлашга муваффақ бўлган, улар қуйидагилардир:

\*Ижтимоий-ҳиссий далда ёки кўмак эҳтиёжида, ёлғизликдан қутулиш учун;

- \*Турли хил қондирилмаган майлларини қондириш мақсадида (бунда асосан шаҳвоний майллар назарда тутилади);
- \*Бошқа зарарли одатлардан фориг бўлишда нажот излаш;
- \*Ҳаётдаги бахтсизлик, омадсизлик, бевафолик каби омиллардан етган зарар ўрнини қоплаш мақсадида;
- \*Зерикиш ёки дангасаликдан.

Ю.Досжанова



1. Инсоният учун энг кўп ахборот берадиган воситаларни атанг.
2. «Жамиятнинг ҳозирдаги интернет билан бевосита боғлилиги интернетнинг таъсири даражасини оширувчи омиллар нимадан иборат?
3. Интернетнинг имконият ва тавсифларини атрофлича (ижобий ва салбий жиҳатлардан) ўрганиб чиқиб, ўз мулоҳазангизни билдиринг.
4. Инсонлар нега ва қандай мотив ёки эҳтиёж таъсирида интернет ҳамда ижтимоий тармоқлардан фойдаланади?
5. Кимберли Янг инсонларнинг интернет ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланишига сабаб бўлувчи қандай омилларни кўрсатиб берди?
6. Мавзу юзасидан синфда гуруҳларга бўлинниб тақдимот тайёрланг ва синф олдида ҳимоя қилинг.
7. Матндан дарак ва сўроқ гапларга мисоллар топинг ва изоҳланг.

**Буйруқ гап** буюриш, илтимос, маслаҳат маъноларини ифодалайди. Буйруқ гаплар маъно жиҳатидан қўйидагича:

**Буйруқ, дўқни ифодалайди:** Қорангни кўрсатма?

**Илтимос, ялинишни ифодалайди:** Ҳазратим уни кечиринг (Ч.)

**Маслаҳатни ифодалайди:** Етти ўлчаб, бир кес. (Мақол)

Буйруқ гапларда оҳанг кучли бўлса, гап охирида ундов белгиси қўйилади. Буюрилган ишни ўз вақтида қил! Оҳанг кучсиз бўлса гап охирида нуқта қўйилади. Кўпинча маслаҳат маъноси ифодаланган буйруқ гаплар охирида нуқта қўйилади. **Ўқишга кирай дессанг, кўп ўқи.**

Буйруқ гапларнинг кесими буйруқ майлиниг II шахс шаклида бўлади. Баъзан III шахс шаклида ҳам келади. Шанбаликка ҳамма чиқсин. Дарак, сўроқ ва буйруқ гаплар – ҳис-ҳаяжонсиз гаплар ҳисобланади. Ундов гаплар ҳис-ҳаяжонли гаплардир.



## ЖУРНАЛИСТ МАҲОРАТИ – СИФАТЛИ КЎРСАТУВ ГАРОВИ

83-машқ. Матнни ўқинг ва муҳокама юритинг.

### ИНТЕРВЬЮ ОЛИШ ҚОИДАЛАРИ



**Савол:** Кескин интервью бўлса-да, меҳмонларга нисбатан нақадар адолатли муомала қилганингизни қандай билиш мумкин?

Интервьюоларнинг ҳам жуда кўп тури мавжуд ва уларнинг ҳар бири ўзича ёндашувни талаб қиласди, дейди Today дастурининг собиқ муҳаррири Кевин Марш.

Қандайдир баҳсли масалани муҳокама этиш мақсадини кўзлаган ёки бирор

бир айбловга муносабатни ўрганиш ниятидаги интервью анча шиддатли ва шафқатсиз бўлмоғи даркор – сизнинг саволларни бераётган журналист сифатида интервью бераётган шахснинг аудиторияга беписанд ёндашувини кечириб юборишга ҳаққингиз йўқ.

Бошқа томондан, сиз меҳмонга нисбатан адолатли муносабат намоён этишингиз шарт.

### СЭР РОБИН ҚОИДАЛАРИ

50 йилча илгари, ҳали кескин-кескин саволлар билан интервью қилиш урфга айланмаган йилларда ёш телебошловчи бўлган Робин Дей шундай деганди:

*“Журналистнинг аудитория номидан ноқулай саволларни қўйишга ҳаққи ва ҳатто мажбурияти бор”.*

Аммо ноқулай савол ножӯя савол дегани эмас.

Телевизион интервью ривожланиб борар экан, Сэр Робин, уни анча йиллар ўтганидан кейин сэр деб атай бошлишди, интервью учун қоидалар ишлаб чиқади. 1961 йилда Сэр Робин бу билан “қоидага мос ўйинни телевидениенинг шиддаткор ўткирлиги билан” уйғунлаштиришга қарор қилган эди.

Ушбу қоидалар тележурналистларга мүлжалланган, бироқ барча оммавий ахборот воситалари ходимлари қўллаши мумкин эди. Интервью олаётган фақат эркак киши бўлиши керак, деб ёзилган, бироқ орадан йиллар ўтиб, Сэр Робин ўзининг бу қоидаси учун автобиографиясида кечирим сўраган эди.

Мана унинг қоидалари:

- Телевизион интервью оловчи ўзининг журналист сифатидаги мажбуриятини адо этиши, саволлар бериши, факт ҳамда фикрларни ўрганиши шарт
- У ўзининг шахсий нуқтаи назарини бир четга суриб қўйиб, турли хил фикрларни акс эттирадиган саволларни бериши керак
- Унинг ёнида машҳур ёки қудратли шахс меҳмон бўлиб ўтирганидан ҳаяжонга берилишга ҳаққи йўқ
- Интервью оловчининг атайин кескин саволларни четлаб ўтиши, саволларни олдиндан тайёрлаб қўйиш билан интервью ҳаққонийлигига путур етказиши мумкин эмас
- Интервью оловчи иш берувчининг эфирда “обрўли” меҳмонни чиқариш ёки ҳукуматга ёқиши мақсадида саволларни юмшатиш ёки олдиндан интервью матнини ёзиб олиш каби илтимосларига кўнмаслиги керак. Бунга ўзининг норозилигини билдирганидан кейин журналист билан иш берувчи келиша олмасалар, журналист бундай интервьюдан воз кечиши керак
- Интервью оловчи ўзининг саволларини олдиндан меҳмон билан келишиб олишга мажбур эмас, аммо саволлар нима ҳақда бўлишини олдиндан боҳабар этиб қўйишнинг ҳеч ёмон жойи йўқ. Агар меҳмонга бериладиган саволлар аввалдан у билан келишиб олинган бўлса, журналист ожиз бўлиб қолади, жуда бир муҳим жойда аниқлик киритиш мақсадидаги саволни қўйиш ёки берилган жавоб тўғрилигини савол остига олиш лозим бўлиб қолганда ҳеч нарса қилолмайди
- Телевидениеда вақт қаттиқ чекланишини инобатга олиб интервью оловчи меҳмонга берилган саволга тўла жавоб беришига имконият бериши шарт
- Интервью оловчининг ўзининг касбий тажрибасини устун қўйиб, телевидениеда чиқиши билмайдиган инсонни атайин нокулай ахволга солишга ҳаққи йўқ.
- Журналист саволни ўзига ишонч билан, ўзининг мавқеида туриб бериши керак. Аммо ҳаддан зиёд тажовузкор, ҳақоратгўй ҳам кўринмаслик лозим.

Шуни ёдда тутиш лозимки, телебошловчи баҳс юритувчи, прокурор, терговчи ёки руҳшунос сифатида ишга олинмаган. У авваламбор томошабинлар номидан ахборот излаётган журналистдир.

Сэр Робиннинг қоидалари йиллар давомида синовдан ўтди ҳамда яхши интервью қилишнинг асосий тамойилларини ифодалаб бергани билан қимматлидир. Телевидение тарихида энг ақлли ва оғир саволлар берадиган интервью олувчи сифатида ном чиқарганига қарамасдан, Сэр Робин ҳеч қаҷон тақиқланган қитмирликларни қўлламаган, доим “қоида бўйича ўйин ўйнаган”.

Аудиторияга ҳам айнан мана шундай ёндашув ёқади. Би-би-сининг кўплаб телетомошабинлари ва радио тингловчилари айтишича, агар интервьюни яхши дид ёки савия даражасида олиб борилмаса, кўп ўтмай бундай суҳбатга томошабин ё тингловчининг қизиқиши сўнади. Интервьюдан кўзланган таъсирга эришиб бўлмайди, боиси асосий эътибор суҳбат қандай олиб борилаётганига эмас, интервью берувчи нималар деяётганига қаратилади.

Би-би-си танқидчиларининг сўзларига кўра, айрим машхур телебошловчиларнинг суҳбатни ҳаддан зиёд тажовузкор руҳда олиб боришлари ҳатто Британия сиёсий ҳаётига ҳам таъсир кўрсатган.

*Би-би-си Академияси <https://www.bbc.com>*



1. Кескин интервью бўлса-да, меҳмонларга нисбатан нақадар адолатли муомала қилганингизни қандай билиш мумкин?-саволига Today дастурининг собиқ муҳаррири Кевин Марш қандай жавоб берди?
2. Сэр Робин қоидаларини ўрганиб чиқинг ва гуруҳда муҳокама юритинг.
3. Журналист ким?
4. Сизнинг фикрингизча яхши журналист қандай бўлмоғи керак?
5. Матндан гапнинг мақсадига кўра турларига мисоллар топинг ва изоҳланг. Даиллар орқали таърифланг.

**84-машқ. Матнни ўқинг ва муҳокама юритинг.**

## **РАДИО МАТЕРИАЛ МАТНИНИ ЁЗИШ**

Радио материал матнини шундай ёзиш керакки, радиони эшитаётган кишининг чиндан-да уни тинглагиси келсин. Энг муҳими, ўзингиз нима ҳақида ёзаётганингизни тушунаяпсизми?

### **МОҲИЯТИГА ЕТИШ**

Радио учун яхши матн ёзиш учун эътиборга олиш лозим бўлган қатор жуда муҳим жиҳатлар бор. Энг муҳими, ўзингиз нима ҳақида ёзаётганингизни тушунмоқда-мисиз? Агар ёзган матнингизни ўзингиз тушунмасангиз, тингловчиларнинг гап нима ҳақида бораётганини англашлари даргумон бўлади, дейди Лора Барроу.



### **ТАСАВВУРГА ЭРҚ БЕРИНГ**

Матн шундай ёзилиши керакки, радиони эшитаётган кишининг чиндан-да уни тинглагиси келсин. Матн ёзишга ижодий ёндашинг, доимий йўлдан юрмасликка интилинг. Бу мақсадга сиз турли йўллар билан эришишингиз мумкин: матн ичига иқтибос қўшишингиз мумкин, озроқ жило беришингиз ёхуд ҳодиса тарихини қистириб ўтишингиз мумкин.

### **СОДДА ТИЛДА ЁЗИНГ**

Энг муҳими жаргон ва доим айтилавериб “сийқаси чиққан” иборалардан қочинг. Гап тузабётганда сифатлар ҳамда кўп рақам ишлатмаган маъқул, бу жумлаларни тинглаётган радио тингловчининг мазмунни тушунишини кийинлаштиради. Жумла ичидаги ҳар бир сўз ҳисобда турмоғи лозим.

## БИРИНЧИ ГАП

Биринчи жумла ҳаддан зиёд муҳим. Сиз янгилигингизнинг биринчи жумласи билан ўзининг юмушлари билан банд бўлиб турган тингловчи эътиборини радиога жалб қилишингиз, худди “Эшитинг, эшитинг, бир муҳим гап бор”, дегандек бўлишингиз лозим. Бомба портлаши ёхуд қотиллик ҳақидаги хабарнинг биринчи жумласиёқ тингловчи диққатини дарров тортади. Бироқ айрим хабарлар моҳияти биринчи гапидан ўзига радио тингловчи диққатини жалб қила олмайдиган бўлиши мумкин. Мисол учун, Радован Караджичнинг Уруш Жиноятлари бўйича Ҳаага трибуналида илк бор пайдо бўлиши ҳақидаги хабар. Ҳамма маҳкамама бошланадиган биринчи кунда фақат кичик расмиятчиликлар бўлиб ўтишини билар, бу хабарнинг энг муҳим янгилиги маҳкамама бошланиши эди. Шунинг учун биз бу хабарнинг эътиборни ўзига жалб этадиган бўлиши учун мана нима қилган эдик:

*“Соч-соқолини қалин ўстиргани уни таниб олишини қийинлаштирган ва шу йўл билан у ўн йилдан ортиқ вақт мобайнида БМТ терговчилари таъқибидан қутулиб юролган эди. Бугун эса соқоли қуртишланган, қора костюм кийиб, галстук таққан Радован Караджич Уруш Жиноятлари бўйича Ҳаага трибуналининг ҳакамлари қарисисида пайдо бўлди.”*

## БИ-БИ-СИ ҚАДРИЯТЛАРИ

Радио учун хабар матни Би-би-сининг таҳририй мезонларига мос бўлиши шарт. Материалда объективлик, холислик ва аниқликни таъминлаш Би-би-си мустақиллиги учун ҳаётий аҳамиятга эга талаблардир. Сиз воқеа-ходисаларни ёритаётганда турли мавқедаги тарафлар манфаатларига дуч келасиз, шундай эмасми? Бу сиёсий партиялар ёки бир-бири билан урушаётган ўзаро душманлар бўлиши мумкин.

## БИРОВНИНГ “НОФОРАСИГА ЎЙНАБ ҚОЛМАНГ”

Журналист сифатида биз кимнингдир бизни ўз йўриғига солишларига йўл қўя олмаймиз. Сиёсий партиялар ва турли гуруҳлар ўзларининг манфаатларига мос келадиган матннинг матбуотда пайдо бўлишини исташади, лекин ҳар доим ҳам улар истаган хабар жамият манфаатига мос келармисан? Мисол учун, яқинда Британия Транспорт вазирлиги ҳукумат янги поездлар ишлаб чиқариш мақсадидаги шартномани маъқуллагани ҳақида пресс-релиз тарқатди. Матбуот бу пресс-релиз асосидаги хабарни Британия учун яхши янгилик сифатида тарқатди, чунки бу билан иш жойлари сақланиши, балки янги иш жойлари пайдо бўлиши мумкин. Бироқ орадан бир неча соат ўтиб, ҳукумат танловида хорижий ширкат ютиб чиққани, бу ширкатга рақиб бўлган Британия компанияси ютқизгани маълум бўлди.

## ЭЪТИБОРЛИ БЎЛИНГ

Сиз ёзаётган матнингизга жуда масъулиятли бўлишингиз талаб этилади. Сизнинг журналист сифатидаги обрўингиз матнни нақадар тўғри ёзганингизга боғлик бўлади. Олдинги янгиликлар матнидан ёки веб-сайтдан нусха олиб қўйиб дуруст эмас. Ҳар доим фактларни текширинг.



1. Матн билан танишиб чиқинг, ҳар бир абзацга қўйилган сарлавҳага эътибор қаратинг. Нима англадингиз?
2. Энг муҳими, ўзингиз нима ҳақида ёзаётганингизни тушунаяпсизми? Буни қандай изоҳлайсиз?
3. Радиоматериал матнини ёзиш энг муҳим нарса нимада?
4. Биринчи жумла ҳаддан зиёд муҳим. Нега?
5. Бирорвнинг “ногорасига ўйнаб қолманг” жумласини қандай шарҳлай оласиз?
6. Матндан буйруқ гапни топинг ва изоҳ беринг, қандай тиниш белгиси қачон қўйилишини тушунтиринг.

Кучли ҳис-ҳаяжон билан айтиладиган гап ундов гап дейилади. Масалан, **Ҳаёт қандай гўзал!**

Ундов гаплар дарак, сўроқ ва буйруқ гапларнинг ҳис-ҳаяжон билан айтилишидан ҳосил бўлади. Ундов гаплар охирида ундов белгиси қўйилади.

Ундов гапларда оҳангнинг роли катта. Ундов гаплар даъват, ундаш, тилак-истак, шодлик, тантана афсусланиш маъноларини ифодалайди.

Ундов гаплар қўйидагича ҳосил бўлади:

1. **Ундов сўзлар ёрдамида:** О, гўзаллигини қара!
2. **Ҳис-ҳаяжон оҳангига ёрдамида:** Она! Мехрибон она!
3. **Қандай, қанча, нақадар, наҳотки** сўзлари ёрдамида. Қандай жозибали кўй!

Ундов гапларда сўроқ маъноси ҳам бўлса тиниш белгилар қўйидагича қўйилади:

- а) сўроқ мазмуни кучли бўлса олдин сўроқ, кейин ундов белгиси қўйилади: Нимага қаққайиб турибсан?!
- б) Ҳис-ҳаяжон мазмуни кучли бўлса олдин ундов, кейин сўроқ белгиси қўйилади: Қани бу ерда инсоф, қани бу ерда адолат деган нарса!? (Х.Х.)



## ЖОНЛИ ЭФИРДА МУЛОҚОТ - НАЗОРАТНИ ЙЎҚОТМАСЛИКНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

85-машқ. Матнни ўқинг ва муҳокама юритинг.

### ЖОНЛИ ЭФИРДА МУЛОҚОТ: МЕҲМОНЛАР



Агар жонли эфир пайти студиянгизда меҳмонлар бўлса, дастурингизнинг қандай бориши номаълум, айни пайтда эшиттириш янада қизиқарлироқ ҳам бўлади, дейди Биби-си дастур бошловчиси Жулиан Воррикер.

Бир пайтлар икки хил нуқтаи назарга эга икки меҳмонни студияда бир-бирига қарама-қарши ўтқизиб,

гапиритириш удумга кирган эди... Ҳозир ҳам ана шу шаклда баҳс уюштиришнинг ҳеч ёмон жойи йўқ. Аммо баъзи мавзулар шундай бўладики, уларни фақат икки қутбдан иборат қирралардан иборат деб айтиб бўлмайди.

Шундай экан, бирор бир мавзуни кўтармоқчи бўлсангиз, биринчи меҳмонни 20 дақиқага таклиф этинг, кейин ўрнига иккинчи меҳмонни студияга киритинг, ундан сўнг яна бир меҳмонни... Кейин учталасини ҳам студияга таклиф этинг.

Бундай эшиттиришнинг энг зўр томони шуки, унинг учун мутлақо қоида йўқ. Янги меҳмоннинг студияга кириб келиши телефон орқали боғланадиганларга эътибор қаратишга ёрдам беради.

Баҳсни бир ярим соат давом этириинг, бу фурсат мобайнида янгидан-янги телефон қўнғироқларини истайдиган одамлар топилиши тайин.



## ҚҮНФИРОҚ ҚИЛУВЧИЛАРНИ СИНАШ



Сиз радиодастур бошловчиси сифатида қанча кўп телефон мулокотлари ўтказсангиз, сизни шунча кўп тингловчи танийди, кўп одам ўзини сизни яхши биладиган, деб ҳис қилиб қолади.

Радиодастурда кўтарилаётган мавзу борасида фикр-мuloҳаза билдиримоқчи бўлиб телефон қўнфироғи қилган одам эфирга кириб келиб, мавзу бўйича ўйлаганларини тўғридан-тўғри гапириб кетавериши тўғри эмас. Айни бир пайтда биз ҳамма

одамдан ҳам сиёсатчи даражасида фикр юритишни талаб қила олмаймиз, бунинг учун ҳам қўнфироқ қилган одамни айблаб бўлмайди. Аммо баъзан қарор қабул қиласидиган шахсларга бериладиган саволларни қўнфироқ қилган тингловчига бермаслик лозим.

Бу ерда ҳам ёзиб қўйилган аниқ қоида йўқ. Айрим кишилар яйраб, қўнгилдан суҳбатлашишса, бошқа бир одам бир-икки саволдан кейин қисиниб-қимтиниб қолади. Дастурни олиб бораётган киши бу нарсани доим ёдида тутиши зарур.

Бошловчи сифатида бир неча инсоннинг хафа бўлиб қолишига ва бу хагарчилик келтириши мумкин бўлган оқибатларга сиз тайёр турмогингиз керак. Айни пайтда исбот-далилсиз кўп гапириб юборганларни танқид қилишга ҳам тайёр бўлишингиз керак. Сиз ҳеч қачон олдиндан айттолмайсиз, балки кимнингдир фикрига қарши бориб гапиришингизга тўғри келар.

Лекин шуниси аниқки, сиз билмаган нарса ҳақида гапирилаётган бўлса, бу радиосуҳбатни шу соҳанинг билимдони тинглаётган бўлиши мумкин. Ҳозирги интерактив замонда бу билимдон кишининг сиз билан кейинги суҳбатдош бўлиши фурсати ораси узоқ бўлмаслиги мумкин. Ана шундай вазиятда мувозанатни ушлаш фойдалидир.

### КУТИЛМАГАН НАРСАЛАРГА ТАЙЁР БЎЛИШ

Сиз ўзингизнинг хонадонингизда уй юмушлари ёхуд бошқа бир машфулот билан банд бўлиб, “бир қулоғингиз билан радиони тинглаб турган пайтингиз” кимнингдир бирорвнинг шаънига ҳақорат қилаётганини ё кимгадир “мағзава ағдараётгани”ни әшитиб қолишингиз мумкин. Бундай ҳодисалар учраб туради.



Ҳақорат жиддий нарса, шунинг учун радиода дастурни олиб бораётіб, сұхбатлашаётгап пайтда бир шахснинг бошқа шахс ҳақидағи хуш күрилмайдын сўзларини эшитиб қолсангиз, унга шундай денг: “Тушунарли, жаноб Х айни дақиқада сизнинг бу каби айбловингизга жавоб беролмайды, сабаби у бу ерда әмас. Шундай

экан, сиз айтаётган гапларнинг ҳақиқат эканига ишонч ҳосил қилишнинг имкони борми ҳозир? Агар шундай бўлса, мен сизнинг гапларингизни давом эттиришингизга рухсат берган бўлардим”.

Агар студиядаги микрофон бошқаруви сизнинг қўлингизда бўлса, бутингловчининг овозини пасайтириб, сұхбатга якун ясаш мумкин, агар овоз бошқаруви ёнингизда бўлмаса, студия менеджеридан ҳақораттўй билан алоқани узишни илтимос қилиш мумкин.

Сиз билан телефон мулоқотида жонли эфирда гапираётган киши ножӯя амаллар билан намоён бўлишни бошласа, сиз уни огоҳлантириңг: “Сизнинг гапингизни бўлаётганим учун узр, аммо сиз айтаётган гапларни тинглаётган одамлардан кимdir ўзини ҳақоратланган ҳис қилиши мумкин. Шунинг учун мен студиямизга қўнғироқ қилган бошқа тингловчимизга ўтаман”.

Сиз тингловчилардан узр сўрашингиз лозим. Би-би-си хонадонларига сўкинишни олиб кирганидан одамларнинг кўнгли хира бўлиши тайин, шунинг учун сиз Би-би-сининг Тахририй сиёсатидаги ёмон тил ҳақидағи бўлимини доимо ёдда тутишингиз лозим. Шунингдек, жонли эфир вақтида жиддий кутилмаган ҳодисаларга доим тайёр туринг.

Кутилмаган нимадир юз берганда ўзингизни йўқотиб қўйманг. Жонли эфир вақтида назоратни йўқотиш оқибатлари хунук бўлиши мумкин. Шунинг учун совуққонлик муҳим.



1. Жонли мулоқот бошқа эфирдан нимаси билан фарқланади? Расмдаги кишилар сизга танишми, улар кимлар?
2. Радиодастурда кўтарилаётган мавзу борасида фикр-мулоҳаза билдиримоқчи бўлиб телефон қўнғироғи қилган одам сухбатни ўзининг қўшиғи билан давом эттириди. Сизнинг ҳаракатингиз?
3. Сиз билан телефон мулоқотида жонли эфирда гапираётган киши ножӯя амаллар билан намоён бўлишни бошласа, сиз уни қандай огоҳлантирасиз?
4. Жонли эфир пайтида журналистдан нима талаб этилади?
5. Ундов гапларга таъриф беринг мисоллар келтиринг.
6. Дарсликнинг илова қисмидаги матндан радио учун янгиликларнинг қисқа баёнини ёзиш ҳақида маълумот олинг ва фикр баён этинг.

## VIII БҮЛИМ

## ТАБИЙ РЕСУРСЛАРДАН ТЕЖАМКОРЛИК БИЛАН ФОЙДАЛАНИШ



...Аслида «ресурс» сўзи француз тилидан олинган бўлиб, «яшаш воситаси» деган маънони англатади. Ресурс деганда табий жисмлар ва фойдаланила-диган энергия турлари тушунилади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, «табий ресурслар» тушунча-сини кўпгина олимлар турлича таърифлашади. Масалан, географ олимлар, академик И.П.Герасимов ва профессор Д.Л.Арманд табий ресурсларга энг тўлиқ таъриф берганлар: «табий ресурслар – кишилар бевосита табиатдан оладиган ва уларнинг яшиши учун зарур бўлган хилма-хил воситалардир».

# 1

## ТАБИЙ РЕСУРСЛАР – ИНСОН УЧУН

**86-машқ.** Матнни ўқынг, топшириқларни бажаринг.



Аслида «ресурс» сўзи француз тилидан олинган бўлиб, «яшаш воситаси» деган маънони англатади. Ресурс деганда табиий жисмлар ва фойдаланиладиган энергия турлари тушунилади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, «табиий ресурслар» тушунчасини кўпгина олимлар турлича таърифлашади. Масалан, географ олимлар, академик И.П.Герасимов ва профессор Д.Л.Арманд табиий ресурсларга энг тўлиқ таъриф берганлар: «табиий ресурслар – кишилар бевосита табиатдан оладиган ва уларнинг яшashi учун зарур бўлган хилма-хил воситалардир».

Шундай қилиб, табиий ресурслар кишиларнинг яшashi учун зарур манбаларга ва меҳнат воситалари манбаларига бўлинади. Аслида, табиий ресурслар иккита асосий гуруҳга бўлинади:

*Моддий ишлаб чиқариш ресурслари.* Бу гуруҳга ёқилғи маҳсулотлари, металлар, сувлар, ёғоч-тахта, балиқ, овланадиган ҳайвонлар киради.

*Ишлаб чиқаришдан ташқари соҳа ресурслари.* Бу гуруҳга ичимлик суви, дараҳтзорлар, иқлим ресурслари ва ҳоказолар киради.

Табиий ресурсларга озиқ-овқатга ишлатиладиган ёввойи ўсимликлар ва ҳайвонлар, ичимлик суви ва бошқа мақсадларда фойдаланадиган сувлар,

металлар олинадиган маъданлар, қурилишга ишлатиладиган ёғоч тахталар, энергия ва ёқилғи манбалари бўлган кўмир, нефть ва табиий газлар киради. Табиий ресурслар 2 турга бўлинади.

1. Тугайдиган табиий ресурслар
  2. Тугамайдиган табиий ресурслар
- Тугайдиган табиий ресурслар ўз навбатида 2 гуруҳга бўлинади.
1. Тикланадиган ресурслар
  2. Тикланмайдиган ресурслар

Тикланмайдиган табиий ресурсларга ер ости табиий бойликлари ва фойдали қазилмалар, яъни маъданли ва маъдансиз қазилмалар киради. Улар фойдаланаётган даражадан миллион-миллион марта секин тикланадиган табиий ресурслар ҳисобланадилар. Бундай ресурсларни тиклаб бўлмас экан, минерал ресурслардан самарали фойдаланиш, уларни тежаб-тергаб ишлатиш ва уларни қазиб олинаётганда ерларга заرار етказилишига йўл қўймаслик зарур.

Тикланадиган табиий ресурсларга тирик мавжудотлар, ўсимлик ва ҳайвонлар, дараҳтлар, шунингдек, тупроқ киради. Тупроқ йўқ бўлиб кетмайди, балки асосий хоссасини – унумдорлигини йўқотиши мумкин. Бундай ресурслардан фойдаланаётганда шуни эсда тутиш керакки, муайян табиий шароитнинг бузилиши уларнинг қайта тикланишига халақит бериши мумкин. Масалан, ҳозирги вақтда бутунлай қириб юборилган кўпгина ўсимлик ва ҳайвонот турлари, шунингдек, эрозия натижасида бутунлай таркиби бузилган тупроқлар қайтадан тикланмайди. Бундан ташқари, шуни ҳам ёдда тутиш керакки, тикланадиган табиий ресурсларнинг пайдо бўлиш жараёни маълум тезликка эга бўлиши керак. Масалан, отиб ташланган ҳайвонларнинг қайтадан пайдо бўлиши учун бир ёки бир неча йил керак, аммо дараҳтлари кесиб ташланган ўрмон камида 60 йилдан кейин қайта тикланиши мумкин. Ер қобигида тупроқнинг унумли ва ҳосилдор қатламини ҳосил бўлиш жараёни ниҳоятда секинлик билан кечади. 100 йилда 0,5 см дан 2 см гача тупроқ ҳосил бўлади. Таркиби ўзгарган тупроқни яхшиланиши учун эса бир неча минг йил вақт керак. 20 см қалинликдаги унумдор тупроқ ҳосил қилиш учун табиат 2000 йилдан 7000 йилгacha вақт сарфлайди. Шунинг учун табиий ресурсларни ишлатиш тезлиги, уларнинг тикланиш тезлигидан ошиб кетмаслиги керак.

Тикланадиган табиий ресурслар учун зарурий шароит яратиб берилса, улар инсон эҳтиёжларини қондиришга абадий хизмат қилиши мумкин.

Тугамайдиган табиий ресурсларга сув, иқлим ва космик ресурслар киради.

Сув барча тирик организмлар учун ҳаёт манбай бўлиб З та физик ҳолатда: қаттиқ(муз), суюқ ва буғсимон ҳолатларда учрайди. Ер шарида сувнинг умумий миқдори битмас-туганмас бўлиб, ҳеч қачон ўзгармаса керак, бироқ инсоннинг фаолияти натижасида сувнинг заҳираси ва миқдори ер шарининг айрим минтақаларида турли даврларда турлича бўлиши мумкин.

Дунёдаги сувларнинг 94% и океанлардадир. Бевосита фойдаланишга яроқли бўлган ичимлик сувининг заҳиралари 1% ни ҳам ташкил этмайди. Бирок битмас-туганмас хисобланган денгиз сувлари ҳам ўта ифлосланиш ҳавфи остида турибди. Чучук сув эса сифат жиҳатидан тугайдиган ресурс ҳисобланади. Чунки инсонга ҳар қандай сув эмас, балки истеъмол қилиш учун яроқли тоза сув керак. Ер шарининг кўпгина минтақаларида сувдан самарасиз фойдаланиш, дарёларнинг саёzlаниб қолиши ва бошқа сабаблар оқибатида ичимлик суви миқдори кескин камаймоқда.

Худди шунга ўхшаган миқдор жиҳатдан олганда атмосфера ҳавоси тугамайдиган табиий ресурсларга киради, аммо сифат жиҳатдан олганда у тугайдиган ресурсларга киради. Қуёш радиацияси (ёруғлик, иссиқлик), атмосфера ҳавоси, шамол, сув ва тўлқинлар энергияси иқлим ва космик ресурсларга киради. Ёғингарчиликлар эса сув ресурсларига ҳам иқлим ресурсларига ҳам киради.

Сайёрамизга келаётган Қуёш нурларининг ярмидан кўпроғи энергиянинг бошқа турларига айланади. Уларнинг муайян қисми тупроқ, сув ва атмосфера ҳавосини совутишга сарф бўлади ва аста-секин фазога тарқалмайди. Уларнинг муайян қисми ўсимликлар томонидан ўзлаштирилади. Қуёшнинг нурли энергия заҳиралари миллиард-миллиард йилларга этиши мумкин. Шунинг учун Қуёш энергияси битмас-туганмасдир.

Атмосфера ҳавоси тирик организмлар учун ҳаёт манбаидир. Ҳаво битмас-туганмас, лекин унинг таркиби ўзгариши мумкин. Ҳаво таркибида карбонат ангидрид, радиоактив моддалар, турли газларнинг механик аралашмалари, кул, чанг ва бошқа моддалар мавжуд. Бундай ифлосликларни саноат корхоналари ва хусусан, транспорт воситалари чиқаради. Бу эса инсон соғлигига катта салбий таъсир кўрсатади.

Тугамайдиган ресурслардан самарали фойдаланиш учун уларни тоза сақлаш ва, энг аввало, сувни тежаб-тергаб сарфламаслик керак.

(<http://uz.denemetr.com>)



1. Матнни синчилаб ўқиб чиққаң, охирги 4 абзаци устида ишланг. Матнда йўл қўйилган хато ва камчиликларни қайта кўриб чиқиб тузатинг, таҳрир қилинг.



2. Матнда қандай долзарб масала кўтарилилган? «Баҳс-мунозара» усули орқали турухларда мухокама қилинг.



3. Матн мазмунидан фойдаланган ҳолда «Табиий ресурслардан тўғри фойдаланяпмизми?» мавзусида ижодий иш ёзинг.

4. Қўйидаги жадвални намуна асосида 2-3 мисоллар билан тўлдиринг.

Мавзуга оид очиқ саволлар Намуна	Жавобни тўлдирувчи далил/факт/аргументлар Намуна	Қўйидагича хуносаланг Намуна
Агар сув тугамайдиган ресурс ҳисобланса, чучук сувтанқислиги муммоси қаердан келиб чиқди?	Жавоб: бу муаммонинг келиб чиқиш негизи шундаки, сувдан нотўғри фойдаланиш оқибатида унинг сифати ўзгариб, фойдаланишга яроқлилиги камайиши мумкин. Бунга ҳозирги кунда чучук сувларга кўп миқдорда оқаваларнинг ташланаётгани, денгиз ва океан сувларининг нефть маҳсулотлари билан ифлосланиб, уларнинг яроқлилиги камаяётганини мисол қилиш мумкин. Гарчи умумий сув ресурслари тугамайдиган ресурс ҳисобланса-да, лекин дарё сувлари тугайдиган ресурсларга киради. Маълумотларга кўра ҳозир ҳар йили дарёлар сувининг 13 % и майший-хўжалик мақсадларида фойдаланилади ва бу сувларнинг 5,6% и кучли ифлосланганидан тикланмайдиган ҳолатга ўтади.	Табиий ресурслар – бу инсон ўзининг ҳаёт фаолияти учун табиатдан оладиган ва келажакда олиши мумкин бўлган барча ноз-неъматлардир. Табиат инсон учун яшаш мұхити ва ресурслар манбаи ҳисобланади. Атмосфера ҳавоси, ер, сув, қуёш нури, иқлим ер ости бойликлари, иқлим, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси – буларнинг барчаси табиий ресурслардир.

5. Матндан гапнинг мақсадига кўра турларига ва тузилишига кўра турларига мисоллар топинг ва изоҳланг. Содда ва қўшма гаплар орасидаги фарқли ва ўхшаш томонларини айтинг.

### **ЁДДА САҚЛАНГ!**

Нутқда гаплар ўзаро мазмунан боғланади. Гапларнинг ўзаро боғланиши натижасида бир мураккаб фикр ифодаланади.

Бир мураккаб фикрни ифодалаш учун хизмат қилиб, турли воситалар орқали боғланадиган мустақил гаплардан тузилган бутунлик **мураккаб синтактик бутунлик дейилади**: Шамол кучайгандан кучайиб, булатни суриб кетди. Булат четлари худди ёнаётган қофоз четига ўхшарди. Шу зар булатлар орасидан кўк шишадек бўлиб осмон кўринди. (С.А.)

Мураккаб синтактик бутунлик камида иккита алоҳида гапдан ташкил топади. Синтактик бутунниклар 10-15 гапдан ҳам иборат бўлиши мумкин. Икки кишининг сұхбати, яъни диалог шаклидаги нутқ бир синтактик бутунлиқдир.



### 87-машқ.

Яқин йилларда ёки узок муддат даврида тамом бўладиган ресурслар тугамайдиган ресурслар деб аталади. Бундай ресурсларга даставвал ер ости бойликлари ва тирик табиат ресурслари киради. Тугайдиган ресурслар атамаси нисбий маънода ишлатилади, чунки қачонки олинадиган ўлжалар иқтисодий самараисиз ҳолатига келиб қолса, уни тугайдиган ресурслар деса бўлади. Масалан, баъзан нефть конларида 30% нефть маҳсулоти қазиб олинганда ундан кейин фойдаланиш иқтисодий самараисиз бўлиб қолади. Бироқ ҳозирги кунда яратилган илғор технологиялар ёрдамида нефть конларидан 60-70 % гача нефть чиқариб олиш мумкинлиги маълум. Бошқа бир маълумотларда эса табиий ресурслардан уларнинг тамомила йўқолиб кетишигача (тамом бўлишигача) фойдаланса бўлади. Жумладан, баъзи бир ҳайвон ва ўсимликлар турлари ёки экотизимдан нотўғри фойдаланиш натижасида уларни бутунлай йўқотиш мумкин. Бунга орол денгизи, унинг атрофидаги экотизим ва ундаги баъзи бир ҳайвон ва ўсимлик турларининг йўқолиб кетганлигини мисол қилиб олиш мумкин.

Чекланмаган даражада фойдаланиш имконияти бўлган ресурсларга тугамайдиган ресурслар дейилади. Чунончи қуёш энергиялари, шамол, океан ва денгиз сувларининг кўтарилиши ана шундай ресурслардир. Бироқ бу мисолимизда ҳам тугамайдиган тушунча нисбий маънода ишлатилади. Юқорида келтирилган ҳар бир тугамайдиган ресурсларнинг фойдаланиш лимити бўлиб, ундан ортиқча фойдаланса, ташқи муҳит учун хавф туғдириши мумкин. Масалан, аниқ бир чегарадан ортиқроқ қуёш энергиясидан фойдаланиш ер атрофидаги муҳит ҳароратини оширади ва термодинамик кризисга олиб келиши мумкин. Ресурслар орасида сув алоҳида ўрин эгаллайди. У ҳам вактинча бўлса ҳам, тугайдиган ресурслар ҳисобланади, чунки миқдор жиҳатдан чексиз тугамаса ҳам, ифлосланиш натижасида унинг сифати бузилади. Ер юзида сувнинг захираси ўзгармайди, бироқ сув муҳит қисмлари (океан, қуруқлик, атмосфера) орасида қайта тақсимланиб ёки ҳар хил шаклларда (суюқлик, қаттиқ (муз), буғ) шаклларда айланиб юри-

ши мумкин. Табиий ресурсларнинг тугаб бориши инсоннинг олдида турган муаммолардан бири ҳисобланади.

Ресурслардан фойдаланиш суръати аҳоли сонининг ўсишидан зиёдроқ бўймоқда. Б.Скиммир (1989) маълумотларига қараганда ҳозирги кунда аҳолининг ўсиши ер юзи бўйича 1,7 % ни ташкил этиб, ҳар 41 йилда у икки марта ортиб борса, олтин қазиб олиш 4 % бўлиб, у ҳар 18 йилда икки марта ортади ёки минерал ресурсларни қазиб олиш 7 % га кўпайиб, у ҳар 10 йилда икки марта ортиб бормоқда.

Собиқ иттифоқ даврида 1951-1980 йиллар ичида аҳолининг сони 1,4 марта ошган ҳолда темир қазиб олиш 2,8 марта, темир рудалари қазиб олиш 6,3 марта, цемент 12,2 марта, нефт 16 марта ва минерал ўғитлар қазиб олиш эса 12 марта кўпайган (М.А. Воронков, 1999). Табиат миллион йил мобайнида тўплаган ёқилғи ҳозирги вақтда бир йилда ёқиб тугатилмоқда. Ҳисобларга кўра ҳозирги кундаги қазилма ёқилғилардан фойдаланиш суръати сақланиб қолинса, нефт захиралири яна 30 – 40 йил, газ 40-45 йил, кўмири 70-80 йилга етади холос.

Н. Ф. Реймерс (1990) маълумотларига қараганда капиталистик ва ривожланаётган мамлакатлардаги (Россияда) калий тузлари тошқўмир ва фосфатлар 2100 йилга, марганий рудалари 2090 йилга, бакситлар, никель 2040 йилга, мис, молибден, табиий газ 2020-2030 йилларга, кобальт, кўргошин, руж, асбест, олмос, суръма, вольфрам захиралари эса 2010 – 2015 йилларга бориб тугайди.

Бу табиий ресурсларнинг ўрнини Б.Скиннер фикрича, қуёш энергияси эгаллайди. Унинг айтишича, яна бир ёки икки асрлардан сўнг ердаги асосий энергия манбаи қуёш энергияси бўлиб қолади.



1. Матн типи, услугини аниқланг. Фикрингизни матнга таянган ҳолда далиллар билан билдиринг.
2. Матннинг асосий мавзуси, ғоясини ёритувчи режа тузинг.
3. Матнда кўтарилган муаммонинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда уни ҳал этиш йўллари ҳақида фикрингиз билан ўртоқлашинг.

Муаммо	Унинг келиб чиқиш сабаблари	Ҳал этиш йўллари

4. Мураккаб синтактик бутунлик деган тушунчани қандай идрок әтдингиз? Матнда шундай бутунликлар борми? Аниқланг.



## 88-машқ.

### ТАБИЙ РЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ПРИНЦИПИ ВА ҚОИДАЛАРИ

Табиий ресурслардан фойдаланишнинг принцип ва қоидалари табиатдаги барча предмет ва ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлигига асосланган бўлиб, улар қуидагилардир:

*биринчи қоида* – кўпқирралик қоидаси. Бу қоидага кўра табиий ресурслардан фойдаланишда уларнинг кўп қиррали аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиш зарур. Масалан, ўрмон ресурсларидан фойдаланишда шуни ҳисобга олиш керакки, ўрмон халқ хўжалиги учун ёғоч манбаи бўлиб ҳисобланади. Бу ёғоч қурилишда ва кимё саноати учун хом ашё бўлиб хизмат қиласди. Лекин ўрмон ресурслари бундан ташқари ҳавога кислород етиштириб беради, тупроқда намликни сақлайди, тупроқни ювилиб кетишдан асрайди, микроклимат ҳосил қиласди, инсонга мева-чевалар етказиб беради. Колаверса ўрмон ёввойи ҳайвонлар учун яшаш маскани бўлиб ҳам хизмат қиласди. Буни дарё мисолида ҳам кўриш мумкин (у чучук сув артерияси, қулай ва арzon транспорт коммуникацияси, гидроэлектростанцияларни ҳаракатга келтирувчи куч ва х.).

*иккинчи қоида* – регионаллик қоидаси. Ҳар бир жойнинг табиий ресурсидан фойдаланишда бу ресурснинг ўша жойдаги миқдорини ҳисобга олиш зарур. Масалан, Ер юзининг турли регионларида сув ресурслари турлича жойлашган. Агар шимолий регионларда сув сероблигидан ер ботқоқлашган бўлса, жанубда сув танқислигидан ерлар қақраган. Шунинг учун сувдан фойдаланишда бу жойларда ҳисоб-китобли иш юритилиши лозим;

*учинчи қоида* – ўзаро боғлиқлик қоидаси. Бу қоидага кўра бирор табиий ресурсдан фойдаланиш у билан боғлиқ бўлган бошқа ресурснинг ҳолатига ҳам таъсир қиласди. Масалан, маълум майдонда рудали маъданларнинг кўплаб олиниши ўша жойнинг рельефи ва бошқа табиий ҳолатларига таъсир қиласди, натижада бу жойларнинг ўсимлик ва ҳайвон дунёси ўзгариб кетади; элементар ресурс ҳисобланган азотнинг ҳаводан кўплаб сўриб олиниши унинг ўрнини бошқа газлар әгаллашига олиб келади ва х.;



1. Табиий ресурслардан фойдаланиш принциплари нималардан иборат? Ўз фикрингизни баён этинг.
2. Табиий ресурслардан фойдаланишнинг уч қоидаси устида фикр юритинг ва изоҳланг.
3. Агар қоидаларга амал қилинмаса, қандай ҳолат рўй беради деб ўйлайсиз, оқибатда нима бўлиши мумкин?
4. Матндан камида иккита алоҳида гапдан ташкил топган мураккаб синтактик бутунликка мисол топинг ва фикрингизни далилланг.



## ТАБИЙ РЕСУРСЛАРНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ



### 89-машқ.

Ибтидоий одамлар табиий ресурслардан фойдаланиш давомида уларнинг камайиши ҳодисасини сезиб, ўз ҳаётларини давом эттира олишлари учун бу ресурсларни муҳофаза қилиш керак эканлигини тушуниб етгандар. Аммо бу фақатгина масаланинг иқтисодий томонини ҳисобга олган ҳолда муҳофаза қилиш эди. Жамият ривожининг кейинги даврларда инсон тафаккурининг ўсиши билан табиат муҳофазасининг бошқа жиҳатлари ҳам келиб чиқабошлади.

Табиат ва табиий ресурсларни муҳофаза қилишнинг жиҳатлари куйидагилардан иборат:

1) *иқдисодий жиҳат* – узоқ ўтмишда келиб чиқсан бўлиб, ҳозирги замон ва келажак учун ҳам мухимdir. Инсон ўз иқдисодий ҳолатини яхшилаш учун табиий ресурсларни ўзлаштиради. Маълумотларга кўра қазилма бойликлардан фойдаланиш 1940 йили аҳоли жон бошига дунё бўйича ўртача 7,4 т.ни ташкил қилган бўлса, 2000 йилга келиб бу миқдор 35-40 т.га етди. Ҳозирги вақтда ҳар йили ер остидан 1000 млрд т ёқилғи ва қурилиш материаллари қазиб олинади, 800 млн.т. металл эритилади. 1984 йил маълумотига кўра Ер юзида 2,5 млрд т. нефть ва 20 млрд. т. қўумир ёқилган, 2 млрд м<sup>3</sup> ёғоч ишлатилган, 50 млн. т. балиқ, қисқичбақа ва моллюскалар овланган.

Хулоса қилиб айтганда, биз табиий ресурслардан қанчалик кўп фойдалансак, шунчалик иқтисодиётимиз кўтарилидади, аммо бунда уларнинг тугаб қолиши мумкинлигини ҳисобга олиб, уларни иқтисодиёт зарурияти учун ҳам муҳофазақилиш зарур.

2) *гигиена – согломлаштириш жиҳати* – атроф-муҳит ифлосланишинг кишилар соғлигига таъсир кўрсатиши муносабати билан яқин ўтмишда келиб чиқди. Иқдисодиётни кўтариш учун табиатга ўтказиладиган таъсир, агар у пухта ўйлаб қилинмаса, тескари натижалар бериши мумкин. Масалан, 1959 й. АҚШ нинг Мичиган штатида япон қўнғизларига

қарши далаларга сепилган заҳарли химикатлардан тупроқ жиддий заҳарланиб, унинг ҳосилдорлиги пасайиб кетди, бундан ҳайвонот олами ҳам жиддий зарап кўрди. Яшаётган муҳитимиз соғлигини сақлаш саломатлигимиз гаровидир, шунга кўра соғломлаштириш жиҳатининг муҳимлиги доимо сақланиб қолади.

3) *тарбиявий жиҳат* – инсонда меҳр-шафқат, олийжаноблик ҳислари ни тарбиялашда табиат кенг ўрин эгаллайди. Табиатни дилдан севадиган кишилар одатда кўнгилчан, хушфеъл, нозик дидли, Ватанига, халқига ва дўстларига содиқ, ватанпарвар кишилар бўлади. Шунинг учун ҳам бола боғча ёшиданоқ табиатни севиш руҳида тарбияланади.

4) *эстетик жиҳат* – тарбиявий жиҳат билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, у ҳам инсоннинг шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Агар инсон табиатдан эстетик завқ олмаганида эди, халқ орасидан ёзувчи ва шоирлар, қўшиқчи ва бастакорлар етишиб чиқмаган бўлар эди. Бетховен ва Римский-Корсаков мусиқа яратишда қушларнинг сайрашидан фойдаланганлар. Ўзекистон ёзувчилар жамияти қароргоҳининг сўлим табиатли Дўрмонда жойлашиши ҳам шундан.

Эстетик жиҳат қадимда келиб чиққан бўлиб, қадимги одамлар тошларга турли ҳайвонлар суратини чизиб қолдирганлар. Буни Навоий шахри яқинида жойлашган Сармўш ҳудудидаги тоғ тошларида ҳам кўриш мумкин.

5) *илмий идрок қилиши жиҳати* – халқ хўжалигининг барча соҳалари учун, айниқса, техника тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этади. Кишилар ўзларининг барча яратувчанлик ишларида табиатдан андаза олганлар.

Эрамиздан аввалги 460-370 йилларда яшаб ўтган юонон файласуфи Демокрит бу тўғрида шундай деб ёзган эди: «Биз муҳим ишларни бажаришни ҳайвонлардан ўргандик, аниқроқ қилиб айтганда, биз тўқиши ва бичиши-тишиш касбини ўргимчакдан, уй қуришни қалдирғочдан, қўшиқ айтишини сайроқи қушлардан, оққуш ва булбулдан ўргандик».

Ҳайвонлар, шу жумладан, қушлар, асаларилар ва ҳатто саҳро чумолилиари ҳам бир ердан бошқа ерга кўчганларида кетиб-келиш йўналишларини осмондаги фазовий жисмларга қараб белгилайдилар. Инсон самолётни яратишда ниначининг учиш принципига, ультратовушни тутувчи локаторларни яратишда эса кўршапалакнинг сезги органлари иш принципидан фойдаланган. Демак, қайта тикланадиган ва тугамайдиган ресурслардан тўғри фойдаланганда улар ҳеч қачон тугаб қолмайди. Аммо қайта тикланмайдиган ресурслар қачонлардир тугаши мумкин. Лекин инсон ақл-заковатининг маҳсули сифатида буларнинг ўрнига сунъий ресурслар яратилиб фойдаланилмоқда. Масалан: металл ўрнига пластик маҳсулотлар (қувурлар, подшипниклар ва х.) яратилиб, фойдаланилмокда.



1. Қүйидаги саволлар устида гурухларда мұхқама юритинг:
  - Табиий ресурс деганда нимани тушунасиз?
  - Табиий ресурслар чекланған ва чекланмаганлигига күра қандай гурухларга бўлинади?
  - Нима учун баъзи ресурслар тикланадиган ва бошқалари тикланмайдиган ресурслар гуруҳига киритилган?
  - Тикланадиган ресурслар тикланмаслиги мумкинми?
  - Тугамайдиган ресурсларга мисоллар келтириңг.
  - Табиий ресурслардан фойдаланишда қандай қоидаларга амал килинади?
  - Табиий ресурслар тугаб қолиши мумкинми? Үнда инсоният тараққиёти пасайиб, яна ибтидоий ҳаётга кайтмайдими?
2. Матннинг гапдан катта синтактик бутунлик эканлиги нималарда кўринади?
3. Микро ва макроматнга нималар киради?

Ахборотни муносабатта мослаштириңг	Ахборотта муносабатни мослаштириңг
<p>Дунёда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири – келгуси авлодлар манфаатларини кўзлаган ҳолда ер ва сув ресурсларидан самарали, оқилона ва мақсадли фойдаланиш ҳисобланади. Жаҳонда, хусусан, Африка ва Осиё мамлакатларидаги демографик муаммолар, иқлиминг ўзгариши, ер ва сув ресурсларига эга бўлиш учун ракобат кўрашининг авж олиши каби омиллар озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва кам даромадли инсонларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш жараёнларига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.</p> <p>Дунё ахолиси сони жадаллик билан ортиб бормоқда. 2050 йилга бориб, аҳоли сони 9 млрд. кишидан ортиши кутилмоқда. Уларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун кўшимча равишда 1 млрд. тоннадан ортиқ дон, 200 млн. тоннадан зиёд чорва маҳсулотлари ишлаб чиқариш зарур бўлади. Бугун ушбу мамлакатларда 1 млрд. киши тўйиб овқат емайди. Бу кўрсаткич Африкада 239 млн. Осиёда 578 млн. кишини ташкил этади.</p>	<p>Ушбу фикрдан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, бугунги кунда ер куррасидаги ҳар бир инсонни етарлича микдорда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда.</p>

Мутахассисларнинг фикрига қараганда, 2050 йилга бориб, қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариши ҳажмлари қарийб икки баробарга ортади. Ишлаб чиқариш технологияси ва техникасида жиддий сифат ўзгаришлари амалга оширилади. Аммо ушбу жараёнлар аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарлича таъминлаш муаммосини ҳал қилмайди. Бунинг натижасида дунёдаги ҳар 20 кишидан бири тўйиб овқат емайди. Очликка маҳкум бўлган аҳолининг катта қисми Африка ва Осиё мамлакатлари (370 млн.) ҳиссасига тўғри келади.

FAO маълумотларига кўра, ер ресурслари дунё бўйлаб но-текис тақсимланган, аҳолиси паст даромадга эга бўлган мамлакатлар жаҳон ер ресурсларининг атиги 22 фоизига эга, аммо уларда дунё аҳолисининг 38 фоизи истиқомат қиласди, ўрта даромадли мамлакатларда улар мос равишда 53 ва 47 фоиз, юқори даромадли мамлакатларда эса 25 ва 15 фоизни ташкил этади .

Шу билан бирга, ер ресурслари тарқибининг ҳам ўзига хослиги кузатилади. Масалан, паст даромадли мамлакатларда ишлов бериладиган ерларнинг умумий ер майдонларидағи салмоғи атиги 15 фоиз, ўрмонлар 20 фоиз, яйловлар, ўсимлиги кам ва ўсимликсиз ерлар, аҳоли истиқомат жойлари ва ички сувлар остидаги ерлар мос равишда ер майдонларининг 20; 36; 26; 1,6 ва 1,4 фоизини ташкил этади. Ўрта ва юқори даромадли мамлакатларда эса ишлов бериладиган ерларнинг салмоғи яна ҳам камлиги (11 ва 12 фоиз) кузатилади.

Сўнгги 50 йил (1961-2014 йй.) мобайнида аҳоли жон бошига тўғри келадиган ва ишлов бериладиган ерлар 0,45 дан 0,22 га қадар, яъни 1,8 баробарга камайди.

Тадқиқотлар озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмлари ўсишининг 40 фоизини сугориладиган ерлар беришини кўрсатмоқда. Сугориладиган ерларнинг майдони жадал ортиб бормоқда. Агар 1961 йилда ишлов бериладиган ерларнинг атиги 10,2 фоизи сугориладиган ерларнинг ҳиссасига тўғри келса, 2014 йилга келиб ушбу миқдор 19,8 фоизни ташкил этмоқда.

Тадқиқотлар паст даромадли ва аҳолиси кўп мамлакатларнинг аксарияти лалмикор ерларга тўғри келишини кўрсатмоқда. Ёғинларнинг мавсумийлиги ва барқарор эмаслиги эса ушбу ҳудудларда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни ва аҳолининг турмуш даражасини янада муракка-блаштиради ва буларнинг барчаси ер-сув ресурсларидан са-марали ва оқилона фойдаланиш масалаларининг долзарблигини оширади.

<http://biznes-daily.uz/ru/>

Демак, ривожланаётган мамлакатлар учун қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш масаласи алоҳида аҳамият касб этади.

Ушбу маълумотлар ер ресурсларининг ҳудудий тақсимотида ўзига хос номутаносибликлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Ривожланаётган ва эндиғина ривожланиш йўлига кирган мамлакатлар аҳолисининг кўплиги, ер ресурсларининг эса камлиги яқин ва узоқ келаҗакда озиқ-овқат маҳсулотларининг ишлаб чиқишида катта муаммоларни айнан ана шу мамлакатларда юзага келиши мумкинлигини кўрсатмоқда.



## ДУНЁДА ЕР-СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ХОЛАТИ ВА УНДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

90-машқ.



инвесторлар қишлоқ ҳўжалигида фойдаланиладиган энг унумдор ерларни сотиб ола бошладилар. Уларнинг асосий мақсади биоёқилғи ишлаб чиқариш ҳисобланади. Яхши ерларни сув босиши, қурғоқчиликнинг авж олиши ва сурилмалар ер-сув борасидаги муаммоларни янада кескинлаштиримоқда.

Сув ресурсларининг тақчиллиги ортиб, уларнинг шўрланиши ва ифлосланиши жараёнлари кучаймоқда. Катта дарёлар сув ҳажмининг атиги беш фоизи сақланиб қолган. Масалан, ҳозир Хуанхе дарёсининг суви денгизга етиб бормайди. Катта кўллар ва ички денгизлар сув ҳажми кескин камаймоқда. Европа ва Шимолий Америкадаги сув-ботқоқ ерлар қуриб, фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолди. Қирғоқбўйи ҳудудларида грунт сувларидан фойдаланиш натижасида уларнинг ифлосланиши ва шўрланиши жараёнлари фаоллашмоқда. Барча қитъаларда экотизимлар деградацияси, тупроқ сифатининг ёмонлашуви ва биохилма-хилликнинг йўқолиши кузатилмоқда.

Бугунги кунда қишлоқ ҳўжалиги буғхона газлари кўпайишининг асосий омили ҳисобланади. 13,5 фоиз буғхона газлари миқдори шу соҳага тўғри келади. Иқлимининг исиши, қурғоқчиликнинг авж олиши, ёғинларнинг мавсумий ўзгариши, экстремал об-ҳаво шароитларининг кўпайи-

Кейинги йиллардаги ўзгаришлар инсонни хавотирга солмоқда. Ривожланаётган мамлакатларда қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариши суръатлари камаймоқда. Қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариши ҳажмларини кўпайтириш учун ер-сув ресурсларига бўлган талаб кучаймоқда. Донли экинлар нархларининг кескин кўтарилиши натижасида ер-сув ресурсларига эгалик қилиш борасидаги рақобатни кучайтируди. Тижорат мақсадларини кўзлаган

ши натижасида фермерлар ўз ишлаб чиқаришларини самарали равишда башорат қилиш имкониятларидан маҳрум бўлмоқдалар. Паст даромадли мамлакатлардаги фермерларнинг ушбу ўзгаришларга мослашуви жараёнлари қийин кечиб, ижтимоий аҳволи ёмонлашиб бормоқда. Агар бундай жараёнлар кейинчалик ҳам шу тарзда ривожланиб борса, озиқ-овқат хавфсизлиги муаммолари янада кучайиши ва уни ҳал қилиш йўллари янада қийинлашади. Бу жараён ирик ер-сув тизимларига салбий таъсир этиши ва озиқ-овқат хавфсизлигини янада кучайтириши мумкин.

Қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариши ҳажмларини ошириш учун эса ишлаб чиқариш жараёнларини интенсивлаштириш керак. Бунинг учун ер-сув ресурсларини бошқаришнинг барқарор усулларини жорий этиш ва улардан самарали фойдаланиш даражаси ва имкониятларини ошириш зарур. Бундай шароитларда қишлоқ ҳўжалигига ишлаб чиқариш усулларини танқидий нуқтаи назарда ўрганиш яхши самара беради.

Бугунги кунда қишлоқ ҳўжалиги юритиш усуллари эскирди, ер ресурслари тақчиллиги ортиб бормоқда. Ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланишга ташқи омиллар (иқлиминг ўзгариши, аграр соҳанинг бошқа тармоқлар билан рақобати, ўзига хос ижтимоий-иктисодий ўзгаришлар) нинг салбий таъсири кучайиб бормоқда. Шунинг учун ушбу тизимлар самарадорлигини ошириш учун таъсирчан чора-тадбирларни қўллаш зарур бўлади.

Олиб борилган тадқиқотлар озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва камбағалликка қарши курашиш мақсадларида ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш имкониятларининг катталигини кўрсатмоқда. Ҳукумат ва хусусий соҳа, фермерлар билан бирга ер-сув ресурсларини бошқаришнинг барқарор усулларини ҳаётга кенг татбиқ этиш борасида ташабbusлари таҳсинга лойик.

Бизнинг назаримизда, ер-сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришини нафақат барқарор интенсификациялаш ва ишлаб чиқариш таваккалчилигини пасайтириш каби усулларни татбиқ этиш борасидаги техник жиҳатларини, балки уни чекловчи омилларни ва ёндашувларнинг эгилувчанлигини таъминловчи қатор тадбирларни назарда тутиши лозим.



Буларга: рағбатлантириш тизимида мавжуд ноаниқликларни бартараф этиш; ердан фойдаланиш шаклларини яхшилаш ва ресурсларга эга бўлиш имконияти; ер-сув ресурслари билан шуғулланувчи институтларни мустаҳкамлаш ва улар фаолиятининг эгилувчанлигини таъминлаш; ёрдамчи усууллар (билимлар алмашинуви, амалий тадқиқотлар ва қишлоқ туманларини молиялаштириш) самарадорлигини таъминлаш, бозорга чиқиш ишончлилигини ошириш, яхшилаш ва бошқалар мисол бўлади.

Ер-сув ресурсларини бошқаришнинг барқарор усуулларини кенг жорий қилишда ҳалқаро ҳамжамиятнинг сиёсий бирлигига эҳтиёж катта. Бунда қишлоқ хўжалигини самарали юритишини таъминловчи молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чораларига эътибор бериш керак. Бунинг учун тадбиркорларни ер-сув ресурслари билан таъминлаш, соҳани ривожлантириш учун давлат бюджетидан ажратилаётган маблағларнинг камайиб боришига барҳам бериш зарур.

Молиялаштиришнинг янги усууллари (экотизим хизматлари учун тўловлар тизими)дан самарали фойдаланиш мумкин. Ер-сув ресурсларини бошқариш борасида ҳалқаро сиёsat ва ташуббусларнинг самарали интеграцияси учун шароит яратиш керак.

Ана шу тадбирларнинг самарали тарзда амалга оширилиши натижасида дунё аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш ва ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятлари пайдо бўлади.

(<http://biznes-daily.uz>)



1. Матннинг типи, услуги, жанрини аниқланг. Матннинг тили мавзуни тушунишингизда қийинчилик туғдирми? Нега? Сабабини изоҳланг. Уни бошқа услубдаги матнлар билан қиёсланг.
2. Ресурслардан фойдаланишда экологияга заарар етказилиш хавфи қанчалик юқори/паст даражада деб ўйлайсиз? Нега?
3. Экологик заарарни олдини олиш йўлларини айтинг? (Тахмин/моделлаштириш)
4. Сиз ресурслардан фойдаланишда яна қандай чеклов/назоратни ҳавола қиласдингиз?
5. Матн синтактик бирлик сифатида грухда муҳокама қилинг. Берилган матн асосида ўз фикрингизни баён этинг.
6. Матннинг бир бутунлигини таъминловчи омиллар ҳақида фикр юритинг.

## ЁДДА САҚЛАНГ!



Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари. Айрим ҳарфларнинг имлоси.

Унли фонемаларни ифодаловчи ҳарфлар имлоси

Аа ҳарфи қўйидаги ўринларда ёзилади: а) олд қатор кенг унлини ифодалаш учун: *ака, она, фан, мана, қалам, пахта* каби; б) баъзи сўзларнинг таркибида о га мойилроқ талаффуз қилинади, лекин аёзилади: *баҳор>боҳор, замон>зомон, савол>совол, гавда>говда, навқирон>новқирон, март>морт, зал>зол* каби; в) баъзи сўзларнинг таркибида и га мойилроқ талаффуз қилинади, лекин а ёзилади: *муомала >муомила, муҳокама >муҳокима, муносаба т>муносиба т* каби.

Оо ҳарфи қўйидаги ўринларда ёзилади: а) орқа қатор кенгунилини ифодалапт учун: *оила, она, ота, нон, баҳор, маъно, офтоб* каби;

б) ўзлашма сўзларда: ў га яқинроқ: *бокс>бўкс, тонна>тўнна, поезд>пўезд, опера>ўпера* каби; а га яқинроқ: *агроном>аграном, горизонт>гаризонт, доклад>даклат*, и га яқинроқ: *трактор>трактири, директор>директири, ректор>ректири* каби талаффуз қилинсада **оҳарфи ёзилади**.

И ҳарфи

Ии ҳарфи қўйидаги ўринларда ёзилади: а) қисқа ва олд қаторунилини ифодалаш учун: *билим, билан, бир, бирон, тил* каби; б) үрғулибўғинлардаги чўзиқ и унлисини ифодалаш учун: *лирика, Навоий, тарихий* каби; в) қ, х, г товушлари билан ёнмаён келганда қисқа вақаттиқроқ айтиладиган и унлисини ифодалаш учун: *қизил, қишлоқ, гишт, хирмон* каби; г) рус тили орқали ўзлашган сўзларда ыфонемасини ифодалаш учун: *виставка, посылка, виппса* каби.

Үуҳарфи қўйидаги ўринларда ёзилади: а) бир ва икки бўғинлис сўзлардаги қисқа у унлисини ифодалаш учун: *кун, тун, ҳурт; булут, уруғ, узум* каби; б) үрғули 'бўғиндаги чўзиқ у унлисини ифодалашучун: *архитектура, структура* каби; в) таркибида **о, а, у** унлиларидан бири бўлган бўғиндан сўнг в билан бошланадиган ёпиқ бўғинда келувчи у фонемасини ифодалаш учун: *цовун, совун, овул, совух, қирговул, товуш, тарвуз, масаввур, қуъур* каби; г) биринчи бўғинда, **у(ю)** келган сўзларнинг иккинчи бўтинида, айтилишига мувофиқ, **у (ю)** ёзилади: *турмуш, улуш, бутун, буюк, буюм, юлдуз, тугун, гумбур-гумбур* каби; д) сўзларнинг иккинчи очиқ бўғинида қ ёки г фонемаларидан кейин ҳам у ёзилади: *уйҳу, туйгу, ургу*.

Ўў ҳарфи қўйидаги ўринларда ёзилади: бир бўғинли сўзларда, кўп бўғинли сўзларнинг биринчи бўғинидаги ў ни ифодалаш учун: *ўт, қўл, ўтин, кўмир*, каби

Ээ ҳарфи қўйидаги ўринларда ёзилади: а) сўзларнинг бошқисмидаги э фонемасини ифодалаш учун: *экин, элак, экан, этак, экранкаби*; б) сўзларнинг ўртасида ўзича алоҳида бўғин ҳосил қилган эфонемасини ифодалаш учун: *поэзия, поэма* каби; в) сўз ичидаги бўғинбошида келган э фонемасини ифодалаш учун: *дуэт, дуэль* каби.

*Ее ҳарфи қўйидаги ўринларда ёзилади: а) сўз ёки бўғин бошидақўлланган, шунингдек, ўзи алоҳида бўғин ҳосил қилувчи й эфонемалар биримасини ифодалаш учун: *ер>йэр, ем>йэм, етмиш>йэтмиш, разъез>разъйэзд, елим>йэлим* каби; б) сўзларнингтаркибида ундошдан сўнг ёки икки ундош орасида келувчи эфонемасини ифодалаш учун: *кел>кэл, кет>кёт, тер>тэр, меҳмон>мэҳмон, телефон>тэлэфон* каби.*

*Ёё ҳарфи қўйидаги ўринларда ёзилади: а) сўз ёки бўғин бошидақўлланган, шунингдек ўзича бўғин ҳосил қилган йо фонемаларбериимасини ифодалаш учун: *ёш>йош, ёқ>йоқ, ёрдам>йордам, аёл>айол, пиёз>пийоз, тайёр>тайзор* каби; б) рус тилидан ўзлашганбаъзи сўзларда о тарзида айтиладиган фонемани ифодалаш учун: *самолёт>самольот, счёт>счыот, режиссёр>режиссъор, актёр>актъор* каби.*

### **Ундош фонемаларни ифодаловчи баъзи ҳарфларнинг имлоси**

1. *Бб* ҳарфининг имлоси: а) баъзи сўзларнинг охиридажарангиз **п** тарзида айтилса ҳам б ёзилади: *мактаб>мактап, жавоб>жавоп, китоб>китол, ёзиб>ёзип, олиб>олип* каби; б) баъзисўзларнинг бошида м тарзида айтилса ҳам б ёзилади: *бундай>мундай, бўйин>мўйин, бурун>мурун, буюм>муюм* каби.

2. *Ж* ҳарфининг имлоси: а) қоришиқ портловчи **дж** ундошини ифодалаш учун ёзилади: *жавоб>джавоб, жадвал>джадвал, жазо>джазо, жамоа>джамоа, жануб>джануб* каби; б) сиргалувчи **жундошини** ифодалаш учун ёзилади: *аждар, гижда, мужда, журнал, жюри, проектор* каби;

3. *Ни* ҳарфининг имлоси: а) сўз ўртасида **б, п, м** лаб ундошлари билан ёнма-ён келганда м тарзида айтилса ҳам, ҳар ваҳт н шаклида ёзилади: *шанба>шамба, сунбул>сумбул, манба>мамба, ёнбош>ёмбош, айланма>айламма* каби; б) сўз ўртасида **к, гг, қ, ғ** ундошлари билан ёнма-ён келганда, нг тарзида айтилса ҳам н ёзилади: *кўланка>кўлангка, аланга >аланггаг чанцамоҳ> чангҳамоҳ, қўшироҳ>қўнгғироқ* каби.

4. *Хх* ва *Ҳҳ* ҳарфларининг имлоси: а) ҳарфи қаттиқ талаффуз этиладиган чухур тил орқа ундоши ўрнида ёзилади: *хабар, хаёл, халоскор, хиёбон, пахта* каби; б) ҳарфи юмшоқ талаффуз этиладиган бўғиз ундоши ўрнида ёзилади: *ҳаво, ҳаёт, баҳор, таҳлил, соҳибкоркаби.*

### **Сўз қисмларининг имлоси**

Сўзнинг ўзак қисмига турли сўз ясовчи ёки шакл ясовчи қўшимчалар қўшилиши билан уларда турлича ўзгаришлар содирбўлади. Талаффуздаги бундай ўзгаришлар имлода ҳам ўз аксинитопади. Масалан: *сон+a = сана, онг+ла = англа, ёш+a = яша, от+a = ата, тара+қ = тароқ, сўра+қ = сўроқ, чанқа+қ ~ чанқоқ, бўя+қ = бўёқ* каби.

## 5

## ТАБИЙ РЕСУРСЛАРИ ДАВЛАТ НАЗОРАТИДА



## 91-машқ.

Ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофазақилиш, ер қаърини геологик ўрганиш ҳамда минерал ресурслардан оқилона фойдаланиш учун давлат қўйидаги талабларни назорат қилинишини тамиnlайди:

1. Ер ости бойликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш ҳамда чиқиндиларга нисбатан экологик назоратни амалга оширади.
2. Ер ости бойликларини муҳофазақилиш, минерал хом ашёниқайта ишлаш (нефть ва газ саноати бўйича) геологиялик назоратни амалга оширади.
3. Ер ости бойликларидан ўзбошимчалик билан фойдаланишни, фойдали қазилмалар жойлашган майдонларда асосланмаган ва ўзбошимчалик билан иморатлар қуришни бартараф этишни, шунингдек, ишларнинг саноатда фойдаланишга жалб этилмаган фойдали қазилма конларининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган салбий таъсирини бартараф этишни назорат қиласди.
4. Фойдали қазилмалар жойлашган майдонларда, шунингдек, фойдали қазилмалар қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари усти-

даги майдонларда иморатлар қуриш шартларига риоя этилишини назорат қиласы.

5. Ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соңындағы қонунчилік талабларига риоя этилиши устидан идоравий назоратни ташкил этади.

6. Ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан атроф-муҳитни ерқаъридан фойдаланиш билан боғлиқишиларнинг заарлы таъсиридан муҳофаза қилишга доир қонунчилікнинг бажарилиши ҳамда чора-тадбирларнинг амалга оширилишини назорат қиласы.

7. Ер қаъридан фойдаланиш, минерал хом ашёдан оқилона фойдаланиш билан боғлиқишиларнинг атроф-муҳитнинг экологик хавғасызлигини таъминланишини назорат қиласы.

8. Фойдали қазилма конларини қазиш ҳамда минерал хом ашёни қайта ишлапшынинг ресурсларни тежовчى технологиялардан фойдаланишни өрнөвжлантирилишини таъминлайди.

9. Кенг тарқалған фойдали қазилма конларини қазишнинг белгиланған қоида ва мөйөрларига риоя қилинишини таъминлади.

10. Ер қаъридан фойдаланиш ҳамда минерал хом ашёни қайта ишлап чоғида ифлосланиш, түлиб қолиши ҳамда издан чиқишидан атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя қилишни таъминлайди.

11. Ер қаърида заарлы моддалар, радиоактив чиқитлар ҳамда ишлаб чиқариш чиқитларининг белгиланған тартибда күмилишига риоя қилинишини назорат қиласы.

12. Ер қаъридан фойдаланиш чоғида сув ресурсларидан фойдаланиш, ер ости сувларининг ифлосланиши, чиқиңдиларга түлиши ҳамда камайишининг олдини олинишини таъминлайди.

13. Ер қаъридан фойдаланиш, шу жумладан, ер қаъридан фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда фойдаланиш жараёнида бўзилган ерларни улардан кейинчалик фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтирилишини назорат қиласы.



1. Ер қаъридан фойдаланиш қонун ва қоидалар асосида олиб борилиши тўғрими? Нега?
2. Табиий ресурслардан фойдаланишни давлат назорат қилгани тўғрими ёки хусусий корхоналарга ҳам шундай назоратни беригани маъқулми? Қандай ўйлайсиз?

- Ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан, шу жумладан, нефть ва газ саноати объектларида олиб бориладиган кон, бурғулаш ва бошқа ишларда хавфсизлик қоида ва меъёрларини кўрсатиб бера оласизми?
- Қуйидаги муаммолар келтирилган слайдларнинг табииий ресурслардан фойдаланиш мавзусига қандай алоқаси бор деб ўйлайсиз? Нега? Изоҳланг.



Сув ости ресурслардан нотўғри фойдаланиш: нефть қазиб олиш, балиқ овлаш ва ҳок.



Дон маҳсулотларини етиштириш ҳудудларининг кенгайиши, ер унумдорлигини ошириш учун химиявий моддалардан фойдаланилиши

**Ер-сув ресурслари, улардан  
самарали фойдаланиш**



**92-машқ.**

**НОТҮФРИ ФОЙДАЛАНСАНГИЗ, ЖАЗОЛАНАСИЗ, ИШОНИНГ!**

Инсон фаолиятининг табиатга оддий-иктисодий таъсири даврида маълум бир ҳудудларда сезиларли даражада экологик ҳавфсиз муҳитга таъсир этгани учун ҳам қадимги ёзув ва қонун кучига эга бўлган китобларда табиатга нисбатан инсонларниң эҳтиёткорона муносабатда бўлишлари кўрсатиб ўтилган. Масалан, зардуштийларниң “Авесто” китобига биноан болалар ёшлигиданоқ дараҳт кўчатларини ўтқазишлари шарт бўлган. Инсон бутун умри давомида сув, тупроқ, олов, умуман дунёдаги жамики яхши нарсаларни пок ва бус-бутун асрашга бурклидир. Ер, сув, ҳаво, оловни асраш қоидаларини бўзган киши 400 қамчи жазосига маҳкумдир. Сувни ифлос қилган ёки ов итини ўлдирган киши 10000 руҳиятни тетиклаштирадиган ўсимлик барги териши, 1000 та эчкиэмар, 1000та сув қўнғизи ва касаллик тарқатувчи пашшани ўлдириб, гуноҳини ювиши лозим бўлган.

Қадимги Вавилонда шоҳ Ҳаммурапи томонидан “Ўрмонлар муҳофазаси”га оид қонун бор йўғи шоҳнинг тириклик даврида (эр.ав. 1792-1750 й.да) ҳукм сурган холос. Худди шундай ҳолат эр.ав. III асрда Ҳиндистон рожаси Ашоки қарорига “Ҳайвонот дунёсини овлаш қоидалари” ҳам таал-луклидир.

Шундай қилиб, экологик ҳавфсизмуҳит инқизорзи инсон фаолиятининг атроф-муҳитга таъсирининг уч оқибатлари мажмуи – табиий ресурслар камайиши, атроф-муҳит ифлосланиши ва экологик тизимларни бузилиши маҳсулидир.

(<http://akadmvd.uz/>)



1. Матнни хатолари устида ишланг, таҳрир қилинг.
2. Қуйидаги йўналишларда концепцияларни ишлаб чиқинг:
  - А. Табиатнинг қонунлари концепциясини ишлаб чиқинг. Табиий ресурслардан фойдаланишда қўл келсин.
  - Б. Экологик инқироз сабаблари концепцияси.
  - В. Табиатга аралашмаслик концепцияси (Экологик тизимнинг айrim ҳудуд ва минтақаларда бузилганлигига бефарқлик).
  - Г. Табиий атроф-муҳитга инсоннинг мослашиши концепцияси.
  - Д. Экологик революциялар концепцияси (Истеъмолчилик психологиясидан чиқиши).
3. Экологик жазо ҳозирги кунда нега ишлатилмайди?

## АМАЛИЙ МАШФУЛОТ

*Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар*

### 1-топшириқ

1. Пунктуация пайдо бўлишида қанақа омиллар асосий роль ўйнаган?
2. Пунктуация пайдо бўлишини таъминлаган асосий омилларни изоҳланг.
3. Ўзбек пунктуацияси тарихи, тараққиёт йўллари, назарий-илмий асослари мураккаблигини исботланг.

### 2-топшириқ

1. Пунктуация пайдо бўлишининг ижтимоий тил ва ёзув тараққиёти билан боғлиқлигини баён қилинг.
2. Сода ва қўшма гапларда тиниш белгиларининг асослари қайси жиҳатдан ўхшаш ва фарқли хусусиятларга эга?
3. Пунктуация асослари ва принципларини фарқланг.
4. Нуқтанинг функциялари кенгайиб бориши нималарда кўринади?
5. Нуқта қандай вазифаларни бажаради?
6. Нуқта қандай усулларда ишлатилади?
7. Вергулнинг ишлатилиш ўринларини баён қилинг.
8. Вергул қандай вазифаларни бажаради?
9. Ўзбек тилида сўроқ белгисининг қандай ўринларда ишлатилади ва қандай вазифаларни бажаради?

10. Ундов белгисининг вазифалари нималардан иборат, у қаерларда ишлатилади?

11. Тире ўзбек тилда қандай вазифаларни бажаради?

12. Нуқтали вергул қайси ўринларда кўпроқ ишлатилади? Нима учун?

13. Икки нуқтанинг вазифалари нималардан иборат?

14. Қуйидаги гапларда тиниш белгилари қандай усулларда қўлланган?

«Тожмаҳал!» Мислсиз меҳру муҳаббат, қалб қўри, ақлу дониш меваси бўлган ҳилқат бу! Бунақанги ёруғ шаффофлик, бунақанги чароғон оқликини қаерда кўргансиз? Фақат ва фақат «Тожмаҳал»да!

Муҳаббатнинг борлигига, муҳаббатнинг абадийлигига, муҳаббатнинг сехрига қўйилган мунаввар ҳайкал бу! Бунда муҳаббат ва санъат уйғунилиги энг юкори чўққига кўтарилиган. Дунё дунё бўлибдики, севги шарафига қурилган бунақанги қасри олий, санъат обидасини кўрмаган. Ҳаммасидан ҳайратланарлиси шундаки, бу қасри олий ғойибдан келган эмас, уни сизу бизга ўхшаган одамлар яратишган! Демак, «Тожмаҳал»да инсоннинг энг олий мавжудот эканлиги ҳам мужассамдир. Мана, инсон қанчалар улуғ бунёдкордир!

### **1-топшириқ**

1. Тенгланиш, эргашиш ва аралаш алоқали мураккаб қўшма гапларни тушунтиринг ва уларнинг фарқларини мисоллар асосида изоҳланг.

2. *Бундай қабоҳатларга дам жаҳлинг чиқади, дам ачиниб йиглагинг келади; на ўтириб бирорга тушунтиргинг келади, на ичингда сақлагинг келади.* Ушбу гапнинг чизмасини чизинг.

3. Бадиий матндан teng боғланиши мураккаб қўшма гапларни топиб, улар компонентлари кесимларининг тузилишини тушунтиринг.

### **2-топшириқ**

1. Бош гап мураккаб қўшма гапнинг ўртасида келган эргашиш йўли билан тузилган мураккаб қўшма гапга битта мисол келтиринг.

2. Аралаш алоқали мураккаб қўшма гаплар қандай тузилади?

Тобе алоқали мураккаб қўшма гап қандай бўлади?

3. Тобе алоқали мураккаб қўшма гапларда эргаш гаплар бош гапга қандай йўл билан бирикади?

4. Бундай мураккаб қўшма гапларда бош гапнинг ўрни қаерда бўлади?

# 6

## ТАБИЙ РЕСУРСЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА



### 93-машқ.

Ҳозирги кунда сайёрамизда кечайтган қурғоқчилик ҳамда чўлланиш жараёни халқаро жамоатчиликнинг доимий дикқат-эътиборида турган глобал муаммолар сирасига киради.

Бу бежиз эмас. Чунки чўлланиш, ер деградацияси ва қурғоқчилик жиддий иқтисодий, ижтимоий ҳамда экологик муаммо сифатида дунёning кўплаб мамлакатлари озиқ-овқат хавфсизлигига, инсонлар саломатлигига салбий таъсир кўрсатяпти.

Бугунги кунда 100 дан зиёд давлатнинг 1,2 миллиард аҳолиси ана шундай ҳолатдан азият чекаётгани фикримиз тасдиғидир. Қолаверса, 1994 йилда БМТ томонидан ушбу долзарб масалага жаҳон ҳамжамияти эътиборини кенгроқ жалб этиш, экологик муаммога қарши курашда ҳамкорликни кучайтириш мақсадида Қаттиқ қурғоқчиликни бошдан кечираётган ва ёки чўлга айланиб бораётган мамлакатларда, айниқса, Африкада чўлга айланиб боришлиарга қарши кураш бўйича Конвенция қабул қилингани ҳам муаммонинг нечоғли жиддий эканлигини англатади. Бинобарин, мазкур Конвенция уни ратификация қилган давлатлар ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш, бу борада аҳоли хабардорлигини ошириш, шунингдек, қурғоқчилик оқибатларини бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутади.

Статистик маълумотларга кўра, дунё миқёсида чўлланиш ҳамда қурғоқчилик оқибатида ҳар йили 42 миллиард АҚШ долларига тенг қишлоқ хўжалиги экинлари нобуд бўлади. Қолаверса, келгусида иқлимнинг тобора исиши ва чўлларнинг кенгайиши сабабли озиқ-овқат маҳсулотлари этиштириш ҳажми камайиши баробарида, ҳайвонот ҳамда ўсимлик дунёсида ҳам кенг кўламли кўчишлар кузатилиши мумкин. Бу эса фаоллиги сустроқ бўлган турлар янги шароитга мослаша олмай, бутунлай йўқ бўлиб кетиш хавфи бор, деганидир.

БМТ Бош Ассамблеяси 2010 йилнинг январь ойидан 2020 йилнинг деқабрь ойига қадар “БМТнинг чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши кура-

шиш 10 йиллиги” деб эълон қилишидан мақсад ҳам мазкур муаммони бартараф этишга қаратилган саъй-ҳаракатларни бирлаштиришдан иборатdir.



- Сиз дарслигингизнинг 2-бўлимида ҳозирги кунда сайёрамизда кечакётган қурғоқчилик ҳамда чўлланиш жараёни халқаро жамоатчиликнинг доимий диққат-эътиборида турган глобал муаммолар сирасига кириши ҳақида ва унинг олдини олиш масаласи ҳақида танишгансиз, ёдингизга солинг ва фикрингизни баён этинг. Нима учун бу муаммога айланди?
- Чўлланиш оқибати нималарга олиб келади? Сиз бу муаммони бартараф этиш учун нима қилган бўлардингиз?
- Нега “БМТнинг чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш 10 йиллиги” деб эълон қилди?



“Демак, она табиат биздан мадад кутмоқда” мавзусида гуруҳда тақдимот тайёрланг.

### ЎТИЛГАН МАВЗУ ЙОЗАСИДАН ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

- Эргаш гапли қўшма гап деб нимага айтилади?
- Қандай гап бош гап дейилади?
- Эргаш гапнинг таърифини айтинг?
- Бош гап мазмунан қандай белги-хусусиятга эга бўлади?
- Бош гапнинг грамматик белги-хусусиятларини кўрсатинг.
- Эргаш гапнинг вазифаси нималардан иборат?
- Эргаш гап қандай грамматик белги-хусусиятларга эга?
- Эргаш гапли қўшма гапнинг қайси компоненти мавҳум, умумий маъноли бўлади?
  - Бош гап ҳақидаги қайси хукм тўғри?
  - Аниқ мазмунли бўлади.
  - Ҳавола бўлакли бўлади.
  - Маъноси изоҳланадиган бўлади.
  - Умумий, мавҳум мазмунли бўлади.
  - С, Д жавоблар тўғри.
- Бош гапнинг ҳокимлик мавқеини мисоллар асосида исботланг.

10. Эргаш гап бош гапга неча турли воситалар орқали боғланади?
11. Боғловчили эргашиш усулини изоҳланг?
12. Боғловчисиз эргашиш деганда нимани тушунасиз?
13. Нисбий сўзларнинг боғловчилик вазифасини тушунтиринг.
14. Боғловчи сўзлар ҳақида маълумот беринг.
15. Юкламаларнинг боғловчилик вазифасини тушунтиринг.
16. Эргаш гапни бош гапга боғлашда қайси келишик қўшимчалари фаол қатнашади?
17. Эргаш гапни бош гапга боғлашда оҳанг қандай роль ўйнайди?
18. Компонентларнинг ўринлашиши уларнинг боғланишига таъсирини изоҳланг.
19. *Бечора қиз бошига тушган савдоларни бирам қақшаб туриб айтдики, ачинганимизданқўзимиизга ёш олдик.* Гапдаги боғловчи воситаларни ишланг.
20. Юушиқ эргаш гапли қўшма гаплар компонентларини боғловчи воситалар берилганжавоб қайси?
  - А) феъл формалари, келишик қўшимчалари
  - Б) эргаштирувчи боғловчилар, юкламалар
  - С) нисбий сўзлар, оҳанг
  - Д) боғловчи сўзлар
  - Е) айтилганларнинг ҳаммаси тўғри
21. Боғловчи воситаларнинг қайси тури эргаш гапни бош гапга боғлашда энг фаолхисобланади?
22. Боп гапдаги бирор бўлакни изоҳловчи эргаш гаплар қайсилар?
23. Эга эргаш гап ҳақида маълумот беринг.
24. Кесим эргаш гапнинг грамматик хусусиятларини айтинг.
25. Аниқловчи эргаш гапни изоҳланг.
26. Тўлдирувчи эргаш гапнинг семантик-синтактик хусусиятларини кўрсатинг.
27. Аниқловчи эргаш гапни даража-миқдор эргаш гапга ўхшаш ва фарқли томонларини тушунтиринг.
28. *Юрак тандир эмаски, ўт қўйиб қиздирсанг.* Мазкур гап ҳақидаги хукмнинг қайси бири тўғри?
  - А) кесим эргаш гапли қўшма гап
  - Б) боғловчисиз қўшма гап
  - С) мураккаблашган содда гап
  - Д) аниқловчи эргаш гапли қўшма гап
  - Е) тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гап
29. Ушбу гапдаги эргаш гап эргаш гапнинг қайси турига киради?  
*Узумимиз бу йил шундай бўлиб бердики, ҳосилни сиздиrolмай қолдик.*
  - А. Аниқловчи эргаш гап.
  - Б. Даража-миқдор эргаш гап.
  - С. Тўлдирувчи эргаш гап.
  - Д. Равиш эргаш гап.

- Е. Натижа әргаш гап.
30. Эга, кесим, аниқловчи, түлдирувчи әргаш гапларни номлашда нимага ас-сланилган?
31. Сабаб әргаш гапнинг таърифини айтинг.
32. Шарт әргаш гап деб нимага айтилади?
33. Тўсиқсиз, мақсад ва натижа әргаш гапнинг таърифини айтинг.
34. Сабаб әргаш гап бош гапга қайси воситалар орқали боғланади?
35. Шарт әргаш гап ёзилган жавобни топинг.
- А) Меҳнат қилсангиз, баракаси оширади.
- Б) Келмасангиз, олмайсиз.
- Г) Ер кўкармай, мол тўймас.
- Д) Борсам, йўқ экансиз.
36. Тўлиқсиз әргаш гаплар бош гапга қайси воситалар орқали боғланади?
37. Мақсад әргаш гапларга 2 та мисол ёзинг.
38. Натижа әргаш гап қандай ҳосил бўлади?
39. Шартланганлик муносабати содда гапда ҳам ифодаланадими?
40. Сабаб муносабати қандай воситалар ёрдамида ифодаланади?
41. Ўрин әргаш гапнинг семантик – синтактика хусусиятларини кўрсатинг.
42. Пайт әргаш гап ҳақида маълумот беринг.
43. Равиш әргаш гап қандай семантик- синтактика хусусиятларга эга?
44. Ўлчов-даража әргаш гаплар қайси жиҳатлари билан характерланади?
45. Чоғишириш ва ўхшатиш әргаш гаплар ҳақида маълумот беринг.
46. Пайт ва ўрин әргаш гаплар берилган жавобларни топинг.
- А. Отни эгарлаб турган эдим, полвон отам кириб келиб қолди.
- Б. Сен қаерда бўлсанг, мен ҳам шу ерда бўламан.
- С. Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сендадир.
- Д. Баҳор келса, гул бўлади бу тоғлар.
- Е. А, В, Д жавоблар тўғри.
47. Боғловчисиз қўшма гап деб нимага айтилади?
48. Боғловчисиз қўшма гаплар ўз ичидаги қандай турларга бўлинади?
49. Боғловчисиз қўшма гап берилган жавоб қайси?
- А. Шундай кунлар бўлган, Алишер майдага тавишлар учун ҳам тангасиз қолган.
- В. Ҳеч ким, ҳеч нарса унутилмайди.
- С. Аёл борки, олам мунаввар.
- Д. Борсам, йўқ экансиз.
- Е. Инсон кўнгли шишадан нозик, тошдан қаттиқ.
50. Боғланган қўшма гапга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гап қандай воқеаларни ифодалайди?
51. Боғланган қўшма гапга синоним бўлган қўшма гап компонентлари ўзаро қандай мазмунмуносабатига эга?
53. Боғланган қўшма гапга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гап компонентлари ўзаро қандай боғланади?

54.Боғланган қўшма гапга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гап кесимлари қандайифодаланади?

55.Боғланган қўшма гапга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гаплар яна қандайхусусиятлар билан характерланади?

56. Боғланган қўшма гапга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гапни топинг.

А. Ўкталинг нияти холис, юраги тоза.

В. Чўллар бўстон бўлди, қўмлоқлар гулзор.

С.Қўнгироқ чалинди ва дарс бошланди.

Д. Боғда майнин куй янграр, гоҳо ёшларнинг қаҳ-қаҳаси эшитилиб қолар эди.

Е. А ва В жавоблар тўғри.

57.*Тургуной биринчи товушни эшитишда сесканди, сўнгра эса вахимага тушди* гапитўгрисидаги ҳукмингизни айтинг.

58. Эргаш гапли қўшма гапга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гап қисмлари қандаймазмун муносабатларини ифодалайди? Мисоллар келтириинг.

59. Эргаш гапли қўшма гапга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гап қисмлари ўзароқандай боғланади?

60.Эргаш гапли қўшма гапга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гапни топинг.

А.Тўғри бўлинг – бехавотир бўласиз.

В. Арава нотинч бўлди–сут чайқалади, тўкилади.

С. Яхши топиб гапиради, ёмон–қопиб.

Д. Чироқлар ёнди,ҳамма ёқ ёришиб кетди.

Е.А ва В жавоблар тўғри.

61.*Этларимни ништар билан тилсинлар, хону монимга ўт қўйисинлар, бошимдан тегирмонтоши юргизсинлар, мен сиздан ажралмайман.* Ушбу гап эргаш гапли қўшма гапнинг қайситурига синоним?

А) шарт эргаш гапли қўшма гапга

Б) аниқловчи эргаш гапли қўшма гапга

С) равиш эргаш гапли қўшма гапга

Д) тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гапга

Е) тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гапга

62.Боғловчисиз қўшма гапнинг эргаш гапли қўшма гапга синоним бўлиш сабабларинитушунтириинг.

63. *Шул эрур айбим, Муқимий, мардуми фаргонаман.* Ушбу гап қўшма гапнинг қайси турива типига киради? Ўз фикрингизни айтинг.

“АСТАНА ЭКСПО-2017”:  
ЎЗБЕКИСТОН ПАВИЛЬОНИДА НИМАЛАР БОР?



“Астана Экспо-2017”: Ўзбекистон павильони



Ўзбекистон асосий павильони

“Астана Экспо-2017” мажмуасига киришим билан Ўзбекистон павильонини қидирдим. Асосий кириш қисмининг бошида экан. Кўзга, дилга яқин байробимизни кўриб, шахдам қадам билан олға интилдим. Ушбу халқаро кўргазманинг мавзуси келажак энергияларига қаратилган бўлса-да, асосий мақсад мамлакатнинг имкониятларини намойиш этишдир. Павильонга киравериш деворларига улкан экран ўрнатилган бўлиб, унда Ватанимиз табиати, неъматлари, тарихий обидалари, энергия манбалари расмлари намойиш этилмоқда.

Ташқарига «Ravon R4 on Biofuel» маркали автомобилимиз қўйилган.



Қуёшдан қувват олувчи  
электромобиль

Биоёнилғи ва газолин билан ишлайдиган ушбу автомобиль 4 цилиндрли, 105/112 от кучига эга, 170/181 км/соат тезликда ҳаракатланади, шаҳар ичига ҳар 100 километрга 8,4 литр, шаҳар ташқарисига 5,3 литр биоёнилғи сарфлайди.

Ўзбекистон асосий павильони дизайнни футурологик фильмлардаги савовий кемаларни эслатади. Мутахассисларнинг атишича, Марказий Осиё давлатлари ичига энг инновацион павильон Ўзбекистонникидир.

Павильон марказига Турин политехника университети Тошкент филиали талабалари лойиҳалаштирган қуёш энергиясидан заряд олувчи электромобиль макети жойланган. 2 кишини сифдирувчи ушбу автомобиль 2 та кичик мотор билан ишлайди. Автомобиль кузовига қуёш батареялари ўрнатилади. Аккумуляторларни электр тармоғи орқали тўлиқ зарядлашга 4 соат, қуёш батареяси орқали 8 соат кетади. 50 км/соат соатгача ҳаракатланувчи ушбу автомобиль аккумулятори заряди 100 км масофани босиб ўтишга етади.

Намойишга гидроген системада ишловчи экологик “Матиз” автомобили ва экологик тоза, овозсиз электрокартинг, экокапсула (сайёҳлар учун қуёш нуридан зарядланувчи), водородли сварка аппарати ҳам қўйилган.

Тошкентлик талабалар ясаган турли робот қурилмалари қўпчиликда катта таассурот уйғотмоқда. Кубик-рубик йиғувчи, сумочи «Lego-конструктор», «TECHNOROBOT» робот-конструкторлари, турли интерактив экспериментларга мўлжалланган «Робот-гид» ва футбол ўйновчи роботларга ёшлар қизиқиш билдирамоқда.

Ўзбекистон павильони. 2-қават


Павильоннинг иккинчи қаватида ўзбекистонлик ҳунармандлар ишлариридан намуналар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, миллий пазандачилик неъматлари, Ўзбекистоннинг туризм имкониятлари намойиш этилган.

“Астана Экспо-2017” доирасида Ўзбекистон куни 5 сентябрь куни ўтказилади.

*Давронбек Тожиалиев*



*Тошкентлик талабалар ясаган робот*



© Davoronbek Tojaliyev | zyouz.com


## УЛКАН ШАР ИЧИДАГИ АСОСИЙ ПАВИЛЬОН

Асосий павильон – «Нур олам»га киришда узун навбат мавжуд. Ҳаммани бирданига киритишмаяпти. Ҳар уч минутда 40-50 кишини киритишмоқда. “Экспо-2017”нинг рамзига айланган ушбу бино 80 метр диаметр ва 100 баландлиги билан дунёдаги энг катта сферик иншоотdir.


Павильоннинг биринчи қаватида, асосан, Қозогистон республикаси тақдим этган лойиҳалар ўрин олган. Бинонинг энг юқори қисмига кўтарилишга – лифт олдида ҳам турнақатор навбат. Ярим соатлар навбатда қолиб кетдим. Улкан шарнинг ҳар бир қавати келажак энергиялари соҳаларига бағишиланган.

8-қават «Келажакдаги Астана» деб номланган. Лифтдан чиқишингиз билан сизни ойнали пол томон йўналтиришади. Қарийб юз метр баландликдан шаффоф ойна орқали пастдаги барча павильонлар кўринади. Баландликдан кўрқадиганларга тавсия қилинмайди. Бу бўлимда Қозогистон пойтахтида келажакда қилиниши режалаштирилган улкан технологик лойиҳалар баён қилинган.

2-7-қаватларда келажак энергияси музейи жойлашган бўлиб, ҳар бир қават маҳсус соҳаларга бағишиланган: космос энергияси, Қуёш энергияси, шамол энергияси, биомасса энергияси, кинетик энергия, сув энергияси. Ҳар бир соҳа бўйича интерактив кўргазмалар ташкил этилган: космос



«Нур олам» павильонининг маркази



© Davronbek Tojaliyev | zyouz.com

### *Келажакдаги Астана*

Энергияси бўлимида сайёralар, ою юлдузлар хонаси, космос музейи, болалар учун интерфаол ўйинлар ташкил этилган. Қуёш энергияси бўлимида улкан қуёш тасвиридаги музей бўлиб, унинг ичидаги қуёш энергияси билан боғлиқ медиа маълумотлар тақдим этилган. Шамол энергияси бўлимида сунъий шамоллар, ҳатто тўфонлар ҳам намойиш этилган.

*Давронбек Тожиалиев*

## ИЛОВА




### Нефролепис

Ломариопсис оиласи қирқүлоқлар туридаги ўсимлик нафақат ҳавони тозалайди, балки уни намлантиради ҳам. 2-3 нефролепис ўсимлиги 20 квадрат метргача бўлган майдонга эга иншоот намлигини 75 фоизгача ошира олади.



### Спатифиллюм

Ўсимлик ҳавони кўплаб заарли органик бирикмалардан тозалайди ва микроборганизмларни камайтиради. Спатифиллюм бензол, формальдегид, трихлорэтиленнинг табиий сорбенти ҳисобланади.



### Хитой аглаонемаси

Ўсимлик турли токсинларни, шу жумладан толуол ва ксиололни ҳам тортиб олишга қодир. Аглаонеманинг қўшимча устунлиги шундан иборатки, у микробларни ўлдирувчи моддаларни ажратиш хусусиятига эга.



### Тилларанг сциндапсус

Ўсимлик иншоотдаги ҳаво сифатини яхшилайди. У ҳавони айниқса бензол, формальдегид, толуол ва ксиололдан сармали тозалайди. Тилларанг сциндапсус ёруғликка у қадар муҳтоҷ эмас, шу боис у ёруғлик кам тушадиган иншоотлар учун айни муддао.

## **Бамбукли пальма**

Ўсимликни тўғридан-тўғри ёруғлик тушиш имкони бўлмаган иншоотларда ҳам сақлаш мумкин. У шундай шароитларда ҳам ҳавони заарли моддалардан тозалай олади. Компьютер ёнига қўйилганда эса, электромагнит нурланиш зарарини камайтиради.



## **Каучуксимон фикус**

Ҳавони ёпиқ иншоотларда энг кўп учровчи углерод оксиди, формальдегид, трихлорэтилен ва бошқа заарли моддалардан самарали тозалайди. Аюрведада бу ўсимликдан шунингдек, иншоот энергетикасини яхшилашда фойдаланилади.



## **Алоэ вера**

Ўсимлик ҳавони ифлослантирувчи кўплаб моддалар, шу жумладан формальдегид ва бензолдан фильтрлай олади. Бундан ташқари, у ҳаводаги оддий микроорганизмлар миқдорини камайтиради.



## **Филодендрон**

Ярим қоронғу иншоотларга ҳамда қуруқ шароитга чидамли. Филодендронлар ҳавода катта концентрацияда мавжуд бўлган формальдегид ва ксилол билан курашда самаралидир.



## БОШИ БЕРК КҮЧА



Хар бир одам биринчи галда ўз-ўзини тарбия қилиши керак. Ҳар биримиз ўз-ўзимизни, хусусан, кўнглимизни идора қилмоғимиз шарт.

*Toxip Malik.*

Содикнинг отаси ҳар куни маст бўлиб келар, уни ҳам, онасини ҳам уради. Бир куни мастиликда ҳамқишлоғини уриб, қамалиб кетди. Бир куни Содик мактабдан келса, онаси отасидан келган хатни ўқиб, йиглаб ўтирибди.

– Усиз яхши-ку, ойи,— деди бола онасига. – Ҳеч ким бизни урмайди, тепмайди, сўкмайди.

Ойиси саволни жавобсиз қолдирди. Вақт ўтиб, онаси Содик учун энг яқин одамига айланди. Онаси ишдан келиб, унга овқат тайёрлаб қўяр, кейин кутубхонадан олинган китобларни бирга ўқишарди. Уларни ўқиб, Содик кучли ваadolатли инсон бўлишни орзу қиласарди.

Лекин бирданига ҳаммаси ўзгариб кетди. Онаси турмушга чиқадиган бўлиб қолди. Бу гапни эшитиб, Содик:

– Ойи, менга бошқа дада олиб келасизми? Олиб келманг, мен қўрқаман, у ҳам мени уради, илтимос, ойижон, олиб келманг, мен сизнинг ҳамма айтганларингизни қиласман, — деб ёлворди.

Онаси уни бағрига босди.

– Бу адолатдан эмас-ку, ойи. Мен у билан яшашни истамайман.

– Ўғлим, бу — тақдир. Ҳамма иш ҳал бўлган.

Ўгай ота Содиққа ёқишига ҳаракат қиласы, лекин бола уни күрганда қайтарлиги тутиб қоларди. Синглиси туғилгач, у ўзини тамоман ёлғиз ҳисқила бошлади. Илгаргидай, мактабдан уйга шошмасди. Уйга келгани билан онасининг у билан гаплашишга вақти ҳам йўқ эди. Унинг вақти чақалоқдан ортмасди. Содиққа бу ёқмасди ва бир куни уйига келмади. Интернет клубда тунади. Шу куни мактабга дарс тайёрламай борди. Синф раҳбарига қўполлик қилди. Аълочи ўқувчисининг нега бирданига ўзгариб қолгани ўқитувчини қизиқтирилди. Содиқ кун бўйи кўчада санфийдиган одат чиқарди. Бир куни қамоқдан чиқкан қўшниси билан узоқ гаплашиб ўтиради. Шу куни у уйига ароқ ичиб борди. Бу ҳол бир ҳафта тақрорланди, шундагина онаси сезиб қолди.

– Ўғлим, дадангни ичкилик нималарга дучор қилганини кўрдингку, ароққа яқин йўламасанг бўларди. Сенга нима етмаяпти ўзи?

Гапга ўгай ота аралаши:

– Фойдаси йўқ, онаси, кўриб турибсанку, унинг қулоғига гап кирмайдиган бўлиб қолган. Ҳеч кимни ҳурмат қилмайди. Яқинда ичкиликка пул тополмай, уйдаги буюмларни ўғирлаб сотади, мана, кўрасан! Худди отасининг ўзи бўлади. Яхшиси, мен ички ишлар бўлимига бориб, балоғат ёшига етмаганлар нозирига ариза ёзаман. Жиноятнинг олдини олинглар, дейман.

Шу куни Содиқ тунни мижжга қоқмай ўтказди.

– Хўш, танишиб олайлик, – деди нозир биринчи учрашувда. – Нимага ҷақириганимни биласанми?

– Биламан, ўгай отам арз қилган. Ўгай-да, ўз ўғли бўлганида таржима-и-ҳолини булғамаган бўларди.

Улар узоқ сухбатлашишди. Насиҳатларни тинглаб бўлгач, Содиқ деди:

– Мени шу йўл билан тарбиялай оламан, деб ўйлаяпсизми? Атрофга қаранг, одамлар жуда ёмон бўлиб кетган, ҳамма ўзим бўлсам дейди, бир-бирини ғажиб ташлашга тайёр. Ёғочнинг бўшини қурт ейди. Мен ундаи бўлишни истамайман.

– Сен қизиқ бола экансанку, – ҳайрон бўлди нозир, унинг хulosасини эшитиб. – Ўзингнинг айбингни тан олишни истамайсану, одамларни жаҳлдор дейсан. Ўзинг, яхши бўлиб, онангга нима қилдинг? Нимасига ёрдам беряпсан? Умуман, умрингда кимгадир яхшилик қилганмисан?

– Мен ўзимни яхши деётганим йўқ. Қилаётган ишларимнинг нотўғри эканини ҳам биламан. Балки, ўгай отам айтганидай, ярамас, абллаҳ, итваччадирман. У ҳақорат қилаверади, мен жавобсиз қолдиришим керакми? Бир куни, албатта, ўчимни оламан.

– У ҳолда – қамалиб кетасан. Колонияга жўнатамиз.

– Ўгай отамнинг ҳақоратларини эшитгунча, уни бир ёқлик қилиб, колонияга кетганим яхши.

Орадан тўрт йил ўтди. Бир куни уйига келса, дастурхон тўрида инспектор ўтириби.

– Ишларинг яхшими, ука?

– Зўр!

– Унда нега судга чақиришяпти?

– Гувоҳ сифатида.

– Яъни, ўғирликка алоқам йўқ, демоқчисандა?

– Шундай. Мен ҳеч нарса ўғирламаганман. Тергов тугади. Судга мени гувоҳ сифатида чақиришяпти. Ўзингиз бизнинг уйга нима иш билан келдингиз?

– Ўғирлик қилмаган бўлсанг, яхши. Мен сени огоҳлантириш учун келдим. Ўғрилар гуруҳига қўшилиб олганингни биламан. Уларга кўпам ишонаверма, бир куни сотиб кетишади. Ҳатто, ўзлари ўғирлик қилиб, сени қаматиб юборишлари ҳам мумкин.

– Хавотир олманг, мен ҳам анои эмасман.

Орадан икки ой ўтди.

Нозирнинг телефони жиринглади.

– Ўғлимни полиция қамаб қўйибди, – деди Содикнинг онаси йиглаб. – Ўғирликда гумон қилинаётган экан.

Нозир терговчига телефон қилиб, Содик Нишонов ҳақиқатан ҳам ўғирлик қилаётган пайтда қўриқлаш хизмати ходимлари ушлаб олганини айтди.

– Ҳозир у қаерда?

– Тергов изоляторида.

Нозир рухсат олиб, тергов изоляторига келди. Содик унинг кўзига қарапашга ботинолмади.

– Квартира қўриқлаш хизматига топширилган экан, билмай қолибман. Бўлмаса, ушланмасдим, – деди у.

– Давлатимизнинг мақсади – жиноятчини қамаш эмас, тарбиялаш. Яқинда Элбошимиз ўз маърузасида колония ёшларни тарбияламайди, ақсинча, бузади, деди. Истасанг, сени қамоқдан олиб қоламан. Ёшлигинг, биринчи марта жиноятга қўл урганинг ҳисобга олинади. Шартли жазо беришади.

– Кераги йўқ. Озодликда қолишни истамайман.

– Нега?

– Мен ўзимни тўхтатиб олишим керак. Акс ҳолда каттароқ жиноятга қўл уришим мумкин. Оилас ва жамият мени шундай тарбиялаган. Адолатсизликларни кўравериб, чарчадим...

– Колониядан қўрқмайсанми?

Содиқ чуқур хўрсинди.

– Озодликда қолишдан қўрқаман. Боши берк кўчага кириб қолгандайман.

Содиқнинг суди ўтди. У билан бирга ҳамтовоқлари ҳам сўроқ қилинди. Ўғирлик қилганлар айбни бир-бирига ағдармоқчи бўлишди.

– Содиқжон, мана, кўрдингми, ошна-оғайниларинг қандай одамлар эканини?

– Кўрдим. Сиз айтганда ишонмаган эдим. Бошим деворга урилиб, кўзим очилгандай бўлди.

Суд тугади. Ҳакамлар ҳайъати маслаҳат хонасига кириб кетишди. Содиқ шу онда бўлиб ўтган воқеаларнинг барчаси бир зумда тушга айланаб қолишини истарди. Уйғониб кетсаю, ёмон туш экан, деб онасини қучоқлаб олса.

Ҳукм ўқилди. Содиқ уч йилга судланди. Нозир хайрлашиш учун унинг олдига борди.

– Ойимни кўрсангиз, айтиб қўйинг, мен уни яхши кўраман. Уч йил кўрмасам, чидай олмасам керак, сиз айтинг, менинг олдимга келиб турсин. Сиз айтсангиз, йўқ демайди...

*Авазхон Абдуфаттоҳ*

## ҚИМОР – ҚИЛАДИ ХУМОР



### Қозогистонлик қиморбоз 100 миллион тенге ютқазди

Қимор ўйинларида 100 миллион тенгедан ортиқ ютқазган Дониёр (исми ўзгартирилган) исмли йигит “Астана” каналига очиқ суҳбат беришга рози бўлди. Ўзига тўқ йигит 18 ёшидан қимор ўйнашни бошлаган. Вақти билан

тикиладиган пул миқдори ошиб борган, у эса ўзининг ҳамма пулларини онлайн-казинога солиб борган. Айрим ҳолларда ўйинга бир ойлик маошини тиккан кунлари ҳам бўлган.

Йигит шахсий ҳаёти устидан назоратни йўқотиб қўйганини бўйнига олди. Хорижга дам олишга борганида ҳам, миясида доимо қимор ўйинлари айланавераркан. Ҳозир Дониёр 26да. Унинг охирги ютқазган мулки – отаси совға қилган машина эди. Қарзини тўлашга кетган.

– Мен 18 ёшимдан ўртоқларим билан қарта ўйнашни бошлаганман. Енгил пулнинг мазасини сеза бошладим. Гиёҳвандлар наркотик моддаларга қарам бўлишса, мен қимор ўйинидан лаззатланардим. Мен шу ўйиннинг қулига айлангандим. У қандай рўй бераётганини тушунмасдим. Ўзимнинг ўтган ҳаётимни эслагим келмайди. Қариндош-уруг, яқинларим, ўртоқларимнинг бутун ишонч-хурматини йўқотдим. Ҳатто хотиним ҳам ташлаб кетди, оиласам барбод бўлди, – дейди қиморбоз.

Бутунжаҳон соғликни сақлаш ташкилоти инсоннинг ушбу ҳолатини қарамлик, қуллик деб изоҳлайди. Ўтган йилдан бошлаб қиморбозлик – қасаллик деб расмий равишда эълон қилинди. Агар инсон бир йил давомида ушбу заарли (ҳалокатли) одатини ташламаса, Бутунжаҳон соғликни сақлаш ташкилоти бундай ҳолатга руҳий қасаллик деб ташҳис қўйишни таклиф қилди.

Қиморбозлик Хитойда расмий равишда қасаллик деб эълон қилинган. У ерда қиморбозлар сони 350 миллионга етиб қолган. Қозогистонда эса қиморбозликни қасаллик деб тан олишга шошилишмаяпти. Ушбу ўйинларга қарам бўлиб қолганлар эса факат хусусий клиникаларда даволанишади, у ҳам жуда қимматга тушади.

М. Элтоева

## ВИЖДОННИ УХЛАТГАН ЎЙИН

25 ёшли қаршилашга улгурмаган Бахитжан осонгина даромад топиш илинжида танишларига эргашиб қиморга ружу қўйди. Ўйинхона иккинчи уйига айланди. Онаси раҳбарлик қилаётган дўконда сотувчи бўлиб ишласада, маошидан қониқмасди. Дастроб беш-олти минг тенге ютиб, қилаётган ишидан кўнгли таскин топаётган Бахитжан, бу билан чекланиб қолмади. Бундай қараса, дўстлари, ҳамтовоқлари фалон минг тенге тикиб, ундан икки баравар ортиқ даромад кўриб юришибди-я. Шу фикр унинг миясида ғужгон ўйнарди. Юрса ҳам, турса ҳам, савдо ишлари билан банд бўлса ҳам шу ўй уни тарқ этмади. Осонгина даромад олиш йўллари турганда машақкатга ўрин борми?



Бўш вақтини ўйинхоналарда ўтказаётган ўғлининг юриш-туриши онада хавотир уйғотсада, вақт ўтиши билан бу иллатни тарқ этишига умид қиласади. Бироқ, бу тарки одат – амри маҳол, деганлариdek, қизиқиши заррача сусаймади. Қиморхона бўш вақтини, тунларни ҳам бедор ўтказаётган ўғилнинг севимли масканига айланди. Натижада, онасининг сумкасидан пуллар ҳам йўқола бошлади. Ютуқ учун тикилаётган пуллар ҳар доим ҳам яхши фоиз олиб келавермаслигига гувоҳ бўлсада, нафси уни ўзига бўйсундира бошлади. Энди оила ҳам ўз жамғармасидаги пулларнинг камайиб бораётгандигидан ташвишга тушди. Бола банклардан насиялар ола бошлади. Биридан қутулиб улгурмай, иккинчисидан қарз оларди. Ўғилнинг танобини тортиб кўйишга ҳаракат қилишди. Бува ҳам набирасининг ножӯя ишларидан ғазабга тўлиб, тартибга чақирди. У эса қариндошлардан катта-катта қарзлар олардиу узолмасди, улар бундан умуман бехабар онадан пулларини сўраб келишарди. Банклардан олинган фалон минглик насияларнику, айтмай кўяверинг!

Эртаю кеч тиним билмай ишлаётган онанинг ташвишига ташвиш қўшилди. Буванинг пенсияси ҳам нафси ҳаккалак отган набира туфайли қўлига тегмайдиган бўлди. Қиморхоналар, ҳаром ўйинларга яқинлашмасликка ваъда берган ўғил оиласи билан муносабатларни ҳам ўйинга айлантириб юборди. Ўғил қарз сўрашдан, банклар эса интернет орқали насия беришдан тўхтамасди.

...Шу куни тунда ҳам ўйинхонага бориб қимор ўйнашни ният қилган эди. Тонгги соат 4лар чамаси буваси набирасининг қаерга кетаётганини сезиб қолиб, бу йўлдан тўхтатишга уринди. Бироқ қайсар набира буни англайдиган ҳолатда эмасди. Унинг нафси ўйинхонага бориб тезроқ пул

ютиб олса-ю, дўстларидан олган қарзларини узиб, майшатга чулғанса. Бобо набирасидан қимор учун олган 307 минг тенге қарзини қайтаришни талаб этди, Бахитжаннинг қайсарлигидан хафа бўлиб, қизига раҳми келди. Мана шу болага ҳам Яратган инсоф бериб, яқинларини қадрлашга ўрганса, қанийди!. Бироқ ади-бади айтишиб турган бола насиҳат тинглайдиган кайфиятда эмасди. Гаплари таъсир қилмаётганини кўрган бува аччиқ устида Бахитжаннинг бошига бир туширди. Ўзининг ҳаракатидан руҳан эзилган етмишлар чамасидаги бува ўз хонасига кириб, диванга чўзилди. Бундай муаммодан кейин кўзга уйқу келармиди?

Ха, келиши мумкин экан. Бу кўзлар мана шу танбеҳдан сўнг мангу юмилишини қария тасаввурига ҳам сиғдирмаган бўлса керак...

Мушт еган, танбех эшитган, аламзада набиранинг кўзига ҳеч нарса кўринмади. Ошхона пичоги бутун муаммоларини ҳал этадиган восита сингари унга ёрдамга келди. Диванда ётган кекса бувасининг қорнига бир неча бор пичоқ санчди. Кейин эса қўли етган жойга пала-партиш пичоқни санчаверди. Оғриқдан қичқираётган чол жойидан қўзғалиб, қаршилик кўрсатишга ҳаракат қилди, бироқ кучи етмади... Бахитжаннинг онаси Зауре даҳшатли қичқириқлардан уйғониб, отасининг хонасига отилди. Болласини отасининг жонсиз танасидан ажратишга уринаётган она ўғлининг бундай хунрезликка боришини ақлига сиғдиролмасди. Қўрқувга тушган она пичоқ кўтариб, “Она, мени кечиринг, бехосдан шундай бўлиб қолди” деяётган қотилдан орқага тисарилиб, отасининг ётоқхонасига қоча бошлади. Ўғил кириб, онасини тинчлантиришга ҳаракат қилди. Қилмиши учун узр сўраётган жигаргўшасининг овози она қулоғига кирмасди. Кўз ўнгидага фарзанди отасини аямай пичоқласа, қўли бобосининг қонига ботган бўлса. Кўзи қонга тўлган, ўзини идора қила олмайтган ўғил пичоқни энди онасиға йўналтириди. Кўкрак қафасига аямай пичоқ ураётган ўғлидан қочиб шкаф томонга бурилди, белига ҳамда ўнг буйрагига урилган пичоқ зарбидан сўнг онанинг жонсиз танаси ерга қулади...

Бахитжан қилмишини англайдиган ҳолатда эмасди. Ўзига келгач, жиноят изларидан қутула бошлади. Қадрдонларининг умрига зомин бўлганини мушоҳада қилиб ўтирумади, аксинча пичоқни тозалаб ювди, ич кийимларигача қон ўтиб кетганлиги боис уларни янгилаб, душда чўмилди, сочиқ билан ердаги қон изларини суртиб, хожатхонага улоқтириди. Жасадлар устидан ҳатлаб ўтиб, тоза кийимларини кийиб, совуққонлик билан онасиғи сумкасидан 341 минг тенгени олди. Эрталабки соат 05 лар атрофида А. исмли дўстининг уйига таксида келиб, 170 минг тенге қарзини берди. У ердан Шимкентнинг F. Иляев кўчасидаги “Луна бар” ўйин автоматларига келди, бироқ қоровул ёпиқлигини айтди. Кейин таксида Туркистон кўча-

сидаги “PS-4” ўйин залига борди. 500 тенге таксига қолдирди-ю, бошқа пулини ҳам кўкка совурди.

Пули тугагач, уйига қайтди. Кийимида қолган изларни йўқотишга ҳаракат қилди, бу қотилликка ҳеч алоқаси йўқдек, унга ҳужум қилган инсонлардан омон қолганини исботлаш мақсадида ўзини пичоқлашга уриниб кўрди... Жон ширинлик қилди. Буни уддалай олмагач, қўлинини кесиб, хаёлидаги “жиноятчилар”га қарши курашган бўлди. Эрталаб соат 9да ётоғига кириб, диванга чўзилди. Шу куни 14.30да уйқудан уйғониб, содир этган жиноятининг мудҳишлигини англай бошлади... Даставал ҳомиладор қайлиғи А.га қўнгироқ қилиб, “Онажон” деб йиғлашдан нарига ўтолмади.

Экспертиза хулосалари Бахитжаннинг қарияга 26 марта, онасиға эса 16 марта пичоқ санчганлигини аниқлади. Бахитжан бу қотилликни содир этмагани, балки терговчиларнинг унга тазийик ўтказаётгани ҳамда икрор бўлишга мажбурлашаётганини айтиб, терговни анча чалғитишга ҳаракат қилди. Вақт ўтиши билан жиноят содир этганлигини тан олди ҳамда айбига иқрор бўлди. Шимкент шаҳар жиноий ишлар бўйича туманлараро ихтисослашган судининг раиси илк бор судланаётганлиги, фарзанди борлигини эътиборга олиб, қотилни 15 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилди. Нафс, очкўзлик, оила олдидаги масъулиятсизлик, қиморга хуморлик нощукурликка олиб келди, ўғил қадрдонлари умрига зомин бўлди. Мудраётган виждан энди уйғонармикан?

*M. Саъдуллаева*

## Радио учун янгиликларнинг қисқа баёнини ёзиш

Хўш, янгиликлар бўллетени ёки қисқа баёни давомийлигини нималарга асосланиб белгилаган маъқул? Мазмуни қизиқарли бўллетенъ ёзиш учун ҳар бир янгилик вақти ўлчовини назарда тутиб туриш муҳим.

### Тингловчилар

Радиони ким тинглаётгани ҳақида ўйланг. Радиостанция тингловчилари сонини оширадиган ҳамда аудитория қизиқишиларига мос тушадиган қисқа янгиликларнинг яхши баёнини ёзиш йиллар мобайнидаги тажриба ортидан эришиладиган маҳоратdir.



Хелен Морган Винне Лондондаги Би-би-си Радио янгиликлари хонасида муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлайди. Унинг айтишича, тингловчилари-нгиз қизиқишларини англаш ҳамда сиз танлаган мавзуга таъсир кўрсатадиган биринчи нарса, бу:

### Давомийлик

Хўш, янгиликлар бюллетени ёки қисқа баёни давомийлигини нималарга асосланиб белгилаган маъқул? Мазмунни қизиқарли бюллетенъ ёзиш учун ҳар бир янгилик вақти ўлчовини назарда тутиб туриш муҳим. Бешта янгиликнинг узунлиги икки дақиқа бўлса, ёки олти ё етти янгиликни уч дақиқа давомида ўқиб тутатилса, ва бу янгиликлар орасида икки ёки уч овоз билан иллюстрация қилинса, буни мукаммал бюллетенъ деб аташ мумкин. Янгилик орасидаги овозларнинг узунлиги 35 сониядан ошмагани маъқул.

### Текшириш

Янгиликларни қайта-қайта текшириш нима учун муҳим? Сиз ишни бошлагандан кейин сиздан олдин тайёрланган янгиликлар баёнини ўқиб чиқинг, балки радиостанциянгиз бирор бир хабарни тарқатганидан кейин бирор бир ўзгариш бўлгандир, ҳодисалар орада яна ривожланган бўлиши мумкин. Бирор бир янгиликни эфирда ўқишдан олдин аввало уни ўзингиз тушуниб олганингизга ишонч ҳосил қилинг.

### Оддийлик

Янгиликлар бюллетенининг тили жуда оддий, тушунарли бўлиши талаб қилинади. Радио – бу имкон қадар сўзлашув тили дегани. Шунинг учун сиз янгилик ёзаётганда ҳар бир сўз ҳақида қайта-қайта ўйлаб, қарор қабул қилишингиз керак. Такрорга йўл қўймаслик лозим.

“Хабарларнинг кўпини икки ёки уч жумлада содда қилиб тушунтириш мумкин – ҳар бир янги қатор нимадир янгилик қўшишини англатади”, дейди Хелен Морган Винне.

### Янгилаш


Сиз кун мобайнинда ахборотни қандай янгилаб боришни яхши билишингиз керак. Агар бирор янгилик бир неча соатдан бўён оммавий ахборот воситалари эътиборида турган бўлса-ю, сиз унга янги бир қирра беришни истасангиз, асосий янгиликка муносабат қандай бўлаётганини ўрганишингиз мумкин. Агар кун бўйи одамлар радиода фақат бир янгиликни қайта-қайта эшитаверсалар, зерикиб қоладилар.

## Маслаҳат

Хелен Морган Винне янгилик ёзишда якуний маслаҳатни беради ва “балки бу энг муҳим нарсадир”, дея қўшимча қиласди: “Агар вақтингиз камлик қилаётган бўлса, кўмак сўранг. Сизнинг ишингиз жамоанинг таркибий қисми бўлган ишлардан ҳисобланади ва сизнинг ҳолатингизга ҳар ким тушиши мумкин”.

## Радио клип танлаш

Радио клип (ё парча) қидираётганда эсда қоларли, ёрқин ибораларни тутиб олишга ҳаракат қилинг. Сизнинг эътиборингизни жалб қилган нарса ноодатий ёки қизиқарли бўлиши мумкин. Сизнинг клипингиз гапираётган одамнинг ҳис-туйғусини намоён этиши мумкин.



Ўзингизнинг радиолавҳангиз учун ёзib келган овозларингиз орасидан сизга зарур радиоклипларни танлашдан илгари бунга тайёрланган бўлиш энг муҳим нарса, дейди Жўлиян Ваккари. Авваламбор ҳодисани яхши ўрганиб чиққанингизга ишонч хосил қилинг. Ўзингизнинг ёзган ёзувларингизни ўқиб чиқинг, шу мавзудаги рўзномалар мақолалари билан танишинг. Ўзингизнинг мақсадингизни яхши билсангиз, зарур клипни танлаб олишингиз осон бўлади. Сиз нимани кутаяпсиз, кечирим сўрашними, муҳим статистик маълумотни-ми ёки истеъфо ҳақидаги эълонними? Агар сиз мавзуни яхши билсангиз, яхши тайёргарлик кўрасиз.

## Клипни танлаш

Ўзингизга савол беринг: “Менга қанақа клип керак?” Бу клип сарлавҳа учунми – қисқа, аммо мазмунли, узунлиги 5-8 лаҳзадан иборат иборами? Ёки репортаж учун мен узунроқ, 20 сониялик клипни танлаганим маъқулми?

## Охиригича эшитиб чиқинг

Агар имкони бўлса, нутқ ёки интервьюни тўла эшитиб чиқинг! Биринчи дақиқадаёқ топиб олганингиз клип энг яхшиси деб ўйлаб, жуда муҳим иктибосни йўқотиб қўйманг, тағин. Кўпинча, олдиндан тайёрлаб қўйилган

баёнот ўқиб эшиттирилганидан кейин савол-жавоблар бошлангач, инсонлар анча жонли, табиий гапирадилар. Албатта, вақт тифиз бўлгани учун ҳар доим ҳам ёзиб келинган аудио клипни охиригача тинглашнинг имкони бўлмайди, бундай ҳолатда сиз биринчи маъқул клипни танлаганингиз дуруст.

### Эътиборли бўлинг

Сиз воқеалар ривожига хизмат қиласидиган ёки буткул янгилик сифатида янграши мумкин бўлган факт ва деталларга эътибор беринг. Қуйида Британиянинг собиқ молия вазири Алистер Дарлингнинг Афғонистонда ҳалок бўлаётган британияликлар сони ортаётгани борасидаги саволга жавоби берилган. Сиз ҳам маблағлар ҳақидаги савол-жавоб иштирокчисисиз. Жаноб Дарлинг жавобларидан қайси бирини танлаган бўлардингиз?

“*Биз у ердаги ҳозирлигимизни оширдик. Аммо биз фронт жабҳасига кучлар юбораётганда жуда, жуда эҳтиёт бўлишимиз, армия қўмондонлари ва штаб бошлиқларининг тавсияларига қулоқ тутишимиз лозим – қўшинлар сони борасида ҳам, бу қўшинлар зиммасига юкланаётган вазифалар борасида ҳам. Ва шуни ҳам ёдда тутиши лозимки, бизнинг одамларимиз, бизнинг қўшинларимиз амал қилаётган Ҳелманд вилоятида америкаликлар ҳам ўзларининг қўшинлари сонини оширди ва, албатта, улар бизга кўмак кўрсатишшапти*”.

“Уларга маблаг керакми?”

“*Агар улар қурол-ярог ёки фронт жабҳасида зарур нимага эҳтиёж сезсалар, албатта, ҳукумат Молия вазирлиги орқали ёрдам беришга тайёр. Қурол-ярог, уларга зарур бошқа ресурслар нуқтаи назаридан қўшинларни яхши таъминламасдан туриб, уларни фронт жабҳасига жўнатиб бўлмайди. Биз доим штаб бошлиқлари, қўмондон зобитлар билан қўшинларимиз талаб этилганидек таъминланганликлари масаласини муҳокама этиб турамиз. Биз буни қилишимиз шарт*”.

Мен Алистер Дарлинг айтган қўшинлар ресурсга муҳтоҷлиги ҳақидаги ҳар қандай янги сўровга жавоб беришга тайёрлиги ҳақидаги гаплари ёзилган иккинчи клипни танладим. Бу гап воқеалар ривожига янги туртки беради. Айнан мана шу янги туртки туфайли Алистер Дарлинг баёноти ўша тунда асосий янгиликка айланганди.

### Тингловчи дикқатини жалб қилиш

Радио клип қидираётганда эсда қоларли, ёрқин ибораларни тутиб олишга ҳаракат қилинг. Сизнинг эътиборингизни жалб қилган нарса ноодатий ёки қизиқарли бўлиши мумкин. Сизнинг клипингиз гапираётган одам-

нинг ҳис-туйғусини намоён этиши мумкин. Мисол учун ўша пайтда мухолифатда бўлган Консерваторлар раҳбари Дэвид Кэмерон ўша пайтдаги бош вазир Гордон Браун ҳақида Британия парламентида мана бундай чиқиши қилганди:

“Хозир шу ерда бўлган манбага кўра, Гордон Браун ўзини писанд қилишмаганидан кўзга кўринадиган даражада жаҳли чиққан ва мажлисни ўз вақтидан олдин тугатиб қўйган. У ўзининг устоз бўлишини хоҳлашини айтади, бу нарса эса унинг синфхонадаги назоратни қўлдан чиқариб юборганини кўрсатади”.

### Клипларни қисқартиринг

Зарур бўлмаган ибораларни кесиб ташланг. Мисол учун, “Менинг ишонишмча...”, “Ўйлайманки...”, “Менинг фикримча...”, “Менинг ҳисоботим шундай холосага келдики...” деган жумлаларни умуман олиб ташлаш мумкин. Бундан асосий фикр мазмунига зарар етмайди. Доим клипни қисқа қилишга ҳаракат қилинг.

### Ўйлаб таҳрир қилинг!

Ҳеч қачон сўзловчининг гапираётган гапи мазмунига путур этишига йўл қўйманг. Албатта, йўталишни, узун пауза ёки такрорланган сўзларни кесиб ташлаш мумкин. Аммо шуни назардан қочирмангки, баъзан кичик танаффусда ҳам бир мазмун бўлиши мумкин, айниқса, ҳаяжонли ҳолатларда. Ҳеч қачон Британия парламенти мажлисидан ёзиб олинган материални таҳрир қилманг.

### Клипнинг техник сифати

Ёзиб келган радио клипнинг сифати яхшими? Мисол учун, мобил телефондан ёзиб олинган сухбат айрим пайтларда ўрта тўлқинда эфирга узатиладиган радиодастур учун ярамайди. Масалан, АҚШ Президенти Обаманинг Африкада гапирган ушбу сўзлари:

“Ёшлар аҳолининг жами аҳолининг ... фоизини ташкил этади... ва ... пастдан юқорига қараб ўзгаряпти. ... қилишга қодирсиз ... бунинг удасидан чиқасиз.”

Албатта, бундай клипни радиодастурда ишлатиб бўлмайди. Сиз ўз клипнинг овози даражасини кўтаришингиз, паст ёки баланд қилишингиз мумкин. Бир сўз билан айтганда, клиплар сифати қанча яхши бўлса, тингловчилар шунча диққат билан дастурни эшитишади.

## ТАХРИИЯТ – ТАХТИМИЗ!

Сүнук кўксим тоғладим,  
Тақдиримни боғладим,  
Ва дилимни чоғладим,  
Рўзномам очилганда,  
Чор-атроф сочилганда.

Кўлга олгач қаламим,  
Тарқаб барча аламим,  
Халқقا битдим саломим,  
Рўзномада, илк сонда,  
Қалблар тинч, лабда ханда.

Бир фикримни ёзаман,  
Ўйлаб қун-тун озаман,  
Қийналдим-ку тоза ман,  
Рўзномам адади оз,  
Шундан бўйлар эмас ғоз.

Қарамай қари, ёшга,  
Нақшни ўйган тошга,  
Дўстни кўтарган бошга,  
Рўзномани ёяйлик,  
Бир-биримиз аяйлик.

Мен несини яширай,  
Яхвисини оширай,  
Уммонлардек тоширай,  
Рўзномамиз – баҳтимиз,  
Тахриият – таҳтимиз.

*Ҳавазмат ҚЎЧҚОРОВ,  
Қозогистон Ёзувчилар уюшмаси аҳзоси.*

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ш.Шоабдураҳмонов, М.Асқарова, А.Хожиев, И.Расулов, Х.Дониёров. Ҳозирги ўзбек адабийтили. 2- қисм, Тошкент, 1980.
2. А.Ғуломов. М. Асқарова. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис.Т. 1987.
3. F.Абдураҳмонов ва бошқалар. Ўзбек тили грамматикаси.Т.1999.
4. Р.Сайфуллаева. Ҳозирги ўзбек тилида уюшувчи ва уюштирувчи элементлар. Тошкент, Университет, 1990.
5. Д.Ашуррова, Ф.Убайова, X.Болтобоева. Гапнинг уюшган ва ажратилган бўлаклари. Тошкент, 1962.
6. Г.Абдураҳмонов. Ўзбек тили грамматикаси «Синтаксис» Олий ўқув юртлари учун дарслик. Тошкент. «Ўқитувчи» 1996.
7. Д.Лутфуллаева, Р. Давлатова, М.Сапарниязова, Ҳозирги ўзбек адабий тили (2-қисм). Тошкент, 2018

# МУНДАРИЖА

---

Азиз ўқувчи .....	3
<b>I бўлим. МАНГУ БОҚИЙ ЭЛ – МУРОДУ МАҚСАДИМ</b>	
1. Мангу элнинг саркори .....	6
2. Мангу эл – асл орзуим менинг.....	14
3. Мангу элнинг 7 асосий қадриятлари .....	17
4. Буюк даштнинг етти қирраси .....	21
5. Буюк дашт – туркий оламнинг бешиги .....	26
6. Буюк дашт тарихига назар, тарихий онгни янгилаш .....	29
7. Буюк даштда буюк ипак йўли .....	33
8. Буюк дашт – туркий оламнинг генезиси.....	35
<b>I бўлим. АҲОНШУМУЛ МАСАЛАЛАР</b>	
1. Экологик муаммо – инсониятнинг глобал муаммоси .....	44
2. Ҳаво ҳароратининг ошиши – жиддий муаммо.....	48
3. Чўлланиш дунё миқёсидаги экологик муаммо.....	51
4. БМТ конвенцияси .....	53
5. Ер ва атмосферамиз биздан мадад кутмоқда.....	56
6. Ечим топилди: 1 триллион дона дарахт экиш ва глобал исишни тўхтатиш.....	59
7. Океанини пластикдан қутқариш йўли: роттердамда чиқиндилардан сузувчи боғ яратилди .....	63
8. Интернет тизими жаҳоншумул муаммоми ёки ютуқ .....	66
<b>III бўлим. МУСТАҶИЛЛИК ЙИЛЛАРДАГИ ҚОЗОҒИСТОН. ЭКСПО-2017</b>	
1. Халқаро сиёсатда Қозогистоннинг эътироф этилиши .....	70
2. Мустаҷиллик менга нима берди? .....	75
3. Довруғи оламга кетган, қозогистоним .....	78
4. Экспо-2017: келажак энергияси .....	80
5. “Expo-2017” халқаро ихтисослаштирилган кўргазмаси очилди.....	83
6. Expo-2017: “Астанага хуш келибсиз!” .....	85
<b>IV бўлим. ИНСОН ҲУҚУҚИ ВА ЭРКИНЛИГИ</b>	
1. Конституция – инсон учун .....	90
2. Яшаш ҳуқуқи – олий қадрият.....	93
3. «Давлат фуқароларнинг конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди» .....	99
4. Виждан эркинлиги ҳуқуқининг аҳамияти .....	101
5. Фуқароларнинг ҳуқуқи, эркинлиги давлат ҳимоясида .....	104
6. Фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи .....	107
7. Қозогистон республикасини ҳимоя қилиш – ҳар бир фуқаронинг бурчи .....	111

## **V бўлим. ОИЛА ВА ДЕМОГРАФИК ЎЗГАРИШЛАР**

1. Оила – юксак миллий қадрият .....	117
2. Демографик инқироз: жаҳон харитасида демографик ўзгаришлар юз бериши арафасида .....	122
3. Мангу элнинг саркори .....	124
4. Оиладаги демографик ўзгаришлар .....	127
5. Оила ва жамият .....	130
6. Демографик ривожланишни рағбатлантириш ва оила фаровонлиги даражасини ошириш .....	133
7. Соғлом оила – соғлом жамият .....	136
8. Ёшларнинг демографик фаолияти.....	139
9. Мустаҳкам оила – юрт таянчи.....	142

## **VI бўлим. БИОТЕХНОЛОГИЯ ВА ГЕНЕТИК ИНЖЕНЕРИЯ КЕЛАЖАГИ**

1. Тиб илмининг донишманди .....	146
2. Тиббиёт илмининг аҳамияти .....	149
3. Генетик инженерия келажаги .....	152
4. Генетиканинг селекция, тиббиёт, биотехнология, экология муамоларини ҳал қилишдаги роли .....	156
5. Озиқ-овқат ва озуқа маҳсулотлари биотехнологияси .....	159
6. Шифобахш ўсимликлар .....	162
7. Биотехнологиянинг ривожланишига катта ҳисса қўшган айрим йирик олимлар .....	165
8. Доривор мевалар .....	168
9. Доривор гиёҳлар .....	171

## **VII бўлим. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ**

1. Оммавий ахборот воситалари ва ғоявий таъсир кўрсатиш механизмлари	175
2. Газета – ахборот, ҳаракат ва ижод меваси! .....	178
3. Интернетнинг оав сифатида жамиятга таъсири .....	182
4. Журналист маҳорати – сифатли кўрсатув гарови .....	186
5. Жонли эфирда мулоқот - назоратни йўқотмасликни талаб этади .....	192

## **VIII бўлим. ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРДАН ТЕЖАМКОРЛИК БИЛАН ФОЙДАЛАНИШ**

1. Табиий ресурслар – инсон учун .....	197
2. Табиий ресурслар – инсон учун .....	202
3. Табиий ресурсларни муҳофаза қилиш .....	206
4. Дунёда ер-сув ресурсларидан фойдаланиш ҳолати ва ундан самарали фойдаланиш йўллари .....	210
5. Табиий ресурслари давлат назоратида .....	215
6. Табиий ресурслардан самарали фойдаланиш — долзарб масала.....	221
<i>Илова .....</i>	226
<i>Илова .....</i>	230

*Учебное издание*

**Ш. Наралиева, Н. Досметова**

## **ЎЗБЕК ТИЛИ**

**Умумтаълим мактабларининг  
9-синфи учун дарслик**

*(на узбекском языке)*

Редактор

*Ш. Наралиева*

Техн. редактор

*З. Бошанова*

Дизайн обложки

*Е. Мейрбеков*

Компьютерная верстка

*Д. Мансуровой*

ИБ №7425

Подписано к печати 16.09.2019 г. Формат 70×90<sup>1</sup>/16.  
Бумага офсетная. Гарнитура «SchoolBook Kza». Печать офсетная.  
Физ. печ. л. 15,5. Усл. печ. л. 18,13. Усл. кр. от. 72,54.  
Тираж 7000 экз. Заказ №



Республика Казахстан. Издательство «Жазушы», 050009.  
г. Алматы, проспект Абая, 143.  
E-mail: zhazushi@mail.ru

ISBN 978-601-200-674-2

9 786012 006742